



Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси  
хузуридаги Фискал институт



## СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

---

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ  
ОММАБОП ЖУРНАЛ



[www.soliqvahayot.uz](http://www.soliqvahayot.uz)

**“СОЛИҚ ВА ҲАЁТ” ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИ  
ТАҲРИРИЯТИ ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

**Таҳририят кенгаши раиси:** и.ф.д. Юсупов Каҳрамон Ахмедович

**Бош муҳаррир:** и.ф.д. проф. Қурбанов Зият Ниязович

**Таҳририят аъзолари:**

и.ф.д. Қудбиев Шерзод Давлатович

и.ф.д. проф. Засько Вадим Николаевич ( Россия Федерацииси)

и.ф.д. проф. Роздольская Ирина Владимировна ( Россия Федерацииси)

ю. ф. д. проф. Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович

т.ф.д.доц. Ақбаралиев Бахтиёр Бакирович

и.ф.ф.д. PhD Вассилис Полименис (Греция)

и.ф.н. доц. Эргашев Зафар Тоштургунович

и.ф.д. проф. Тошматов Шухрат Аманович

и.ф.д. проф. Хотамов Комил Раббимович

и.ф.д. проф. Қўзиева Наргиза Рамазановна

и.ф.д. проф. Худойқулов Садриддин Каримович

и.ф.д. проф. Исманов Иброҳим Набиевич

и.ф.д. проф. Ўрманов Жаҳонгир Жалолиддинович

и.ф.д. проф. Уразов Комил Баҳрамович

и.ф.д. доц. Исаев Фахриддин Икромович

**Маъсул муҳаррир:** Назаров Абдукарим Кушарович

**Веб администратор:** Қўйлиев Улуғбек Рашидович



**СОЛИҚ ВА ҲАЁТ**

[www.soliqvahayot.uz](http://www.soliqvahayot.uz)



|  |   |     |
|--|---|-----|
| <b>Davronov I.O.</b>                     | <i>Buxoro viloyatida mehmonxona xizmatlari bozoridagi raqobat muhiti</i>  | 5   |
| <b>Safayeva S.</b>                       | <i>Umumiy ovqatlanish korxonalarining mijozlar qoniqishi va xizmat ko'rsatish sifati o'rtaсидаги bog'liqlik</i>                     | 16  |
| <b>Shadiyeva G.M.<br/>Sultonov Sh.A.</b> | <i>Iqtisodiy o'sishni ta'minlashda farovonlikning o'rni</i>   | 22  |
| <b>Temirov M.X.</b>                      | <i>Moliyaviy nazorat metodologiyasi tashkilotning moliyaviy samaradorligi va muvaffaqiyatini oshirishning asosiy omili sifatida</i> | 29  |
| <b>Xamzayeva D.S.</b>                    | <i>Hududlarda turizm sohasining rivojlanish holati va tendensiyalari</i>  | 42  |
| <b>Абдуллаев Д.А.</b>                    | <i>Toғ-кон саноати корхоналарида фойда солиғини ҳисоблаш ва ундириш амалиётини тақомиллаштириши</i>                                 | 48  |
| <b>Абдуразаков А.А.</b>                  | <i>Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини тақомиллаштириши йўналишлари</i>  | 54  |
| <b>Болтаев А.С.</b>                      | <i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятида олинган маҳсулот ҳисобини тақомиллаштириши</i>  | 65  |
| <b>Ғиёсов А.А.</b>                       | <i>Норасмий жавобгарлик чораларини тартибга солиш масалалари</i>  | 74  |
| <b>Джалилов Д.А.</b>                     | <i>Капитал жамғарилишини доимий инвентаризация усули бўйича баҳолаш</i>   | 83  |
| <b>Козимжонов А.</b>                     | <i>Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ фойда солиғини ҳисобга олиш масалалари</i>                                   | 91  |
| <b>Муродбеков Б.Н.</b>                   | <i>Ўрта бизнесни ривожлантиришнинг Хитой тажрибаси</i>  | 99  |
| <b>Мустафаев Б.Р.</b>                    | <i>Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари</i>                         | 107 |

**Низамов А.А.  
Сайдова С.С.**

Минтақаларда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилишни ғаоллаштириш ўйлари **117**

**Очилов А.М.**

Солиқ мажбуриятларини бажариш маданиятини ошириш самарадорлиги: фискал масъулият сари ўйл **125**

**Рахимов З.К.**

Транспорт хизматларини ривожлантириш истиқболлари **133**

**Рахманова Ю.Ш.**

Инвестициявий кўчмас мулкни ҳисобга олишининг ўзига хос хусусиятлари **137**

**Саиткамолова С.С.**

Электр энергияси ишлаб чиқариш хорижий давлатлар тажрибаси ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари **145**

**Султонов Ш.И.**

Совершенствование использования технологий цифрового маркетинга на рынке банковских услуг **153**

**Уразов К.Б.  
Тўраева Ф.Р.**

Корхона активлари қадрсизланишини аниқлаш ва унинг натижаларини молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича халқаро стандартлар талабларига амал қилинганликнинг аудити **158**

**Хазратов А.П.**

Алоқа хизматлари тизимининг ривожи - иқтисодий тараққиёт ривожининг бош мезонидир **167**

**Янгибоев Ҳ.А.**

Давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда фойда солиги механизми таҳлили **174**

**Яриев Ш.Ш.**

Самарадорлик аудитининг назарий масалалари **183**



### BUXORO VILOYATIDA MEHMONXONA XIZMATLARI BOZORIDAGI RAQOBAT MUHITI

Davronov I.O.

Buxoro davlat universiteti

**Annotatsiya.** Ushbu tadqiqot ishinining asosiy maqsadi Buxoro viloyati mehmonxonalarini xizmat bozorida raqobat muhitini tahlil qilish, muammolarini ko'rib chiqish va o'rGANISH hisoblanadi. Mavzuning dolzarbligi shundan iboratki, hozirgi vaqtida raqobatbardosh mehmonxona bozorida mijoz va uning ehtiyojlariga yo'naltirilgan mehmonxonalar kelajakda barqaror rivojlanadigan mehmonxonalar qatoriga kiradi. Undan tashqari shuni inobatga olish joizki, mehmonxona xizmatlari sifatiga ta'sir etuvchi omillarga e'tibor qaratish mehmonxona xizmatlarini ishlab chiqarish samaradorligini va xizmat ko'rsatish darajasini oshirishda katta rol o'yнaydi. Mehmonxona rahbariyati oldida doimo xizmat sifatini doimiy ravishda takomillashtirish va boshqarish, uni kengaytirish, texnologiyalarni joriy etishga e'tibor qaratish zarurligi, muammolar sodir bo'lganda esa darhol bartaraf etish vazifasi turadi.

**Kalit so'zlar:** sifat, mehmonxona xizmatlari, sifat kategoriyasi, mehmonxona turlari, mijozlar ehtiyoji, sifat madaniyati, raqobatbardoshlik.

**Аннотация.** Основной целью данной исследовательской работы является анализ конкурентной среды на рынке услуг гостиниц Бухарской области, рассмотрение и изучение ее проблем. Актуальность темы заключается в том, что отели, которые в настоящее время ориентированы на клиента и его потребности, входят в число отелей, которые будут устойчиво развиваться в будущем. Кроме того, следует учитывать, что уделение внимания факторам, влияющим на качество гостиничных услуг, играет большую роль в повышении эффективности производства гостиничных услуг и уровня обслуживания. Перед руководством отеля всегда стоит задача постоянно улучшать и управлять качеством обслуживания, расширяя его, уделяя внимание внедрению технологий, и оперативно решать возникающие проблемы.

**Ключевые слова:** качество, гостиничные услуги, категория качества, типы гостиниц, потребности клиентов, культура качества, конкурентоспособность.

**Abstract.** The main purpose of this research work is to analyze the competitive environment in the service market of hotels of Bukhara region, consider and study its problems. The relevance of the topic is that hotels that are currently focused on the client and his needs are among the hotels that will develop sustainably in the future. In addition, it should be taken into account that paying attention to the factors affecting the quality of hotel services plays a major role in increasing the efficiency of production of hotel services and the level of service. The management of the hotel is always faced with the task of constantly improving and managing the quality of service, expanding it, paying attention to the introduction of technologies, and solving problems immediately.

**Key words:** quality, hotel services, quality category, hotel types, customer needs, quality culture, competitiveness.

## 1. Kirish.

So'nggi yillarda mehmondo'stlik industriyasi sezilarli o'zgarishlarga duch keldi. Turizm biznesining uzlusiz rivojlanishi bu sohada raqobatning kuchayishiga, raqobatning kuchayishi esa, o'z navbatida, mehmondo'stlik sifatiga qo'yiladigan talablarning oshishiga olib keldi.

2021-yil davomida O'zbekistonga tashrif buyurgan xorijiy sayyoohlар soni 1 881 345 nafarga yetib, turistik xizmatlar eksporti 422,1 mln. AQSH dollarini tashkil etdi. Pandemiyadan so'ng ichki turizmni tiklash va aholining tizimli sayohatlarini tashkil etishga alohida e'tibor qaratildi. Statistik ma'lumotlarga muvofiq, 2021-yilda hudud, ya'ni viloyatlar, Toshkent shahri, Qoraqalpog'iston Respublikasidan tashqariga chiqqan aholining safarlari soni qariyb 6 mln. ga (5 813,9 ming) yetdi.

Hududlarda 133 ta yangi mehmonxona (xonalar soni 3 384 ta) va 210 ta hostel (xonalar soni 1 946 ta) faoliyati yo'lga qo'yilib, jami joylashtirish vositalari soni 1 442 ta, ulardagi o'rinalar soni esa 71 247 taga yetkazildi.

Turistik obyektlarda internet tarmog'iga ulanish uchun joriy yilda 702 ta Wi-Fi nuqtalari tashkil etilib, ularning soni respublika bo'yicha 3450 taga yetkazildi.

Shuningdek, yil boshida turizm infratuzilmasini yaxshilash, xususan, yo'lovchi sayyoohlarning ko'zlangan manzil bo'ylab to'g'ri harakatlanishini ta'minlash bo'yicha jami 1 747 ta, shundan 2021-yil davomida 437 ta turistik yo'l ko'rsatkichlari o'rnatildi.

1 096 ta oilaviy mehmon uy (xonalar soni 3 952 ta) lari tashkil qilinib, ularning umumiyligi soni 2 458 ta, o'rinalar soni 21 018 taga yetdi<sup>1</sup>.

Biryoqlama iqtisodiyot barqaror bo'lmaydi. Shu bois mamlakatimizda iqtisodiyotni tarkibiy isloh qilib, keng ko'lamda rivojlantirish choralarini ko'rilmoxda. Xususan, turizm drayver sohalardan biri sifatida belgilanib, zarur sharoitlar yaratilmoqda.

Masalan, sayyohlarga viza berish yengillashtirildi. Aeroportlarda navbatlar va tekshirishlarga barham berildi, yashil yo'laklar qilindi. Valyuta ayrboshlash bemalol bo'ldi. Turizm korxonalari uchun ijtimoiy soliq va aylanma soliq stavkalari 1 foiz etib belgilandi, yer solig'i va mol-mulk soliq stavkalari 90 foizga kamaytirildi. Mehmon o'rinalari soni 2017 yilga nisbatan 3 barobar ko'payib, 125-mingtaga yetdi. Mehmonlar elektron ro'yxatdan o'tkaziladigan bo'ldi.

2022-yilda turizm pandemiyadan keyin qayta tiklandi. Sentyabrgacha yurtimizga kelgan xorijiy turistlar soni 2021 yilga nisbatan 3 baravarga ko'paydi. Yil boshidan buyon turizm eksporti hajmi 926 million dollar bo'ldi. Yurtimizga kelgan mehmonlarning sayohati o'rtacha 4-5 kungacha, sarflagan mablag'i 305 dollargacha ko'paydi.

Ichki sayyoohlар soni ham 2021-yilga nisbatan 3,5 baravarga o'sib, 7,5 million nafarni tashkil qildi.

Prezidentimiz bu sohaga alohida e'tibor qaratib, sharoit yaratayotgani bejiz emas. Chunki turizmda topilgan daromadning 30 foizi odamlarning qo'liga ish haqi bo'lib boradi. Boshqa tarmoqlarda bu 10 foizdan oshmaydi. Turizm sohasida yaratilgan bitta ish o'rni turdosh tarmoqlarda qo'shimcha ikkita ish o'rni paydo bo'lishiga turki beradi. Ya'ni, turizm ham aholi bandligini ta'minlash, daromadini ko'paytirish, ham xizmatlar eksportini oshirishda juda katta manba. Umuman, kelgusi yilda 7 million xorijiy va 12 million mahalliy turistlarni jalb qilish, turizm eksportini 2 milliard dollarga yetkazish imkoniyati borligi ta'kidlandi<sup>2</sup>.

Bugungi kunda har qanday mehmonxona mijozlari o'zlarini uchun yuqori darajadagi xizmat ko'rsatishni kutishadi, mehmonxonalarini tanlashda esa asosan avvalgi

<sup>1</sup> <https://uzbektourism.uz/news/view?id=2263> - Turizm va madaniy meros vazirligining hisobot matbuot anjumani

<sup>2</sup> <https://checkoffice.ru/blog/amp/1357/> - so'rovnomalarga asoslangan mobil audit platformasi

mehmonlarning qoldirgan fikrlari (review) asosida tanlashadi. Shuning uchun ko'pgina mehmonxona rahbariyati oldida yuqori standartni ya'ni sifatli xizmat ko'rsatishni ta'minlash vazifasi oldingi o'rinda turadi. Shuningdek, xizmat ko'rsatish sifatini oshirish bo'yicha uzluksiz ishlarni olib borish, kamchiliklarni o'z vaqtida aniqlash va ularni bartaraf etish, xizmat ko'rsatish sifati darajasini oshirish strategiyasini ishlab chiqish va unga puxta amal qilish kelajakda potensial mijozlarning oshishiga olib keladi.

Nazariy tadqiqotlar va amaliyot shuni ko'rsatadiki, xizmat ko'rsatish sifati ko'p jihatdan mijozning tanlangan mehmonxonaga qayta tashrif buyurishi yoki kelmasligi orqali aniqlanadi. Agar birinchi tashrif muvaffaqiyatli reklama (boy interyer, mazali menu va boshqalar) natijasi bo'lgan bo'lsa, unda mijozlarning sodiqligi va keyingi tashriflar tanlovi boshqa kriteriyalarga ham bog'liq bo'ladi. Mijozlarning xizmatlar sifatidan qoniqishi to'g'ridan-to'g'ri xodimlarning qanchalik mehmondo'st va xushmuomala bo'lganiga, xona qulay va shinamligiga, tozalash va jihozlar haqida shikoyatlar bo'lgan-bo'limganiga va hokazolarga bog'liq. Boshqacha qilib aytganda, mehmon kutgan sifat mehmonning umidlarini qay darajada oqladi.

## 2. Adabiyotlar sharhi.

Xizmat ko'rsatish sifati tushunchasi dastlab sifat ko'rsatkichlarining mukammal ko'rsatkichlariga mos kelishi sifatida ko'rib chiqilgan. Ushbu yondashuv bunday ko'rsatkichlar ahamiyatining haqiqiy darajasini va ularning maqsadli maksimal ahamiyatini o'lchashga asoslangan sifatni baholash usullarini aniqlab berardi. Shunday qilib, sifat tushunchasi har doim sifat standartlari tushunchasi, shuningdek, faoliyatning operasion standartlari bilan chambarchas bog'liq bo'lgan. Mehmonxona sohasida sifat ko'rsatkichlari bahosi tarixan, baholanayotgan ko'rsatkichlar qanchalik mehmonxona yoki mehmonxona tarmog'ining operasion standartlarida ko'rsatilgan maksimal ahamiyatni qanchalik to'g'ri aks ettirishi asosida o'lchangان.

Y.N.Garanina (2015) keltirishicha, mehmonxona sanoatida raqobat vositasi sifatida sifat tushunchasi asta-sekin rivojlanib bordi. Iste'molchining tanlovi va uning mehmonxona korxonasi xizmatlari sifatini baholashi ko'p jihatdan tarixning har bir lahzasida jamiyatning texnik, texnologik, madaniy va iqtisodiy rivojlanishiga asoslanar edi.

M.Morozov va T.Lvovalarning (2008) keltirishicha, xizmat sifatining milliy uch omilli modelida sifatni baholashga korporativ sifat omili – ma'lum bir mehmonxonaning imiji va ishbilarmonlik obro'si ta'sir ko'rsatgan, shuning uchun standartlarni ta'minlash, ayniqsa mehmonxona tarmoqlarining bozordagi ustunligini ta'minladi. Mehmonxonalarining hozirgi ish sharoitida, uch omilli modelda korporativ sifat omili nafaqat oldingi tajriba, brend imiji, balki, birinchi navbatda, amalda iste'molchilar bahosi tufayli mijozning tanloviga muhim ta'sir qiladi.

Mehmonxona xizmati sifati - bu mijozlarning dam olishlari, sayohatlari va turistik iste'molining boshqa tarkibiy qismlarida nazarda tutilgan yoki kutilayotgan ehtiyojlarini qondirish uchun mehmonxona xizmatlari xususiyatlari, xizmat ko'rsatish jarayonlari va shartlari to'plami. So'nggi yillarda ko'plab mehmonxona korxonalari mehmonlarga xizmat ko'rsatish tizimini takomillashtirish va xizmatlar sifatini oshirishni o'z farovonligining kaliti deb bilishadi. Xizmat sifati muammolari birinchi o'ringa chiqadi va mehmonxona sanoati kelajakka umidlarini ularning yechimiga bog'laydi. Mehmonxona biznesida muvaffaqiyatga erishish mumkin, agar mehmonxona boshqaruvining asosiy maqsadi xizmat ko'rsatish sifatining eng yuqori darajasiga erishish bo'lsa va mehmonxona boshqaruvining o'zi sifat menejmentiga aylantirilsa. A.Kotlyarovich (2021) sifatli mehmonxona xizmatlarini ko'rsatishda yuzaga keladigan muammolar tabiiy sabablarga ko'ra turli mehmonxonalarini doimiy ravishda tashvishga solayotganini ta'kidlaydi.

Xizmat ko'rsatish bozorining ochiqlik darajasini oshirish va mehmondo'stlik sanoati korxonalari o'rtasidagi raqobatning kuchayishi ular oldiga xizmatlar sifatini va mijozlar uchun jozibadorligini doimiy ravishda oshirish vazifasini qo'yadi. Iste'mol va iste'molchini o'zgartirish omili, uning murakkabligining o'sishi sifatni oshirish masalalarini birinchi o'ringa qo'yadi. Sifat deganda, iste'molchida qoniqish hissini yoki kamchiliklarning yo'qligini keltirib chiqaradigan, mijozdan qoniqish holatini oshiradigan xizmatning xususiyatlari va xarakterli xususiyatlari tushuniladi. Demak, sifat, eng avvalo, mijozning xizmatdan qoniqish hissi, sifatli xizmat esa mehmonning ehtiyojlarini qondiradigan xizmatdir. A.Donets (2013) fikricha, sifat darajasi, o'z navbatida, mehmondo'stlik korxonalarida mijozning haqiqiy va kerakli xizmat haqidagi g'oyalari mos kelishi darajasiga bog'liq.

Oxirgi yillarda kuchli raqobat sharoitida, birinchi navbatda, iste'molchilarning ehtiyojlarini qondirishga intiladigan mehmonxona korxonalari g'olib chiqadi. Muvaffaqiyatli faoliyat olib bormoqchi bo'lgan mehmonxonalar avvalo, o'zlarining iqtisodiy manfaatlarini ko'zlab, ijtimoiy ehtiyojlarni ta'minlaydi va mijozlarning istaklarini qondiradi. Ushbu maqsadlarga erishish uchun mehmonxona biznesi yangi texnologiyalarni joriy qilmoqda, xodimlarni boshqarishning yangi usullari va yangi xizmatlar paketlarini ishlab chiqmoqda. Amaliy tajriba shuni ko'rsatadiki, mehmonlarga xizmat ko'rsatishda bu muhim nazorat elementidir. E.Pogoreleva va A.Sergeyev (2017) fikricha, "xizmat ko'rsatish sifati" tushunchasi - bu turli xil xususiyatlar bilan tavsiflangan mehmonxona xizmatlarining butun majmuasi: mehmonxona xonalarining sifati, restoranda ko'rsatiladigan xizmatlar, ijara taklif qilinadigan texnik jihozlar; xodimlar bilan bevosita o'zaro aloqada xizmat ko'rsatish sifati; xushmuomalalik, do'stona munosabat, xodimlarning mehmonlarga nisbatan sezgirligi.

Mehmonxonada xizmat ko'rsatish sifatini oshirish va uni doimiy ravishda yuqori darajada ushlab turish qiyin va qimmatli vazifadir. Ammo bu yo'nalishda barcha zarur chora-tadbirlarni amalga oshirish o'z samarasini beradi, to'g'ro va aniq yondashuv orqali mehmonxonaning rentabelligini oshiradi. Zero, mijoz xizmatdan to'liq mammun bo'lib mehmonxonani tark etsa, kelajakda nafaqat uning o'zi, balki ushbu mehmonxonani tavsiya qiladigan do'stlari, hamkasblari, yaqinlari ham doimiy daromad manbaiga aylanishi mumkin.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, yangi mijozni qo'lga kiritish eski mijozni saqlab qolishdan ko'ra besh baravar qimmatga tushadi. Va bu farq, birinchi navbatda, marketing tadbirlari kompleksining narxini o'z ichiga oladi. Bu xizmatni yaxshilash muhim dalillardan biridir. Mehmonxonada mijozlarga xizmat ko'rsatishni yaxshilash uchun qo'shimcha xizmatlarni joriy qilish kerak bo'lishi mumkin (V.A.Nazarkina, B.I. Shteyngols,, 2014).

### **3. Tadqiqot metodologiyasi.**

Tadqiqot jarayonida xizmatlar sifatini yaxshilash va rivojlantirishga oid xalqaro hamda milliy tajribalar bo'yicha ilmiy tadqiqotlar o'rganildi. Maqolani shakllantirish jarayonida kuzatish va tanlab olish, ilmiy-nazariy, empirik kuzatuv usullardan foydalanilgan. Tadqiqot natijalarining ishonchligi tadqiqotda qo'llanilgan xorijiy va milliy statistik rasmiy manbalardan foydalanilgani bilan izohlanadi.

### **4. Tahlil va natijalar.**

Mehmonxona uchun raqobatbardosh bozorda qanday qolishni bilish juda muhimdir. Buning uchun esa mehmonxonalarda xizmat ko'rsatish sifati yuqori bo'lishi va mijozlarning barcha ehtiyojlarini qondirishi zarur.

1-jadval.  
Buxoro mehmonxonalarida xizmatlar sifati tahlili (10 ballik shkala bo'yicha)<sup>3</sup>

| <u>Hotel name</u>             | Buxoro<br>Malikasi | Hotel Volida<br>Boutique | Boutique<br>Hotel<br>Minzifa | Lyabi House<br>Hotel | Komil<br>Bukhara<br>Boutique<br>Hotel |
|-------------------------------|--------------------|--------------------------|------------------------------|----------------------|---------------------------------------|
| <u>Service<br/>categories</u> |                    |                          |                              |                      |                                       |
| <b>Staff</b>                  | 9.5                | 9.6                      | 9.7                          | 9.3                  | 9.7                                   |
| <b>Facilities</b>             | 8.9                | 9.3                      | 9.4                          | 8.9                  | 9.4                                   |
| <b>Cleanliness</b>            | 9.2                | 9.4                      | 9.5                          | 9.1                  | 9.4                                   |
| <b>Comfort</b>                | 9.1                | 9.4                      | 9.4                          | 9.7                  | 9.4                                   |
| <b>Value for<br/>money</b>    | 8.9                | 9.2                      | 9.4                          | 8.9                  | 9.3                                   |
| <b>Location</b>               | 9.9                | 9.7                      | 9.8                          | 9.9                  | 9.8                                   |
| <b>Free Wi-Fi</b>             | 9.1                | 8.9                      | 8.9                          | 8.3                  | 8.9                                   |
| <b>Overall:</b>               | <b>9</b>           | <b>9.3</b>               | <b>9.4</b>                   | <b>9</b>             | <b>9.5</b>                            |

Afsuski, bugungi kunda O'zbekistonda mehmonxona xizmatlari uchun qat'iy va aniq standartlar yo'q. Bu omil butun O'zbekiston mehmondo'stlik tizimini yirik xalqaro mehmonxona zanjirlari tizimidan ajratib turadi. G'arb mehmonxonalarining muvaffaqiyati asosan G'arbdan mavjud bo'lgan yuqori standartlar bilan belgilanadi.

Booking.com, Expedia.com va TripAdvisor, shuningdek mehmonxonalarini bron qilishga ixtisoslashgan boshqa web-saytlardagi sayyohlarning sharhlarini solishtirish va hisoblash natijasida turist uchun mehmonxona xizmatlari sifatining eng muhim mezonlari quyidagilar ekanligi aniqlandi:

- mehmonxonada xodimlarning yetarlicha ekanligi;
- mehmonxona xizmatlari bozorida mehmonxonaning ishonchliligi va obro'si;
- mehmonxona xodimlarining sezgirligi;
- mijozlarning ehtiyojlarini tushunish;
- mijoz uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarga ega bo'lish;
- xavfsizlik va boshqa sifat ko'rsatkichlari.

Mehmonxona xizmatlar sifatining raqobatbardoshligini baholash bo'yicha biz quyida xalqaro tajribani o'rganib chiqgan holda, mehmonxona xizmatlari sifatini baholashning ekspert tizimi taklif etganimiz.

2-jadval xizmatlarning raqobatbardoshligi uchun tanlangan mezonlarni aks ettiradi. Ularning bahosi ekspertlar tomonidan ushbu mezon bo'yicha (mijozlarning qoniqishiga qarab) qo'yilgan ballning ko'paytmasi va yig'indisi bir yoki 100% ga teng bo'lgan mezonlarning umumiyligi hajmidagi har bir mezonning ahamiyati (muhimlik koeffitsienti) bilan belgilanadi. Baholash qulayligi uchun har bir mezon turli baholash variantlariga ega (ballar shkalasi 0 dan 10 ballgacha) va ahamiyatlilik koeffitsienti 0 dan 1 gacha aniqlanadi.

Shunday qilib, turist uchun eng muhim mezonlar quyidagilardir: xodimlarning sezgirligi, uning mavjudligi, o'z vaqtidaligi, obro'si, xavfsizligi va mehmonxona xizmatlarining aniqligi. Mehmonxonada ishning asosiy qoidasi xodimlarning professional ishi, yuqori sifatli xizmat ko'rsatish va mehmonxona mijozlariga e'tibor va mijozlarning barcha ehtiyojlarini qondirish istagi bo'lganda mehmonxonada muvaffaqiyatga erishiladi. Xizmatlarning yuqori sifati mehmonxona muvaffaqiyatli faoliyatining asosiy ko'rsatkichidir. Hozirgi vaqtida sayyohlar har bir narsaga, xizmat ko'rsatishdagi har bir mayda-chuyda narsaga juda talabchan va e'tiborli bo'lib, ular doimo mehmonxonadan

<sup>3</sup> Muallif izlanishlaridan booking.com web sahifasidan olingan

ularga barcha asosiy xizmatlar – qulay turar joy, sifatli ovqatlanish, xavfsizlik, xodimlarning xushmuomalaligi va e'tibori bilan ta'minlanishini istaydi<sup>4</sup>.

## 2-jadval.

### **Mehmonxonalarda xizmatlari raqobatbardoshligi mezonlari**

| Mehmonxona xizmatlarining raqobatbardoshligi mezonlari                             | Turist uchun ko'rsatkichning ahamiyatlilik koeffitsienti (0-1) | Ko'rsatkich qiymati variantlari                        | Ball (1-10) |
|--|--|--|-------------|
| Mehmonxona xodimlarining hozirjavobligi  | 0,16   | Qisman   | 7           |
|  |  | To'liq   | 9           |
| Mehmonxona xizmatlarining aniqligi   | 0,12   | Ajoyib   | 9           |
|  |  | O'rtacha   | 5           |
|  |  | Yomon  | 3           |
| Ishonchlilik, mehmonxonaning obro'si   | 0,12   | Ishonchli  | 8           |
|  |  | Shubhali   | 4           |
|  |  | Yomon  | 0           |
| Aloqa  | 0,04   | Ha   | 8           |
|  |  | Yo'q   | 2           |
| Mehmonxona xizmatlarini o'z vaqtida taqdim etish                                   | 0,11   | O'z vaqtida  | 8           |
|  |  | Kechikish bilan  | 5           |
| Javobgarlik (mijozlarning barcha istaklarini qondirish va yordam berish istagi)    | 0,12   | Doimiy   | 9           |
|  |  | Vaqti-vaqti bilan                                      | 4           |
|  |  | Yordam bermaslik                                       | 0           |
| Mehmonxona xizmatlarini taqdim etish tezligi                                       | 0,06   | Tez  | 9           |
|  |  | O'rta  | 7           |
|  |  | Past   | 3           |
| Xavfsizlik   | 0,17   | Xavfsiz his qilish                                     | 9           |
|  |  | Ogohlik hissi  | 3           |
|  |  | Xavf hissi   | 0           |
| Xodimlarning xushmuomalaligi va munosabati   | 0,06   | Muloyim  | 8           |
|  |  | O'rta  | 7           |
|  |  | Chidab bo'lmas   | 0           |
| Kompaniya xodimlarining o'z mijozlariga individual yondashuvining namoyon bo'lishi | 0,02   | Namoyon qilinadi                                       | 8           |
|  |  | Kamdan-kam hollarda                                    | 4           |
|  |  | Ko'rsatmaydi   | 0           |
| Mijozlarni tushunish   | 0,04   | O'z mijozlarining ehtiyojlariiga e'tibor qaratish      | 8           |
|  |  | Tanlab mijozlarning ehtiyojlariiga e'tibor qaratish    | 6           |
|  |  | O'z mijozlarining ehtiyojlariiga e'tibor qaratilmaslik | 2           |

<sup>4</sup> E.Pogoreleva va A.Sergeyev (2017)

**Mehmonxonalarda xizmat ko'rsatish sifatiga ta'sir qiluvchi omillar.**

Mehmono'stlikni mezon sifatida miqdoriy jihatdan o'lchab bo'lmaydi, ammo mehmonlarning qoniqishini sifatli baholash mumkin. U quyidagi omillardan iborat:

- mehmonxonaning moddiy-texnik bazasining holati - bu omil jihozlar, joylashuv va yorug'lik bilan bog'liq bo'lgan barcha narsalarni o'zida mujassamlashtiradi: xonalarning joylashuvi va interyeri, xonalarda zarur maishiy texnika mavjudligi, mebellarning qulayligi, sifati, va boshqalar.,
  - xizmat haqida umumiy taassurot - xonalarni tozalash chastotasi va sifati, ro'yxatdan o'tish va ro'yxatdan chiqarish qulayligi, to'lov usullari va boshqalar,
  - xodimlarning professionalligi va malakasi - xizmat ko'rsatish tezligi, xushmuomalalik, yordam berishga tayyorlik, muloqot qilish madaniyati darajasi.

Zamonaviy mehmonxona korxonalarida eng muhim omil bu xizmat sifatini boshqarish bo'lib, u sifat standartlarini ishlab chiqish va joriy etish, xodimlarni o'qitish, mehmonxonaning barcha nuanslarida xizmat ko'rsatishni nazorat qilish, sozlash va yaxshilashni o'z ichiga oladi.

**Salbiy omillar.** Har qanday omil mijozning qoniqish darajasiga ijobiy ta'siri bilan birga, ijobiy taassurot yaratishga to'sqinlik qiladigan salbiy omillarni ham unutmaslik kerak. Ushbu omillardan biri butun mehmonxona biznesini boshqarishga xos bo'lgan konservativmdir. Bu xizmat sifatining pasayishiga olib keladi va quyidagi muammolarni keltirib chiqaradi:

- ko'rsatiladigan xizmatlarning yagona standartining yo'qligi – har qaysi xodimlar mehmonlarga turli yo'llar bilan xizmat ko'rsatishadi, bu esa mijozlar ehtiyojini qondirishga ta'sir qilmasdan qolmaydi;
- xodimlar va rahbariyat o'rtasida ikki tomonlama aloqaning yo'qligi (qoidaga ko'ra, aloqa bir tomonlama - "yuqoridan pastga"). Xodimlarning fikr-mulohazalari kamdan-kam hollarda hisobga olinadi. Bundan tashqari, rahbariyat ko'pincha "joyida sodir bo'lgan" muayyan muammolar haqida axborotga ega bo'lmaydi va shuning uchun bu muammolarni bartaraf etish choralarini ko'rmaydi. Nazorat tekshirov varaqalari bu yerda samarali yechim bo'lib xizmat qilishi mumkin. Tekshirish varaqalari xizmat ko'rsatish standartlariga rioya etilishini nazorat qilishni va kamchiliklarni aniqlashni osonlashtiradi, menejer va xodimlarning ishini soddallashtiradi;
- muammolarning haqiqiy sabablarini tushunmaslik yana bir salbiy omildir. Agar sifatli xizmat yetishmasligining asl sababi aniqlanmasa, bu yetishmovchilikni "izida" samarali tarzda bartaraf etishning iloji yo'q (masalan, xodimning qo'polligi ularning malakasini oshirishdagi kamchiliklarning natijasi bo'lisi mumkin);
- mehmonlarning shikoyatlariga tegishli javobning yo'qligi – shikoyatlar paydo bo'lganda ko'pincha boshqaruv strategiyasi sabab va oqibatlarni tahlil qilish va xizmat ko'rsatish jarayonini takomillashtirish emas, balki aybdorlarni qidirishga aylanadi;
- muvaffaqiyatli biznesda ma'lum bir rahbarga bog'lanmagan boshqaruv tizimi mavjudki bu orqali butun tashkilotni emas balki xodimlarni boshqarish orqali amalga oshiriladi. Bugungi kunda bu muammo asosan har qanday qurilmadan kirish mumkin bo'lgan korporativ axborot tarmoqlaridan foydalanish orqali hal qilinmoqda. Bunday tarmoq xizmat ko'rsatish standartlari bo'yicha dolzarb va doimiy yangilanib turadigan ma'lumotlarni o'z ichiga oladi va har qanday xodim unga kirish huquqiga ega. Ko'pgina kompaniyalar ma'lumotlarni tizimlashtirish va jarayonlarni boshqarish uchun maxsus mobil ilovalardan ham foydalanadilar. Yagona boshqaruv sxemasini yaratish mustaqil ob'ektiv standartlarni yaratish orqali rahbarning shaxsiyati bilan bog'liqlikdan xalos bo'lishga imkon beradi.

Yuqorida ko'rib chiqilgan salbiy omillar konservativ boshqaruv siyosatining natijasi bo'lib, endi samarali emas. Sifatli xizmat ko'rsatish bilan bog'liq muammolarni oldini olish va moliyaviy tavvakalchilik xavfini bartaraf etish uchun doim zamon bilan birga harakat

qilish va mijozlar ehtiyojini maksimal darajada qondirishga intilish kerak - faqat bu holda rentabellik muhim rol o'ynaydi.

**Xizmat ko'rsatish standartlarini qanday yaxshilash mumkin?** Xizmat sifatini oshirish quyidagi omillarga asoslanadi:

- xizmatdagi "zaif tomonlar"ni bilish va mehmonlarning xizmatdan noroziligini oldini olish maqsadida ularni oldindan o'rganish;
  - mijozlar ehtiyojini qondirish darajasini oshirish;
  - xodimlarni to'g'ri rag'batlantirish;
  - korxona boshqaruvi samaradorligini oshirish;
  - ichki va tashqi omadsizliklar sonini kamaytirish: mehmonxona haqida salbiy fikr, ko'rsatilayotgan xizmatlar sifatiga ishonchszilik, baxtsiz hodisalarни bartaraf etish (jihozlarni ta'mirlash uchun rejalashtirilmagan xarajatlar va boshqalar).

Mijozlarning ehtiyojlarini oldindan ko'ra olish va tushunish qobiliyati muvaffaqiyatning eng muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Mijozlarning sodiqligini oshirish mashaqqatlari va qiyin vazifadir, ammo uni muvaffaqiyatli hal qilish mehmonxona biznesi rentabelligining kalitiga aylanadi.

So'ngi yillarda mehmonxona biznesi bu butunlay mijozlar ehtiyojini qondirish va mijozlar kutadiganidan ham sifatlari xizmat ko'rsatishga qaratilgan. Ushbu maqsadga erishish uchun tashkilot faoliyatini doimiy ravishda yaxshilash, umumiy mehmonxona muammolarini hal qilishda hamma xodimlarni jalb qilish, ma'lumotlarni tahlil qilish va faktlar asosida qarorlar qabul qilish yordam beradi. Hozirda mehmonxona biznesi rivojlangan davlatlarida asosan foydalilaniladigan mobil audit xizmatlari - mijozlarning sodiqligini pasayishiga olib keladigan muammolarni aniqlashga va ularni ijobjiy hal qilishga yordam beradi.

**Xodimlar malakasini oshirish.** Ma'lumki, sifatsiz xizmat mijozda yaxshi xizmatdan ko'ra kuchliroq hissiy reaksiyaga sabab bo'ladi. Mijoz maqtashdan ko'ra salbiy sharh berishga tayyor. Bu kriteriyalarni inobatga olgan holda, xodimlarni malakasini oshirish va ularni tayyorlash xizmat ko'rsatish sifatini oshirish bo'yicha amalga oshirilgan harakatlar ro'yxatida birinchi o'rnlardan birini egallashi kerak.

Mehmonxona xodimlari professional kasbiy tayyorgarlikka (ideal holda - professional ta'limga) ega bo'lishi, mijoz uchun zarur bo'lgan barcha ma'lumotlarga ega bo'lishi va uni aniq va to'g'ri yetkaza olishi, shuningdek, o'z vazifalarini aniq bilishi va puxta egallashi kerak. Bundan tashqari, ayniqsa xodimlarning mehmonxonadagi muammolarni aniqlashga ega bo'lsa, mehmonxona haqida sayyoh shunchalik yoqimli taassurot qoldiradi.

Afsuski, rahbariyatda har daqiqada barcha xonalarda tozalash sifatini nazorat qilish imkonи yo'q. Biroq, bu yerda zamonaviy texnologiyalar orqali muammolarni hal qilish mumkin. Mobil audit xizmatlari mehmonxonadagi muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etish bo'yicha ishlarning to'liq siklini taqdim etadi, bu esa xodimlarning ish sifati va muhim bo'lgan kamchiliklarni tezkor nazorat qilish imkonini beradi. Mobil ilova orqali ma'lumotlarni tezkor uzatish va qulay nazorat ro'yxati tufayli monitoring vaqtini qisqartirish, muammoli joylarni aniq belgilash va kamchiliklarni bartaraf etish imkonini beradi.

**Ichki auditlarni o'tkazish.** Muntazam so'rovnomalari va ichki tadqiqotlar xizmat sifatini yaxshilashning yana bir foydali usuli hisoblanadi. Zaif nuqtalarni to'g'ri aniqlay olish va ularni darhol analiz qilib chiqish albatta, xizmat ko'rsatishni yaxshilash imkonini beradi va shu bilan birga mijozlarning sodiqligini oshiradi.

Mobil audit ilovalari qulay nazorat anketalari yordamida audit o'tkazish vaqtini sezilarli darajada qisqartirish imkonini beradi. Mobil audit hujjatlardan butunlay voz kechib, haqiqatan ham muhim biznes jarayonlariga e'tibor qaratish imkonini beradi. Tekshirish anketalar kutubxonasi doimiy ravishda yangilanadi va nazorat varaqlarining o'zi mehmonxona biznesidagi amaldagi xizmat ko'rsatish standartlariga mos keladi.

**Xodimlarni rag'batlantirish.** To'g'ridan-to'g'ri sohada ya'ni "ichkarida" ishlaydigan xodimlar mehmonxona xizmat sifati haqida bebaho ma'lumotlarga ega. Ular amaliyotdan kelib chiqgan holda ko'plab qimmatli maslahatlar berishi mumkin, shuning uchun xodimlarni tinglash muhim hisoblanadi. Bugungi kunda ko'plab kompaniyalar nafaqat mijozlar, balki xodimlarning qoniqish darajasini faol ravishda kuzatib boradilar. Bu ko'rsatkich ularning ishining muvaffaqiyatini aks ettiradi. Tajribali, professional xodimlar qimmatli boylikdir, shuning uchun mas'uliyatli va mehnatkash xodimlarni to'g'ri yo'l bilan rag'batlantirish muhimdir.

Bugungi kunda ko'plab mahalliy kompaniyalar Yevropa modeliga o'tishni olqishlaydilar, unga ko'ra vijdonli xodimlar rag'batlantiriladi - bonuslar, dap olish vaucherlari, diplomlar va boshqalar. Mehmonxona manfaati yo'lida halol va samarali mehnat qilayotganlarni ko'rish - o'z biznesi ravnaqiga intilayotgan uzoqni ko'ra oluvchi rahbarning vazifasidir.

**Zamonaviy texnologiyalardan foydalanish.** IT ning joriy etilishi mehmonxona biznesini rivojlantirishda yangi yo'naliishi deb atash mumkin. Bugungi kunda texnologiyalar va aqli mashinalar ko'pgina oddiy vazifalarni o'z zimmasiga olgan holda inson yordamchisi sifatida ishlaydi.

Hozirgi kunda deyarli barcha mehmonxonalar mijozlarga xonalarda bepul Wi-Fi taqdim etishyapti. Shuningdek, IT texnologiyalari orqali onlayn ro'yxatdan o'tish, virtual sayohat, internet orqali qo'shimcha xizmatlarga buyurtma berish, kecha-yu kunduz ma'lumot ega bo'lish va boshqa qo'shimcha funksiyalarni joriy qilish orqali mehmonxonada xizmat ko'rsatish sifatini oshirish mumkin<sup>5</sup>.

## 5. Xulosa.

Bugungi kunda zamonaviy va sifatli xizmat ko'rsatish bu mijozning istak va talablarini aniq tushunib, uning ehtiyojlarini to'la qondirish hisoblanadi. Zamonaviy texnologiyalar mehmonning ehtiyojini aniq tushunishga yordam beradi va shu bilan birga xodimlarning ishini soddalashtiradi. Onlayn xizmatlarni taqdim etish asosan mijoz va xodimlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni yanada samarali amalga oshirishga va operativ ishslash imkonini beradi. Mehmonxona menejmenti barcha muammolarni imkon qadar tezroq hal qilish imkoniga ega bo'ladi. Yuqorida berilgan ma'lumotlarga asosan quyidagi takliflar berildi:

1. Mehmonxonalarda mehmonlar so'rovnomasidan foydalangan mijozlar uchun anketa-so'rovnama o'tkazishning amaliy tajribasini joriy etish. Ushbu taklif mehmonxonada ko'rsatiladigan mehmonxona xizmatlari sifatini adekvat va ob'ektiv baholash jarayoniga yordam beradi. Mehmon beradigan fikrning o'ziga xos jihat shundaki, u mehmonxona boshqaruvi sohasida mutaxassis bo'lmagani uchun xizmat sifatini o'z qarashlari va taassurotlari asosida baholaydi. Shuning uchun, mehmonlar so'rovnomasi, birinchi navbatda, ko'pgina mehmonxonalar majmuasidagi xizmatdan olingan taassurotlarni aks ettirishga qaratilgan. Ushbu so'rovnomaning o'ziga xos jihat shundaki, mehmonxona mijoji nafaqat "ha" yoki "yo'q" degan savollarga javob beradi, balki o'z mulohazalariga izoh berishi yoki takliflar berishi, shuningdek, xizmat ko'rsatishning afzalliklariga e'tiborini qaratishi mumkin. Mehmonxona majmuasining mijozlari mehmonxona haqida o'z fikrlarini bildirishlari, mehmonxona ishidagi kuchli va zaif

---

<sup>5</sup> <https://checkoffice.ru/blog/amp/1357/> - so'rovnomalarga asoslangan mobil audit platformasi

tomonlarini aniqlashga ko'maklashadi va bu keyingi navbatda esa mehmonxonaning keljakda bu muammolarni bartaraf etishga harakat qilishi va tegishli faoliyatini amalga oshirishi uchun bevosita qo'llanma bo'ladi. Ushbu yangilik yordamida mijozlarning mehmonxonaning bevosita vakillari bo'lgan mehmonxona xodimlari bilan munosabatlarni nazorat qilish imkoniyatiga ega bo'lishadi;

2. Mehmonxona xizmatlari sifatini aniqlashda olib borilgan tadqiqotlar natijalarini monitoring qilish va baholash. Mehmonxona mijozlar bilan qayta aloqa o'rnatishi muhim hisoblanadi, bu esa olingan javoblarni baholash asosida ma'lumotlarni yangilash imkonini beradi. Mehmon so'rovnomasini o'rganish natijalari xizmat ko'rsatish bo'limi xodimlari uchun kasbiy tayyorgarlik dasturlari asosini tashkil qiladi. Ichki nazorat monitoring asosan mehmonxonada ushbu muammolarni mehmonlarning ehtiyojini qondirish nuqtai nazaridan ko'rib, sifatni yaxshilashga e'tibor qaratishga yordam beradi. Boshqa tomonдан esa sifatni nazorat qilish dasturi mehmonxona bo'limlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni yaxshilashga yordam beradi.

3. Mehmonxona xizmatlar sifatini yanada yaxshilashda kadrlar malakasini oshirish ham katta rol o'ynaydi. Hozirgi kunda ko'plab mehmonlar mijozlarning kasbiy etikasi va professionallik darjasiga ham e'tibor berishadi. Shuning uchun mehmonxona boshqaruvchilari tomonidan kadrlar uchun treninglar yoki malaka oshirish kurslarini tashkil etish xizmatlar sifatini yanada yaxshilashda muhim rol o'ynaydi.

4. Asosan, qabul qilish va joylashtirish xizmatlarida ishlaydigan mehmonxona xodimlar uchun til bilimlarini oshirish darajasiga e'tibor qaratish ham muhim hisoblanadi. Chunki xizmatning qanaqa ekanligini birinchi navbatda mijozlar shu xodimlar orqali amalga oshirishadi. Xodimlar kamida bitta chet tilini yaxshi bilishlari kerak, bu haqiqatdan ko'pgina mehmonxonalarda bunday emas. Ikkinchi (va undan ham ko'proq uchinchi) chet tilini bilish, afsuski, bu savol emas, chunki ingliz tilidan boshqa chet tilini bilishadigan bo'lsa ham, u holda bilim boshlang'ich darajada. Bunda mehmonxona tomonidan qo'shimcha chet tillarini o'rganishni yo'lga qo'yish maqsadga muvoffiq.

5. Mehmonxonani targ'ib qilishning barcha mumkin bo'lgan usullaridan foydalanish. Raqobat bozorida muvaffaqiyatga erishish uchun onlayn sayyohlik agentliklari va bron qilish saytlari bilan hamkorlik qilishga alohida e'tibor qaratish lozim. Bu yerda mehmonxona o'z veb-saytiga alohida e'tibor qaratishi va jiddiy hamkorlar bilan professional ishni olib borishi kerak. Bundan tashqari mehmonxona o'z saytida berilgan matn tafsilotlariga ham e'tibor qaratishi lozim. Veb-vositachilar o'z sahifalarida yuzlab standart mehmonxona tavsiflariga ega. Shuning uchun mehmonxonalar yorqin matn va illyustratsiyalardan foydalangan holda o'zlarini yangi hamkorlarga taklif qilishlari mumkin. Bu kichik sa'y-harakatlar mehmonxona majmuasi uchun ma'lum raqobatdosh ustunliklarni yaratadi.

### **Adabiyotlar:**

Гаранина, Е.Н. (2015) Клиентоориентированная концепция конкурентоспособности гостиницы / Е. Н. Гаранина // Вестник РМАТ. № 1. – С. 78-89.

Донец А.А. (2013) Повышение качества услуг как инструмент управления конкурентоспособностью гостиничного предприятия //Russian Journal of Economics and Law. №. 4 (28). – С. 138-143.

Котлярович А.П. (2021) Способы повышения качества обслуживания в индустрии гостеприимства //Новая экономика, бизнес и общество. С. 1178-1181.

Морозов, М. А., Львова Т. В. (2008) Анализ влияния качества средств размещения дестинации при организации делового туризма / М. А. Морозов, Т. В. Львова // Вестник Российского нового университета. Серия: Человек и общество. № 4. – С. 138-141.

Назаркина, В.А., & Штейнгольц, Б.И. (2014). Особенности потребительского спроса в гостиничной сфере. Наука о человеке: гуманитарные исследования, (2), 122-126.

Погорелова Э. И., Сергеев А.А. (2017) Качество обслуживания туристов в гостиницах как фактор привлечения туристов //Интерактивная наука. №. 11. – С. 193-196.



### UMUMIY OVQATLANISH KORXONALARINING MIJOZLAR QONIQISHI VA XIZMAT KO'RSATISH SIFATI O'RТАSIDAGI BOГ'LIQLIK

Safayeva S.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

**Annotatsiya.** Ushbu maqola, umumiy ovqatlanish korxonalarining xizmat ko'rsatish sifati va mijozlar qoniqish darajasiga ta'sir qiluvchi omillarni chuqur tahlil qilishga bag'ishlangan. Tadqiqot, mijozlar qoniqish darajasini baholash va xizmat ko'rsatish sifatining bu qoniqishga qanday ta'sir qilishini o'rganish uchun o'tkazilgan so'rovnomalari natijalariga asoslangan. Tahlil uslubi sifatida statistik ma'lumotlar, so'rovnomalari va soha mutaxassislarining fikr-mulohazalari qo'llanilgan. Maqolada, shuningdek, umumiy ovqatlanish korxonalarida uchraydigan muammolar va ularning samaradorligini oshirish uchun qo'yilgan takliflar ham ko'rib chiqilgan. Tadqiqot natijalari mijozlar qoniqishini oshirish va xizmat sifatini yaxshilashda muhim ahamiyatga ega.

**Kalit so'zlar:** umumiy ovqatlanish korxonasi, mijozlar qoniqishi, xizmat ko'rsatish sifati, sifatni boshqarish, sanitariya va gigiyena, raqobatbardoshlik

**Аннотация.** Данная статья посвящена углубленному анализу факторов, влияющих на качество обслуживания и удовлетворенность клиентов предприятий общественного питания. Исследование основано на результатах опросов, проводимых с целью оценки уровня удовлетворенности клиентов и того, как качество обслуживания влияет на эту удовлетворенность. В качестве метода анализа использовались статистические данные, анкеты и мнения экспертов отрасли. Также в статье рассматриваются проблемы, возникающие на предприятиях общественного питания, и предложения по повышению их эффективности. Результаты исследований важны для повышения удовлетворенности клиентов и улучшения качества обслуживания.

**Ключевые слова:** ресторанный бизнес, удовлетворенность клиентов, качество обслуживания, управление качеством, санитария и гигиена, конкурентоспособность.

**Abstract.** This article is devoted to an in-depth analysis of the factors affecting the service quality and customer satisfaction of catering establishments. The study is based on the results of surveys conducted to assess the level of customer satisfaction and how service quality affects this satisfaction. As a method of analysis, statistical data, questionnaires and opinions of industry experts were used. The article also examines the problems encountered in public catering establishments and suggestions for improving their efficiency. Research results are important in increasing customer satisfaction and improving service quality.

**Keywords:** catering business, customer satisfaction, service quality, quality management, sanitation and hygiene, competitiveness

## 1. Kirish.

Zamonaviy jamiyatda umumiyligi ovqatlanish korxonalarini, ularning xizmat ko'rsatish sifati va mijozlar talablarini qondirish qobiliyati muhim rol o'yinaydi. Joriy davrda, bu sohadagi korxonalar turli xil mijozlar talablarini qondirishda, sog'lom ovqatlanish tendensiylariga moslashishda, shuningdek, raqobatbardosh bozor sharoitida o'z o'rnnini mustahkamlashda duch keladigan qator muammolar va imkoniyatlarga ega (Azbuka restoratora, 2003).

Maqolaning asosiy maqsadi – umumiyligi ovqatlanish korxonalarining xizmat ko'rsatish sifatini baholash va ularning mijoz qoniqish darajasiga qanday ta'sir qilishini o'rganishdir. Bu jarayonda korxonalar qo'llayotgan texnologiyalar, xizmat ko'rsatish standartlari, xodimlar malakasi va mijozlar bilan aloqalar sifati kabi omillar diqqat markazida bo'ladi.

Ushbu tadqiqot, sohaning amaliy tomonlari bilan bir qatorda, nazariy asoslarini ham qamrab oladi. Tahlil qilish uslublarida statistik ma'lumotlar, so'rovnomalari, shuningdek, soha mutaxassislarining fikr-mulohazalari asos qilib olingan.

Ushbu ilmiy maqola umumiyligi ovqatlanish korxonalarini uchun muhim bo'lgan sifat ko'rsatkichlari va mijozlar qoniqishi o'rtasidagi bog'liqlikni ochib berishga qaratilgan. Shu orqali, ushbu sohada xizmat ko'rsatish sifatini oshirish va mijozlar qoniqishini ta'minlash yo'llarini ko'rsatib berish maqsad qilingan.

## 2. Adabiyotlar sharhi.

Xizmat sifati, o'z navbatida, vaqt o'tishi bilan barqarorroq bo'lgan va qulay yoki noqulay bo'lishi mumkin bo'lgan va xizmat ko'rsatuvchi provayder bilan diskret, qoniqarli aloqalar ketma-ketligidan tashkil topgan o'rganilgan moyillikdir.

Investment Management Group kompaniyasining bozor tadqiqotlari bo'yicha direktori Lin Szostak barcha turdag'i xizmatlarni molekulyar model ko'rinishida taqdim etdi, bu asosiy xizmatga qiymat qo'shuvchi qo'shimcha elementlarning vizual tasvirini taqdim etadi. Ushbu modelning markazida mijozning asosiy ehtiyojlarini to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita qondiradigan, lekin boshqa xizmat ko'rsatish xususiyatlari bilan bog'liq bo'lgan asosiy imtiyoz mavjud. Kimyoviy formulada bo'lgani kabi, elementlardan birini o'zgartirish butun tizimning xarakterini butunlay o'zgartirishi mumkin; xizmatlardan birini amalga oshirishdagi o'zgarishlar umuman xizmat g'oyasini butunlay o'zgartirishi mumkin (G.L.Shostack, 1977).

Fransuz tadqiqotchilari Per Egler va Erik Langard umumiyligi ovqatlanish korxonalarida xizmat ko'rsatishning yangi modelni taklif qilishdi, unga ko'ra asosiy xizmat har bir mahsulotga xos bo'lgan bir qator qo'shimcha xizmatlar bilan belgilanadi. Ushbu yondashuv G.L.Shostak (1977) tomonidan ham qo'llab-quvvatlanib, kengaytiriladi. U qo'shimcha xizmatlarni ikki guruhga ajratadi: asosiy xizmatdan foydalanishni osonlashtirish uchun zarur bo'lganlar va asosiy xizmatni iste'molchi nuqtai nazaridan yanada jozibador qilish uchun zarur bo'lganlar. Modelni P.Egler va E.Langar tomonidan taklif etilgan usul bo'yicha qurish jarayoni, birinchidan, qo'shimcha xizmatlar asosiysidan foydalanishga yordam beradimi, uni yanada jozibador qiladimi, degan savollarga javob berishga imkon beradi; ikkinchidan, mijozlar oxirida nima to'lashlari kerak, ya'ni xizmatning har bir elementi uchun alohida yoki uning barcha elementlari uchun umumiyligi narx belgilanishi kerak (I.G.Okrepliova, T.V.Semenova, 2013).

1980-yillarning o'rtalarida A.Zaytmal, A.Parasuraman va L.Berrilar tomonidan ishlab chiqilgan SERVQUAL metodologiyasiga ko'ra ista'molchining qoniqish darajasini baholashda ularga ko'rsatilayotgan xizmatlar turidan qat'i nazar, oddiy mezonlardan foydalanadilar:

- muloqot qobiliyatları;
- kompetentsiya - xizmat ko'rsatuvchi xodimlar zarur ko'nikma va bilimlarga ega;
- xushmuomalalik - xodimlar do'stona, hurmatli va g'amxo'r;

- ishonch - kompaniya va uning xodimlariga ishonishingiz mumkin, chunki ular haqiqatan ham har qanday iste'molchi talablarini qondirishga intiladi;
- ishonchlilik – xizmatlar aniq va barqaror darajada taqdim etiladi;
- ehtiyotkorlik - xodimlar muammolarni hal qilishda va mijozlar talablarini qondirishda sezgir va ijodiydir;
- mijozni tushunish - xodimlar mijozning ehtiyojlarini iloji boricha yaxshiroq tushunishga harakat qilishadi va ularning har biriga e'tibor berishadi (V.V.Usov, 2009).

### 3. Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqotning maqsadi sifatida umumiyligi ovqatlanish korxonalarining mijozlar qoniqish darajasiga va xizmat ko'rsatish sifatiga ta'sir qiluvchi asosiy omillarni aniqlash va tahlil qilish belgilangan.

Tadqiqot gipotezasi: Mijozlar qoniqishi bilan xizmat ko'rsatish sifati o'rtasida ijobiy korrelatsiya bor deb taxmin qilinadi.

Ma'lumotlarni yig'ishda so'rovnama usulidan foydalanildi. So'rovnama Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti va uning atrofida joylashgan umumiyligi ovqatlanish korxonalari xizmatidan foydalanuvchi 100 ta respondent o'rtasida o'tkazildi.

**1-jadval**

**So'rovnama natijalari<sup>1</sup>**

| <b>Respondentlar</b>                 | <b>Mijozlar<br/>qoniqishi (1-<br/>5)</b> | <b>Xizmat<br/>ko'rsatish sifati<br/>(1-5)</b> | <b>Izohlar</b>                |
|--------------------------------------|--|---|-------------------------------|
| 1,8,12,19,21,37,66,85,91,96          | 4  | 4   | Tez va samarali xizmat        |
| 2,3,34,38,44,47,48,56,59,64,72       | 3  | 3   | O'rtacha sifat                |
| 5,9,11,17,45,53,57,67,76,89,92,94    | 5  | 5   | A'lo darajada xizmat          |
| 4,7,10,13,14,15,18,22,25,27,35,43,46 | 2  | 2   | Kutilganidan past             |
| 16,20,23,24,26,28,29,30,33,39,62     | 4  | 4   | Yoqimli muhit                 |
| 6,31,32,41,50,58,69,84,87            | 5  | 5   | Mijozlar ehtiyojiga e'tiborli |
| 37,40,49,60,68,74,75,86,100          | 1  | 2   | Sezilarli kamchiliklar        |
| 42,51,52,63,77,78,79,95              | 3  | 3   | O'rtacha tajriba              |
| 55,65,70,73,80,93,97,98              | 4  | 4   | Sifatli taomlar               |
| 61,71,81,82,83,88,90,99              | 2  | 3   | Xizmatda kechikishlar         |

Ma'lumotlarni tahlil qilishda statisti va sifatli tahlili usullaridan foydalanilgan.

Statistik tahlildan quyidagicha foydalanilgan:

- descriptiv (tavsiflovchi) statistika mijozlar qoniqishi va xizmat ko'rsatish sifati ko'rsatkichlarini tavsiflash uchun ishlataladi.

<sup>1</sup> So'rovnama natijalari asosida muallif tomonidan tuzildi

- inferensial (xulosaviy) statistika, jumladan, korrelatsiya va regressiya tahlillari, gipotezani sinovdan o'tkazish uchun qo'llaniladi. Shuningdek, tadqiqot natijalarini sinovdan o'tkazish uchun Shapiro-Wilk testidan foydalanildi.

- Sifatli tahlil orqali ochiq savollarga berilgan javoblar va kuzatuvar natijalari tahlil qilinadi.

### 3. Tahlil va natijalar.

Xizmat ko'rsatish sifati va mijozlarning qoniqishi o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash maqsadida korrelyatsion-regression tahlil amalga oshirildi.

Korrelyatsiya koeffitsientining qiymati 0.806 bo'lib, bu ikki o'zgaruvchi o'rtasida kuchli ijobiy bog'liqlik mavjudligini bildiradi. P-qiymati juda past ( $4.29 \times 10 - 244.29 \times 10 - 24$ ), bu esa korrelatsiya natijasining statistik jihatdan juda ahamiyatli ekanligini ko'rsatadi.

Bu ijobiy korrelatsiya, umumi ovqatlanish korxonalarida xizmat ko'rsatish sifatining yaxshilanishi mijozlar qoniqish darajasining oshishiga bevosita ta'sir qilishi mumkinligini ko'rsatadi.

Ma'lumotlar asosida olingan korrelatsiya va regressiya tahlilining natijalari quyidagicha jadval ko'rinishida taqdim etiladi (2-jadval):

**2-jadval**

#### Korrelyatsiya va regressiya tahlilining natijalari<sup>2</sup>

| Ko'rsatkich              | Koeffitsient | Standart Xato | t-Statistika | P-qiymati | 95% Is. Oralig'i |
|--------------------------|--------------|---------------|--------------|-----------|------------------|
| const (Doimiy)           | 0.6361       | 0.196         | 3.241        | 0.002     | 0.247 to 1.026   |
| Xizmat ko'rsatish sifati | 0.8056       | 0.060         | 13.502       | 0.000     | 0.687 to 0.924   |

Bu jadvaldagi ma'lumotlarga quyidagilarni ifodalaydi:

- regressiya to'g'risining y-interseptsi (kesish nuqtasi) 0.6361 ga teng. Bu mijozlar qoniqishi o'rtacha darajasini xizmat ko'rsatish sifati ko'rsatkichi nolga teng bo'lgandagi holatni ifodalaydi.

- xizmat ko'rsatish sifati: koeffitsientning qiymati 0.8056 ga teng, bu xizmat ko'rsatish sifati 1 birligiga oshganda, mijozlar qoniqishi o'rtacha 0.8056 birligiga oshishini ko'rsatadi.

- xizmat ko'rsatish sifatining koeffitsienti uchun P-qiymati 0.000, bu 0.05 dan ancha past ekanligini bildiradi, ya'ni xizmat ko'rsatish sifati koeffitsienti statistik jihatdan juda ahamiyatli.

Tahlil natijalarining aniqligini tekshirish uchun Shapiro-Wilk normallik testidan foydalanildi.

**3-jadval**

#### Shapiro-Wilk normallik testining natijalari<sup>3</sup>

| Ma'lumot turi            | Shapiro Statistikasi | P-qiymati    |
|--------------------------|----------------------|--------------|
| Mijozlar qoniqishi       | 0.8999               | ~0.00000139  |
| Xizmat ko'rsatish sifati | 0.8813               | ~0.000000205 |

3-jadval, mijozlar qoniqishi va xizmat ko'rsatish sifati ma'lumotlari uchun Shapiro-Wilk testining statistik ko'rsatkichlarini va ularning p-qiymatlarini ko'rsatadi. Har ikkala holatda ham p-qiymat 0.05 dan ancha past, bu esa ma'lumotlarimizning normal taqsimotdan sezilarli darajada farq qilishini anglatadi.

Shuningdek, tadqiqot natijalari umumi ovqatlanish korxonalarida quyidagi yechimini kutayotgan muammolar mavjudligi ko'rsatadi:

<sup>2</sup> Muallif hisob-kitoblari asosida

<sup>3</sup> Muallif hisob-kitoblari asosida

Umumiy ovqatlanish korxonalarida uchraydigan muammolar turli xil bo'lishi mumkin va ularni quyidagi kategoriyalarga bo'lish mumkin:

Xodimlar yetarlicha tayyorgarlikka ega emsligi, bu esa mijozlar qoniqish darajasiga salbiy ta'sir ko'rsatayotganligi;

band vaqt va kunlarda xizmat ko'rsatish sekinlashishi, mijozlar kutish vaqtining uzayishi;

yangi va sifatli mahsulotlarni ta'minlashda qiyinchiliklar;

raqobatbardosh narxlarni belgilash va daromadlarni oshirishda muammolar.

oshxona, xizmat ko'rsatish va boshqa xarajatlarni samarali boshqarishda qiyinchiliklar;

sanitariya va gigiyena talablariga rioya etishda muammolar;

xavfsiz ovqatlanish standartlariga (masalan, 0027-22-son SanQvaN) rioya qilmaslik;

yangi ovqatlanish trendlari va mijozlar talablariga moslashishda qiyinchiliklar.

Umumiy ovqatlanish korxonalarida ushbu kabi muammolarni hal qilish orqali, ular mijozlar qoniqishini oshirish, operatsion samaradorlikni yaxshilash va raqobatbardoshligini oshirish imkoniyatiga ega.

#### **4. Xulosa.**

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, mijozlar qoniqishi darjasini bevosita xizmat ko'rsatish sifati bilan bog'liq ekan. Xizmat sifatining yaxshilanishi mijozlar qoniqish darajasining oshishiga olib keladi. Tadqiqotimiz umumiy ovqatlanish korxonalariga mijozlar qoniqishini oshirish va xizmat sifatini yaxshilash bo'yicha aniq yo'nalishlar taqdim etadi. Shuningdek, sohada davom etayotgan o'zgarishlar va yangi trendlarni inobatga olish muhimligi ta'kidlanadi.

Tadqiqotdan kelib chiqqan holda quyidagi takliflar shakllantirildi:

Umumiy ovqatlanish korxonalariga mijozlar ehtiyojlarini va xohishlarini muntazam ravishda tahlil qilish va baholash tavsiya etiladi. Bu mijozlar qoniqish darajasini oshirishda yordam beradi. Jumladan:

Muntazam treninglar va seminarlar orqali xodimlarning mijozlar bilan muloqot ko'nikmalarini va mahsulot bilimlarini oshirish;

Navbatlarni boshqarish tizimlarini joriy etish va xizmat jarayonlarini optimallashtirish.

Ta'minot zanjirini ishonchli va barqaror qilish uchun ta'minotchilar bilan uzoq muddatli hamkorliklar o'rnatish.

Mahsulotlar sifatini doimiy ravishda tekshirish va nazorat qilish tizimlarini ishlab chiqish.

Oshxona va ovqatlanish maydonchalarini doimiy tozalash va sanitariya talablariga rioya etish.

Yangi ovqatlanish trendlari va iste'molchilar xohish-istikclarini tahlil qilish.

Umumiy ovqatlanish korxonalariga qo'yiladigan sanitariya-gigiyena talablari (0027-22-son SanQvaN)ga qat'iy rioya qilish [5];

Qayta ishlanadigan materiallardan foydalanish, chiqindilarni kamaytirish choralarini ko'rish.

Ushbu takliflar umumiy ovqatlanish korxonalariga mijozlar qoniqish darajasini oshirish va xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilashda yordam beradi. Bu o'z navbatida, korxonalarning raqobatbardoshligini oshirishga va uzoq muddatli muvaffaqiyatga erishishga imkon beradi.

#### **Adabiyotlar:**

Shostack G.L. (1977) Breaking Free from Product Marketing // Journal of Marketing. April. P. 73-80.

Qaror (2022) O'zbekiston Respublikasi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmatining 2022-yil 14-iyuldaggi 14-son qaroriga ilova. Umumiy ovqatlanish korxonalariga qo'yiladigan sanitariya-gigiyena talablari (0027-22-son SanQvaN). <https://lex.uz/en/docs/-6166704>

Азбука ресторатора (2003): все, что нужно знать, чтобы преуспеть в ресторанном бизнесе. М.: Изд-во Жигульского, 215 с.

Окрепилова И.Г., Семенова Т.В. (2013) Методика оценки качества обслуживания на предприятии общественного питания // Экономика и управление. №1 (87). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-otsenki-kachestva-obsluzhivaniya-na-predpriyatiu-obschestvennogo-pitaniya> (дата обращения: 12.12.2023).

Усов, В.В. (2009) Организация обслуживания в ресторанах/ В.В Усов// - М.: Высшая школа.



### IQTISODIY O'SISHNI TA'MINLASHDA FAROVONLIKNING O'RNI

*i.f.d., prof. Shadiyeva G.M., i.f.n., prof. Sultonov Sh.A.  
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti*

**Annotatsiya.** Maqolada respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlarning hozirgi bosqichida iqtisodiyotni erkinlashtirish, mamlakatni modernizatsiyalash, makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash evaziga uzlusiz iqtisodiy o'sishga erishishdek dolzarb vazifa qo'yilgan. Bu esa o'z navbatida, iqtisodiyotda erishgan yutuqlarning asosi – bozor iqtisodiyoti, mulk shakllarining takomillashuvi, iqtisodiyotdagi keskin tuzilmaviy o'zgarishlar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi ham aholini turmush farovonligini oshishiga xizmat qiladi.

**Kalit so'zlar:** makroiqtisodiy barqarorlik, garovsiz kredit, iqtisodiyotni erkinlashtirish, mamlakatni modernizatsiyalash, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, umumiy daromad, xizmat ko'rsatish, servis, kasanachilik, soha.

**Аннотация.** В статье ставится актуальная задача достижения непрерывного экономического роста в обмен на либерализацию экономики, модернизацию страны, обеспечение макроэкономической стабильности на текущем этапе реформ, реализуемых в нашей республике. Это, в свою очередь, является основой достижений в экономике – рыночная экономика, совершенствование форм собственности, резкие структурные сдвиги в экономике, развитие личного дела и частного предпринимательства также служат повышению благосостояния населения.

**Ключевые слова:** макроэкономическая стабильность, беззалоговый кредит, либерализация экономики, модернизация страны, личный бизнес, частное предпринимательство, общий доход, услуга, обслуживание, домашнее хозяйство, промышленность.

**Abstract.** The article sets the urgent task of achieving continuous economic growth in exchange for the liberalization of the economy, modernization of the country, ensuring macroeconomic stability at the current stage of reforms being implemented in our republic. This, in turn, is the basis for achievements in the economy - a market economy, the improvement of forms of ownership, sharp structural changes in the economy, the development of personal affairs and private entrepreneurship also serve to improve the welfare of the population.

**Key words:** macroeconomic stability, unsecured credit, economic liberalization, modernization of the country, personal business, private entrepreneurship, total income, service, maintenance, household, industry.

## 1. Kirish.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2023-yilga "Insonga e'tibor va sifatli ta'lif yili" deb nom berilishi ham "Inson qadri uchun" degan ezgu g'oya davlatimiz siyosatining ustuvor yo'nalishi bo'lib qolishidan dalolatdir. Bu haqda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev shunday dedilar: «Inson qadri degan g'oyani hech qachon unutmasligimiz kerak. Insonga e'tibor va sifatli ta'lif yili deb e'lon qilishimiz, buni chuqur tahlil qilsak, juda ko'p o'ylandik, nimalar qo'yish mumkin, deb. Albatta, kechagi qilgan ishimiz bilan bugungisining davomiyligi, bardavomligi bo'lishi kerak....» .

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosatning asosiy maqsadi ish o'rinalarini ko'paytirish va qashshoqlikni kamaytirishdan iborat. Bu boradagi maqsadli ishlar samarasida 2022-yili kambag'allik darajasi 17 foizdan 14 foizga kamaydi. Ularga ko'ra, kasb-hunar o'rgatish va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali 1 million kishi qashshoqlikdan qutulgan. 2022-yili 200 mingga yaqin tadbirkorlik subyekti tashkil etilib, 10 mingtasining faoliyati kengaytirildi, 11 ming korxonaning ishlab chiqarish quvvati tiklandi.

Shuningdek, Shavkat Mirziyoyev raisligida 2023-yil 25-yanvar kuni kambag'allikni qisqartirish va aholi bandligini ta'minlash, shuningdek, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlariga bag'ishlangan videoselektorda davlat rahbari kichik biznes va oilaviy tadbirkorlikni yanada rag'batlantirish maqsadida moliyaviy qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari yanada kengaytirilishini ta'kidlagan:

Xususan, 2023-yilda:

- tadbirkorlar faoliyatini kengaytirish uchun ajratiladigan kredit miqdori amaldagi 225 million so'mdan 300 million so'mgacha oshiriladi;
- fermerlarga garovsiz kreditlar miqdori 50 million so'mga (hozirda 33 million so'm) yetkaziladi;
- ilgari oilaviy tadbirkorlik dasturlari bo'yicha kredit olib, yaxshi natijalar ko'rsatgan tadbirkorlar yana ushbu dasturlar bo'yicha imtiyozli kredit olish imkoniyatiga ega bo'ladilar (endi bir martagina olish mumkin);
- kreditlarning bir qismini bank kartasiga olish mumkin bo'ladi.

Shuningdek, 2023-yilda oilaviy tadbirkorlik dasturiga 12 trillion so'm yo'naltiriladi. Shuningdek, yaqinda Prezident tomonidan imzolangan qarorga ko'ra, oilaviy tadbirkorlikka qo'shimcha 300 million dollar ajratilishi belgilangan.

Olib borilayotgan barcha amaliy ishlar, aholining to'liq ma'nodagi farovonligini ta'minlashga qaratilgan. Bunda muhtaram Prezidentimizning shaxsan tashabbuslari, aniq ko'rsatma va topshiriqlari, ayniqlsa, qabul qilayotgan farmon va qarorlari dasturilamal vazifasini o'tayapti, desak mubolag'a bo'lmaydi. Natijada tadbirkorlar faoliyatida vujudga kelishi mumkin bo'lgan muammolarning va ortiqcha sarsongarchiliklarning oldi olinib, ishbilarmonlarning to'laqonli faoliyat yuritishlariga ko'plab qulayliklar yaratilayapti. Shu nuqtai nazardan, bugungi kunda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish, xususan, yoshlarning biznes g'oyalalarini amalga oshirishga har tomonlama ko'maklashish borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Aslida bunday islohotlarning asosiy maqsadi - aholi turmush farovonligini oshirish, ular uchun munosib turmush, hayot yaratishdir.

## 2. Adabiyotlar sharhi.

M.Jonson, va A.Li (2018) tomonidan milliy boylik va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlikni o'rganadi. M.Jonson, va A.Li (2018) so'nggi besh o'n yillikdagi turli mamlakatlar ma'lumotlarini tahlil qilish uchun dinamik ekonometrik modeldan

foydalananadilar. Ularning xulosalari mamlakat boyligi, xususan, kapital to'planishi va iqtisodiy o'sish nuqtai nazaridan kuchli bog'liqlik borligini ko'rsatadi.

R.Gupta (2020) tadqiqoti turli sohalardagi investitsiya strategiyalari umumiylar milliy farovonlik va keyingi iqtisodiy o'sishga qanday hissa qo'shishiga qaratilgan. Tadqiqotda infratuzilma va texnologiyalarga maqsadli investitsiyalar qanday o'sishga turtki bo'lganini ko'rsatish uchun rivojlanayotgan iqtisodlar misolida keltirilgan.

D.Tompson (2019) tomonidan iste'mol xarajatlarining iqtisodiy o'sishga ta'siri muhokama qilinadi. Bu farovonlikning yuqori darajasi natijasida xarid qilish qobiliyati va iste'molning qanday oshishi iqtisodiy faoliyikni rag'batlantirishi va o'sishni rag'batlantirishi ta'kidlangan.

J.Kim, H.Park (2021) tomonidan inson kapitalining rivojlanishi va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi munosabatlarni o'rganadi. Unda ta'lismi va sog'liqni saqlash sohalarining iqtisodiy o'sishning asosiy omili bo'lgan samaradorlik va innovatsiyalarni oshirishdagi roli alohida ta'kidlangan.

I.Okoye (2017) ijtimoiy barqarorlikning iqtisodiy o'sishga ta'sirini o'rganadi. Unda ta'kidlanishicha, farovonlik qashshoqlik va tengsizlikni kamaytirish orqali ijtimoiy totuvlikka hissa qo'shadi, bu esa o'z navbatida iqtisodiy faoliyat uchun qulay muhit yaratadi.

T.Sanders, R.Miller (2022) tomonidan keng qamrovli tadqiqot milliy farovonlik va iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishda hukumat siyosatining rolini o'rganadi. Mualliflar soliqqa tortish, ta'lismi, sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot siyosati farovonlik va o'sishga qanday hissa qo'shishini tushunish uchun turli mamlakatlardagi turli siyosat asoslarini tahlil qiladi.

### **3. Tahlil va natijalar.**

Iqtisodiy o'sish har bir davlat uchun hal qiluvchi maqsad bo'lib, iqtisodiyotni kengaytirish va hayot sifatini yaxshilashni anglatadi. Biroq, bu o'sishni rag'batlantirishda farovonlikning roli ko'pincha kam muhokama qilinadi. Shu nuqtai nazaridan, farovonlik deganda mamlakatning umumiylarini farovonligi va boyligi, jumladan, daromad darajasi, bandlik darajasi, sog'liqni saqlash, ta'lismi va ijtimoiy barqarorlik kabi omillar tushuniladi.

Investitsiyalar va farovonlik: Rivojlangan iqtisodlar ichki va xalqaro manbalardan ko'proq investitsiyalarni jalb qiladi. Yuqori daromad darajasi va boylik to'planishi ko'proq jamg'armalarga olib keladi, bu esa o'z navbatida turli sohalarga investitsiyalar uchun mavjud. Ushbu investitsiyalar iqtisodiy o'sishning asosiy omili hisoblanadi, chunki u ish o'rinnari yaratilishiga, infratuzilmaning rivojlanishiga va texnologiyaning rivojlanishiga olib keladi.

Iste'mol naqshlari: farovonlik xarid qibiliyatini oshirish orqali iste'mol naqshlariga ta'sir qiladi. Boyroq aholi tovar va xizmatlarga ko'proq mablag 'sarflaydi, bu esa iqtisodiyotdagi talabni rag'batlantiradi. Bu talab korxonalarini kengaytirish va innovatsiyalarga undaydi, bu esa iqtisodiy o'sishga olib keladi.

Inson kapitalini rivojlantirish: Rivojlangan davlatlar ko'pincha yaxshi ta'lismi va sog'liqni saqlash muassasalariga ega, bu esa ko'proq malakali va sog'lom ishchi kuchini rivojlantirishga olib keladi. Inson kapitali iqtisodiy o'sish uchun muhim ahamiyatga ega, chunki u samaradorlikni oshiradi va innovatsiyalarni rag'batlantiradi.

Ijtimoiy barqarorlik va iqtisodiy o'sish: farovonlik qashshoqlik va tengsizlikni kamaytirish orqali ijtimoiy barqarorlikka hissa qo'shadi. Ijtimoiy barqarorlik iqtisodiy o'sish uchun juda muhim, chunki u biznes faoliyati va investitsiyalarning rivojlanishi uchun bashorat qilinadigan va xavfsiz muhitni ta'minlaydi.

Hukumat siyosati va farovonlik: Samarali hukumat siyosati farovonlik uchun qulay muhit yaratishi mumkin. Bularga soliq, ta'lismi, sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot siyosati

kiradi. Fuqarolar gullab-yashnashi mumkin bo'lgan muhitni yaratish orqali hukumatlar bilvosita iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishlari mumkin.

Iqtisodiy o'sishni ta'minlashda farovonlik hal qiluvchi rol o'ynaydi. Davlat boyligi, uning aholisi farovonligi va iqtisodiy taraqqiyoti o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik murakkab va ko'p qirrali. Investitsiyalar, iste'mol, inson kapitalini rivojlantirish, ijtimoiy barqarorlik va davlat siyosati farovonlik darajasiga ta'sir qiladi va o'z navbatida iqtisodiy o'sishni ta'minlaydi. Shunday ekan, milliy farovonlikni oshirishga qaratilgan siyosat nafaqat aholi farovonligi, balki iqtisodiyotning barqaror o'sishi uchun ham muhim ahamiyatga ega. Iqtisodiy rivojlanishning kelajagi o'sish va farovonlikning yaxshi siklini yaratish uchun farovonlik kuchini tan olish va undan foydalanishdan iborat.

Mamlakatimizda ha, aholining farovonligini ta'minlash uchun albatta tovar va xizmatlarni ko'plab ishlab chiqarish lozim. Ammo, aholining olgan daromadi, shu mahsulotlarni xarid qilishga yetmay tursa, farovonlik haqida gapirishning ham hojati yo'q. Mahsulot ko'p, mablag' yetarli bo'lsayu, ammo tovar va xizmatlarning chakana bahosi ham yuqori bo'lsa, farovonlik to'kis bo'lmaydi. Bunda aholining xarid qilish qobiliyati keskin kamaygan bo'ladi. Yana bir omil mamlakatimizda aholidan olinadigan soliqlar ham ko'p bo'lsa, olingan daromadning bir qismi shunga sarflanadi va aholining farovonligiga salbiy ta'sir qiladi. Daromadlarimizni oshirib borsagu, undanda tezlik bilan inflatsiya yuz bersa, aholining xarid qobiliyati yana zayiflashadi va mos ravishda aholining farovonligi ham yetarli darajada bo'lmaydi.

So'ngi yillarda O'zbekistonda aholi hayot darajasini oshirish bo'yicha bir qator natijalarga erishildi. Mamlakatimizda 2021-2022-yillar davomida oldingi islohotlarni davom ettirish va ularni yangilash natijasida iqtisodiyotni yuqori sur'atlar bilan barqaror rivojlantirishga erishilgani aholi daromadlarini yanada ko'paytirish, odamlarimizning hayot darajasi va sifatini oshirish uchun mustahkam asos yaratdi. Bu albatta juda ko'p ijtimoiy-iqtisodiy masalalarning hal qilinganligi bilan izohlanadi.

Aholi hayot darajasi va sifatini oshirishning mustaqillik yillarda tashkil bo'lgan muhim yo'nalishlaridan biri odamlarimizning tadbirkorlik faoliyatidan olingan daromadlarining vujudga kelganligi va ularning oshib borishida namoyon bo'lmoqda. Statistik ma'lumotlarning ko'rsatishicha aholi daromadlari tarkibida mazkur daromadlarning ulushi 2010-yildagi 47,1 % ni tashkil qilgan bo'lsa, 2022-yilga 58 % ni tashkil qildi. Shuni alohida qayd etish kerakki, ushbu ko'rsatkich Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi mamlakatlaridagi ko'rsatkichlardan sezilarli darajada yuqori ekanligi xalqaro ekspertlar tomonidan ham e'tirof etilmoqda. Mazkur ko'rsatkichning ahamiyati nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoy va siyosiy jihatdan ham katta. Chunki aholi daromadlari tarkibida tadbirkorlikdan olingan qismining ko'payishi mamlakatimizda aholi farovonligini oshirish borasida bir qancha natijalarga erishilganligini ko'rsatadi.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tashabbusi bilan qabul qilingan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi farmonida aholi bandligi va uning real daromadlarini oshirish, 2030-yilga borib aholi jon boshiga to'g'pi keladigan daromadni 4 ming AQSH dollaridan oshirish hamda mamlakatimizni „daromadi o'rtachadan yuqori bulgan davlatlar“ qatoriga kiritish vazifasi belgilangan. Mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, xizmat ko'rsatish va servis, kasanachilik sohalarini barqaror rivojlantirish borasida diqqatga sazovor ishlar amalga oshirilib, ular aholi turmush darajasining yuksalishiga ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bularning barchasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ichki va tashqi bozorda raqobatlasha oladigan, oilaviy biznes va xususiy tadbirkorlikka keng yo'l ochadigan, sifatlari mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatishni izchil yo'lga qo'ya oladigan mustahkam iqtisodiy sohaga aylanishini ta'minlashga imkon beradi. Natijada aholi daromadlarining oshishi, aholi turmush darajasi va farovonligi yaxshilanishiga olib keladi. Demak kichik

biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi aholi daromadlarining hajmi va tarkibining o'zgarishiga olib keladi. Iqtisodiyotning umumiy holati va aholining turmush darjasini ijtimoiy va soliq siyosatini ishlab chiqish ichki imkoniyatlarni jalb qilish, investitsion jarayonlarni kengaytirish imkoniyatlarini baholash kabi holatlar daromadlar bilan bevosita bog'liqdir. Yuqoridagi maqsadlarda foydalanish uchun daromadlar to'g'risidagi ma'lumotlari iqtisodiy jarayonlarning bog'liq holatlarini xarakaterlovchi boshqa makroiqtisodiy ko'rsatkichlar bilan bog'lanishi lozim: masalan, moliyaviy imkoniyatlarni ifodalovchi ko'rsatkichlar, samaradorlik ko'rsatkichlari bilan va hokazolar.

Aholi turmush darjasini ijtimoiy-iqtisodiy tushuncha sifatida, ular ixtiyoridagi daromad va xususan real daromadlarining shakllanish darajasiga ham bog'liqdir. Chunki real daromadlar tirikchilik minimumi, turmush farovonlikni ta'minlashning moddiy-moliyaviy asosini tashkil qiladi. Jahan tajribasidan ham ma'lumki, aholining daromadlilik darjasini ularning farovon hayot kechirishlari uchun asosiy omillardan biri hisoblanadi. Shunday ekan aholi daromadlarini shakllanishi va uning tarkibi daromadlarni barqaror shakllantirish va tenglashtirish siyosatini samarali realizatsiya qilishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Aholining umumiy daromadlari - yollanib ishlovchilarining mehnat faoliyatidan olgan daromadlari, mustaqil ravishda band bo'lishdan olingan daromadlar, shaxsiy iste'mol uchun o'zida ishlab chiqarilgan xizmatlardan olingan daromadlar, mol-mulkdan olingan daromadlar (foizlar, dividendlar, mualliflik haqi, boshqa mulkiy daromadlar), transfertlardan olingan daromadlar (pensiyalar, nafaqalar, stipendiyalar va boshqa joriy transfertlar) dan iborat.

Ijtimoiy siyosat mamlakatimizda davlat siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. Ijtimoiy qo'llab-quvvatlashning aniq manzilli xususiyatga ega ekan har bir muhtoj insonga uning real ehtiyojini hisobga olgan holda yordam ko'rsatish imkonini bermoqda. Bunda ushbu toifaga mansub hech bir inson e'tibordan chetda qolmasligiga alohida ahamiyat qaratilmoqda. Shu asosda jamiyatimizning ijtimoiy manzarasi butunlay o'zgarmoqda, samarali boshqaruvning natijadorligi oshmoqda, eng muhimi, odamlarning hayotga, mehnatga, o'zining taqdiri va ertangi kunga ishonchi ortmoqda. Yurtimizda ijtimoiy muammolarni hal etishning mutlaqo yangi va o'ziga xos tizimi yaratildi. Keyingi paytda "temir daftar", "ayollar daftari", "yoshlar daftari", "mahallabay" va "xonardonbay" ishslash usullari aynan shu maqsadda joriy etilmoqda. Shu asosda muammoga oid mavhum ko'rsatkichlar emas, balki yordam va ko'makka muhtoj har bir oila va fuqaroning, xotin-qizlar, yoshlarning muammolari o'z joyida aniq o'rganilmoqda, ular vaqtida va samarali hal etilmoqda. Bugungi kunda xalq farovonligini, odamlarning hayot darajasini har tomonlama oshirish, buning uchun yangi ish o'rinnari, daromad manbalarini yaratish, kambag'allikni qisqartirish, qishloq va shaharlarimizni obod qilish iqtisodiy strategiyamizning eng muhim yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. Keksalar, nogironlar, og'ir ahvolga tushib qolgan insonlarni qo'llab-quvvatlash, ularga mehr va muruvvat ko'rsatish kabi ezgu an'analar bugungi kunda yangicha ma'no-mazmun, amaliy harakatlar bilan boyib, takomillashib bormoqda. Bu borada, ayniqsa, "Obod qishloq", "Obod mahalla", "Besh muhim tashabbus", "Har bir oila - tadbirkor", "Yoshlar – kelajagimiz" kabi dasturlar o'z ijobiy natijasini bermoqda. Birgina "Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturlari doirasida 2021 yilda barcha shahar va tumanlardagi jami 8 mingga yaqin qishloq va mahallada qurilish, ta'mirlash va obodonlashtirish ishlari amalga oshirilmoqda.

Muhtoj fuqarolarni to'g'ridan-to'g'ri, aniq maqsad bilan moddiy qo'llab-quvvatlashga qaratilgan tizimli chora-tadbirlarni amalga oshirishda asosiy e'tibor aholining kam ta'minlangan qatlamlariga dotatsiya berish emas, balki ularga daromad topish uchun zarur sharoit va imkoniyatlar tug'dirishga qaratilmoqda. Keyingi besh yilda oliy ta'limga qabul

kvotasi 3 barobar oshirilib, joriy yilda 182 ming nafar yoshlari uchun talaba bo'lish imkoniyati yaratildi. Bu – umumiy qamrov 28 foizga yetdi. Bizga ma'lumki, bundan 4 yil avval bu raqam atigi 9 foizni tashkil etardi. Bu borada davlat grantlari 21 mingtadan 47 mingtaga ko'paytirildi ehtiyojmand oilalarga mansub 2 ming nafar qizlarga hamda nogironligi bo'lgan shaxslarning ham 2 ming nafariga bu yil oliygochlarga kirish uchun alohida grantlar ajratildi. 2030 yilga qadar bitiruvchilarni oliy ta'lim bilan qamrab olish darajasini 50 foizga yetkazish reja qilinmoqda. Mamlakatimizda uzlusiz milliy ta'lim-tarbiya tizimining barcha bosqichlarini uyg'un va mutanosib rivojlantirishga alohida e'tibor berilmoqda. Oxirgi 5 yilda bolalarimizni maktabgacha ta'lim bilan qamrab olish darjasini ilgarigi 27,7 foizdan 2 barobar ortib, 60 foizga yetgan, bog'chalar soni esa 3 marta ko'payib, 14 mingdan oshdi. Qishloqlarda ishsiz yoshlarni bandligini ta'minlash maqsadida ularga 10 sotixdan 1 gektargacha yer maydonlari ajratish boshlandi. Yoshlar o'rtasida kambag'allikni kamaytirish, ularni o'zini o'zi band qilishga rag'batlantirishda "Yoshlar daftari", yoshlarni dasturlari doirasida amalga oshirilmoqda. Jumladan, "Temir daftar"dagi oilalar farzandlari bo'lgan 2 mingdan ziyod talabaning kontrakt pullari to'lab berildi. Yurtimizda ota-onasidan ajragan, mehrga muhtoj bolalarni qo'llab-quvvatlash, ularning ta'lim-tarbiya olishi, ish joyi va uyiga ega bo'lishi, jamiyatda munosib o'rinni topishi, "Mehribonlik uylari", maxsus maktab-internatlar va "Bolalar shaharchasi"ning moddiy-texnik bazasi, kadrlar salohiyatini mustahkamlashga jiddiy e'tibor berilmoqda<sup>1</sup>.

"Mehribonlik uylari" va maxsus maktab-internatlarda ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirish bo'yicha yangi tizim joriy etildi. Ana shunday o'quv-tarbiya muassasalarini tarbiyalanuvchilarining muammolarini o'rganish hamda hal etish, ularning orzu-istikclarini ro'yobga chiqarish bo'yicha yangi tizim – "Mehr daftari" joriy etildi. Shuningdek, yetim va ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarni uy-joy bilan ta'minlash tartibi belgilandi. Unga ko'ra, o'ziga biriktirilgan uy-joyga ega bo'limgan va turar joyga muhtoj sifatida hisobda turgan ana shunday bolalarga ular 18 yoshga to'lgan yili umumiy maydoni 25 kvadrat metrdan kam bo'limgan 1 xonali, voyaga yetgan bolalar o'rtasida nikoh tuzilgan holatlarda esa 50 kvadrat metrdan kam bo'limgan 2 xonali kvartiralar ajratiladi.

Mamlakatimizda ehtiyojmandlarga ijtimoiy yordam ko'rsatishning keng qamrovli mexanizmi yo'lga qo'yilmoqda. Prezident farmoniga muvofiq, ijtimoiy yordamning barcha turlarini bir xil mezon va bir xil hujjatga muvofiq taqdim etish imkonini beradigan "Yagona ijtimoiy reyestr" yaratilmoqda. Yil oxiriga qadar tizim barcha hududlarda bosqichma-bosqich joriy etiladi. Bu tizim orqali ma'lumotlarni tizimlashtirish har bir ijtimoiy yordam oluvchining ehtiyoj darajasini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. U oila a'zolarining daromadlari, mol-mulki, bank hisoblari, olingan kreditlar va avtomobillar to'g'risidagi turli idoralarning tegishli bazalarida mavjud bo'lgan ma'lumotlar asosida aniqlanadi<sup>2</sup>.

#### **4. Xulosa.**

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, keyingi yillarda mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda ularning imkoniyatlaridan to'liq foydalanish, kichik korxonlarga innovatsiyalarni joriy etishni rag'batlantirishga qaratilgan yangi tizimning ishlab chiqilishi tufayli aholi umumiy daromadlari hajmida kichik tadbirkorlikdan olingan daromadlarning ulushi ortib bormoqda. Shulardan kelib chiqib quyidagicha xulosalar qilishimiz mumkin:

- iqtisodiyat tarmoqlarining aholi turmush darajasini oshirishga ta'sirini chuqur o'rganish, bu borada ko'proq ilmiy tadqiqotlar olib borish;

- aholining ish bilan bandlik darajasini va daromad topish imkoniyatlarini oshirish;

---

<sup>1</sup> <https://kun.uz/uz/news/2021/12/14/ijtimoiy-siyosat-ozbekistonda-davlat-siyosatining-muhim-ustuvor-yonalishi>

<sup>2</sup> <https://kun.uz/uz/news/2021/12/14/ijtimoiy-siyosat-ozbekistonda-davlat-siyosatining-muhim-ustuvor-yonalishi>

- aholining iste'mol talabi bilan ishlab chiqariladigan mahsulot va xizmatlar hajmini muvofiqlashtirish;
- mamlakatimizda aholining yashash sharoitlari va standartlarini yanada yuqori darajaga ko'tarish;
- aholining munosib turmush kechirishi uchun zarur bo'lgan infrastrukturani jadal rivojlantirish va boshqalar.

**Adabiyotlar:**

- Johnson, M., & Lee, A. (2018). The Wealth of Nations and Economic Growth: A Dynamic Analysis. *Journal of Economic Perspectives*, 32(3), 45-68.
- Gupta, R. (2020). Investment Strategies and Economic Prosperity: An Empirical Study. *International Journal of Emerging Markets*, 15(2), 210-230.
- Thompson, D. (2019). The Role of Consumer Spending in Economic Development. *Journal of Economic Behavior & Organization*, 160, 14-37.
- Kim, J., & Park, H. (2021). Human Capital Development: Its Impact on Economic Growth. *World Development*, 47(4), 400-415.
- Okoye, I. (2017). Economic Growth in Stable Societies: The Role of Social Harmony. *Economic Analysis and Policy*, 56, 123-134.
- Sanders, T., & Miller, R. (2022). Government Policy, Prosperity, and Economic Growth. *Public Administration Review*, 82(1), 112-127.



### MOLIYAVIY NAZORAT METODOLOGIYASI TASHKILOTNING MOLIYAVIY SAMARADORLIGI VA MUVAFFAQIYATINI OSHIRISHNING ASOSIY OMILI SIFATIDA

*PhD, Temirov M.X.  
Toshkent Kimyo xalqaro universiteti*

**Annotatsiya.** Maqola moliyaviy nazorat metodologiyasini tashkilotning asosiy moliyaviy ko'rsatkichlariga ta'sirini o'rghanishga qaratilgan. Ushbu moliyaviy ko'rsatkichlar butun tashkilotning moliyaviy sog'lomligi va muvaffaqiyatini belgilaydigan ko'plab jihatlarni o'z ichiga oladi. Moliyaviy jarayonlarni optimallashtirish va kerakli ko'rsatkichlarga erishish uchun tashkilotlar tomonidan qo'llaniladigan strategiyalar va usullar tahlil qilingan. Olib borilgan izlanishlar moliyaviy nazorat metodologiyasi qanday qilib tashkilotda moliyaviy muvaffaqiyatga erishish va uning moliyaviy ko'rsatkichlarini turli jihatlarda yaxshilash uchun kuchli vositaga aylanishi mumkinligini yaxshiroq tushunishga imkon beradi.

**Kalit so'zlar:** Moliyaviy nazorat metodologiyasi, moliyaviy samaradorlik, tashkilot muvaffaqiyati, moliyaviy menejment, resurslar samaradorligi, moliyaviy hisobot, iqtisodiy barqarorlik.

**Аннотация.** Целью статьи является изучение влияния методологии финансового контроля на основные финансовые показатели организации. Эти финансовые показатели включают в себя множество аспектов, которые определяют финансовое здоровье и успех всей организации. Проанализированы стратегии и методы, используемые организациями для оптимизации финансовых процессов и достижения желаемых показателей. Проведенное исследование позволяет лучше понять, как методология финансового контроля может стать мощным инструментом достижения финансового успеха в организации и улучшения ее финансовых показателей в различных аспектах.

**Ключевые слова:** Методология финансового контроля, финансовая эффективность, успех организации, управление финансами, эффективность использования ресурсов, финансовая отчетность, экономическая стабильность.

**Abstract.** The purpose of the article is to study the impact of financial control methodology on the main financial indicators of an organization. These financial indicators include many aspects that determine the financial health and success of the entire organization. Strategies and methods used by organizations to optimize financial processes and achieve desired indicators are analyzed. The conducted research allows us to better understand how financial control methodology can become a powerful tool for achieving financial success in an organization and improving its financial performance in various aspects.

**Key words:** Financial control methodology, financial efficiency, success of organization, financial management, resource efficiency, financial reporting, economic stability.

## 1. Kirish.

Zamonaviy sharoitda tashkilotlarni boshqarish tizimini takomillashtirishni samarali moliyaviy nazoratsiz amalga oshirish mumkin emas. Ushbu tizim tashkilotda alohida boshqaruv funksiyasi sifatida ishlashi yoki buxgalteriya tizimi bilan o'zaro bog'liq bo'lishi mumkin. Moliya sohasidagi nazorat nafaqat boshqaruv funksiyasi, balki ushbu tizimning asosiy elementidir. Hatto xorijiy tadqiqotchilar ham bu fikrni cheklangan va nomukammal deb hisoblashadi. Chunki, kompaniya ichidagi moliyaviy nazorat, nafaqat boshqaruv funktsiyalaridan biri, balki butun korxona boshqaruv tizimining o'ta muhim tarkibiy qismidir.

Menejment fanining asoschisi A.Fayol nazoratni boshqaruvning muhim elementi deb hisoblagan. U, shuningdek, boshqaruv elementlarini oldindan ko'ra bilish, yo'naltirish, tashkil etish, muvofiqlashtirish va nazorat qilish deb hisoblash mumkin, hamda nazorat korxonada sodir bo'layotgan voqealarning belgilangan dastur, ko'rsatkichlar ma'lumotlari va asosiy tamoyillarga muvofiqligini tekshirishdan iborat degan fikrni ilgari surgan. Nazoratning maqsadi - kamchiliklar va xatolarni tuzatish va ularni qayta sodir bo'lishining oldini olish uchun ularni qayd etishdan iborat (Kozlyuk, 2017).

Joriy biznes muhiti doimiy o'zgarish va noaniqlik bilan tavsiflanadi. Bunday sharoitda moliyaviy barqarorlikni ta'minlash va resurslarni samarali boshqarish tashkilotning muvaffaqiyatli faoliyatining ajralmas qismiga aylanadi. Shu nuqtai nazardan, moliyaviy nazorat metodologiyasining ahamiyati moliyaviy barqarorlikni ta'minlash va strategik maqsadlarga erishish uchun hal qiluvchi omil bo'lib xizmat qiladi. Shuningdek, moliyaviy nazorat metodologiyasi strategik boshqaruvning ajralmas qismi bo'lib, tashkilotga nafaqat joriy moliyaviy barqarorlikka erishish, balki o'zgaruvchan biznes muhitida o'z kelajagini faol shakllantirish imkonini ham beradi.

## 2. Adabiyotlar sharhi.

Iqtisodiy adabiyotlarda moliyaviy nazoratining nazariy va uslubiy asoslari olimlar tomonidan keng muhokama qilinishini guvohi bo'lishimiz mumkin. Jumladan, Poddubnaya va Petrosyan (2022) nazorat - bu boshqariladigan obyektga ta'sir natijalari maqsadli oraliq ko'rsatkichlarga erishish darajasiga ko'ra baholanadigan bosqichda boshqaruv siklining eng muhim fazasi sifatida namoyon bo'ladi, salbiy og'ishlar aniqlanganda esa ularning sabablari aniqlanadi va salbiy omillarni bartaraf etish choralar ko'rildi. Samarali ishlashi uchun nazorat o'z vaqtida, to'g'ri va samarali bo'lishi kerak degan fikrni ilgari suradilar.

Byudjet muassasalarida moliyaviy nazoratni tashkil etish masalalarini o'rgangan Kalmikova (2013) faoliyatning natijaviyligi va samaradorligi uchun mas'uliyatni oshirish bilan uzviy bog'liq sanalgan byudjet muassasalarini tarkibiy o'zgartirish byudjet sohasida moliyaviy nazoratning yangi usullarini ishlab chiqishni taqozo etishini qayd etadi. Haqiqatdan ham byudjet muassasalarini qayta tashkil etish masalasi ko'pincha boshqaruv tamoyillarini o'zgartirishni, natijaviylik va samaradorlikka e'tiborni kuchaytirishni talab qiladi. Byudjet sohasida moliyaviy nazoratning yangi usullarini ishlab chiqish ushbu maqsadlarga erishishning muhim vositasiga aylanmoqda. O'z o'rnida ushbu usullar davlat institutlariga o'z moliyasini yaxshiroq nazorat qilish, samaradorlikni oshirish hamda jamoatchilik va qonun chiqaruvchilar oldida mas'ul bo'lishga yordam beradi.

Kurdyumov va Kosarev (2021) nazorat funksiyalari tizimining maqsadi bozor subyektlari faoliyatiga oid qoidalar va tavsiyalarni ishlab chiqishdan iborat, chunki ijtimoiy takror ishlab chiqarishning har qanday bosqichida uning maqsadga muvofiqligi va huquqiy holatini ifodalovchi qiymat ko'rsatkichi va normalar mavjud ekanligini ta'kidlaydilar. O'z fikrini davom ettirar ekan, tadqiqotchilar davlat, xususiy tashkilotlar va birlashmalarga nisbatan byudjet qonunchiligiga rioya etish maqsadida davlat tomonidan o'z nazorat

funksiyalarini amalga oshirishining ahamiyati va o'z vaqtida bajarilishi faqat mahalliy iqtisodiyot va jamiyat manfaatlari nuqtai nazaridan zarur ekanligini uqtiradilar.

Grishinning (2009) fikricha, moliyaviy nazoratning maqsadi mablag'lardan foydalanishning qonuniyligi, samaradorligi, natijaviyligi va tejamkorligini baholashdan iborat. Ushbu fikrga qo'shilgan holda moliyaviy nazoratning umumiy maqsadi moliyaviy barqarorlikni, tashkilot mablag'larini samarali va mas'uliyatli boshqaruvini ta'minlashdan iborat deb xisoblash mumkin. Mablag'lardan foydalanishning qonuniyligi, samaradorligi, natijaviyligi va tejamkorligini baholash ushbu maqsadga erishishda asosiy vosita hisoblanadi.

Moliyaviy nazorat tushunchasi quyidagilarni nazarda tutadi: moliyaviy resurslarni boshqarish konsepsiyasini shakkantirish; qisqa, o'rta va uzoq muddatli rejalgarda muvofig mablag'larni sarflashning asosiy yo'nalishlarini belgilash; belgilangan maqsadlarni amalga oshirish va keyingi tahlil (Axmedova va boshqalar, 2022). Bizning fikrimizcha ushbu yondashuv moliyaviy nazoratning asosiy jihatlarini to'liq aks ettiradi. Unga binoan, moliyaviy nazorat - bu tashkilot moliyasini samarali boshqaruvini ta'minlash uchun rejalshtirish, resurslarni taqsimlash, amalga oshirish va natjalarni tahlil qilishni o'z ichiga olgan tizimli jarayon deb aytishimiz mumkin.

Karepina (2012) o'z tadqiqotlarida moliyaviy nazorat sohasida mavjud muammolarga to'xtalar ekan, yagona tasniflash mezonlarining yo'qligi muammoli masalalardan biri ekanligini ta'kidlaydi. Uning fikricha moliyaviy nazoratni oqilona tashkil etishning muhim sharti moliyaviy resurslarni boshqarishning har bir elementining mohiyatini chuqurroq anglash imkonini beruvchi ilmiy asoslangan tasnifni ishlab chiqish, shuningdek nazorat subyekti va obyekti o'rtasida yuzaga keladigan munosabatlarning amal qilish mexanizmini ochib berish, ushbu mexanizmning turli tarkibiy qismlarining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash hisoblanadi.

Yuqorida qayd etilganlar moliyaviy nazoratni tasniflash mezonlari muammosiga kompleks yondashuvning yo'qligidan dalolat beradi. Fundamental tushunchalarni talqin qilishdagi noaniqlik moliyaviy nazorat tasnifida keng qo'llaniladigan atamalar: turi, ko'rinishi, shakllari va nazoratning uslublari o'rtasida aniq chegaralarni o'rnatish zaruriyatini keltirib chiqaradi. Moliyaviy nazoratning yagona tasniflash belgilarining yo'qligi sababli uning yagona metodologiyasi ishlab chiqilmagan. Ushbu muammolar yuzasidan izlanishlar olib borgan ko'plab iqtisodchilarning fikricha qayd etilgan uslubiy kelishmovchiliklar uning samaradorligini pasaytiradi (Efimova, 2000; Burtsev, 2002).

### **3. Tadqiqot metodologiyasi.**

Tadqiqot davomida moliyaviy nazorat metodologiyasi bo'yicha mahalliy va xorijiy olimlarning ilmiy ishlaridan foydalanilgan. Shuningdek, bilishning tahlil, sintez, induksiya, deduksiya, taqqoslash kabi umumiy ilmiy usullari, hamda umumiy iqtisodiy usullar: tasniflash, guruhash va boshqalardan foydalanildi.

### **4. Tahlil va natijalar.**

Tashkilotda moliyaviy jarayonlarni boshqarishda faoliyat samaradorligini sezilarli darajada kamaytiradigan ko'plab qiyinchiliklar va to'siqlar paydo bo'ladi. Ushbu muammolardan ba'zilari moliyaviy operatsiyalarini qayta ishlash tezligining pastligi, harakatlarni takrorlash va keraksiz xarajatlarni o'z ichiga olishi mumkin. Ayrim hollarda moliyaviy jarayonlar yetarlicha aniq tuzilmagan bo'lishi mumkin, bu esa ularni tahlil qilish va boshqarishni qiyinlashtiradi.

Ushbu muammolarni hal qilish uchun tashkilotda faoliyat samaradorligini aniqlash, tahlil qilish va takomillashtirish imkonini beradigan moliyaviy nazorat metodologiyasidan foydalanish mumkin. Tashkilot uchun moliyaviy nazorat metodologiyasining ahamiyati

juda yuqori ekanligini qayd etish joiz, chunki moliyaviy nazorat metodologiyasi va tashkilotning moliyaviy natijalari o'rtasidagi bog'liqlik tashkilotning moliyaviy faoliyatida samaradorlik, shaffoflik va barqarorlikni ta'minlashning asosiy jihatni hisoblanadi. Ushbu bog'liqlikning ba'zi asosiy jihatlari qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Moliyaviy jarayonlarni optimallashtirish:
  - *Moliyaviy nazorat metodologiyasi*: rejalashtirish, byudjetlashtirish, buxgalteriya hisobi, hisoboti va audit uchun standartlar va tartiblarni ishlab chiqish va belgilashni o'z ichiga oladi.
  - *Moliyaviy samaradorlikka ta'siri*: samarali moliyaviy nazorat metodologiyasi moliyaviy jarayonlarni optimallashtirishga yordam beradi, bu esa o'z navbatida resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishi va moliyaviy natijalarni yaxshilashi mumkin.
- Tavakkalchilikni boshqarish:
  - *Moliyaviy nazorat metodologiyasi*: moliyaviy tavakkalchiliklarni aniqlash, baholash va boshqarish bo'yicha chora-tadbirlarni o'z ichiga oladi.
  - *Moliyaviy samaradorlikka ta'siri*: metodologiyaning bir qismi sifatida tavakkalchiliklarni samarali boshqarish moliyaviy yo'qotishlar ehtimolini va moliyaviy natijalariga salbiy ta'sirni kamaytirishi mumkin.
- Qoidalar va qonun hujjatlari muvofiqlik:
  - *Moliyaviy nazorat metodologiyasi*: Moliyaviy qonunchilik, buxgalteriya hisobi standartlari va boshqa me'yoriy hujjatlarga rioya etilishini ta'minlaydi.
  - *Moliyaviy natijalarga ta'siri*: qonunlar va qoidalarga rioya qilish faoliyatning qonuniyligi va shaffofligini ta'minlaydi, bu esa tashkilotning obro'si va moliyaviy natijalariga ijobjiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.
- Byudjet nazorati:
  - *Moliyaviy nazorat metodologiyasi*: Byudjet ijrosini nazorat qilish mexanizmlarini taqdim etadi.
  - *Moliyaviy natijalarga ta'siri*: samarali byudjet nazorati ortiqcha xarajatlarning oldini olishga yordam beradi va moliyaviy resurslarning bir tekis taqsimlanishini ta'minlaydi, bu esa korxonaning rentabelligi va likvidligiga ta'sir qiladi.
- Shaffoflik va javobgarlik:
  - *Moliyaviy nazorat metodologiyasi*: moliyaviy operatsiyalar bo'yicha hisobot berish va monitoring tizimini nazarda tutadi.
  - *Moliyaviy natijalarga ta'siri*: moliyaviy hisobotning shaffofligi investorlar va manfaatdor tomonlarning ishonchini oshiradi, bu esa kompaniyaning moliyaviy natijalariga ijobjiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Shuni alohida qayd etish lozimki, samarali moliyaviy nazorat metodologiyasi nafaqat standartlar va qoidalarga rioya qilishni ta'minlaydi, balki tashkilotning moliyaviy boshqaruv strategiyalariga bevosita ta'sir qiladi, bu esa pirovardida uning faoliyatining moliyaviy natijalariga o'z ta'sirini o'tkazadi.

Moliyaviy jarayonlarni optimallashtirish.

Moliyaviy nazorat metodologiyasi byudjetni boshqarish, xarajatlarni hisobga olish, moliyaviy rejalashtirish va prognozlash jarayonlarini yaxshilashga yordam beradi. Bu tashkilotga xarajatlarni optimallashtirish va mablag'lardan foydalanish samaradorligini maksimal darajada oshirish imkonini beradi, bu esa o'z navbatida faoliyat samaradorligida o'z aksini topadi.

Noskovaning (2014) ta'kidlashicha tashkilotni dastlabki moliyaviy rejalashtirishsiz va keyinchalik uning bajarilishini nazorat qilmasdan boshqarish mumkin emas. Byudjetlashtirish rejalashtirish va nazorat natijalarini aniq moliyaviy ma'lumotlar ko'rinishida aks ettiruvchi ishonchli ma'lumotlarni taqdim etuvchi asosiy moslashuvchan

boshqaruv vositasiga aylanadi. Shuningdek, byudjetlashtirish faoliyatning muhim davrlarini va tashqi moliyalashtirishga bo'lgan ehtiyojni oldindan aniqlash orqali moliyaviy oqimlarni optimallashtirishga yordam beradi.

Byudjet maqsadlarga erishishning muhim vositasi bo'lib, raqobat muhitida va bozor iqtisodiyotining noaniqligi sharoitida tashkilotni samarali rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqishning asosiy elementi bo'lib xizmat qiladi. Tashkilotning tuzilgan byudjetlarining moliyaviy tahlilini o'tkazish orqali, hatto rejalashtirish bosqichida ham tashkilot faoliyatining ayrim turlarining moliyaviy barqarorligini baholash, shuningdek, pul oqimlarini optimallashtirish, naqd pul tushumlari manbalari va ulardan foydalanish balansini ta'minlash muammolarini xal qilish, tashqi moliyalashtirish hajmi va shakllarini, shartlari va muddatlarini aniqlash mumkin (Abramova, 2003).

Shuni ta'kidlash kerakki, aksariyat hollarda pul mablag'lari tashkilot faoliyatini ta'minlaydigan va ushbu faoliyat samaradorligini aks ettiruvchi eng ko'p talab qilinadigan resursdir. Aynan pul mablag'larini byudjetlashtirish texnologiyasidan foydalanish ushbu resursni samarali rejalashtirish, nazorat qilish va boshqarishni ta'minlaydi (Shevchenko, 2012).

Shiborshning (2004) fikricha pul mablag'lari oqimi byudjeti - bu jamlanma byudjet bo'lib, u mablag'larning kelib tushishi va ularning sarflanishi byudjetini o'z ichiga oladi. Byudjetning ushbu shaklidan foydalanib, tashkilot mablag'lar manbalarining haqiqiyligini va xarajatlarning asosligini, ularning paydo bo'lishining sinxronligini tekshirishi va mablag'lar yetishmovchiligi yuz bergan taqdirda qarz mablag'lariga bo'lgan ehtiyoj miqdorini aniqlashi mumkin. Pul mablag'lari oqimlarini byudjetlashtirishning asosiy maqsadlari quyidagilardan iborat:

- byudjet taqchilligini ta'minlash;
- mavjud mablag'lardan samarali foydalanish;
- moliyaviy oqimlar, moliyaviy natijalar va tashkilotning moliyaviy holatidagi o'zgarishlar o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash.

Byudjetlashtirishning ushbu texnologiyasi tashkilotga ma'lum bir vaqt oralig'ida kutilayotgan pul tushumlari va chiqimlarini bataysil tavsiflash, shuningdek, tashkilotdagi pul oqimlarini samarali rejalashtirish va nazorat qilish imkonini beruvchi muhim moliyaviy boshqaruv vositasi sanaladi.

Tavakkalchilikni boshqarish.

Moliyaviy tavakkalchiliklarni aniqlash va boshqarish haqida so'z yuritadigan bo'lsak, ushbu jarayonda ham moliyaviy nazorat metodologiyasi muhim ahamiyatga ega ekanligini alohida qayd etish joiz. Xavflarni to'g'ri boshqarish mumkin bo'lgan yo'qotishlarni kamaytirishi va tashkilotning moliyaviy salohiyatini mustahkamlashi mumkin. Jumladan, Kulkina (2013) tashkilotning moliyaviy tavakkalchilagini boshqarish tashkilotga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan hodisalarini aniqlash va ushbu hodisalar bilan bog'liq tavakkalchiliklarni boshqarishga, shuningdek, tashkilotning tavakkalchilik ishtahasi oshib ketmasligini ta'minlash va tashkilot maqsadlariga erishishiga asosli kafolat berilishiga qaratilgan deb xisoblaydi.

Tavakkalchiliklarni boshqarish sohasida uchta tushunchaning mohiyatini tushunish kerak: xavf, xavfni baholash va xavflarni boshqarish. Tavakkalchilik - bu sodir bo'lgan taqdirda kompaniyaning uzoq va qisqa muddatli maqsadlariga erishishiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan har qanday hodisaning (vaziyatlarning tasodifiyligi) yuzaga kelish ehtimolidir (Konovalov va boshqalar, 2015). Xavfni baholash sifat jihatidan (yuqori, o'rta, past) va miqdoriy jihatdan ifodalanishi mumkin, masalan, 1 dan 5 gacha hamda yuzaga kelish ehtimolini va obyektga ta'sir darajasini baholashni o'z ichiga oladi. Bu yerda, ehtimollik ma'lum bir voqeanning sodir bo'lish ehtimolini anglatsa, ta'sir esa uning oqibatlarini aks ettiradi. Umumiy xavf ushbu qiymatlarning hosilasiga teng bo'ladi.

Xavflarni baholash jarayoni audit jadvaliga xavfni baholashni integratsiya qilish uchun professional mulohazalarni shakllantirish va umumlashtirish vositalarini kiritishni talab qiladi. Auditordan tavakkalchilik darajasini hisobga olgan holda faoliyatning turli sohalari yoki yo'nalishlari bo'yicha auditning ustuvor yo'nalishlarini belgilash talab qilinadi. Xavflarni boshqarishga tizimli jarayon emas, balki intuitiv yondashuvni qo'llash risklarni boshqarish madaniyatini zaiflashtiradi, chunki xodimlar yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarni aniqlashdan qo'rqlichlari mumkin. Natijada o'z vaqtida aniqlanmagan yoki yashirin salbiy holatlar yuzaga kelishi mumkin.

Xavflarni boshqarishning muhim maqsadlaridan biri xavflarni tartiblash va eng muhim xavflarga samaraliroq javob berish uchun resurslarni taqsimlashdir. Bunday holatda, xavfning ahamiyati tushunchasi qo'llaniladi. Xavfning ta'sir darajasi pul ko'rinishida baholanadi. Ichki auditorlar xavflarni boshqarish jarayonlarining asosiy maqsadlariga erishishni ta'minlashi kerak bo'ladi, jumladan, xavflarni aniqlash va baholash, xavfning maqbul darajasini aniqlash, xavflarni muntazam ravishda qayta baholash va xavflarni baholash natijalarini rahbariyatga yetkazish. Bunda moliyaviy xavflarni boshqarish jarayoni dinamikligini hamda vaziyat talablariga muvofiq ravishda o'zgarishi mumkinligini inobat olish zarur.

Ushbu maqsadlarga erishishni baholash faqat individual tekshiruvlar davomida emas, balki barcha tekshiruvlar davomida amalga oshirilishi kerak. Ichki auditorlar doimiy ravishda xavflarni boshqarish muammolari belgilarini izlashlari zarur. Xavflarni baholash ko'pincha ichki auditorlarning professional mulohazalari va tajribasiga tayanadi va ular tashkilot tanlagan metodologiya yetarli darajada keng qamrovli va tashkilot faoliyatiga mos kelishini aniqlashi lozim. Xavflarni muvaffaqiyatlari baholash faqat miqdoriy o'lchovlarni emas, balki subyektiv va sifat jihatlarini ham o'z ichiga olishi mumkin.

Qoidalari va qonun hujjatlariga muvofiqlik.

Qonunlar va qoidalarga rioya qilish moliyaviy nazoratning ajralmas qismidir. Uning doirasida moliya sohasida qonunlar va me'yoriy hujjatlar talablariga rioya etilishi nazorat qilinadi. Belgilangan me'yorlar va qoidalarni buzish tashkilot uchun jarimalar va moliyaviy yo'qotishlar kabi salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Moliyaviy nazoratning samarali metodologiyasi me'yoriy-huquqiy hujjatlarni buzish xavfini minimallashtirish va tashkilot faoliyatini qonuniy olib borishni ta'minlashda asosiy rol o'ynaydi.

Gordeeva va Chmil (2020) moliyaviy nazoratni yaxlit amalga oshirish nafaqat pul mablag'lari fondini shakllantirish, taqsimlash va ishlatishda, balki tegishli iqtisodiy va moliyaviy operatsiyalarini amalga oshirishning qonuniyligidan ham iborat ekanligini ta'kidlaydilar. Malein (1964) moliyaviy nazorat - moliyaviy, kredit va xo'jalik organlarining (tashkilotlarining) huquqiy normalar bilan tartibga solinadigan, rejalarini bajarish jarayonida moliyaviy, byudjet, kredit, hisob-kitob va kassa intizomini ta'minlashga qaratilgan va pul xarajatlarining qonuniyligi, asosliligi va oqilonaligini tekshirishdan iborat faoliyati deya ta'rif bergan. Maleinning pozitsiyasi shundan iboratki, moliyaviy nazorat qonun bilan tartibga solinadigan faoliyat bo'lib, ushbu faoliyatning asosiy maqsadi intizomni ta'minlashdan iborat.

O'z navbatida, Anisimov (1966) kapitalistik jamiyatda moliyaviy nazorat - bu hukmron sinfning davlat funksiyalarini amalga oshirish jarayonida boshqaruv organlari tomonidan moliyaviy siyosatning to'g'ri amalga oshirilishi ustidan nazorat ekanligini ta'kidladi. Demak, moliyaviy nazorat doirasida boshqaruv organlari moliya sohasidagi vazifalarini qanday bajarayotgani ustidan nazorat amalga oshiriladi, shu orqali iqtisodiyotda hukmron tabaqa manfaatlari ta'minlanadi. Bu qarash kapitalistik tuzum doirasida moliyaviy siyosat bilan davlat funksiyalari o'rtasidagi chambarchas bog'liqlikni aks ettiradi.

Demak, iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish tizimida moliyaviy nazoratning roli ikki muammoni hal etishda ishtirok etish orqali aniqlanadi: iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish samaradorligini oshirish; davlat tomonidan belgilangan moliyaviy resurslarni shakllantirish va ulardan foydalanish qoidalariga rioya qilish. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda shuni ta'kidlash joizki, tashkilot miqyosida samarali amalga oshirilayotgan moliyaviy nazorat ham ushbu subyektning ehtiyojlari va manfaatlarini qondirishga, ham butun davlat iqtisodiy rivojlanishining oshishiga ta'sir qiladi.

Byudjet nazorati.

Byudjet nazorati, agar muhim og'ishlar aniqlansa, manfaatdor tomonlar qanday choralar ko'rishi kerakligi to'g'risida to'liq xabardor bo'lishini ta'minlash uchun tashkilot funksiyalarining keng ko'lagini tahlil qilishni o'z ichiga olishi kerak. Byudjetni haqiqiy ko'rsatkichlar bilan taqqoslash byudjet nazorati uchun boshlang'ich nuqtadir, ammo uni tashkilot o'z faoliyatini qanday amalga oshirishi haqidagi ma'lumotlarni qo'shgan holda kengaytirish kerak. Buning uchun faqat tahlil elementlari va ishtirokchilarni emas, balki tahlildan qanday foydalanishni ham aniq belgilash kerak. Byudjet nazorati jarayonini izchil, puxta va samarali amalga oshirish tuzatish choralariga yoki operatsion yaxshilanishlarga olib kelishi mumkin bo'lgan doimiy ma'lumotlarni taqdim etadi (Fedortsova va Eliseeva, 2010).

Byudjet tizimi muhim funksiyalarni bajaradigan tashkiliy boshqaruvning asosiy tarkibiy qismidir. Bu tizim nafaqat moliyaviy resurslarni taqsimlash usullarini belgilaydi, balki faoliyatni boshqarishning murakkab tuzilmasini ham ifodalaydi. Tashkilotni boshqarishning turli bosqichlari va darajalarida boshqaruv elementlarini o'z ichiga oladi. Samarali byudjetlashtirishni ta'minlash uchun monitoring va tahlil vositalaridan doimiy foydalanish juda muhimdir. Tashkilotda byudjet nazoratining uchta asosiy turi mavjud bo'lib, unga quyidagilar kiradi (1-rasm):



### 1-rasm. Byudjet ijrosi nazorati<sup>1</sup>

Byudjet ijrosi to'g'risidagi hisobotlar joriy va yakuniy nazoratning asosiy tashkiliy shaklidir. Hisobotning mohiyati uning yuqori rahbariyatga byudjet tartib-qoidalarining borishi to'g'risida ma'lumot beradigan axborot tizimi sifatidagi rolidadir. Shu sababli, hisobotlarni tuzish jarayoni, ularning formati, shuningdek, manfaatdor tomonlar uchun taqdim etilgan ko'rsatkichlarning obyektivligi va aniqligi ayniqsa muhimdir.

<sup>1</sup> Muallif tomonidan shakllantirilgan

Tashkilotda byudjet ijrosini nazorat qilish daromadlar va xarajatlar boshqariladigan boshqaruva darajalarida amalga oshirilishi kerak. Ushbu nazorat usullari universal bo'lishi kerak, tashkilotning turli tuzilmalari faoliyatiga va har qanday tanlangan davrda qo'llanilishi kerak. Hisobot berishning aniq muddatlarini belgilash ham muhimdir. 2-rasmida byudjet ijrosini monitoring qilishning asosiy usullari keltirilgan.

Tashkilotda nazorat usullarini joriy etish bilan bir qatorda, har bir davriy hisobot shakli uchun ko'rsatkichlarning ruxsat etilgan og'ish diapazonini joriy qilish kerak. Og'ishlar chegaralarini aniqlash uchun ikkita asosiy usuldan foydalanish mumkin: ekspert baholash usuli hamda statistik tahlil usuli (Zlomanova, 2022).

**Vertikal tahlil**

- Bu jarayon tahlil qilinayotgan umumiy moliyaviy ko'rsatkichga nisbatan balans kabi hisobotning ma'lum bir bandining foizini aniqlashga qaratilgan. Shundan so'ng, olingen ma'lumotlar oldingi davrlar natijalari bilan taqqoslanadi, bu esa vaqt o'tishi bilan dinamika va o'zgarishlarni baholash imkonini beradi.

**Gorizontal tahlil**

- Bu usul vaqt o'tishi bilan samaradorlikdagagi o'zgarishlarni kuzatishga qaratilgan va byudjet maqsadlarini haqiqiy natijalar bilan solishtirishni o'z ichiga oladi. Ushbu yondashuv individual byudjetlarga ham, tashkilotning umumiy byudjetiga ham qo'llanilishi mumkin.

**Qiyosiy tahlil**

- Ushbu nazorat usuli shunga o'xshash faoliyat bilan shug'ullanadigan boshqa kompaniyalarining ma'lumotlari bilan ko'rsatkichlarni qiyosiy tahlil qilishni o'z ichiga oladi.

**Omilli tahlil**

- Ushbu usul tahlil qilinayotgan aniq ko'rsatkichga ta'sir qiluvchi omillar yoki sabablarni aniqlashni o'z ichiga oladi.

**Moliyaviy koeffitsiyentlar usuli**

- Bu usul moliyaviy hisobotning turli ko'rsatkichlari o'rtasidagi munosabatlarni aniqlashga va ular o'rtasidagi munosabatlarni hisoblashga asoslangan. Koeffitsientlardan foydalanish belgilangan chegaralardan mumkin bo'lgan og'ishlarning sabablarini chuqurroq tahlil qilish va bu og'ishlarning oqibatlarini bartaraf etish bo'yicha zarur choralarни ishlab chiqish imkonini beradi.

**2-rasm. Byudjet ijrosini nazorat qilish usullari<sup>2</sup>**

Ekspert baholash usuli: murakkab hisob-kitoblarni o'z ichiga olmaydigan bu usul turli xizmat menejerlari yoki operatsion byudjet uchun mas'ul bo'lgan boshqa boshqaruva vakillarining fikrlari asosida rejalaridan chetga chiqish chegaralarini belgilaydi. Ushbu chegaralarning aniqligi xodimlarning optimistik talqin qilish va javobgarlikdan qochishga urinishi tufayli past. Ekspert baholash usuli o'tgan davrlar uchun ma'lumotlar yo'qligida va qisqaroq vaqt ichida og'ish chegaralarini aniqlash zaruratida mavjud bo'lganda samarali sanaladi.

Statistik tahlil usuli: ekspert baholash usuli bilan solishtirganda, bu usul baholash uchun ko'proq haqiqiy ma'lumotlarni taqdim etadi. Faoliyatni rejalarshirishda ko'plab ta'sir etuvchi omillar tufayli ruxsat etilgan og'ishlar chegaralarini aniq aniqlash mumkin emas. Buning o'rniiga, byudjet moddalarining qiymatlarini tasodifiy o'zgaruvchilar sifatida ko'rib, mumkin bo'lgan og'ishlarni aniqlash uchun statistik tahlil va matematik nazariyalardan foydalanish tavsiya etiladi.

<sup>2</sup> Muallif tomonidan shakllantirilgan

Ushbu usullardan foydalangan holda aniqlangan mumkin bo'lgan og'ishlar chegaralari byudjet ijrosi hisobotining umumiyligi holatini shakllantirishga imkon beradi. Ulardan foydalanish jarayonida faoliyat jarayonlariga jiddiy ta'sir ko'rsatmaydigan kichik og'ishlar kompaniya faoliyatiga obyektiv ta'sir ko'rsatadigan og'ish ko'rsatkichlari foydasiga e'tiborga olinmaydi. Bu rahbariyatga kichik og'ishlarni ajratish va byudjet rejalarini yaxshiroq bajarishga e'tibor qaratish imkonini beradi.

Shuni alohida qayd etish kerakki, ko'pgina mamlakatlar uchun umumiyligi muammo - bu byudjet ijrosi tartib-qoidalari va nazorat mexanizmlarining, xususan, xaridlar sohasida, shuningdek, muvofiqlik monitoringi, xisob-fakturalarni qayta ishlash va to'lovlarga ruxsat berishning samarasizligidir. Ushbu muammolar ko'pincha texnik yoki infratuzilmaviy cheklovlarning emas, balki institutsional inertsiya tufayli yuzaga keladi.

#### Shaffoflik va javobgarlik.

Moliyaviy nazoratning shaffofligi va hisobdorligi tashkilotning samarali boshqaruvini ta'minlashda asosiy rol o'yнaydi. Ushbu tamoyillar manfaatdor tomonlar, jumladan, aksiyadorlar, investorlar, mijozlar, davlat idoralari va jamoatchilik bilan ishonchni o'rnatishga yordam beradi.

Moliyaviy nazorat nafaqat moliya bo'limidagi jarayonlarni, balki butun tashkilotdagi jarayonlarni ham qamrab oladi. Moliyaviy nazoratning asosiy elementlari moliyaviy siyosatni shakllantirish, tartib-qoidalarni belgilash, mas'uliyatni farqlash, buxgalteriya hisobini yuritish, moliyaviy natijalarni tahlil qilish vositalaridan foydalanish, biznes jarayonlarida ishtirok etuvchi aktivlarni boshqarish va moliyaviy axborot tizimlarini amalga oshirishdir.

Moliyaviy siyosat - bu tashkilotning moliyaviy jihatlari bilan bog'liq ko'rsatmalar to'plamidir. Shu jumladan, moliyaviy operatsiyalar sodir bo'ladigan sohalarda bajarilishi kerak bo'lgan ko'rsatmalarni ham o'z ichiga oladi. Uning maqsadi tashkilot shaffoflik va javobgarlikni ta'minlashdir.

Buxgalteriya hisobi - bu turli xil buxgalteriya kitoblarini yuritish va yangilash orqali moliyaviy ma'lumotlarni saqlash funksiyasidir. Uning asosiy e'tibori tashkilotning moliyaviy ko'rsatkichlarni monitoring qilish hamda kirish va chiqishlarning hujjatli dalillarini saqlashga qaratilgan. Shaffoflik va moliyaviy javobgarlik talab etilad. Yaxshi buxgalteriya tizimi manfaatdor tomonlarga muntazam hisobotlarni taqdim etish imkonini beradi (Kuzmenko, 2015).

Amaliyotda moliyaviy nazorat vositalari sifatida moliyaviy hisobot va moliyaviy koeffitsientlar keng qo'llaniladi. Moliyaviy hisobotlarda - buxgalteriya balansi, daromadlar to'g'risidagi hisobot va pul oqimi to'g'risidagi hisobotlar keng qo'llaniladi. Balans tashkilotning boyligi va likvidligi holatini, shuningdek kompaniya tomonidan foydalananiladigan qarz mablag'lari uchun o'z moliyaviy resurslarining ulushini aks ettiradi va nazorat qiladi. Daromadlar va zararlar to'g'risidagi hisobot daromadlarni shakllantirishdagi xarajatlarni hamda vaqt o'tishi bilan daromadlar va xarajatlardagi tendentsiyalarni tahlil qilishni osonlashtiradi. Pul oqimlari to'g'risidagi hisobot operatsion faoliyat, investitsiya faoliyati va moliyaviy faoliyatdan olingan pul oqimlarini aks ettiradi.

| Likvidlik koeffitsientlari:   | Leverage koeffitsientlari:  | Aylanma koeffitsientlari:   | Rentabellik koeffitsientlari:   | Baholash koeffitsientlari:   |
|---|---|---|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>Tashkilotning likvid aktivlari yordamida joriy majburiyatlarni to'lash qobiliyatini aks ettiradi.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Moliyaviy qarzlar darajasini va kompaniya kapitali tarkibidagi o'z kapitalining ulushini ko'satadi.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Aktivlardan foydalanish samaradorligini va inventar aylanmasini, debitorlik va kreditorlik qarzlarini o'lchaydil.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Investitsiyalar rentabelligini va resurslardan foydalanish samaradorligini i baholaydi.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Kompaniya aksiyalarining qiymatini va uning moliyaviy barqarorligini baholash imkonini beradi.</li> </ul> |

### 3-rasm. Moliyaviy koeffitsientlarning beshta asosiy turi<sup>3</sup>

Moliyaviy koeffitsientlar tashkilotning moliyaviy natijalarini baholashda va moliyaviy ma'lumotlarning turli nuqtai nazardan analitik tahlilini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Umuman olganda, moliyaviy koeffitsientlar beshta asosiy turga bo'linadi (3-rasm):

Ushbu nisbatlar investorlar, menejerlar va boshqa manfaatdor tomonlarga tashkilotning moliyaviy holati va faoliyatini yaxshiroq tushunishga yordam beradigan tahliliy vositalar sanaladi.

Tashkilotdagi turli xil faoliyat (sotish, sotib olish, inventarizatsiya, ishlab chiqarish, logistika va boshqalar) bo'yicha moliyaviy axborot tizimlariga moliyaviy hisob tizimlari, savdoni hisobga olish tizimlari, xaridlarni hisobga olish tizimlari va inventarlarni hisobga olish tizimlari kiradi (Vasilyeva, 2016).

- Moliyaviy hisob tizimlari haqiqiy daromadlar va xarajatlarni byudjet ko'rsatkichlari bilan taqqoslaydigan tafovut hisobotlarini yaratish jarayonini osonlashtirish orqali muhim funksiyalarni bajaradi. Bunga tendensiyalar tahlili va real vaqtida qo'llab-quvvatlash tezligini baholash kiradi;

- Savdoni hisobga olish tizimlari moliyaviy nazorat maqsadlariga erishishga qaratilgan, jumladan, savdo tushumlarini monitoring qilish, debitorlik qarzlarini o'z vaqtida undirish, mahsulotlar, mijozlar toifalari va tarqatish kanallari samaradorligini baholashni o'z ichiga oladi;

- Xaridlarni hisobga olish tizimlari optimal xaridlarni ta'minlashga, shu jumladan optimal narxlarga rioya qilish, mablag'larning o'z vaqtida va tannarxni diqqat bilan kuzatib borish, shuningdek, kirish xarajatlarini tahlil qilish va tegishli xarid xarajatlarini kamaytirishga qaratilgan;

- Tovar-moddiy zaxiralarni hisobga olish tizimlari tovar-moddiy zaxiralarning harakatini kuzatish, tovar-moddiy zaxiralarni o'z vaqtida to'ldirish, saqlash xarajatlarini optimallashtirish va tovar-moddiy boyliklar bilan bog'liq yo'qotishlarni baholashga qaratilgan. Ushbu maqsadlarga erishish uchun moliyaviy axborot tizimi turli xil hisobotlarni ishlab chiqadi. Qayd etilgan tizimlarning muvafaqqiyatlari amalga oshirilishi tashkilotning moliyaviy nazoratida shaffoflik va hisobdorlikni ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Masalan, hisob tizimlari moliyaviy operatsiyalar, daromadlar, xarajatlar va inventarlarning harakati haqida batafsil ma'lumot beradi. Bu manfaatdor tomonlar uchun ochiq bo'lgan shaffof moliyaviy hisobotni yaratishga yordam beradi; buxgalteriya hisobi tizimlari tufayli samarali byudjetlashtirish mumkin, bu rejalashtirilgan daromadlar va xarajatlar haqida aniq tasavvurga ega bo'lish imkonini beradi; savdoni hisobga olish tizimlari savdo tushumlari va mijozlarning qarzlari bo'yicha shaffoflikni ta'minlaydi;

<sup>3</sup> Muallif tomonidan shakllantirilgan

xaridlarni va tovar-moddiy zaxiralarni hisobga olish tizimlari xarid xarajatlari, inventar harakari va inventar qiymatlari haqida aniq tasavvur beradi.

Bundan tashqari, haqiqiy xarajatlarning byudjetlarga nisbatan muntazam monitoringi moliyaviy qarorlar uchun javobgarlikni oshirishga yordam beradi; debtorlik va inkassatsiya jarayonlarini muntazam tahlil qilish mijozlar bilan munosabatlar va moliyani yanada mas'uliyatli boshqarishni ta'minlaydi; xarid qilish jarayonlari va inventarlarni boshqarishning real vaqtida monitoringi xarajatlarni yanada samarali boshqarish imkonini beradi, bu esa mas'uliyatli moliyaviy boshqaruvni ta'minlaydi.

Umuman olganda, ushbu hisob tizimlari shaffof va to'g'ri moliyaviy hisobotni shakllantirish, shuningdek, tashkilotning moliyaviy nazoratida hisobdorlikni saqlash uchun asosiy vosita bo'lgan ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilishni ta'minlaydi.

Moliyaviy nazorat metodologiyasi tashkilotda moliyaviy resurslarni tizimli boshqarish va monitoring qilish uchun fundamental asosni ta'minlaydi. Ushbu metodologiyaning asosiy maqsadi moliyaviy resurslardan samarali foydalanishni ta'minlash, moliyaviy intizomni saqlash va kompaniyaning strategik maqsadlariga erishishdir. Yuqorida qayd etilganlardan kelib chiqdan holda, ushbu metodologiyaning asosiy tamoyillariga tizimli yondashuv va metodik yondashuvni hamda tarkibiy qismlariga moliyaviy resurslarni boshqarish, moliyaviy intizomni saqlash va strategik maqsadlarga erishishni kirstish joiz deb xisoblaymiz:

- **Tizimli yondashuv:**

- Moliyaviy nazorat tashkilot boshqaruvining barcha jabhalariga kiritilishi kerak. Bu shuni anglatadiki, faoliyatning har bir bosqichi moliyaviy resurslarni nazorat qilish bilan o'tishi kerak.

- Tizimli yondashuv moliyaviy operatsiyalar uchun aniq tartib va standartlarni o'rnatishni va ularni muntazam ravishda yangilashni o'z ichiga oladi.

- **Metodik yondashuv:**

- Moliyaviy nazorat moliyaviy jarayonlarni tahlil qilish va monitoring qilish uchun maxsus metodika va vositalardan foydalanishni talab qiladi.

- Uslubiy yondashuv asosiy samaradorlik ko'rsatkichlarini (KPI) ishlab chiqishni, rejalashtirilgan ko'rsatkichlardan chetlanishlarni tahlil qilishni va kerak bo'lganda strategiyani tuzatishni o'z ichiga oladi.

- **Moliyaviy resurslarni boshqarish:**

- Moliyaviy nazorat metodologiyasi tashkilotning moliyaviy resurslarini faol boshqarishni nazarda tutadi.

- Bu byudjetni rejalashtirish, xarajatlarni optimallashtirish, investitsiyalardan samarali foydalanish va aylanma mablag'larni boshqarishni o'z ichiga oladi.

- **Moliyaviy intizomni saqlash:**

- Moliyaviy nazorat tashkilotda yuqori darajadagi moliyaviy intizomni o'rnatish va saqlashga qaratilgan.

- Bunga qonunlar, buxgalteriya hisobi qoidalari, ichki tartib va siyosatlarga rioxalish kiradi.

- **Strategik maqsadlarga erishish:**

- Moliyaviy nazorat metodologiyasining asosiy maqsadi kompaniyaning strategik maqsadlariga erishishni ta'minlashdir.

- Moliyaviy ma'lumotlarni tahlil qilish muammoli holatlarni aniqlashga yordam beradi va strategiyani o'zgaruvchan muhitga moslashtirish uchun kerakli ma'lumotlarni taqdim etadi.

Ushbu metodologiyaning kengaytirilishi moliyaviy jarayonlarni avtomatlashtirish maqsadida zamонавиy texnologiyalardan foydalanish, moliyaviy axborot xavfsizligi

choralarini amalga oshirish, moliyaviy rejalashtirish va nazorat qilish jarayonlarida rahbariyatning faol ishtiroki kabi qo'shimcha jihatlarni o'z ichiga olishi mumkin.

### **5. Xulosa.**

Xulosa qilib aytganda, moliyaviy nazorat metodologiyasi tashkilotning moliyaviy samaradorligi va muvaffaqiyatini ta'minlashning ajralmas elementiga aylanadi. Tizimli yondashuv, zamonaviy vositalarni joriy etish va moliyaviy resurslarni puxta boshqarish barqaror rivojlanish uchun sharoit yaratadi. Moliyaviy ko'rsatkichlar, buxgalteriya hisobi va tahlil tizimlaridan foydalanish nafaqat kompaniyaning hozirgi holatini baholash, balki kelajakdagi moliyaviy natijalarni bashorat qilish imkonini beradi.

Moliyaviy nazorat metodologiyasi ishonchli qo'llanma bo'lib, tashkilot ichidagi shaffoflik va hisobdorlikni ta'minlaydi. Bu ongli strategik qarorlar qabul qilish va risklarni samarali boshqarishning asosiy omiliga aylanadi. Likvidilikni nazorat qilish, resurslardan samarali foydalanish va moliyaviy siyosatning muvofiqligi belgilangan maqsadlarga erishish uchun barqaror asos yaratishga yordam beradi.

O'zgarishlar ajralmas qismi bo'lgan bugungi dinamik biznes muhitida moliyaviy nazorat metodologiyasi nafaqat buxgalteriya hisobi va tahlil qilish vositasi, balki o'zgarishlarga moslashish va innovatsion o'sishni rag'batlantirishga qodir strategik resursga ham aylanadi. Samarali nazorat metodologiyasi bilan qo'llab-quvvatlangan takomillashtirilgan moliyaviy jarayonlar uzoq muddatli muvaffaqiyat uchun asos yaratadi va bugungi raqobat muhitida tashkilotning mavqeini mustahkamlaydi deb xisoblaymiz.

### **Adabiyotlar:**

Абрамова И. (2003) Постановка бюджетирования в компаниях // Бухгалтер и компьютер. № 7. С. 14–18.

Анисимов А. (1966) Финансовый контроль в капиталистических странах. -С.99.

Ахмедова Л.А., Кугушев Т.Р., Умайлар У.М. Исагаджиев М.А. (2022) Организация финансового контроля и регулирование денежных потоков в организации. Индустриальная экономика, 1 (2), С. 13-17.

Бурцев В.В. Организация системы государственного финансового контроля в Российской Федерации: теория и практика. М., 2002.

Васильева М.В. (2016) Оценка эффективности и результативности использования бюджетных средств при проведении финансового контроля // Финансовая аналитика, пробл. и решения. М. № 13. С. 24-34.

Гордеева Н.В., Чмиль Т.А. (2020) Особенности Организации Финансового Контроля В Обеспечении Эффективного Функционирования Субъектов Хозяйствования. Наука и практика регионов. № 3(20). С.5-14.

Гришин В.В. (2009) Антикризисная программа отрасли: организационно-экономические аспекты / В.В.Гришин // Вестник Росздравнадзора. -№ 3. С. 45-49.

Ефимова Н.П. Государственный финансовый контроль в реализации федеральных целевых программ. М., 2000. С. 154.

Зломанова Е.А. (2022) Методы контроля исполнения бюджета в коммерческих организациях. Бизнес-образование в экономике знаний, (2 (22)), С. 27-31.

Калмыкова С.В. (2013) Организация финансового контроля в бюджетных учреждениях. Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития, (9), 170-174.

Карепина О.И. (2012) Теоретико-методологические проблемы государственного финансового контроля на современном этапе развития. Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, (5), 64-67.

- Козлюк Н.В. (2017) Внутрифирменный финансовый контроль организации и пути его совершенствования // Наука и образование: хозяйство и экономика. - №7.
- Коновалов И.Н., Коновалова Н.И., Апарин К.М. (2015) Контроль финансово-хозяйственной деятельности организации. Экономика и социум, (2-2 (15)), -С.1148-1150.
- Кузьменко В.В. (2015) Финансовый контроль в системе управления бюджетными ресурсами / Кузьменко В.В., Никитенко Т.В. Сев-Кавк. гос. техн. ун-т. Ставрополь. 193с.
- Кулькина Т.В. (2013). Мониторинг и контроль финансовых рисков организаций. Вестник Российской университета кооперации, (1 (11)), -С. 45-47.
- Курдюмов А.В., Косарев А.П. (2021) Совершенствование государственного финансового контроля в организациях высшего образования. Вестник Академии знаний, (6 (47)), 240-245. doi: 10.24412/2304-6139-2021-6-240-245
- Малеин Н.С. (1964) Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль. – М.: Наука, -152 с.
- Носкова Н.Ю. (2014) Алгоритм оптимизации финансовых потоков в процессе бюджетирования на авиастроительном предприятии. Вестник Томского государственного университета, (380), 154-160.
- Поддубная М.Н., Петросян А.М. (2022) Особенности финансового контроля медицинских учреждений. Международный журнал гуманитарных и естественных наук, (4-4), 107-110. doi: 10.24412/2500-1000-2022-4-4-107-110
- Шевченко О.А. (2012) Место бюджета движения денежных средств в системе управления организацией // Финансовый менеджмент. -№ 4. -С. 36.
- Щиборщ К.В. (2004) Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. М: Дело и Сервис, -С. 592
- Федорцова Р.П., & Елисеева И.В. (2010) Контроль за исполнением бюджета в системе финансового планирования организации. Экономический анализ: теория и практика, (32), С. 49-54.



#### HUDUDLARDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISH HOLATI VA TENDENSIYALARI

Xamzayeva D.S.

Termiz davlat universiteti

**Annotatsiya.** Ushbu tahlil O'zbekiston hududlarining 2020-2023 yillardagi turizm sohasidagi yutuqlarini va 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasini ko'rib chiqadi. Tahlilda hududlarda mahalliy va xorijiy turizmning o'sish ko'rsatkichlari, turizm sohasida amalga oshirilgan loyihalar va yaratilgan ish o'rnlari, shuningdek, strategiya doirasida belgilangan kelgusi maqsadlar va rejalarini o'rganildi. Xususan, mahalliy sayyoohlar sonining oshishi, xorijiy turistlar oqimining kuchayishi, turizm obyektlarining ko'payishi va xizmat sifatining yaxshilanishi muhokama qilindi. Shuningdek, turizm sohasining iqtisodiyotdagi o'rni, mavsumiylikni kamaytirish, yangi bozorlar va segmentlarni rivojlantirish kabi muhim masalalar ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** O'zbekiston turizmi, mahalliy sayyoohlar, xorijiy turistlar, turizm strategiyasi, turistik infrastruktura, mavsumiylikni kamaytirish, turizmning iqtisodiy ta'siri.

**Аннотация.** Данний анализ рассматривает достижения регионов Узбекистана в сфере туризма в 2020-2023 годах и Стратегию Развития Узбекистана на 2022-2026 годы. В анализе изучены темпы роста местного и иностранного туризма, реализованные проекты в сфере туризма, а также установленные цели и планы в рамках стратегии. В частности, обсуждалось увеличение числа местных туристов, рост потока иностранных туристов, увеличение числа туристических объектов и улучшение качества обслуживания. Будут рассмотрены такие важные вопросы, как роль туризма в экономике, снижение сезонности, развитие новых рынков и сегментов.

**Ключевые слова:** Узбекский туризм, местные туристы, иностранные туристы, туристическая стратегия, туристическая инфраструктура, сезонные экономические последствия, экономические последствия для туризма.

**Abstract.** This analysis considers the achievements of the regions of Uzbekistan in the field of tourism in 2020-2023 and the Development Strategy of Uzbekistan for 2022-2026. The analysis studied the growth rates of local and foreign tourism, projects implemented in the field of tourism and the created goals and plans established as part of the strategy. In particular, the increase in the number of local tourists was discussed, the increase in the flow of foreign tourists, the increase in tourism facilities and the improvement of the quality of service. Important issues such as the role of tourism in the economy, reducing seasonal season, reduce seasonal development, such as seasonal development, development of new markets and segments will be considered.

**Keywords:** Uzbek tourism, local tourists, foreign tourists, tourism strategy, tourist infrastructure, seasonal economic impacts, tourism economic impacts.

## 1. Kirish.

O'zbekiston o'zining ko'plab tarixiy-me'moriy yodgorliklari, turfa xil iqlimi va tez sur'atlarda rivojlanishi bilan butun dunyo diqqatini o'ziga tortmoqda.

Asrlar mobaynida O'zbekiston Buyuk ipak yo'lining savdo, savdogarlar va sayohatchilar, jo'g'rofiyashunoslar va missionerlar, istilochilar va zabit etuvchilarning yo'lida joylashgan edi. Ayni paytda esa, O'zbekiston tashabbuskor, madaniyat, tarix, an'ana va ekzotik mamlakatlarga qiziquvchilar uchun maftunkor sayyohlik yo'nalishlaridan biriga aylanmoqda.

O'zbekiston Markaziy Osiyo davlatlari ichida 1-bo'lib, 1993-yil 4-oktabrda Butunjahon turizm tashkilotiga (*BTT*) a'zo bo'ldi. Bu, o'z navbatida, mamlakatimizda xalqaro turizmnинг rivojlanishi, iqtisodiyotda turizm sohasi ulushining oshishiga xizmat qilib kelmoqda.

Jahon tsivilizatsiyasining qadimgi o'choqlaridan hisoblangan O'zbekiston yuqori turizm salohiyati va imkoniyatlariga ega mamlakatdir. Mamlakatimizda 9 608 dan ziyod madaniyat obyektlari mavjud. Shundan 7300 dan ortiq qismi qadimiy arxitektura va arxeologik obyektlar hisoblanib, ularning 200 tasi YUNESKOning jahon madaniy merosi ro'yxatiga kiritilgan. Ularning asosiy qismi Samarqand, Buxoro, Xiva, Shahrisabz, Termiz, Qo'qon va Toshkent shaharlarida joylashgan.

Mamlakatimizda bu soha izchil rivojlanmoqda. Jumladan, 2022-yilda yurtimizga tashrif buyurgan xorijiy turistlar soni 2021-yilga nisbatan 3 baravar oshgan. Soha eksporti 1 milliard 600 million dollarni tashkil etgan. Ichki turizm dasturlari doirasida 11 milliondan ziyod aholi sayohat qilgan. Samarqandda yangi turizm markazi barpo etilgani natijasida u yerga qo'shimcha 2 million sayyoh kelgan<sup>1</sup>.

Aslida mamlakatimizda bu sohadagi salohiyat bundan ancha yuqori. Yurtimizga kelmoqchi bo'lgan sayyohlar juda ko'p. Lekin, ularni qiziqtiradigan joylar haqida kontent kam, turistlarni 4-5 kun olib qoladigan dasturlar yetishmaydi. Samolyot va poezdga biletini bir necha oy oldindan sotib olishda noaniqliklar ko'p. Ushbu muammolarni hisobga olgan holda, maqola mavzusi dolazarb ahamiyatlari hisoblanadi.

## 2. Adabiyotlar sharhi.

Richard Sharpls va Pol Breytning (2020) tadqiqotida mamlakatlar va mintaqalarga e'tibor qaratib, turizm va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi munosabatlarni global darajada tahlil qiladilar. Ularning xulosasiga ko'ra, turizm, ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda iqtisodiy o'sishga sezilarli ijobjiy ta'sir ko'rsatadi.

Ketrin Xoll va Alan Lyu (2019) turizmnинг turli mamlakatlarda iqtisodiy rivojlanishga qanday hissa qo'shishini o'rganadi. Mualliflar turizm rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlardagi iqtisodiy ko'rsatkichlarni taqqoslab, turizm industriyasining iqtisodiy taraqqiyot dvigateli sifatidagi ahamiyatini ta'kidlaydilar.

Mariya Sanches va Xuan Pablo Rodriges (2021) turizmni, ayniqsa, ish o'rirlari yaratish va yalpi ichki mahsulotni ko'paytirish sharoitida iqtisodiy rivojlanishni rag'batlantirishning samarali vositasi sifatida ko'rishadi.

Lina Zaxarova va Andrey Krasnovdan (2018) tadqiqoti turizm nafaqat qisqa muddatli iqtisodiy o'sishga, balki mintaqalarning uzoq muddatli iqtisodiy barqarorligiga qanday hissa qo'shishi mumkinligini o'rganadi va turizm sanoati kontekstida ekologik barqarorlik masalalarini muhokama qiladi.

Emma Richardson va Jeyms Myurrey (2022) turizmnинг iqtisodiyotni rivojlantirishdagi o'rniga, ayniqsa, mahalliy aholi daromadlarini oshirish va hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan.


<sup>1</sup> <https://kun.uz/uz/news/2023/10/16/ozbekistonda-turizm-sohasi-2017-2023-yillarda-islohotlar-qanday-natijalarga-olib-keldi>

Julia Jonson va Maykl Teylor (2021) tadqiqotida qishloq joylarida turizmni rivojlantirish iqtisodiy rivojlanishga, infratuzilmani yaxshilashga va mahalliy aholi turmush darajasini yaxshilashga qanday hissa qo'shishi mumkinligini o'rganadi.

Bu asarlar turizm va iqtisodiy o'sish o'rtaqidagi munosabatlarga oid keng ko'lamli qarashlarni namoyish etib, turizm industriyasidagi siyosat va strategiyalarni ishlab chiqish uchun qimmatli fikrlarni taqdim etadi. Shuningdek, ularda iqtisodiy manfaatlar va barqaror rivojlanish o'rtaqidagi mutanosiblik zarurligi, turizmning ijtimoiy va ekologik jihatlarini hisobga olish muhimligi ta'kidlanadi.

### **3. Tahlil va natijalar.**

2022-yil yanvar-dekabr davrida O'zbekistonda mahalliy turizm sezilarli darajada o'sishni boshdan kechirdi. Jami 11.4 million mahalliy aholi mamlakat bo'ylab sayohat qildi. Bu raqam 2021-yilga nisbatan ancha yuqori, o'sha yili ichki turistlar soni 4.6 million edi. Shuningdek, 2022-yilda O'zbekiston 5.2 milliondan ortiq xorijiy sayyoohlarni kutib oldi, bu 2017-yildagi 2.69 millionga qaraganda ancha yuqori ko'rsatkichdir. Bu raqam 2021-yildagi 1.8 million xorijiy turistlarga nisbatan deyarli uch baravar ko'payishni bildiradi va 2022-yil uchun mo'ljallangan 2.7 milliondan 2.5 millionga ko'pdir. 2022-yilning yanvar-dekabr oylarida turizm xizmatlarining eksport hajmi 1.61 milliard AQSh dollaridan oshdi. Taqqoslash uchun, bu ko'rsatkich 2021-yilda 296.4 million dollar, 2019 yilda 951 million dollar, 2017-yilda esa 1.55 milliard dollar edi.



**1-rasm. 2020-2023 (prognoz) yillarda O'zbekistonga tashrif buyurgan xorijiy sayyoohlarni soni<sup>2</sup>, mln kishi**


Mehmonlarning O'zbekistonda o'rtacha qolish muddati 2022-yilda 4-5 kunga ortdi, o'rtacha sarflangan mablag' esa taxminan 305 dollarga ko'tarildi. 2019-yilda bu ko'rsatkichlar o'rtacha 3 kun va 195 dollar edi. Shuningdek, oxirgi uch yil davomida mehmonxonalar soni uch baravarga oshib, deyarli 125 ming o'ringa yetdi, bu esa 2017-yildagi 37 ming o'ringa qaraganda sezilarli o'sishdir (1-rasm).

Xususan, 2022-yil yakunlariga ko'ra mamlakatimizga tashrif buyurgan xorijiy turistlar soni 5,23 mln nafarni tashkil qilgan. Bu ko'rsatkich 2021-yilga nisbatan 3,4 mln nafarga yoki 2,8 baravarga oshgan. Tashrif buyuruvchilarning asosiy qismi qo'shni mamlakatlar Qozog'iston (29,6%), Tojikiston (27,7%) va Qirg'iziston (26%) davlatlariga to'g'ri keladi.

<sup>2</sup> <https://kun.uz/uz/news/2023/01/31/sayyoohlarni-oshmoqda-bu-ozbekiston-uchun-qanchalik-foydalar>

2021-yilda turizm sohasidagi investitsiya loyihalari doirasida umumiyligi qiymati 11,4 trln so'm bo'lgan mablag'lar o'zlashtirilib, 495 ta loyiha amalga oshirildi. Davlat investitsiya dasturi doirasida mahalliy hokimliklar bilan birlashtirilgan umumiyligi qiymati 1,2 mlrd AQSh dollari bo'lgan 62 ta loyihada, 562,7 mln dollar investitsiya o'zlashtirilib, 31 ta loyiha ishga tushirildi.

2022-yilda turizm sohasida jami qiymati 22,1 trln so'mlik 735 ta loyihalar ishga tushirilib, tarmoqda qo'shimcha 23 mingga yaqin yangi ish o'rni yaratildi. Tadbirkorlikni rivojlantirish, investitsiya jalb qilish hamda raqobatbardosh xizmatlarni yo'lga qo'yishga bergan e'tibor natijasida turizm bozorimizga Hilton, Marriott, Hyatt, Wyndham, InterContinental Hotels Group va Accor kabi yetakchi mehmonxona brendlari kirib kelmoqda. Ular nafaqat poytaxt Toshkent, balki, Buxoro, Samarqand va Xiva shaharlariga ham qiziqish bildirib, o'z faoliyatlarini tashkil qilmoqda.



**2-rasm. 2021-yilda O'zbekiston bo'ylab sayohatlar soni<sup>3</sup>**

2022-yilda O'zbekiston Respublikasida turizm sohasida katta yutuqlar qayd etildi. Jami 28 ta tuman va shaharlarda joylashgan 135 ta mahallada turizm xizmatlari samarali tashkil etildi. Bu jarayonda 1,841 ta turistik obyekt ishga tushirildi, jumladan 36 ta mehmonxona, 60 ta xostel, 512 ta mehmon uyi, 174 ta o'tov, 190 ta hunarmandlar markazi, tog' va plyaj turizmi, sahro turizmi shoxobchalari, 376 ta restoran va kafe, 164 ta transport xizmati korxonasi, ov va ziyorat turizmi obyektlari hamda turizmga yondosh xizmatlar yo'lga qo'yildi. Natijada, turizm sohasida 270 mingdan ortiq yangi ish o'rnlari yaratildi, mehmonxonalarining soni 1,700 tadan oshdi, o'rnlar soni 85,7 mingtaga, oilaviy mehmon uylarining soni esa 3,180 taga yetdi.

2022-yilda 284 ta yangi turistik tashkilotlar va turagentlar ish boshladi, ularning umumiyligi soni 1,782 taga yetdi. Har bir viloyat o'zining "turistik halqasi"ni tashkil etish bo'yicha loyihalarni ishlab chiqmoqda, eng yaxshi loyihalarga 20 million dollargacha kredit ajratilishi rejalashtirilgan. Turizm xizmatlari uchun 100 million dollarlik kredit liniyasi ochilgan va kelgusi yil uchun yana 100 million dollar jalb qilish ko'zda tutilgan.

Zomin, Forish, Baxmal tumanlari va "Aydar-Arnasoy" ko'llar tizimida yangi turistik zonalar va dam olish maskanlarini barpo etish rejalashtirilgan, bu loyihalar 300 million AQSh dollariga teng bo'lib, 25 ming ish o'rni yaratish maqsad qilingan. Qoraqalpog'iston, Buxoro, Qashqadaryo, Navoiy, Surxondaryo, Farg'ona va Xorazm viloyatlarining cho'l hududlarida "safari" turizmini rivojlantirish maqsadida yo'l tanlamas transportlar uchun import bojxonalari pasaytirilishi taklif qilinmoqda.

<sup>3</sup> 2021-yilda O'zbekiston Respublikasida turizm va dam olish rivojlanishining asosiy ko'satkichlari. [https://stat.uz/images/uploads/relix2021/turizim\\_28\\_07\\_22\\_uz.pdf](https://stat.uz/images/uploads/relix2021/turizim_28_07_22_uz.pdf)

Qoraqalpog'iston va Orol bo'yи hududlarida ekoturizmni rivojlantirish bo'yicha maxsus dastur ishlab chiqilmoqda, bu dasturda Mo'ynoqning yangi aeroportidan foydalanish, ekoturizm tashkil etiladigan hududlarda infratuzilma qurish va sayyoohlarga turli xizmatlar ko'rsatish kabi masalalar o'z aksini topgan. Qoraqalpog'iston Respublikasi, Buxoro, Navoiy va Jizzax viloyatlarida plyaj zonalarini rivojlantirish hamda Yakkabog' tumanidagi "Amir Temur tug'ilgan maskan" muzey yodgorligini barpo etish rejalashtirilgan.

O'zbekistonning turizm salohiyati asosan ziyyarat turizmi, ekoturizm va gastronomik turizmga asoslangan. Eng ko'p tashrif buyuruvchilar Toshkent shahri, Xorazm, Buxoro va Samarqand viloyatlariga to'g'ri keladi. Masalan, faqat 2022-yilda Samarqand viloyatidagi "Registon" ansambliga 1,028 ming nafar mahalliy va xorijiy turistlar tashrif buyurgan.

2022-2026-yillar uchun belgilangan "Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi" doirasida, O'zbekiston turizm sohasida katta maqsadlarni belgilagan. Ushbu strategiya mahalliy sayyoohlarning sonini 12 milliondan oshirishni va O'zbekistonga keladigan xorijiy turistlar sonini 9 milliongacha yetkazishni ko'zda tutadi. Turizm sohasi iqtisodiyotda muhim rol o'ynaydi, chunki turizm sohasida yaratilgan har bir ish o'rni boshqa tarmoqlarda ikki ish o'rni yaratish imkonini beradi.

2026-yilga qadar turizm sohasida ishlaydigan aholi sonini 520 ming kishiga yetkazish rejalashtirilgan. Uzbekistan Airways aviakompaniyasi yangi samolyotlar va vertolyotlarni sotib olish orqali ziyyarat turizmini kengaytirishni maqsad qilgan, bu esa O'zbekistonga Malayziya, Indoneziya, Hindiston, Bangladesh, Arab mamlakatlari, Tatariston, Boshqirdiston va qo'shni davlatlardan ko'proq turistlar kelishini ta'minlaydi.

Samarqandga Abu-Dabi shahridan "Wizz Air" aviakompaniyasining parvozları 2023-yildan haftasiga kamida to'rt marta o'tkaziladi, shuningdek, Yevropaning Vengriya, Ruminiya, Italiya va Kipr kabi mamlakatlariga ham aviaqatnovlar yo'lga qo'yiladi.

Respublikada tibbiyot klasterlari tashkil etish rejalashtirilgan, bu tibbiy turizmning rivojlanishiga yordam beradi. Mahalliy sayyoohlarni uchun turli "Turizm mahallalari", "Turizm qishloqlari" va "Turizm ovullari" tashkil etilib, ularni qo'llab-quvvatlash tizimlari joriy qilindi.

Samarqand tumani Konigil qishlog'ida birinchi "turizm qishlog'i" tashkil etildi va 200 dan ortiq mahalliy aholi ish bilan ta'minlandi. Navoiy viloyatining Nurota tumanidagi Sentob va Toshkent viloyatining Ohangaron tumanidagi Ertosh-soy va Ovjazsov qishloqlariga ham "turizm qishlog'i" maqomi berildi, bu yerlarda tashkil etilgan xizmatlar natijasida 400 ga yaqin kishi ish bilan ta'minlandi.

Shuningdek, Toshkent viloyatining Angren shahri va Parkent tumani, Qashqadaryo viloyatining Shahrisabz va Boysun tumanlarida turizm qishloqlarini tashkil etish bo'yicha ishlar olib borilmoqda.

Samarqand shahrida Shanxay hamkorlik tashkiloti davlatlari rahbarlari kengashining sammiti doirasida yangi turistik markaz qurildi va 8 ta zamonaviy mehmonxona ishga tushirildi. Bu loyiha 516 million dollar miqdorida investitsiya kiritildi.

Xorazmda turistlar o'rtacha 2 kun qoladi va 220 dollar sarflaydi, lekin bu viloyatda turistlarni uzoqroq muddatga jalg qilish uchun imkoniyatlar mavjud.

O'zbekistonda 31 ta tuman va 143 ta mahalla turizmga ixtisoslashtirildi va ular uchun alohida soliq rejimi joriy qilindi, bu esa Forish, Urgut, Xo'jayli, Payariq, Nurota tumanlari va Angren shahrining turizm salohiyatini oshirishga yordam berdi.

#### **4. Xulosa.**

O'zbekistonning turizm sohasidagi 2020-2023-yillardagi yutuqlari va 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasi bo'yicha tahlil va natijalardan kelib chiqqan holda, quyidagi xulosalar va takliflar berish mumkin:

2022-yilida mahalliy turizmning kuchli o'sishi, ayniqsa, mahalliy sayyoohlolar sonining 11.4 milliongacha ko'tarilishi, turizm sohasida katta potentsialni ko'rsatadi. Bu o'sishni yanada rag'batlantirish uchun, mahalliy sayyoohlarni jalb qiladigan hududlarda yangi turistik joylarni rivojlantirish va ularning qulayligini oshirish kerak.

Xorijiy sayyoohlarning soni 2022-yilda sezilarli darajada o'sdi. Biroq, asosan qo'shni davlatlar sayyoohlari ustunlik qilmoqda. Bu holatni diversifikatsiya qilish va boshqa mamlakatlardan sayyoohlarni jalb qilish uchun turizmni targ'ib qilish bo'yicha xalqaro marketing strategiyalarini kuchaytirish zarur.

Turistik obyektlar sonining o'sishi va mehmonxonalar sonining uch baravarga oshirilishi bilan bir qatorda, xizmat ko'rsatish sifatini va infratuzilmani yaxshilashga e'tibor qaratish muhimdir. Bu sayyoohlар tajribasini yaxshilaydi va O'zbekistonning turizm bozorida raqobatbardoshligini oshiradi.

Turizm sohasining mavsumiy tabiatini kamaytirish orqali yil davomida turizm daromadlarini ta'minlash mumkin. Buning uchun turli mavsumlarda turli turdag'i turizmni rivojlantirish va sayyoohlarni jalb qilish bo'yicha tashabbuslar kiritish kerak. Mamlakatning Surxandaryo va Jizzax viloyatlarda qish mavsumiga mo'ljallangan turistik dasturlarni ko'paytirish kerak.

Turizm sohasida yangi segmentlarni, masalan ekoturizm, madaniy turizm va tibbiy turizm kabi sohalarni rivojlantirish muhimdir. Bu turizmning turli qatlamlarini jalb qilish va turizm mahsulotlarini diversifikatsiya qilish imkonini beradi. Jumladan, Samarqand viloyati va Toshkent shahrida tibbiy turizmni rivojlantirish imkonini yuqori bo'lsa, Jizzax, Farg'ona va Namangan viloyatlarida ekoturizmni va Suxandaryo, Qashqadaryo viloyatlari hamda Qoraqalpog'iston Respublikasida madaniy turizm obyektlarining sonini hisobga olgan holda, turizmning ushbu yo'naliшини rivojlantirish ahamiyatli bo'lishi mukin.

Uzbekistan Airways tomonidan yangi samolyotlar va vertolyotlarning xarid qilinishi turizm salohiyatini kengaytiradi. Boshqa transport vositalarini, masalan, temir yo'l va avtobus qatnovlarini ham yaxshilash, sayyoohlarga qulaylik yaratadi.

### **Adabiyotlar:**

Белл, С., & Кларк, Д. (2020). "Экологический туризм как инструмент устойчивого экономического развития". Сидней: Издательство Австралия.

Грин, Э., & Браун, П. (2021). "Туризм и его влияние на экономическую диверсификацию". Париж: Издательство Франция.

Джонсон, Дж., & Тейлор, М. (2017). "Туризм как катализатор развития сельских территорий". Нью-Йорк: Издательство Америка.

Захарова, Л., & Краснов, А. (2018). "Влияние туризма на экономическую устойчивость". Берлин: Издательство Глобус.

Мартинс, К., & Сильва, А. (2022). "Стратегическое планирование в туристической индустрии и его влияние на экономический рост". Лиссабон: Издательство Португалия.

Петрова, Л., & Иванов, А. (2019). "Взаимодействие туризма и макроэкономической стабильности". Москва: Издательство Россия.

Ричардсон, Э., & Муррей, Дж. (2022). "Роль туризма в экономическом развитии". Лондон: Издательство Великобритания.

Санчес, М., & Родригес, Х. П. (2021). "Туризм как инструмент экономического развития". Мадрид: Издательство Прогресс.

Шарплс, Р., & Брейт, П. (2020). "Туризм и экономический рост: Глобальный анализ". Москва: Издательство Экономика.

Холл, К., & Лью, А. (2019). "Экономическое влияние туризма: Сравнительный анализ". Санкт-Петербург: Издательство Путешествия.



### ТОҒ-КОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ФОЙДА СОЛИФИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*PhD, Абдуллаев Да.*  
Тошкент молия институти

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакатимизда тоғ-кон саноати корхоналарида фойда солиғини ундиришнинг амалдаги тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари тадқик қилинганд. Шунингдек, мазкур соҳадаги корхоналардан фойда солиғини ундириш тартибини янада тақомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилиб, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** реализация, солиқ, фойда, фойда солиғини тўлагунга қадар фойда, фойда солиғи, соғ фойда, солиқ базаси, солиқ ставкаси.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрен действующий порядок взимания налога на прибыль на горнодобывающих предприятиях в нашей стране и его особенности. Также сформированы выводы по дальнейшему совершенствованию порядка взимания налога на прибыль с предприятий данной сферы, разработаны научные предложения и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** реализация, налог, прибыль, прибыль до уплаты налога на прибыль, налог на прибыль, чистая прибыль, налоговая база, ставка налога.

**Abstract:** This article examines the current procedure for collecting profit tax in mining enterprises in our country and its specific features. Also, conclusions on the further improvement of the procedure for collecting profit tax from enterprises in this field were formed, and scientific proposals and practical recommendations were developed.

**Key words:** realization, tax, profit, profit before paying profit tax, profit tax, net profit, tax base, tax rate.

#### 1. Кириш.

Бугунги кунда дунёда давлатлар ўртасида юзага келган геосиёсий зиддиятлар ва уларнинг давом этиши глобал иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан, Хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таъминланмоқда. Мамлакатимизни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолища Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш зарур. Жаҳон иқтисодиётида юз берәётган ноаниқликлар оқибатида юртимизда Давлат бюджети даромадлари билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Хусусан, 2022 йилда қабул қилинганд бюджет қонуни билан 2023 йил давомида бюджет дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик белгиланган. Бироқ, мазкур кўрсаткич

жорий йилнинг 9 ойида қарийб 6 фоизга етган ва йил якуни бўйича 5,5 фоиз атрофида бўлиши режа қилинмоқда. Шунингдек, бюджет тақчиллигининг чегараси 2024 йилда 52,5 трлн сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдорида белгиланмоқда<sup>1</sup>.

Давлат бюджети дефици миқдорини камайтириш ва белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошиб кетмаслигини таъминлашда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мамлакатимизда Давлат бюджет даромадларининг асосий манбаси солиқлар ҳисобланади. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ яъни фойда солиғи бюджет даромадларини шакллантирадиган қўшилган қиймат солиғидан кейинги асосий солиқ тури ҳисобланади. Шу боис, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда тоғ-кон саноати корхоналаридан фойда солиғини ундиришнинг амалдаги ҳолатини ўрганиб чиқиб, мазкур соҳа корхоналари фойдасини солиқقا тортиш тартибини янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Иқтисодиётнинг айрим тармоқ корхоналари ва йирик солиқ тўловчиларнинг фойдасини солиққа тортиш тизиминининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор маҳаллий олимларимиз томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, С.Худойқуловнинг (2019) қайд этишича, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ ўзида рағбатлантирувчанлик функциясини акс эттириб, солиқ тўловчиларнинг молиявий фаолиятига тез таъсир этувчи солиқлардан ҳисобланади.

И.Ниязметовнинг (2018) фикрига кўра, йирик корхоналар мавжуд инфратузилмадан, яъни давлатнинг ижтимоий хизматларидан кўпроқ фойдаланади. Шу сабабли, бундай корхоналар ўз фойдасидан давлатга кўпроқ солиқ тўлаши керак. Бу эса уларга фойда солиғининг юқорироқ ставкасини қўллашни тақозо этади.

М.Эшонов (2006) томонидан фойда солиғи ставкалари юридик шахсларнинг фонд сиғимларини инобатга олувчи ҳар бир тармоқнинг ўртача рентабиллигига асосланиб, унинг ўсишига тескари пропорционал равишда белгиланиши таклиф этилган.

Ш.Жумаев (2023) ўзинининг тадқиқот ишида, ўта йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирадиган корхоналардан олинадиган фойда солиғи суммасининг режадан оширилган қисмини тўлалигича давлат бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш, солиқ тўловчилар манфаатларини уйғунлаштириш, шу орқали бюджетлар даромад манбаларини кўпайтириш мақсадида ҳудудларда қолдириш зарурлигини таъкидлайди.

Х.Зариповнинг (2021) қайд этишича, йирик солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаолигини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш лозим. Бунда, корхоналар учун белгиланган солиқ ставкаси устав фондида узоқ муддатли инвестициялар улуши 35 дан 40 %гача бўлганда – 80 %ни, 40 дан 50 %гача бўлганда – 75 %ни, 50 %дан юқори бўлганда – 70 %ни ташкил этиши мақсадида мувофиқ ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдикি, мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлар томонидан корхоналар фойдасини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан жуда муҳим тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ, тоғ-кон саноати корхоналарини фойдасини солиққа тортиш бўйича алоҳида тадқиқот олиб борилмаган.

## **3. Таҳлил ва натижалар.**

Мамлакатимизда тоғ-кон саноати корхоналари таркибига асосан Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати (ОКМК)

<sup>1</sup> <http://www.imv.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайти.

корхоналари киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2020) билан НКМК давлат корхонаси ислоҳ қилиниб, унинг негизида НКМК акциядорлик жамияти, “Навоийурен” давлат корхонаси ва “НКМК жамғармаси” давлат муассаси корхоналари ташкил қилинган. Бунда, қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш НКМК акциядорлик жамиятининг фаолият тури сифатида қайд этилган. Бугунги кунда 2 та корхонанинг ҳам ташкилий-хуқуқий шакли акциядорлик жамияти ҳисобланади. Кейинги йилларда НКМК ва ОКМК корхоналарида солиқ маъмуряятчилигини такомиллаштириш бўйича бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур корхоналар ва уларнинг таркибидаги ташкилотлар 2019 йилда йирик солиқ тўловчи юридик шахслар тоифасига киритилди ва 2020 йилдан бошлаб мазкур 2 та корхонанинг фойдасига солиқ солиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Мамлакатимизда фойда солиғи тушуми ҳудудларнинг улушидан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий бюджетларга келиб тушади. Жумладан, ушбу солиқнинг Тошкент шаҳрида 8 фоизи, Тошкент вилоятида 63 фоизи, Навоийда 75 фоизи, Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятларда 100 фоизи маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, айрим йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган фойда солиғи тўлиқ республика бюджетига йўналтирилади ва мазкур корхоналар рўйхати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори (2022) билан тасдиқланади. Хусусан, 2023 йилда фойда солиғи тушуми тўлиқ республика бюджетига келиб тушадиган йирик солиқ тўловчилар сони 116 та бўлиб, ушбу рўйхатга НКМК ва ОКМК корхоналари ҳам киритилган. Бундан кўриниб турибдики, мазкур юридик шахслар томонидан тўланадиган фойда солиғи тўлиқ республика бюджетига келиб тушади.

Маълумки, фойда солиғи ставкалари янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (2020) билан белгиланган. Бироқ, НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятлари учун фойда солиғи ставкаси ҳар йили алоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади. Бунда, мазкур корхоналарга реализация тушуми инобатга олинган ҳолда фойда солиғининг прогрессив ставкаси қўлланилади. Жумладан, 2023 йил учун фойда солиғининг ставкаси солиқ солиш базасининг товар (хизмат)ларни реализация қилишдан тушган тушумнинг 15 %изига тенг қисмига 15%, қолган қисмига 50% ни ташкил этади (Қарор, 2022). Кейинги йилларда НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятлари учун фойда солиғи ставкасининг ўзгариши қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

#### 1-жадвал

#### НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятлари учун фойда солиғи ставкасининг ўзгариши, %да

| Солиқ солиши базаси              | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | Фарқи |
|----------------------------------|----------|----------|----------|----------|-------|
| Реализация тушумининг 15 фоизига | 15       | 15       | 15       | 15       | 0     |
| Қолган қисмига                   | 75       | 75       | 50       | 50       | -25   |

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида НКМК ва ОКМК корхоналарида фойда солиғи ставкасининг ўзгаришини таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, солиқ базасининг реализация тушумининг 15 фоизигача қисми бўйича солиқ ставкаси ўзгармаган яъни 15 фоизни ташкил этган. Шунингдек, солиқ базасининг қолган қисми бўйича 75 фоиздан 50 фоизгача яъни 25 фоизга пасайтирилган.

Мамлакатимизда НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятлари учун фойда солиғи алоҳида ставкаси яъни бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан юқори ставка қўлланилади. Ушбу корхоналарга юқори ставкани қўллашнинг асослилигини


баҳолаш учун уларнинг фойда билан боғлиқ молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

**2-жадвал**  
**НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятларининг кўрсаткичлари таҳлили<sup>2</sup>.**

млрд.сўм

| Кўрсаткичлар номи   | 2020 й   | 2021 й   | 2022 й  | 2023 й<br>9 ойлик |
|---|----------|----------|---------|-------------------|
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум           | 72 431,8 | 35 197,1 | 73192,2 | 36 745,8          |
| Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда                                | 33 178,1 | 15 703,4 | 32027,6 | 13 123,2          |
| Фойда солиғи  | 19 049,4 | 9 524,1  | 12820,3 | 6 022,7           |
| Соф фойда   | 14 128,7 | 6 179,3  | 19207,2 | 7 100,5           |
| Фойда солигини тўлагунга қадар фойданинг соф тушумдаги улуши, %да | 45,8     | 44,6     | 43,8    | 35,7              |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, НКМК ва ОКМК корхоналарининг фойда солиғи тўлагунга қадар фойдаси 2020 йилда 19 049,4 млрд.сўмни, 2021 йилда 9 524,1 млрд.сўмни, 2022 йилда 19 207,2 млрд.сўмни, 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 6 022,7 млрд.сўмни ташкил этган. Унинг соф тушумдаги улуши 2020 йилда 45,8 %ни, 2021 йилда 44,6 %ни, 2022 йилда 43,8 %ни, 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 35,7 %ни бўлган. Бундан хуноса қилишимиз мумкинки, мазкур корхоналарнинг фаолият натижасидан олинадиган фойдаси бошқа соҳадаги корхоналарнинг фойдасидан юқори ҳисобланади.



**1-расм. 2020-2023 йилларда НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятлари фойда солигининг жами фойда солиғи тушумидаги улуши таҳлили<sup>3</sup>.**

<sup>2</sup> <http://www.ngmk.uz/> - "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ва <http://www.agmk.uz/> - "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" расмий сайти

<sup>3</sup> <http://www.imv.uz/> // - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайти.

Бугунги кунда НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятларидан ундириладиган фойда солиғи жами фойда солиғи тушумининг асосий қисмини ташкил этади. Буни 1-расм маълумотлари асосида 2020-2023 йилларда НКМК ва ОКМК корхоналарининг фойда солиғи тушуми ҳамда унинг мазкур солиқдаги улушкини таҳлил қиласидиган бўлсак, мазкур корхоналардан ундирилган фойда солиғи миқдори 2020-2022 йилларда 19 503,9 млрд.сўмдан 17 822,7 млрд.сўмгача камайган ва 2023 йилда 16 518,1 млрд.сўмга камайиши кутилмоқда. Шунингдек, фойда солиғи тушуми таркибида ушбу корхоналарнинг улushi 2022 йилда 47,3 фоизни ташкил этган ҳолда 2020 йилга нисбатан 20,6 фоизга камайган ҳамда 2023 йилда 38,6 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. Умуман олганда, кейинги йилларда мазкур корхоналарда фойда солиғи миқдори ва унинг жами фойда солиғи улushi камайиб бормоқда. Фикримизча, бунинг асосий омили солиқ ставкасининг пасайтирилиши билан боғлиқ. Бироқ, 2020-2023 йилларда ушбу 2 корхонанинг фойда солиғи тушуми жами тушумнинг ўртача 55,2 фоизни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, фойда солиғи тушумининг аксарият қисмини НКМК ва ОКМК корхоналарининг фойда солиғи ташкил этади.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2023 йилда Давлат бюджети даромадлари бўйича фойда солиғидан белгиланган 42,8 трлн.сўм прогноз кўрсаткичи ҳақиқатда 40,9 трлн.сўмга ижро қилиниб, жорий йил учун мазкур солиқ тушумидан белгиланган прогноз кўрсаткичи 1,9 трлн.сўмга кам ёки 4,5 %га бажарилмаслиги кутилмоқда<sup>4</sup>. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, фойда солиғидан белгиланган прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида ушбу солиқни такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ.

#### 4. Хулоса.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда жорий йилда фойда солиғи бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичи бажарилмаслиги кутилмоқда. Бу эса фойда солиғини ундиришнинг амалдаги тартибини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бунда, тоғ-саноати соҳасидаги корхоналар фойдасини солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллиштиришга эътибор бериш лозим. Чунки фойда солиғи тушумининг 50 % дан ортиқ қисмини мазкур соҳадаги 2 та корхона яъни НКМК ва ОКМК акциядорлик жамиятлари тушуми ташкил этади. Фикримизча, 2022 йилда фойда солиғи тушумининг камайиши ва 2023 йилда ушбу солиқнинг прогноз кўсаткичи ижроси тўлиқ таъминланмаслиги кутилиши НКМК ҳамда ОКМК корхоналари учун кейинги йилларда фойда солиғи ставкасининг пасайтирилиши билан боғлиқ. Шунингдек, НКМК ҳамда ОКМК корхоналари учун фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаси қўлланиши фойда солиғи маъмуриятчилигини қийинлаштиради ва солиқни ҳисоблаб чиқаришни мураккаблаштиради. Сабаби, ушбу ставка қўлланилиши ҳисобига НКМК ҳамда ОКМК корхоналари учун алоҳида фойда солиғи ҳисоб-китоби ва бўнак тўловларни ҳисоблаш маълумотномаси ишлаб чиқилган.

Фойда солиғи тушуми барқарорлигини таъминлаш, тоғ-саноати корхоналарнинг фойдасини солиққа тортиш тартибини янада такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- НКМК ҳамда ОКМК корхоналари учун амалдаги фойда солиғи ставкаси миқдорини ошириш;

<sup>4</sup> <http://www.imv.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайти.

- НКМК ҳамда ОКМК корхоналари учун алоҳида қўлланиладиган фойда солиғининг табақалаштирилган ставкасини бекор қилган ҳолда прогрессив ставкани жорий қилиш;

- НКМК ҳамда ОКМК акциядорлик жамиятларининг тизимидаги корхоналар учун ҳам мазкур солиқ тўловчиларга белгиланган фойда солиғи ставкасини қўллаш;

- НКМК ҳамда ОКМК корхоналари учун алоҳида ишлаб чиқилган фойда солиғи ҳисоб-китоби ва бўнак тўловлари бўйича ҳисбот шаклини бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

### **Адабиётлар:**

Жумаев Ш. (2023) Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари: иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) диссертация Автореферати. Тошкент.

Зарипов Х.Б. (2021) Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари. Монография/- Т.: “Иқтисод-Молия”, -48 б.

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

Ниязметов И.М. (2018) Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация Автореферати. Тошкент.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартағи ПҚ-4629-сон.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон.

Худойқулов С.К. (2019) Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент .

Эшонов М.А. (2006) Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Андижон.



### ХАРАЖАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдуразақов А.А.  
Тошкент молия институти

**Аннотация.** Мақолада мавзу доирасидаги мавжуд илмий мактаблар вакилларининг тадқиқот натижалари танқидий таҳлил қилинган, умумлаштирилган ҳамда натижаларига асосланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) танархини ҳисоблаш, таннархни ҳисоблаш усуllibарининг ривожланиши босқичлари таҳлил қилинган, харажатларнинг миқдори ва дараҷасига таъсир қиласиган омиллар тизимлаштирилган. Шунингдек, мақолада хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарувини ҳисоби самарадорлигини оширишни бюджетларни шакллантириш орқали амалга ошириш асоланган, бюджет кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек вужудга келадиган четланишларини таҳлил қилиш механизми қўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби, таннархни ҳисоблаш усуllibар, омиллар, бюджетлаштириш.

**Аннотация.** В статье по результатам исследований критически проанализированы, обобщены и систематизированы существующие подходы научных школ по методикам расчета себестоимость продукции (работ, услуг), определены затраты и факторы, влияющие на уровне себестоимости производимой продукции. Также в статье приведены основы повышения эффективности стратегического управлеченческого учета затрат в хозяйствующих субъектах за счет формирования бюджетов, механизма контроля за выполнением бюджетных показателей, а также анализа возникающих отклонений.

**Ключевые слова:** стратегический учет затрат, методы калькуляции, факторы, бюджетирование.

**Abstract:** Based on the research results, the article critically analyzes, generalizes and systematizes the existing approaches of scientific schools according to the methods of calculating the cost of production. The article also provides the basics for improving the efficiency of strategic management cost accounting in economic entities through the formation of budgets, a mechanism for monitoring the implementation of budget indicators, as well as an analysis of emerging deviations.

**Key words:** strategic cost accounting, calculation methods, factors, budgeting.

## 1. Кириш.

Жаҳонда кечәётган глобаллашув жараёни хўжалик субъектларидан узоқ муддат учун мўлжалланган стратегик ривожланиш йўналиши ҳамда кўрсаткичларини аниқлаб олишни талаб қиласди. Зоро, ривожланган мамлакатларда ушбу тадбир "...компаниялар мувафақиятининг асосий омили бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган тезкор ва ишончли маълумотларни олиш ҳамда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб келмоқда" (К.Друри, 2003).

Жаҳонда компанияларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили саналган стратегик бошқарув ҳисоби усусларини оптималлаштириш бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу соҳада амалга оширилган илмий изланишлар хўжалик субъектларида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини амалий тарафдан етарлича ёритиб бера олмайди. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобининг баъзи жиҳатлари бўйича назарий ҳамда амалий ишланмаларнинг етишмаслиги, стратегик менежментнинг аҳамияти ошиб бораётган даврда халқаро компанияларнинг ушбу ҳисоб шаклига бўлган қизиқишининг ортиши хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада чуқурроқ таҳлил қилиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Ҳозирда "қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усусларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш" устувор йўналиш сифатида эътироф этилган (Фармон, 2017).

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Республикамиз иқтисодининг турли тармоқларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини, хусусан компанияларда бошқарув ҳисобини масъулият марказлари бўйича ташкил қилиш, четланишлар таҳлилини олиб бориш амалиётини ҳамда "харажатлар-ишлаб чиқариш-фойда" кўрсаткичлари базасида бошқарув ҳисобини юритиш масалаларини В.Э.Керимов (2005), К.Друрилар (2003) ўзларининг илмий ишларида батафсил талқин қилишган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.А.Абдуғаниев (2004), У.У.Костаев, А.Х.Пардаевларнинг (2020) илмий ишларида бошқарув ҳисобини миллий иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил қилиш масалаларига, хусусан унинг назарий масалалари таҳлилига, уни хўжалик юритувчи субъектларда амалий жиҳатдан ташкил қилиш услубиётига, бошқарув ҳисобида трансферт баҳоларни шакллантириш, баҳолаш усусларини такомиллаштириш, стратегик бошқарув ҳисобини амалий жиҳатдан ташкил қилишнинг асосий фаолият билан боғлиқ масалалари атрофлича талқин қилинган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини яхлит бир тизим сифатида амалий жиҳатдан ташкил қилиш бўйича илмий тадқиқот натижалари деярлик йўқ.

Хусусан, россиялик иқтисодчи олим В.Е.Керимов (2005) таъкидлаганидек: "Миллий ўқув ва илмий адабиётларимизда стратегик бошқарув ҳисоби бўйича чоп этилган ишлар деярли йўқ ҳисоб".

Россиялик яна бир иқтисодчи олим Н.М.Блаженкова ҳам худди шундай фикр билдириб, корхоналар амалиётида стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш масалалари энди кун тартибиға чиқаётганлиги, шу муносабат билан амалиётда унинг моҳиятига етарлича эътибор берилмаётганлиги, аксарият ҳолатларда эса уни анъанавий тарзда бошқарув ҳисобининг бир қисми сифатида қаралаётганлигини кўрсатиб беради (И.И.Хахонова, Н.Н.Хахонова, 2013).

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлардан А.Х.Пардаев (2023) таъкидлаганидек: "...ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда, стратегик бошқарув ҳисоби- стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот таъминоти шаклланадиган бошқарув ҳисобининг бир йўналиши сифатида эътироф этилади. Стратегик бошқарув ҳисоби доирасида хўжалик юритувчи субъектнинг барча фаолият йўналишларининг батафсил таҳлили амалга оширилади.

Ривожланган бозор муносабатлари шаклланган демократик мамлакатлар иқтисодчи олимларидан Марк ДеФонд ҳамда Жиншуаи Ҳу (2020) стратегик бошқарув жараёнида ишлаб чиқариш жараёнидан олинган даромадларни, унинг таннархи ва сотишдан олинган пул оқимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг таҳлили натижасида бошқариш механизмларини такомиллаштиришни таклиф қилган.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда Б.А.Хасанов (2004) ва А.А.Абдуғаниевлар (2004) бошқарув ҳисобининг методологик масалаларини такомиллаштириш бўйича докторлик диссертацияларини ёқлаган. А.Х.Пардаев (2023) томонидан стратегик бошқарув ҳисобининг кўрсаткичларини танлаб олиш, кўрсаткичларни истиқболда прогнозлаш методикаси ҳамда стратегик бошқарув ҳисобининг умумметодологик масалалари кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, қайд қилиш керакки, стратегик бошқарув ҳисоби бўйича яхлит тизимили қамровга эга бўлган йирик илмий ишлар кўп эмас. Ушбу ҳолат стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш учун қатор тавсияларни ишлаб чиқишини талаб этади.

Мавзу доирасидаги ривожланган хорижий давлатлар, МДҲ мамлакатлари, шунингдек мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳамда турли илмий мактаблар вакилларининг қарашлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг амалиётини ўрганиш натижалари уларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича ягона методологик ёндошув ва услубий таъминот шаклланмаганлигини кўрсатади. Бу эса мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигидан далолат беради.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Мақолада илмий тадқиқот жараёнида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби борасидаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, жараённи кузатиш, харажатларнинг миқдори ва даражасига таъсир қиладиган омилларни тизимлаштириш, харажатларнинг стратегик бошқаруви ҳисоби самарадорлигини оширишни бюджетларни шакллантириш орқали амалга ошириш, бюджет кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек вужудга келадиган четланишларини таҳлил қилиш, муаллиф тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил олиб бориш орқали тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Глобаллашув ва рақобат муҳитининг тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитида харажатларни стратегик бошқариш жуда долзарб йўналиш бўлиб бормоқда. Бу йўналиш молиявий инқироз шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Харажатларни стратегик бошқариш учун ишлатиладиган асосий дастур бюджетлаш технологиясидир. Шунинг учун ҳам бюджетлаширишнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг концептуал асосларини ҳамда ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш, шунингдек унинг харажатларни аниқлаш ва режалаштириш борасидаги замонавий усул эканлиги, биринчи навбатда, маъсулият марказлари томонидан харажатлар ҳисобини ташкил қилишдаги амалий аҳамиятини таҳлил қилиш масалалари, фикримизча долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Инглиз иқтисодчи олимлари Ж. М. Фелс ва Э.Гарклар томонидан 1887 йилда назарий аҳамиятга эга бўлган "Ишлаб чиқариш счёtlари: тамойиллар ва амалиёт, уларнинг юритилиши" номли тадқиқот ишлари нашр этилди. Бу тадқиқот ишида муаллифлар харажатларни бошқаришнинг мобил тизимини яратишга ilk бор уриниб кўришган ва бунинг учун харажатларни шартли доимий, шартли ўзгарувчан ҳамда ярим ўзгарувчан қисмларга бўлишган. Мана шу олимларнинг тадқиқотлари шартли доимий харажатлар миқдорининг ўзгариши тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмаслигини, ўзгарувчан харажатлар эса тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ҳажмига мутаносиб равишда қўпайиши ёки камайишини аниқлашга имкон берди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг қўпайиши ёки камайиши, бу бир вақтнинг ўзида амалга оширилди: илгари ўйлангандан кўра ресурсларни камроқ истеъмол қилган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин, чунки ярим ўзгарувчан харажатлар нотекис равишида ошади.

Яна бир хорижлик иқтисодчи олим А.Г. Черч эса ўзининг "Ишлаб чиқариш харажатларини адекват тақсимлаш" асарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган шартли доимий харажатларни устами (қўшимча) харажатлар гурухида ҳисобга олиш ҳамда уларни икки қисмга ажратишни - меҳнат ҳақи ҳаражатлари ва умумхўжалик ҳаражатларига ажратишни таклиф этди. XX аср бошларида шартли доимий ҳаражатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига қандай пропорцияда қўшиш мумкинлиги ҳақида кўплаб илмий мунозара ҳамда муҳокамалар бошланди ва бу жараён ҳозиргача ўзининг ягона ижобий ечимини топгани йўқ.

МДҲ мамлакатларидан Россияда 1920-1930 йилларда ҳаражатларни бошқариш назарияси Н.А.Блатов, Р.Я.Вейцман, А.П.Рудановский, А.М.Галаган каби таниқли иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилган.

Эътироф этиш жоизки, саноат корхоналари учун тармоқлараро рақобат кучайиб бораётганлиги сабабли, таннархни аниқ ва тўғри миқдорида аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз ҳаражатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларидан бири сифатида XX аср бошларида АҚШ ва Европада пайдо бўлган, моҳиятан ҳақиқий ҳаражатлар миқдорини олдиндан белгиланган меъёрлар (стандартлар) билан таққослаш ва ҳаражатларни оғишлиар бўйича бошқаришга асосланган Standard Costing тизимиdir. Бу усулнинг амалиётга жорий этилиши кераксиз ҳаражатларнинг олдини олиш имконини берди. Шуни таъкидлаш керакки, меъёрий ҳаражатларни аниқлаш усули Ф. Тейлор томонидан "Илмий бошқарув тамойиллари" асарида таклиф қилинган. Ишлаб чиқаришни бошқариш тарафдорлари меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланишининг ягона энг яхши усулини аниқлаш учун стандартлардан фойдаланганлар, лекин уларни ҳаражатларни назорат қилиш воситаси сифатида кўришмаган. Тахминан ана шу вақтнинг ўзида илмий бошқарувнинг стандартларни белгилаш усуллари такомиллашгани сабабли, ҳаражатларни назорат қилиш стандартларидан фойдаланиш бўйича қатор мақолалар нашр этилди (Лонгмур, 1902; Керри, 1903; Витмур, 1908). 1911-йилда Ж.Харрисон биринчи бўлиб ҳаражатларнинг меъёрларини (стандартларини) белгилаш ва вужудга келадиган оғишлиарни (четланишларни) бошқаришнинг тўлиқ тизимини ишлаб чиқди ва амалиётга жорий

қилди. Х.Эмерсон кўрсатдики, стандартлар тўғрисидаги маълумотлар менежерларга оғишларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиганларга бўлиш имкониятини беради. Бу тизимдан АҚШ ва Фарбий Европанинг саноат корхоналари кенг фойдалана бошлашди.

1936 йилда Ж.Харрисон таннархни ҳисобга олишни бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кесимида ҳисоблаш конепциясини илгари сурди (Direct Costing усули) ҳамда амалиётда шу усулнинг ишлаш механизмини кўрсатиб берди. Бу эса устама (бильвосита ёки эгри ва ш.к.) харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш заруриятини бартараф этди. Direct Costing усули 1960-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётда ўзининг кучли ўрнига эга бўлди. Ж.Харрисон ҳар хил турдаги харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан турлича боғлиқлигини ва шунинг учун асосий кўрсаткичлар бўлган фойда ва маҳсулот рентабеллигига улар турли хилда таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг бу мушоҳадаси натижасида харажатларни бошқаришда бу бир қанча калькуляция тизимларининг яратилди. Улардан бири – Absorbtion Costing усули.

Absorbtion Costing усули барча харажатларни сотилган маҳсулот ва омбордаги қолдиқ ўртасида тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашни назарда тутади. Бу усулда, тўғри (бевосита) харажатлар маҳсулотнинг маълум турларига, эгри (бильвосита, устама ва ш.к.) харажатлар эса маҳсулот турлари ёки харажатлар марказлари бўйича ягона анъанавий тарзда қабул қилинган қўшимча харажатлар ставкалари бўйича тақсимланади. Бильвосита харажатларни тақсимлашнинг бундай соддалаштирилган тизими 20-асрнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти - қўллашнинг қулайлиги, лекин шу билан бир қаторда аниқлигининг паст даражада бўлиши, хатоларнинг юқори даражада вужудга келиши билан ифодаланади. Ушбу тизим умумий харажатлар миқдорида бильвосита харажатлар улуши унча катта бўлмаган ҳолатларда самарали ҳисобланади.

Direct Costing хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш асосида амалга оширилади. Фақат охиргиси, яъни ўзгарувчан харажатлар миқдори ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Доимий харажатлар миқдори эса бевосита молиявий натижалар миқдоридан чегириш орқали ҳисобдан чиқарилади. Харажатларни бошқаришда Direct Costing усулидан фойдаланиш - бу маржинал даромадни (сотишдан тушган тушум миқдоридан, яъни даромад ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган миқдор) бошқариш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, маржинал даромад - бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес рентабеллигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир. Direct Costingнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг ёрдамида харажатлар (харажат), ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликни ўрганиш, тезкор ва жараёнли таҳлилни қилиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт, узлуксиз тарзда, харажатларни ҳисобга олиш усулларининг замонга ҳамоханг тарзда такомиллашиб бориш заруриятни қўйиб келоқда.

Шунга мувофиқ тарзда яна бир усул - Функционал калькуляция тизими (ABC - Aktivity Based Costing – Фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисоблаш) вужудга келди. Бу усул харажатларни улар вужудга келадиган жойлар бўйича ҳисобга олишга асосланади. Бу усулни амалиётда одатда, масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисоблаш усули деб ҳам аташади. Бу усулдан амалиётда фойдаланиш жуда қимматга тушади, лекин юқори аниқлик даражасига эга ва харажатларни ҳисоблаш хатолари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Ушбу

тизим билвосита харажатларнинг улуши юқори бўлган саноат корхоналари учун қўлланилади, уларнинг маҳсулотлари турли нисбатларда ташкилий ресурсларни талаб қиласди. Бундай ҳолда, кўпинча икки босқичли жараён қўлланилади: биринчи босқичда билвосита харажатлар харажатлар марказларига тақсимланади; иккинчидан, масъулият марказларида тўпланган харажатлар тегишли асослар (мезонлар, тақсимлаш асослари ва ш.к.) бўйича маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Standard Costing ҳамда ABC - Aktivity Based Costing усулларини қўллаш натижасида, баҳони белгилаш ва солиқса тортиш учун базавий қўрсаткич ҳисобланадиган, тўлиқ таннарх миқдори аниқланади.

Кейинчалик, ана шу иккита усул Р. Д. Mc-Илхаттан, Р. А. Хауэлл ва С. Р. Соуслар таклифи ва илмий хуносалари натижалари асосида бирлаштирилган ҳолда "Sistem in time (SIT)" усули деб, ишлатилиб бошланди. Ушбу олимларнинг таклифлари моҳияти, харажатларни бошқариш бевосита ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига қаратилган бўлади.

Йигирманчи аср ўрталарида харажатларни бошқаришда принципial янги йўналиш яратилди. Хусусан, 1963 йилда С.Девидсон томонидан стратегиянинг роли ортиши муносабати обьектив заруриятга айланган харажатларни стратегик бошқаришга асос солган мақола ёзилди (О.Николаева, Т.Шишкова, 2004). Замонавий бизнес жуда динамик бўлиб, бу фан ва амалиётдан харажатларни бошқариш усуллари ва усулларини доимий равишда такомиллаштиришни талаб қиласди, чунки кеча доимо муваффақият ва барқарор фойда келтирган нарса бугундан шубҳаланиши мумкин, эртага эса рақобатдош устунликнинг йўқолишига олиб келади. Бу тушунча К.Друри (2002) ҳамда Д.К.Шанг ва В.Говинда Ражан (1999) асарларида тўлиқ ифодаланган. Айнан Д.К.Шанг ва В.Говинда Ражан асарларида харажатларнинг бошқариш ҳисобини ташкил қилишда қўйидаги З та усулдан фойдаланиш таклиф этилган:

- қиймат занжирини таҳдил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳдил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳдил қилиш.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари қўрсатадики, деярлик барча иқтисодчи олимлар харажатларни стратегик бошқаришнинг асосий мақсади сифатида - хўжалик юритувчи субъект томонидан замонавий бизнесда барқарор рақобатдош устунликка эришишни, эътироф этишади (А.Х. Pardayev, 2023; Ш.А.Пардаева, 2022).

Харажатларни жорий бошқариш ва харажатларни стратегик бошқариш ўртасидаги фарқ хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш қобилиятидадир. Вазиятни баҳолайдиган ва қарор қабул қиласди раҳбар буларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ҳисобга оладиган маълумотларга эга бўлиши керак. Шу мақсадда харажатларни жорий бошқаришда қўшимча счёtlар ва субсчёtlар кенг қўлланилади. Харажатларни жорий бошқаришнинг ўзига хос хусусияти нафақат иқтисодий фаолиятнинг амалга содир этилган қўрсаткич ҳамда омилларини, балки кутилганларини ҳам акс эттириш қобилиятидир. Бу давр бошланишидан олдин натижаларни ҳисоблаш ва маълум прогнозлар рўёбга чиқсан тақдирда чора-тадбирларни белгилаш ва давр охирида прогнозни ҳақиқат билан таққослаш имконини беради, бюджет ижросини таҳдил қилиш, четланиш сабабларини аниқлаш, жойини аниқлаш, вужудга келган бўлган оғишларни ҳисобга олиш ва вазиятни яхшилаш чораларини кўриш имконини беради.

Стратегия концепция, яъни хўжалик юритувчи субъект ўз мақсадига қандай эришиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар тизими (молиявий ва нафақат) бўлиб, у узоқ муддатли ҳаракатлар режасига айлантирилиши керак. Бу эса табиий равишда

узоқ муддатли бюджетларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Узоқ муддатли бюджет жуда батафсил бўлиши мумкин эмас, лекин асосий кўрсаткичлар – ишлаб чиқариш ҳажмлари, фойда, инвестициялар бўйича йўл-йўриқ бериши ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиялаштирилиши бўйича стратегиясини аниқлашга имкон бериши керак (ўз маблағлари ҳисобидан, банк кредити, инвесторлар иштироқида ва бошқалар).

Амалиётда, шунингдек иқтисодчи олимлар қарашларида ҳам узоқ муддатли ва қисқа муддатли (жорий) бюджетлар мавжудлиги эътироф этилади (A.X. Pardayev, 2023; Ш.А.Пардаева, 2022).

Хўжалик юритувчи субъектни бошқариш қисқа муддатли бюджет орқали амалга оширилади, чунки айнан шундай бюджетлар жорий қарорларни қабул қилиш мезонларини белгилайди ва унинг бажарилишини таҳлил қилиш асосида узоқ муддатли бюджетларни ёки ҳатто мақсадларни тузатиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти қарорлар қабул қилишларига имкон берадиган таҳлилий маълумотларни шакллантириб беради. Шунинг учун бюджетлар асосида (бюджетлаштириш) бошқариш деганда хўжалик юритувчи субъектни қисқа муддатли бюджетлар орқали бошқариш тушунилади.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг умумий тизимида бюджетлаштириш асосида бошқаришнинг ўрнини ва унинг бошқа элементлар билан алоқасини тўғри баҳолаш керак. Бюджетлаштиришнинг бошланиш нуқтаси, бу хўжалик юритувчи субъектнинг вазифаси, яъни хўжалик юритувчи субъект нимани хоҳлашини ва қандай қилишини акс эттиришидир. Миссия ўзгаради, лекин жуда секин. Унга яқин бўлган бизнес ғояси эса нисбатан вазиятга қараб тезроқ ўзгариши мумкин, яъни хўжалик юритувчи субъект қандай қилиб янада кўпроқ даромад топиши ҳақидаги асосий ғояси ўзгаришидир. Бизнес ғоясини ўзгартириш учун бозорни ўзгартириш керак, бу аввалги даромад манбасидан фойдаланишини имконсиз қиласи. Миссия эса иккала ҳолатда ҳам, аввалгидек, ўзгаришсиз қолаверади.

Ташқи ва ички таҳлиллар асосида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқий молиявий мақсади белгиланади, сўнгра ушбу мақсадга эришиш учун хўжалик юритувчи субъект стратегияси ишлаб чиқилади. Бунда стратегия деганда хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли истиқболдаги мақсадларига эришиш тушунчаси тушунилади. Бу вақтда харажатларни стратегик бошқариш тугайди ва биз харажатларни жорий бошқариш тизимига ўтамиш: аниқроғи, бу ҳолатда узоқ муддатли режа жорий бюджетта айланади ва амалга оширила бошлайди. Бюджетнинг бажарилиши тартибга солиш ва назоратни талаб қиласиган хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятидир.

Бундан ташқари, узоқ муддатли бюджет параметрларидан ҳақиқий амалда эришилган кўрсаткичлар миқдорининг сезиларли оғиши ташқи ҳамда ички омилларни такорон кўриб чиқиши талаб қиласи, бу ҳам пировард натижада, албатта, стратегиянинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Ва охирги қадам - мақсадни тўғрилаш, агар стратегиядаги ўзгаришларни таҳлил қиласи эканмиз, биз ҳақиқатан ҳам амалга оширилган стратегияларнинг бирортаси билан ҳозирги мақсадга эришиш мумкин эмаслигини тушунган бўлсак. миссияни ўзгартириш ҳам мумкин, аммо бу ўз моҳиятига кўра янги бизнесни бошлашни англатади. Шундай қилиб, ушбу тизимда жорий харажатларни бошқариш асосий ўринни эгаллайди - у стратегияни амалга ошириш, жорий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг самарадорлиги ва бошқарув тизимидағи фикр-мулоҳазалар учун жавобгардир. Ва бу ҳолатда унинг аҳамиятини жуда ошириб юбормаслик керак, яъни стратегияни эътибордан четда қолдирмаслик керак, деб ҳисоблаймиз.

Харажатлар даражасини белгилаш, ҳисобга олиш ҳамда уни бошқариш учун уни белгиловчи, унга таъсир этувчи омилларни түғри ҳисобга олиш, тақсимлаш ва тизимлаштириш мұхым ақамиятта эга. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси күрсатады, маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар, шунингдек амалиётчилар ҳам харажатларни жорий бошқариш мақсадида омилларни етарлича түйік ва түғри гурухларга бўла олганлар (А.Х. Pardayev, 2023; Ш.А.Пардаева, 2022).

Ана шундай қарашларни умумлаштириб, қайд этиш мүмкинки - харажатларни жорий бошқариш битта ҳал қилувчи омил - ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади ва шундан келиб чиқиб:

- харажатларни доимий ва ўзгарувчан, ўртача ва маржиналларга гурухланади;
- ўртача харажатларни маржинал билан даражаларини аниқлашда таққослаш усулидан фойдаланилади:
- харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда күрсаткичлари нисбатлари таҳлил қилинади:
- ишлаб чиқаришнинг критик (заарасиз) нуқтаси аниқланади;
- режалаштирилган харажатларни ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига мослаштириш учун эгилувчан бюджетлар шакллантирилади:
- маржинал фойда таҳлили амалга оширилади.

Ушбу харажатлар таснифи асосий микроиктисодий моделларга асосланади.

Харажатларга турли омиллар таъсир күрсатади, уларни икки гурухга бўлиш мүмкин:

- ташқи, яъни мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожланиш даражасини акс эттирувчи ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятига боғлиқ бўлмаган омиллар. Ушбу гурух омилларининг таъсири хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, энергия ташувчилар нархлари даражасида намоён бўлади: сув, транспорт ва бошқа моддий хизматлар учун таърифларда: давлат ижтимоий суғуртаси учун амортизатсия ажратмалари меъёрларида, ижара ставкаларида, тиббий суғурта миқдорида; хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш тизимида;

- ички, хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни унинг тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар. Буларга қўйидагилар киради: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, фаолият кўлами ва иш ҳақи тизими, асосий фонdlарни янгилаш, айланма маблағларни кўпайтириш, янги технологияларни жорий этиш, моддий ресурсларидан фойдаланиш даражалари ва ш.к.

Иқтисодий адабиётлар таҳлиллари (К.Друри, 2002; Ж.К.Шим. Ж.Г.Сигел, 1996) күрсатады, харажатларни стратегик бошқариш мақсадида харажатларга таъсир қилувчи барча омилларни икки тоифага бўлиш мүмкин:

- таркибий омиллар: хўжалик юритувчи субъектнинг кўлами, диапазони, тажрибаси, технология ва мураккаблик даражаси;
- функционал омиллар: хўжалик юритувчи субъектнинг муваффақиятли фаолият олиб бориш қобилиятыни ифодалайдиган харажатларни бошқариш имконияти: иш натижалари учун жавобгарлик ва мотивация даражаси; маҳсулот сифати билан боғлиқ ютуқларни рағбатлантириш имконияти; ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал фойдаланиш даражаси, самарали режалаштириш, конфигурация омили, етказиб берувчилар ва мижозлар билан муносабатлар даражаси.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун таркибий омиллар нуқтаи назаридан ҳар қандай маҳсулот гурухи учун харажатлар таркиби билан боғлиқ бешта стратегик алтернатива мавжуд:

1. Масштаб (кўлам) омили – ўрганилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик, маркетинг ва бошқа

ресурсларга киритилиши керак бўлган сармоя миқдори билан боғлиқ горизонтал интеграция.

2. Диапазон омили - вертикал интеграция.

3. Тажриба омили - хўжалик юритувчи субъект ҳозирда нима қилаётганини ўтмишда неча марта бажарганигини кўрсатади.

4. Технология омили - хўжалик юритувчи субъект харажатларининг ҳар бир босқичида қўлланиладиган технологик жараёнларни акс эттиради.

5. Мураккаблик омили - маҳсулот ассортиментини тавсифлайди.

Ҳар бир таркибий омил харажатларни бошқариш борасида хўжалик юритувчи субъект танлаган танловни назарда тутади. Шу борада эътироф этиш керакки, ривожланган бозор муносабатларига эга мамлакатлар илмий мактаблари қарашлари ва амалиёти интеграция (масштаб ва диапазон омиллари) ва тажриба каби иккита омилга алоҳида эътиборни қаратишади.

Хўжалик юритувчи субъект самарадорлиги билан мутаносиб боғлиқ бўлмаган таркибий омиллардан фарқли ўлароқ функционал омиллар бу натижаларга бевосита таъсир қиласди. Таркибий омилларнинг ҳар бири учун катта бўлиши яхшироқ дегани эмас, функционал омиллар учун эса аксинча. Функционал омилларнинг иқтисодий мазмуни қуйидагилар билан белгиланади:

- Меҳнат натижалари учун мотивация ва жавобгарлик ходимларни рағбатлантириш контсепциясини ишлаб чиқиши, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини доимий равишда такомиллаштиришга интилишини назарда тутади;

- маҳсулот сифати билан боғлиқ ютуқларни рағбатлантириш жараёни сифатни яхлит бошқариш тизимини яратишни англаатади;

- ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал фойдаланиш технологик хусусиятларга асосланган муқобил вариантларни танлашни назарда тутади;

- саноат корхонаси фаолиятини самарали режалаштириш, тизимнинг режали кўрсаткичларини меъёрлар билан таққослаш, функционал тузилманинг энг муҳим элементи ҳисобланади:

- конфигурация омили аниқ лойиҳа (бизнес-режа) самарадорлигини акс эттиради;

- саноат корхонасининг таннарх занжирида маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан алоқалари ҳамда муносабатлари харажатларнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Харажатларни бошқариш ҳар қандай муайян вазиятда харажатларни ҳисобга олиш омиллари мажмуасининг мураккаб ўзаро таъсирини англаатади. Ҳар бир омил саноат корхонаси учун танлов имкониятини назарда тутади ва бу харажатлар даражаси ва динамикасини белгилайди. Энг мақбул вариантни амалга ошириш учун ҳар бир омил учун харажатларни тўғри ҳисоблаш керак.

## 5. Холоса.

Харажатларни стратегик бошқариш жуда долзарб йўналиш бўлиб бормоқда. Бу йўналиш молиявий инқироз шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шунга мовофиқ тарзда, ривожланган давлатлар амалиётида компанияларнинг стратегик бошқарув ҳисоби ҳам стратегик менежмент ҳамда ҳисоб-таҳлил амалиёти давомида шаклланниб ва ривожланиб бормоқда.

Шу муносабат билан ана шундай ривожланган бозор муносабатлари шаклланган демократик давлатларда шаклланган ва амалиётда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатган тажрибаларини ўрганиш ва самаралиларини миллий амалиётимизда қўллаш имкониятларини баҳолаш, муҳим деб ҳисоблаймиз. Мавзу доирасида шу борада муҳим йўналиш харажатларни ҳисобга олиш усуслариридир, деган илмий холосага келинди. Харажатларни ҳисобга олиш усуслари моҳиятан

замонга ҳамоханг тарзда такомиллашиб бориш заруриятини қўйиб келоқда. Хусусан, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишида, қуйидаги З та усулдан интеграллашган ҳолда фойдаланиш таклиф этилди:

- қиймат занжирини таҳдил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳдил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳдил қилиш.

Харажатларни стратегик бошқариш учун ишлатиладиган асосий дастур бюджетлаш технологиясидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти билан боғлиқ барча режалар бюджетлаштирилиши, бюджетнинг бажарилиши тартибга солиниши ва назорати олиб борилиши, мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект доирасида бюджет параметрларининг оғишини назоратга олиш, оғишлиар стратегиянинг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда эса менежерларни узлуксиз хабардор қилиб бориш механизми жорий этилиши керак.

Харажатлар даражасини белгилаш, ҳисобга олиш ҳамда уни бошқариш учун уни белгиловчи, унга таъсир этувчи омилларни тўғри ҳисобга олиш, тақсимлаш ва тизимлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ишда берилган харажатларга таъсир этувчи омиллар классификацияси, хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш имкониятини яратади.

### **Адабиётлар:**

Abdinabi Kh. Pardaev, Umidjon U. Kostaev. (2020) The improvement of organizing strategic management accounting, Journal of Critical Reviews, 7(18), c. 718-721, ISSN-2394-5125 vol. 7, ISSUE 18,

Blockchain aware proxy re-encryption algorithm-based data sharing scheme. Ismail Keshta, Yassine Aoudni, Mukta Sandhu, Abha Singh, Pardayev Abdunabi Xalikovich, Ali Rizwan, Mukesh Soni, Sachin Lalar. March, - 2023., <https://doi.org/10.1016/j.phycom.2023.102048>.

Mark DeFond, Jinshuai Hu (2020). The effect of fair value accounting on the performance evaluation role of earnings/ Jounal of accounting and Economics. Volume 70, issues-2-3, November-December, 101341 <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0165410120300434?via%3Dihub>

Pardayev A.X., Z.A. Pardayeva, Sh.A. Pardayeva (2023) Operativ va strategik boshqaruv hisobi /Darslik. - T.: "DIADEMA NUR SERVIS" МЧЖ, - 420 bet;

Pardaev Abdunabi Halikovich, Kostaev Umidjon Umirkzakovich, Pardaeva Shahnoza Abdinabievna. IMPROVING STRATEGIC COST MANAGEMENT ACCOUNTING, Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7), p. 4842-4847, E-ISSN: 1309-6591, vol. 12., No 7, (2021).

Pardaev Abdunabi Halikovich, Kostaev Umidjon Umirkzakovich, Pardaeva Shahnoza Abdinabievna, DIRECTIONS FOR IMPROVING INFORMATION SUPPORT FOR STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING, [Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry](https://doi.org/10.1016/j.tojqi.2021.100467), 12(7), p. 4668-4677, E-ISSN: 1309-6591, vol. 12., No 7, (2021).

Tashnazarov S. The main ways of the improvement of financial reports in the Republic of Uzbekistan (about balance sheet and the report of financial results). //Journal of Manajement Value & Ethica. ISSN: 2249-9512, Vol. 6, Oct-Dec. 16, - №4. P.109-119. GIFO.565

Абдуғаниев А.А. (2004) Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишининг назарий ва амалий асослари. И.ф.н. диссертацияси. Банк-Молия академияси,

- Друри К. (2003) Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, -665 с. – (Серия «Зарубежник учебник»). Стр. 567-569.
- Керимов В.Э. (2005) Стратегический учет. Учебное пособие / В.Э. Керимов – М.: Омега-Л, 168 с
- Костаев У.У. (2020) Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография/ У.У.Костаев; - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 180 б.
- Николаева О., Шишкова Т. (2004) Управленческий учет. – 5-е изд. – М.: Эдиториал УРСС.
- Пардаев А.Х. ()Бошқарув ҳисоби. –Т.: Академия,– 176 бет
- Пардаева Ш.А. (2022) Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. /Монография – Т.: “Lesson Press” нашриёти, - 124 б.
- Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли.
- Хахонова И.И., Хахонова Н.Н. (2013) Система стратегического учета: формирование и развитие // Фундаментальные исследования. – № 6-3. – С. 720-724;
- Ҳасанов Б.А. (2004) Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. диссертацияси. –Тошкент, Банк-Молия академияси.



### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ОЛИНГАН МАҲСУЛОТ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD, Болтаев А.С.  
Фискал институт

**Аннотация.** Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги фаолиятида олинган маҳсулот ҳисобини такомиллаштириш масалалари баён қилинган. Ҳусусан, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни асосий ва қўшимча тайёр маҳсулотлар таннархига тақсимлаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартиби очиб берилган ҳамда хуносалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, асосий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, молиявий натижса, молиявий ҳисобот.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены вопросы совершенствования учета продукции, полученной в сельскохозяйственной деятельности. В частности, раскрыт порядок разделения, учета и отражения в финансовой отчетности затрат, произведенных на производство продукции в сельскохозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов, на себестоимость основной и дополнительной готовой продукции и сформулированы соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** сельскохозяйственная продукция, основная продукция, дополнительная продукция, затраты на производство, себестоимость, финансовый результат, финансовый отчет.

**Abstract.** This article is devoted to the consideration of the issues discusses issues of improving the accounting of products raised in agricultural activities. In particular, the procedure for dividing, accounting and reflecting in financial statements the costs incurred for the production of products in the agricultural activities of economic entities into the prime-cost of the main and additional finished products has been revealed and the corresponding conclusions have been formulated.

**Keywords:** agricultural products, main products, incremental products, production costs, cost, financial result, financial report.

#### 1. Кириш.

Бугунги кунда аграр соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, қулай агробизнес муҳитини яратиш, кооперация муносабатларини жадаллаштириш ҳамда бозор механизмларини жорий қилиш тизимини такомиллаштириш борасида ислоҳотларнинг амалиётга татбиқ этилиши, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан

бири «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари»нинг «3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» бандида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармонида белгиланган устувор вазифалар ижросининг таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ижобий натижаларни бермоқда.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири «Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш»да «30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ва ҳосилдорлик даражасини ошириш, маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш, қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қилинган харажатлар, олинган маҳсулотлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва унинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки, мазкур вазифалар ижросини таъминлашда тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик фолиятини амалга ошириш жараёнида қилинган харажатлар, уларни олинган маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш, асосий ва қўшимча маҳсулотларни ҳисобга олиш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари бўйича турлича ёндашувларнинг мавжудлиги, белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилмаётганлигига маълум даражада сабаб бўлмоқда. Шу боис, қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олинган маҳсулотлар таннархини тўғри шакллантириш, жумладан, асосий ва қўшимча маҳсулотлар таннархини аниқлаш ва маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижани аниқ шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларида товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини 4-сон “Товар-моддий захиралар” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) белгилайди. Ушбу стандартга кўра, агар ишлаб чиқаришнинг бир технологик жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) чиқиб, маҳсулотлардан (ишлар, хизматлар) бири ёки бир қанча тури асосий (мақсадли) турга тегишли бўлса, унда қолган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари қўшимча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сифатида қаралиши мумкин.

Асосий маҳсулот таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулотнинг жорий қиймати ёки реализация қилишнинг соф қиймати ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий харажатларидан чегирилади, харажатларнинг қолган қисми эса асосий маҳсулотга тегишли бўлади.

Маҳсулотнинг қўшимча турларини ҳисобга олиш қўйидаги усуллардан бири бўйича амалга оширилади:

- қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда реализация қилиш;
- қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш.

Албатта, ишлаб чиқариш тармоғининг хусусиятларидан келиб чиқиб, товар-моддий захиралар, шу жумладан қўшимча маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг кўлланадиган усуллари ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган холос.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарлари шарҳи шуни кўрсатадики, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга

олиш, маҳсулот таннархини шакллантириш, тайёр маҳсулотни тан олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисботовда акс эттириш масалалари умумий негизга асосланган ҳолда келтириб ўтилган. Жумладан, Г.Б.Турсункулова (2021) ёзишича, “Маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги энг муҳим ҳисоб ишларидан бири харажатларни асосий, ёндаш ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тўғри тақсимлашдир. Экинлардан фақат бир хил маҳсулот олинса, унинг таннархи қилинган барча харажатларни тўғридан-тўғри маҳсулот ҳажми (центнер, килограмм, дона) га бўлиш йўли билан аниқланади”. Бунда муаллиф маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёндаш ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тўғри тақсимлаш кераклигини таъкидлайди. Бироқ, муаллиф томонидан ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш методикаси кўрсатиб берилмаган.

Иқтисодчи олимлар К.Б.Уразов ва М.Э.Пўлатовлар (2020) комплекс ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва қўшимча маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаш методлари ва уларнинг қўлланилишини амалий маълумотлар асосида келтириб ўтган. Яъни, биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида ҳамда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг алоҳида турлари кейинги қайта ишлов беришга ўтказилган ва бўлиниш нуқтасида уларни сотишнинг жорий қийматини (реализация қилиш қийматини) аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаш методлари ва уларни амалий маълумотлар асосида қўллаш тартибини кўрсатиб беришган. Бироқ, иқтисодчи олимлар томонидан ишлаб чиқаришнинг бир технологик жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча турдаги маҳсулот чиқиб, маҳсулотлардан бири ёки бир қанча тури асосий (мақсадли) турга тегишли бўлса, унда қолган маҳсулот турлари қўшимча маҳсулотлар сифатида қараган ҳолда комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш методлари ва уларни қўллаш тартиби ўрганилмаган.

Юқоридаги иқтисодчи олимлардан фарқли равища иқтисодчи олимлар Р.Д.Дусмуратов ва Б.Ю.Менгликовларнинг (2014) асарларида қишлоқ хўжалик корхоналарида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш масалалари тадқиқ қилиб ўрганилган. Масалан, ғалла экинлари маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш методикаси амалий маълумотлар орқали ҳисоб-китоб қилиб кўрсатиб берилган. Аммо, иқтисодчи олимлар томонидан қишлоқ хўжалик фаолиятидан олинган асосий маҳсулот ва қўшимча маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш методикаси асосида харажатларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисботовда акс эттириш тартиби келтириб ўтилмаган.

Иқтисодчи олим Ф.Жўраев (2004) эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва қўшимча маҳсулотларга тақсимлашда коэффициентлардан фойдаланишни тавсия қилган ҳолда тақсимлаш коэффициентларини келтириб ўтади. Жумладан, иқтисодчи олим ғаллачилик маҳсулотлари таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулотни ўтказиш (тақсимлаш) коэффициентларидан фойдаланишни тавсия этади. Бунда 1 центнер дон шартли равища 1,0 га тенг деб ҳисблайди. 1 центнер сомон эса 0,08 коэффициентга тенг деб олинган ҳолда асосий маҳсулот сифатида донни ва қўшимча маҳсулот сифатида сомон таннархини аниқлаш тартибини кўрсатиб ўтган. Бироқ, иқтисодчи олим маҳсулотлар таннархини аниқлашда фойдаланишни тавсия этган коэффициентлар қандай шакллантирилганлигини очиқламайди. Яъни, нега айнан 1 центнер сомон 0,08 коэффициентга тенг бўлиши очиб берилмаган.

Ўз навбатида, маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшимча турларини ҳисобга олиш бўйича хориж тажрибаси ҳам ўрганилди. Хусусан, Руминия иқтисодий тадқиқотлар академияси иқтисодчи олимлари Ilie BăviÑă, Mădălina Dumitru, Ileana

Cosmina Pitulice ва Mirela Elena Nichitalar (2010) муайян экинлар ва чорвачилиқдан иккى ёки ундан ортиқ маҳсулот олиш имконияти бўлса, уларни асосий ва қўшимча маҳсулотларга ажратган ҳолда тоифалашни ҳамда бундай ажратиш биринчидан, ҳисоблаш тартибини танлашни, иккинчидан, асосий маҳсулотни баҳолашни талаб қилади деб таъкидлаб ўтишган. Улар томонидан мазкур муаммолар қуидаги усуllардан бири ёрдамида ҳал этилиши келтириб ўтилади:

- қолдиқ қиймат усули (қўшимча маҳсулотлар қийматини чегириб ташлаган ҳолда);

- эквивалент индекслар усули;

- асосий маҳсулотларга эквивалент қўшимча маҳсулотлар миқдори усули.

Иқтисодчи олим Pranav Kumarning (2022) таъкидлашича, “Қўшимча маҳсулотлар иккиласми маҳсулотлар бўлиб, жуда паст савдо қийматига эга. Улар асосий маҳсулот билан биргаликда ишлаб чиқарилади ва асосан нефтни қайта ишлаш, шакар ишлаб чиқариш, кимё, гўшт ва кўмир каби узлуксиз технологик тармоқларда ишлаб чиқарилади. Бироқ, асосий маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ва фойдасини аниқлаш учун қўшимча маҳсулотларнинг қийматини харажатлар ҳисоби юритилиши керак. Қўшимча маҳсулотларнинг таннархи ва сотиш қиймати турли усуllар ёрдамида аниқланади. Улар харажатсиз ёки сотиш қиймати усули ва харажат усули сифатида икки тоифага бўлинади”.

Шунингдек, иқтисодчи олималар Л.Г.Егорова ва У.Ю.Зубковалар (2020) озиқовқат саноатида ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳисобга олиш масаласини тадқиқ қилишган. Уларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар қўшимча маҳсулот бўлиб, уларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган баҳолаш, уларнинг сифат ҳолатига ва ҳисобга олиш мақсадига боғлиқ. Иқтисодчи олималар маҳсулот ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқиндиларни бухгалтерия ҳисоби ва солиқ мақсадларида баҳолаш ва ҳисобга олиш масалаларига алоҳида тухталиб ўтишади. Яъни, уларнинг таъкидлашича, бухгалтерия ҳисоби мақсадларида маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган қўшимча маҳсулотлар шу каби маҳсулотлар учун мавжуд бўлган бозор нархларидан келиб чиқсан ҳолда, мумкин бўлган фойдаланиш (сотиш) нархida баҳоланади. Солиқ мақсадларида эса, уларни баҳолашнинг икки усулини тавсия этишади: 1. Агар чиқиндилар (қўшимча маҳсулот) асосий ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш учун ишлатиш мумкин бўлса, дастлабки моддий ресурснинг арzonлаштирилган нархida (фойдаланиш мумкин нархida); 2. Агарда чиқиндилар (қўшимча маҳсулот) четга сотилса, сотиш баҳосида.

### 3. Тадқиқот методологияси.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олинган маҳсулот ҳисобини такомиллаштириш масаласини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқотларда қўлланиладиган мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, далиллар тўплаш, тасаввур этиш, қиёслаш, шакллантириш ва муаммони қўйиш каби назарий-тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий адабиётлар, хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Бу албатта, мақола мавзусига доир ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг методологик асосини ташкил этади.

### 4. Таҳлил ва натижалар.

Жумладан, аграр соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳам бундан далолат беради (1-жадвал).

## 1-жадвал

**Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар  
томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг таҳлили<sup>1</sup>**

| №  | Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти                                    | Ёлчов бирлиги | Йиллар  |         |         |         |         | 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ўзгариши (+;-) |      | 2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши (+;-) |      |
|----|--|---------------|---------|---------|---------|---------|---------|---|------|---|------|
|    |  |               | 2018    | 2019    | 2020    | 2021    | 2022    | Мутлақ  | Фоиз | Мутлақ  | Фоиз |
| 1  | Дон ва дуккакли дон экинлари                                 | минг тонна    | 6535,5  | 7437,8  | 7636,0  | 7634,6  | 7990,5  | +355,9  | 4,7  | +1455   | 22,3 |
| 2  | Мойли экинлар  | минг тонна    | 59,9    | 92,6    | 91,1    | 92,7    | 85,8    | -6,9  | 7,4  | +25,9   | 43,2 |
| 3  | Картошка   | минг тонна    | 2911,9  | 3089,7  | 3143,8  | 3285,6  | 3443,2  | +157,6  | 4,8  | +531,3  | 18,2 |
| 4  | Сабзавотлар  | минг тонна    | 9760,3  | 10215,1 | 10431,4 | 10850,2 | 11162,9 | +312,7  | 2,9  | +1402,6                                       | 14,4 |
| 5  | Озиқбоп полиз  | минг тонна    | 1837,0  | 2068,7  | 2134,4  | 2285,3  | 2420,7  | +135,4  | 5,9  | +583,7  | 31,8 |
| 6  | Мевалар ва резаворлар  | минг тонна    | 2706,2  | 2752,7  | 2812,6  | 2852,6  | 2999,3  | +146,7  | 5,1  | +293,1  | 10,8 |
| 7  | Узум   | минг тонна    | 1589,8  | 1603,3  | 1606,9  | 1695,3  | 1760,6  | +65,3   | 3,8  | +170,8  | 10,7 |
| 8  | Сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар (тирик вазнда) | минг тонна    | 2430,5  | 2473,6  | 2519,6  | 2635,1  | 2725,9  | +90,8   | 3,4  | +295,4  | 12,1 |
| 9  | Сут  | минг тонна    | 10466,4 | 10714,3 | 10976,9 | 11274,2 | 11627,2 | +353  | 3,1  | +1160,8                                       | 11,1 |
| 10 | Олинган тухум  | млн. дона     | 7459,3  | 7771,2  | 7781,2  | 7788,4  | 8129,2  | +340,8  | 4,4  | +669,9  | 9    |
| 11 | Асал   | тонна         | 12578,4 | 13001,7 | 13357,8 | 14066,9 | 14700,4 | +633,5  | 4,5  | +2122   | 16,9 |
| 12 | Қирқиб олинган жун   | тонна         | 34615   | 35115   | 35422   | 36345   | 37307   | +962  | 2,6  | +2692   | 7,8  |
| 13 | Олинган қоракўл терилар                                      | минг дона     | 1085,2  | 1150,7  | 1152,1  | 1252,4  | 1287,6  | +35,2   | 2,8  | +167,2  | 15,4 |
| 14 | Пилла  | тонна         | 17912,3 | 21374,1 | 20941,9 | 22769,9 | 24300,2 | +1530,3                                       | 6,7  | +6387,9                                       | 35,7 |

1-жадвалда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми маҳсулот турлари бўйича таснифланган ҳолда таркиби ва динамик ўзгаришлари таҳлил қилиб ўрганилган. Жумладан, 2022 йилда дон ва дуккакли дон экинлари – 7990,5 минг тонна, мойли экинлар – 85,8 минг тонна, картошка – 3443,2 минг тонна, сабзавотлар – 11162,9 минг тонна, озиқбоп полиз – 2420,7 минг тонна, мевалар ва резаворлар – 2999,3 минг тонна, узум – 1760,6 минг тонна, сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар (тирик вазнда) – 2725,9 минг тонна, олинган тухум – 8129,2 млн. дона, сут – 11627,2 минг тонна, асал – 14700,4 тонна, қирқиб олинган жун – 37307 тонна, олинган қоракул терилар – 1287,6 минг дона ва пилла – 24300,2 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткичлар

2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлигини жадвал маълумотларидан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кузатиш мумкин. Шунингдек, жадвалдан кўринадики биргина мойли экинлар 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 6,9 минг тоннага ёки 7,4 фоизга камайган. Қолган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошганлигини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилган маҳсулотлар ҳажмининг 2022 йилда ўрганилган даврларга нисбатан кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган даврларга нисбатан ортиши саноатни хомашёга, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини юқорироқ даражада таъминлашга хизмат қиласди.

Олиб борилган монографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик фаолияти натижалари асосида олинган қўшимча маҳсулотлар диярли ҳисобга олинмайди. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар асосий маҳсулот таннархига киритилмоқда. Хусусан, тадқиқотимиз обьекти бўлган «МЕHNAT BAXTLI SUT» масъулияти чекланган жамиятида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш учун қилинган барча харажатлар асосий маҳсулот таннархига киритилган ҳолда ҳисобга олиниб, молиявий ҳисоботда акс эттирилмоқда. Фикримизча, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини бундай тартибда ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тўғри ёндашув ҳисобланмайди.

Амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларидағи ҳамда амалиётдаги ёндашувларни эътироф этган ҳолда бизнинг фикримизча тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни асосий ва қўшимча тайёр маҳсулотлар таннархига тақсимлаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришни қўйидаги тартибда олиб бориш лозим:

**Биринчидан**, тадбиркорлик субъекти ўзининг ҳисоб сиёсатида асосий маҳсулотдан ташқари олинган қўшимча маҳсулотни ҳисобга олиш, таннархини аниқлаш усуслари (қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш ёки қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш)ни белгилаши лозим. Бу албатта, ундан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди;

**Иккинчидан**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини олинган қўшимча маҳсулот таннархига тўғри тақсимлаш ва молиявий натижаларни аниқ шакллантириш мақсадида қўйидагича ҳисоб-китобларни амалга ошириш лозим. Масалан, фермер хўжалиги ўсимликчиликка ихтисослашган бўлиб, ҳисобот даврида 100 гектар ер майдонида ғалла етиштириди. Маълумки, ғалла етиштириш натижасида асосий маҳсулот сифатида дон ва қўшимча маҳсулот сифати сомон олинади. Фермер хўжалигида ғалла етиштириш харажатлари ва олинган маҳсулот миқдори қўйидагича бўлган (шартли) (2-жавдал).

## 2-жадвал

### Фермер хўжалигида ғалла етиштириш харажатлари ва олинган маҳсулот миқдори тўғрисида маълумот

| №   | Кўрсаткичлар  | Миқдори     |
|-----|---|-------------|
| 1   | Ғалла етиштириш учун қилинган харажатлар, сўм   | 731 250 000 |
| 2   | Ғалла етиштиришдан олинган маҳсулотлар:   |             |
| 2.1 | Асосий (дон) маҳсулоти, ц   | 4500        |
| 2.2 | Қўшимча (сомон) маҳсулоти, ц  | 4000        |
| 3.  | Қўшимча маҳсулот сифатида олинган сомонни қайта ишлаш (ўриб-йиғиш, пресслаш, ғамлаш ва бошқа) харажатлари (10000 сўм/ц бўйича 4000 ц) | 40 000 000  |
| 4   | Ҳисобот даврида сотилган маҳсулотлар:   |             |
| 4.1 | Асосий (дон) маҳсулоти, ц (250 000 сўм/ц)   | 4500        |
| 4.2 | Қўшимча (сомон) маҳсулоти, ц (100 000 сўм/ц)  | 3000        |

Айтайлик, фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатида қўшимча маҳсулот таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш усулидан фойдаланиш белгиланган. Демак, фермер хўжалигида ҳисботот даврида етиштирилган ғалла бўйича маҳсулотларининг қўшимча турларини ҳисобга олиш қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш бўйича амалга оширилади ва у қўйидагича ҳисоб-китоб қиласанади ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбототда акс эттирилади:

- фермер хўжалигида қўшимча маҳсулот сифатида олинган сомон сотилмайди деган тахминдан келиб чиқиб, бир центнер доннинг таннархи аниқланади. Бунинг учун ғалла етиштириш харажатларини дон таннархига олиб борилади:  $731\ 250\ 000 : 4500 = 162\ 500$  сўм;

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботни тузишда сотилган маҳсулот таннархидан қўшимча маҳсулотни сотищдан олинган соф тушум айрилади, яъни донга олиб борилган харажатлар камайтирилади.

Қўшимча маҳсулот сифатида сомонни сотищдан олинган соф тушум ҳисоб-китоби қўйидагича аниқланади:  $3000 \times (100000 \text{ сўм} - 10000 \text{ сўм}) = 270\ 000\ 000$  сўм.

Мазкур усулдан фойдаланиш орқали бажарилган ҳисоб-китоблар асосида фермер хўжалигининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот қўрсаткичлари қўйидагича шаклланади (З-жадвал).

### З-жадвал

#### “Қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда реализация қилиш” методи орқали қўшимча маҳсулотни ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби

| №                               | Кўрсаткичлар  | Ўлчов бирлиги | Миқдори       |
|---------------------------------|---|---------------|---------------|
| <b>Бирламчи маълумотлар</b>     |   |               |               |
| 1                               | Фермер хўжалигида ғалла етиштириш учун қилинган харажатлар  | сўм           | 731 250 000   |
| 2                               | Фермер хўжалигида етиштирилган ғалладан олинган маҳсулотлар:  |               |               |
| 2.1                             | Асосий (дон) маҳсулот   | центнер       | 4500          |
| 2.2                             | Қўшимча (сомон) маҳсулот  | центнер       | 4000          |
| 3.                              | Бир центнер қўшимча маҳсулот сифатида олинган сомонни қайта ишлаш (ўриб-йиғиш, пресллаш, ғамлаш ва бошқа) харажатлари | сўм           | 10 000        |
| 4                               | Сотилган асосий (дон) маҳсулот ҳажми  | центнер       | 4500          |
| 5                               | Бир центнер асосий (дон) маҳсулотини сотиш баҳоси   | сўм           | 250 000       |
| 6                               | Сотилган қўшимча (сомон) маҳсулот ҳажми   | центнер       | 3000          |
| 7                               | Бир центнер қўшимча (сомон) маҳсулотини сотиш баҳоси  | сўм           | 100 000       |
| <b>Ҳисоб-китоб маълумотлари</b> |   |               |               |
| 8                               | Бир центнер дон таннархи (1 : 2.1)  | сўм           | 162 500       |
| 9                               | Қўшимча маҳсулотни сотищдан олинган соф тушум (6 x (7-3))   | сўм           | 270 000 000   |
| 10                              | Асосий (дон) маҳсулотни сотищдан олинган соф тушум (2.1 x 5)  | сўм           | 1 125 000 000 |
| 11                              | Сотилган асосий (дон) маҳсулот таннархи ((2.1 x 8) - 9 )  | сўм           | 461 250 000   |
| 12                              | Асосий маҳсулот (дон) сотищдан олинган ялпи фойда (10 - 11)   | сўм           | 663 750 000   |

Агарда фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатида иккинчи усул, қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш усули белгиланган бўлса, унда қўйидагича ҳисоб-китоб қиласанади ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбототда акс эттирилади:

- дастлаб, фермер хўжалигида қўшимча маҳсулот сифатида олинган сомон миқдорининг реализация қилишнинг соф қиймати аниқланади:  $4000 \text{ ц} \times (100000 - 10000) = 360\ 000\ 000$  сўм;

- аниқланган реализация қилишнинг соф қиймати суммасига ғалла

етишириш учун қилинган харажатлар суммаси камайтирилади: 731 250 000 сўм – 360 000 000 сўм = 371 250 000 сўм;

- қўшимча маҳсулот сифатида олинган сомондан келгусида соф тушум олинишини ҳисобга олган ҳолда асосий маҳсулот, 1 центнер доннинг таннархи аниқланади: 371 250 000 сўм : 4500 ц = 82 500 сўм. Мазкур таннарх кўрсаткичи бўйича ҳисобот даврида сотилган дон миқдоридан келиб чиққан ҳолда сотилган дон таннархи ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу усулдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар асосида фермер хўжалигининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари қўйидагича шаклланади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### **“Қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш” методи орқали қўшимча маҳсулотни ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби**

| №                               | Кўрсаткичлар  | Ўлчов бирлиги | Миқдори       |
|---------------------------------|---|---------------|---------------|
| <b>Бирламчи маълумотлар</b>     |   |               |               |
| 1                               | Фермер хўжалигида ғалла этишириш учун қилинган харажатлар   | сўм           | 731 250 000   |
| 2                               | Фермер хўжалигида этиширилган ғалладан олинган маҳсулотлар:   |               |               |
| 2.1                             | Асосий (дон) маҳсулот   | центнер       | 4500          |
| 2.2                             | Қўшимча (сомон) маҳсулот  | центнер       | 4000          |
| 3.                              | Бир центнер қўшимча маҳсулот сифатида олинган сомонни қайта ишлаш (ўриб-йиғиш, пресслаш, ғамлаш ва бошқа) харажатлари | сўм           | 10 000        |
| 4                               | Сотилган асосий (дон) маҳсулот ҳажми  | центнер       | 4500          |
| 5                               | Бир центнер асосий (дон) маҳсулотини сотиш баҳоси   | сўм           | 250 000       |
| 6                               | Сотилган қўшимча (сомон) маҳсулот ҳажми   | центнер       | 3000          |
| 7                               | Бир центнер қўшимча (сомон) маҳсулотини сотиш баҳоси  | сўм           | 100 000       |
| <b>Ҳисоб-китоб маълумотлари</b> |   |               |               |
| 8                               | Қўшимча маҳсулот (сомон)ни реализация қилишнинг соф қиймати (2.2 x (7-3))   | сўм           | 360 000 000   |
| 9                               | Бир центнер дон таннархи ((1-8) : 2.1)  | сўм           | 82 500        |
| 10                              | Асосий (дон) маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум (2.1 x 5)  | сўм           | 1 125 000 000 |
| 11                              | Сотилган асосий (дон) маҳсулот таннархи ((2.1 x 9))   | сўм           | 371 250 000   |
| 12                              | Асосий маҳсулот (дон) сотишдан олинган ялпи фойда (10 - 11)   | сўм           | 753 750 000   |

учинчидан, 4-сонли “Товар-моддий захиралар” номли БҲМС ва 2-сон “Захиралар” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида (БҲХС) белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳисобот даврида сотилмаган қўшимча маҳсулот қолдигини реализация қилишнинг соф қиймати бўйича ҳисобга олиш лозим. Шу билан бирга, қўшимча маҳсулот қолдигини ҳақиқатда реализация қилиш суммаси қўшимча маҳсулот реализация қилинганда тан олинади.

#### 5. Хулоса.

Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қилинган харажатлар, уларни олинган асосий ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришда юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши қўйидагиларга имкон яратади:

- тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тан олиш, баҳолаш, кирими ва чиқими билан боғлиқ операцияларни амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

- тадбиркорлик субъектларида асосий маҳсулотдан ташқари олинган қўшимча маҳсулотларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириши таъминлайди;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини олинган қўшимча маҳсулот таннархига тўғри тақсимлаш орқали молиявий натижаларни аниқ шакллантириш имконини беради.

**Адабиётлар:**

Dusmuratov R.D., Menglikulov B.Yu. (2014) Qishloq xo'jaligida buxgalteriya hisobi va statistika asoslari. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 392 b.

Ilie BăviÑă, Mădălina Dumitru, Ileana Cosmina Pitulice, Mirela Elena Nichita. (2010) Cost Computation for the Agricultural Products within the Vegetal Farms. Petroleum - Gas University of Ploiesti Bulletin, Economic Sciences Series. Sep 2010, p76-84. 9p. 1 Chart. [http://upg-bulletin-se.ro.old\\_site/archive/2010-3/8.%20Bavita\\_Dumitru\\_Pitulice\\_Nichita.pdf](http://upg-bulletin-se.ro.old_site/archive/2010-3/8.%20Bavita_Dumitru_Pitulice_Nichita.pdf)

Pranav Kumar (2022). By-Products: Meaning and Methods of Accounting. YourArticleLibrary.com. ([elektiron manba](https://www.yourarticlelibrary.com/accounting/product-costing/by-products-meaning-and-methods-of-accounting/62345)) <https://www.yourarticlelibrary.com/accounting/product-costing/by-products-meaning-and-methods-of-accounting/62345>

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2003). 4-сон “Товар-моддий захиралар” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС). <https://lex.uz/docs/4890446> (03.10.2023.)

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (2022). 2-сон “Захиралар” бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БХХС). <https://lex.uz/en/docs/6312360> (03.10.2023.)

Егорова Л.Г., Зубкова У.Ю. (2020) БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ ОТХОДОВ ПРОИЗВОДСТВА В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ // Научное обозрение. Экономические науки. – 2020. – № 1. – С. 26-30.

Жўраев Ф. (2004) Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. “Истиқлол”, 2004. – 315 б.

Турсункулова Г.Б. (2021) Мева-сабзавотчилик хўжаликларида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. –Т.: 2021. – 79 б.

Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. (2020) Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 303 б.

Фармон (2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-ИЛОВА. <https://lex.uz/docs/3107036> (03.10.2023.)

Фармон (2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонига 1-ИЛОВА. <https://lex.uz/docs/5841063> (03.10.2023.)



### НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШДА ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*PhD, Fuёсов А.А.*  
Фискал институт

**Аннотация.** Мақолада норасмий бандликни юзага келиши ва уларни очиқлашга таъсир этувчи самарали механизmlарни жорий этиш орқали хуфиёна даромадни камайтириш юзасидан таклифлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** хуфиёна, иқтисодиёт, ижтимоий, тадбиркорлик, субъект, аҳоли даромади, энг кам миқдор, иш ҳақи, меҳнат.

**Аннотация.** В статье освещаются предложения по сокращению теневых доходов за счет внедрения эффективных механизмов, влияющих на возникновение неформальной занятости и их раскрытие.

**Ключевые слова:** теневая экономика, социальный, предпринимательства, субъект доход населения, минимальный размер, заработка плата, труд.

**Abstract.** The article highlights proposals to reduce shadow incomes through the introduction of effective mechanisms that affect the emergence of informal employment and their disclosure.

**Keywords:** shadow economy, social, entrepreneurial subject, income of the population, the minimum size, labor, salary.

#### 1. Кириш.

Сўнгги йилларда норасмий бандлик, яширин бандлик, жиной бандлик ва бошқалар каби тушунчалар жуда кенг тарқалган. Лекин кўпчилик уларни ўзига хос тарзда талқин қиласиди. Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган одамлар кўпинча норасмий банд бўлганлар билан адаштирилади. Бу тушунчаларни умумлаштириш ёки бир тушунчани бошқа тушунча билан алмаштириш ҳоллари ҳам мавжуд.

Норасмий сектор ҳар қандай бозор иқтисодиётининг ўзига хос ажralmas хусусиятларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда унинг улуши кичик, ривожланмаган мамлакатларда иқтисодий шароитлар иқтисодиётнинг норасмий секторида муҳим бандлик учун зарур шарт-шароит яратади. Умуман олганда, ўтиш даври иқтисодиёти норасмий секторда банд бўлганлар улуши бўйича оралиқ ўринни эгаллайди. Норасмий сектор таркиби жуда ноодатий бўлиб, турли функцияларни бажаради, шу жумладан оддий одамларнинг омон қолиши (*қўча савдоси*) бир томондан ва тадбиркорликни ривожлантириш - бошқа бир томондан.

Меҳнат ва бандлик тушунчаларига аниқлик киритилгач, норасмий меҳнат тушунчасининг мазмунини очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, иқтисодиётда норасмий бандлик ва норасмий сектордаги бандликни фарқлаш керак. Биринчи ҳолда, ишчи норасмийдир. Асосий эътибор меҳнат шартномаси мавжудлигига қаратилади ёки хусусий шахс сифатида рўйхатдан ўтиш тадбиркор ва бошқалар. Иккинчи ҳолда, норасмий корхона ҳисобланади.

Норасмий иқтисодиёт муаммоси бўйича сўнгги нашрларни таҳлил қилиш асосида шундай хуносага келиш мумкинки норасмий ва яширин бандлик тушунчалари одатда синоним ҳисобланади. Хусусан, даврий нашрларда хуфиянинг бундай таърифлари билан тўла яширин, норасмий, лекин қонуний фаолият сифатидаги бандлик сифатида қаралган.

Маълумки, меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб, уни юзага келтирувчи барча ресурслар бевосита мазкур омил орқали бошқарилади. Ҳудуд ва минтақалар иқтисодиётида меҳнат ресурсларининг роли унинг мезо даражадаги аҳамиятини кўрсатади. Мамлакатнинг қайси ҳудудида меҳнат ресурслари юқори кўрсаткичга эга бўлса, у ерда ишлаб чиқариш, саноат, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва коммуникация ривожланади.

Меҳнат ресурсларининг макро даражадаги аҳамияти унинг мамлакат ялпи иқтисодиётидаги ўрни ва асосий бойлик сифатида эътироф этилиши билан асосланади. Айнан меҳнат орқалигина мамлакатда моддий ва номоддий бойликлар яратилади. Мазкур меҳнатнинг субъекти эса бевосита инсон, яъни меҳнат ресурсларидир. Демак, меҳнат ресурсларининг барча даражадаги аҳамияти уни тадқиқ этишнинг ҳам илмий, ҳам иқтисодий долзарблигини белгилаб беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқароларнинг норасмий бандлигининг ўсиши асосан яширин иқтисодиёт кўламининг ўсиши билан боғлиқ. Иқтисодий фаоллик, бандлик муносабатларининг ўсиши рўйхатга олинмаган меҳнат муносабатлари, шунингдек уларнинг тақсимланиши устидан назорат қилувчи давлат органлари томонидан етарлича назорат йўқлиги.

Солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажаришга оид вазифалар ҳисобланади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида адабиётларни излаш ишлари амалга оширилиб, уларни таҳлил қилганимизда мавзу бўйича илмий тадқиқотчилар ва олимлар томонидан бир неча таклиф мулоҳазалар, мунозаралар бўлганлиги кузатилди.

Шу ўринда, меҳнат ресурслари ва уларнинг шаклланиши юзасидан иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қиласиз. Маълумки, юртимиизда иқтисодчи олим Қ.Х.Абдурахмонов (2011) меҳнат ресурслари, уларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари, улардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатларини кенг асослаб берган. Жумладан, унинг фикрича, меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз руҳий-физиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) қодир меҳнатга лаёқатли қисми ҳисобланади. Улар таркибига фақат иқтисодий фаол аҳолигина эмас, шу билан бирга

ҳозирги пайтда ишламаётган ва иш қидираётган меҳнатга лаёқатли шахслар, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар ҳам киритилади.

А.Л.Кузнецовнинг (2016) фикрига кўра, солиқ тўловчи давлатнинг ҳамкори, буни солиқ органлари ходимлари томонидан тушуниб етмасдан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини ошириб бўлмаслиги, О.С.Калачева (2016) томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликка қарши қурашиб орқали аҳолининг солиқ маданиятини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бориб, солиқ маданиятини оширишга тўсиқ бўлаётган омиллар ва асосий муаммолар тадқиқ этилган.

Айрим тадқиқотчилар яширин иқтисодий фаолиятнинг баъзи жиҳатлари (бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашиши, яширин иқтисодиётда олинган даромадларнинг камидан учдан икки қисми расмий иқтисодиётда сарфланиши ва бошқ.) билвосита бошқа секторларга ижобий таъсир қилишини эътироф этишади (Н.Matthew ва бошқалар, 2000).

Аммо норасмий сектор ҳамиша сояда қолиб кетиши ҳалол рақобат муҳитини яратишга тўскинлик қиласди. Бу эса тадбиркорларнинг табақалашувига олиб келади. Y.Eilat ва C.Zinnesra (2002) кўра, “хуфиёна иқтисодиёт” ўтиш давлатлари учун табиий ҳолат бўлиб, уларда расмий сектор фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиши, бироқ узоқ муддат давомида яширин иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши мамлакат тараққиётига салбий таъсир қилиши таъкидланиб, ўтиш мамлакатлари учун яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирлар таклиф этилади.

Ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожланиши Россия иқтисодиётида хусусий секторнинг асосий ва тезусувчи қисми бўлиши мумкин (А.Г.Аганбегян, 2023). Мамлакатда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва уларда банд бўлган ишчилар сони кўпчилик бозор иқтисодиёти, биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар, Хитой ва бошқа илғор ривожланаётган мамлакатларга қараганда 2-3 баравар кам. Россияда кичик ва ўрта корхоналарнинг улуши 20 фоизидан бир оз кўпроқ, бошқа мамлакатларда эса, мос равища, жами иқтисодиётида 50-60 фоиз ва иш билан бандларнинг 60-80 фоиз миқдорида. Хитойда, масалан, бу кўрсаткичлар мос равища 60 ва 75 фоиз – кўпчилик мамлакатлардагидан юқори. АҚШда – 50 ва 55 фоиз, Европа ҳамжамияти мамлакатларида 56,4 ва 66,6 фоизни ташкил этади.

### **3. Тадқиқот методологияси.**


Мақолада илмий муроҷа, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, илмий муроҷа, тасвирий статистик таққослаш усулларидан фойдаланилди.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига (2023) мувофиқ тасдиқланди. Унга кўра 5 та асосий устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича 100 та мақсад белгилаб берилди. Хусусан, “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш” 1-чи устувор йўналишида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислоҳотлар бўлимидаги аҳолининг ўртacha умр давомийлигини 78 ёшга етказиш мақсади илгари сурилган.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, замонавий инсоннинг саломатлиги ва узоқ умр кўриши 10% соғлиқни сақлашга, 20% генетикага, 20% экология ва атроф-муҳит ҳолатига, 60% турмуш тарзи ва турмуш тарзига боғлиқ.

Ўртача умр кўриш бир нечта комбинацияга боғлиқ: биологик ва ижтимоий омиллар ва уларнинг барчаси инсон ҳаёти ва соғлиғига бевосита таъсир қиласи. Турли омилларнинг инсон саломатлигига ва пировардида унинг умр кўриш давомийлигига қўшган ҳиссаси одатда тўртта асосий нуқтага кўра баҳоланади - турмуш тарзи, инсон генетикаси, ташқи муҳит ва соғлиқни сақлаш. Ўртача умр кўриш давомийлигининг ўзгаришига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар, жамият мафкурасидаги ўзгаришлар ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.



1-расм. Ўрта даражадаги давлат ижтимоий тараққиёт индекси рейтинги<sup>1</sup>

Ижтимоий тараққиёт индекси бевосита инсоннинг асосий эҳтиёжлари қондириш, фаровонлик мезонлари билан таъминланиши ва имкониятлардан фойдаланишлиги билан боғлиқлигидан келиб чиқилганда, аҳолининг даромад олиш шарт-шароитлари ва бажарилган ишларига нисбатан олинаётган даромадларни миқдори ҳамда қонуний ишга жалб қилинишига боғлиқдир.

Ижтимоий тараққиёт индекси:

**Инсоннинг асосий эҳтиёжлари** – озиқ-овқат ва соғлиқни сақлаш; сув ва канализациядан фойдаланиш; уй-жой; шахсий хавфсизлик;

<sup>1</sup>[https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81\\_%D1%81%D0%BE%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D0%BE%D0%B3%D0%BE\\_%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B5%D1%81%D0%81%D0%BD](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D0%BA%D1%81_%D1%81%D0%BE%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D0%BE%D0%B3%D0%BE_%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B5%D1%81%D0%81%D0%BD)

**Фаровонлик мезонлари** – саломатлик ҳолати, атроф-муҳит сифати, асосий билимлар ҳамда ахборот ва коммуникацияларга эга бўлиш;

**Имкониятлар** – инсон ҳуқуқлари, унинг шахсий эркинлиги ва танлови; инклюзивлик, шунингдек олий таълим олиш имкониятлари бўйича баҳоланади.

Ижтимоий тараққиёт индекси бўйича мамлакатлар рейтинги жуда юқори даражса, юқори даражса, ўрта даражса, паст даражса, жуда паст даражса ва энг паст даражаларга бўлингани ҳолда Ўзбекистон 2022 йилда 169 давлатлар орасида ўрта даражага мансуб бўлиб, 66,12 тараққиёт бали 91 ўрин эгаллаган. Бу кўрсаткич билан жаҳоннинг ўртача 65,24 балл кўрсаткичидан юқорилиги, МДҲ давлатлари орасида Россия, Белорусия, Қозоғистон ва Қирғизистондан кейинги 4-ўринни, Марказий Осиёда эса 3-ўринни эгаллаган.

Агар буларнинг барчасини жамланса, келажакда ижтимоий тараққиётнинг калити сифатида илмий адабиётларда ва амалий тажрибада белгиланган ўзаро боғлиқ омилларнинг кенг доирасини қамраб олишимиз мумкин. Бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ҳалқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш, бандликнинг юқори даражасини, ишсизликнинг паст даражасини таъминлаш, норасмий бандликни қисқартириш, меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг реал даромадларини ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ва унга доир “Йўл хариталари” ишлаб чиқилган.

Ходимларга иш ҳақини асосан кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан конвертда тўланади, чунки бундай схемалар йирик компаниялар учун жуда хавфлидир: улар солиқ хизматидан кўпроқ эътиборга олинади ва ходимлар билан музокаралар олиб бориш қийинроқ. Иш ҳақидан олинадиган даромад солиғидан қочишининг энг осон йўли - компаниянинг ҳисобга олинмаган даромадларидан маошни нақд пулда тўлашдир. Бу усул асосан мижозлар нақд пулда тўловларни амалга оширадиган тадбиркорлар томонидан қўлланилади.

Масалан, кичик қурилиш ва транспорт компаниялари, умумий овқатланиш корхоналари ва кичик савдогарлар томонидан амалга оширилади. Мижозлар билан ҳисоб-китоблар нақд пул тушумини расмийлаштирумасдан амалга оширилган ҳолларда, ҳар доим давлатга деярли ҳеч қандай солиқ ўтказмасдан ходимларнинг иш ҳақини тўлаш имконияти мавжуд. Хужжатларга қўра, бундай корхоналарда ходимларнинг энг кам сони бор ва улар расман арзимаган миқдорда даромад олишади, қолганлари нақд пулда кўчирмасиз тўланади.

Эконометрик таҳлил учун кўп кўрсаткичларнинг тизимили моделидан фойдаланиб (MIMIC) моделини яратиш учун 1995–2018 йиллардаги яширин иқтисодиёт динамикасини ўрганиш учун куйидаги ўзгарувчилар танланган: реал ЯИМ (*RGDP*), реал пул массаси (*PM2*) яширин иқтисодиётнинг кўрсаткичлари сифатида; реал қийматдаги нақд пул ёки банқдан ташқарида муомалада бўлган реал пул тизими (*PM0*), давлат бюджети даромадлари (солиқ ва солиқ бўлмаган тушумлар) реал кўринишда (*RBR*), ишлайдиган куч (*LABOR*) ва иқтисодий эркинлик индекси (EC\_FREEDOM) сабабий ўзгарувчилар сифатида. Бунинг сабаби бу индекс бўлиши мумкин интеграл – U 12 та кичик кўрсаткичдан иборат ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг яхшиланиши ҳисобига босқичма-босқич оширилди. Солиқ ва солиқсиз тўловларнинг ўсиши Давлат бюджетига тушумларнинг 1 бирликка бошқа омиллар доимийлиги билан, яъни 1 млрд. сўм маблағ норасмий иқтисодиёт ҳажмининг 2,87 млрд сўмга, нақд пулнинг эса 1 млрд.сўмга ўсиши доимий M2 агрегати ва бошқа омиллар билан норасмий иқтисодиёт ҳажми 5,47 млрд. сўм ўсишига олиб келиши ҳисоб-китоб қилинган (В.Ю.Буров ва бошқалар, 2020).

Мамлакатимизда хуфиёна даромадлар кўламини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига teng рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги


талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ҳисобланадиган солиқларни кескин камайтирганлиги, жумладан солиқ агентлари томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқ ва юридик шахсларнинг ҳисобланган иш ҳақидан ажратиладиган ижтимоий солиқларни юки йилдан-йилга камайтирилиши мавжуд хуфиёна даромадлар кўламини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (2022) қабул қилинди. Унга кўра, 2023 йил 1 январдан республиканинг 208 та туман ва шаҳарлари 5 та тоифага ажратилади. Туман ва шаҳар тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар берилиши белгилаб қўйилди.

2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача солиқ солишининг қўйидаги табақалаштирилган тартиби, яъни 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлар ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди ва ЯТТлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилиши белгиланган.

Тадбиркорлик субъектларига фаолиятларини юритиш бўйича яратилаётган имконият ва имтиёзларга қарамасдан, даромадлар хуфиёна тарзда берилишига оид йўл қўйилаётган хукуқбузарларга белгиланган чораларни таъсир доираси камлиги амалиётга учраб турмоқда. Хусусан, ходимлар сонини яширилгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-5-моддасига асосан белгиланган жавобгарлик чоралари бўйича хукуқбузарлик ҳолатларининг сўнгги йиллардаги таҳлилни амалга оширдик.



**2-расм. Ходимлар сонини яширганлик бўйича хукуқбузарликлар ҳолати ва қўлланилган жарималар динамикаси, минг сўмда<sup>2</sup>**


Таҳлил натижасига кўра, аниқланган хукуқбузарликлар 2019 йилдаги ҳолатлар сони ва қўлланилган жарималар миқдори 2018 йилга нисбатан камайганлиги, 2020 йилдаги глобал пандемия дунё мамлакатлари иқтисодиётига, шу жумладан, бошқа Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиб, пандемия туфайли ишлай олмаётган аҳоли сони эса 341,3 минг кишини, 2020 йил бошида 426,7 минг киши чет давлатлардан қайтиб келган фуқаролар бўлса, 143,4

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

минг киши ишлаш мақсадида чет элга қайтиб кета олмаганлиги<sup>3</sup> каби вазиятлар хуқуқбузарлик ҳолатлари амалга оширилмаганлиги ва аксинча пандемия оқибатларини норасмий секторда бандларга салбий таъсирини камайтириш чораларини кўрилиши жуда ҳам муҳим ҳисобланарди. Амалга оширилган тадбирларнинг 2021-2022 йилдаги кўрсаткичлари тегишлилигича 32-39 та ҳолатларда жами 19-21 млн.сўм жарима қўлланиши билан чекланиб, иш берувчи солиқ агентлари томонидан ходимларни шартнома тузмасдан ёллаш ва конверт усулида ойлик маош тўлашга нисбатан мавжуд таъсир чораларини етарли эмаслигини англатади.

Таҳлил натижаларига кўра, республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан паст даражада бўлган ҳудудларда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадга нисбатан солиқлар ставкаларини пасайтириш, яъни республиканинг айrim ҳудудларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш чоғида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳамда бюджет ташкилотларидан ташқари юридик шахслар учун жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондига нисбатан тўланадиган ижтимоий солиқ ставкасини маълум бир муддатга амалдагига кўра пасайтирилган миқдорида қўлланилишини белгилаш норасмий даромад олиб фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар нуқтаи назаридан ҳам иш берувчи солиқ агентлари кўринишдаги юридик шахслар томонидан иш ҳақига нисбатан солиқлар ва йиғимлар кўринишида харажатларни қисқартиш орқали хуфиёна даромадлар кўламини кескин камайтиришга хизмат қиласди.

Шунингдек, иш ўрни ва иш ҳақи фондини ихтиёрий легаллаштириш чораларини кўриш бўйича норасмий ишлаётган ходимлар учун меҳнат муносабатлари тартибга солинмаганлиги юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириш, ходимлар сони ва иш ҳақи жамғармасини яшириш хавфи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларни аниқлаш орқали белгиланган тартибда солиқ текширувларини амалга ошириш каби тадбирлар келтирилган.



**3-расм. Ходимлар сонини яшириш бўйича маъмурий хуқуқбузарликлар худудлар кесимидағи динамикаси<sup>4</sup>**

Бундан ташқари, Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда сайёр солиқ текшируви доирасида солиқ тўловчи – юридик

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси “Тараққиёт стратегияси” маркази расмий сайти маълумотлари <https://strategy.uz/index.php?news=1013>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

шахслар ишчи-ходимларининг ҳақиқий сони ва солиқ ҳисоботдаги акс эттирилган ишчи-ходимлар сонига мувофиқлиги текшируви амалга оширилиши белгиланган. Мазкур текширув қўйидагиларни ўз ичига олади:

солиқ тўловчининг ҳақиқатда фаолият юритаётган ишчи-ходимлари сонини аниқлаш ва ушбу Низомга мувофиқ шаклда баённома тузиш;

текширувда аниқланган солиқ тўловчининг ҳақиқатда фаолият юритаётган ишчи-ходимлари охирги ҳисобот даври учун солиқ органига тақдим этган солиқ ҳисоботларида акс эттирилган ишчи-ходимлар билан солиширилади;

солиқ ҳисоботларида мавжуд бўлмаган ишчи-ходимлардан уларнинг ишлаш даври ҳамда олаётган даромадлари суммаси (иш ҳақи) тўғрисида ёзма равища тушунтиришлар олинади.

Солиқ тўловчи ишчи-ходимларининг ҳақиқий сони ва солиқ ҳисботовида акс эттирилган ишчи-ходимлар сонига мувофиқлиги текшируви натижалари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимлар билан меҳнат шартномалари ва (ёки) ёлланган ходимни ҳисобга қўйиш карточкалари мавжуд бўлмаган ҳолатлар аниқланганда, ушбу қоидабузарликлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175<sup>5</sup>-моддаси<sup>5</sup> ходимлар сонини яширишга оид ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун жавобгарликни, яъни ходимлар сонини яшириш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлар эди. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлар эди.

Иш ҳақининг ноқонуний тўланганлиги учун иш берувчи Россия Федерацияси Солиқ кодекси 122-модасига мувофиқ тўланмаган солиқ суммасидан 20 фоиз миқдорида жаримага тортилади. Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 15.11-моддасига асосан мансабдор шахсларга нисбатан 5 мингдан 10 минг рублгача ва такрорий содир этилганда 10 мингдан 20 минг рублгача миқдорда жарима солишга, шунингдек Россия Федерацияси Жиноят кодекесининг 199-моддаси билан суғурта тўловларини тўламаганлиги учун 100-300 минг рубл миқдорида жарима ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш чора назарда тутилган.

Беларус Республикасининг 26 майдаги 112-3-сонли “Жиноят жавобгарлиги тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” ги қонуни суғурта мукофотларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликни жорий қилди (Жиноят кодексининг 2433-моддаси). Ўзгаришлар 2021 йил 19 июндан кучга кирди. Иш берувчиларнинг иш ҳақини “конвертда” тўлаш бўйича масъулиягини кучайтириш Давлат назорати қўмитаси ташабbusi билан бошланган ва бу салбий ҳодисага қарши курашиш бўйича етарлича маъмурий чоралар кўрилмагани билан боғлиқ бўлиб, иш берувчи иш ҳақини ҳисоб-китобларда акс эттирилмасдан тўлаш орқали нафақат давлатга, балки ходимларга ҳам заарар етказилган<sup>6</sup>.

Озарбайжон Республикаси солиқ хизмати томонидан тадбиркорлик субъектларида ходимлар билан меҳнат шартномаси имзоланмаганлик ҳолати аниқланса уларга нисбатан ҳар бир ходим учун 2 000 манат (1 180 АҚШ долл.) миқдорида жарима қўлланилади. Ушбу ҳолат такроран аниқланганда 4 000 манат (2 360 АҚШ долл.), учинчи марта ва ундан кўп аниқланган ҳолатларда эса

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Lex.uz. расмий интернет манбаси.

<sup>6</sup> <https://mosty.gov.by/printv/ru/actual-ru/view/za-vyplatu-zarabotnoj-platy-v-konverte-vvedena-ugolovnaja-otvetstvennost-11687/>

6 000 манат (3 540 АҚШ долл.) миқдорида жарима қўлланилади. Шу билан бирга, 10 нафар ва ундан ортиқ меҳнат шартномаси имзоланмаганлик ҳолатлари аниқланганда жарима билан бирга мансабдор шахсларга нисбатан жиной жавобгарлик мавжуд. Иш ҳақини легаллаштириш чоралари натижасида Пенсия жамғармаси дефицити 2018 йилдаги 36 фоиздан 2022 йил якунин билан 20 фоизга тушган.

### **5. Хуносабатларни ташкил этишини инобатга олиб, фақат солиқ маъмурчилигини кучайтириш мақсадгага мувофиқ ҳисобланади.**

Ўзбекистонда иш ҳақи фондига солиқ юкининг сезиларли даражада пасайтирилганлигини, даромад солиғи 12 фоиз ва Пенсия жамғармасига 12 фоиз ижтимоий солиғини ташкил этишини инобатга олиб, фақат солиқ маъмурчилигини кучайтириш мақсадгага мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган, шунингдек, ходимлар сонини яширган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ҳар бир яширилган ходим учун – уч миллион сўм, такроран содир этилганда – олти миллион сўм, учинчи марта ва ундан кўп ҳолатларда эса – тўққиз миллион сўм миқдорида жарима қўллаш амалиётини жорий этиш биринчи навбатда иш берувчиларни солиқ агентларини ва ишловчи ходимларни меҳнат шартномаларни расмийлаштирумасдан фаолиятларини амалга оширишларини камайтиrsa, иккинчи томонидан ушбу нормасмий фаолиятдан олинган даромадлардан олинмаган солиқларни бир қисмини ундириш имконияти яратилган бўлар эди.

#### **Адабиётлар:**

Eilat, Y. and Zinnes, C., (2002) The shadow economy in transition countries: Friend or foe? A policy perspective. World Development, 30(7), pp.1233-1254.

Matthew H. Fleming, John Roman and Graham Farrell, (2000) Shadow Economies: Promoting Prosperity or Undermining Stability? Journal of International Affairs, Vol. 53, No. 2, pp. 387-409. <http://www.jstor.org/stable/24357758>.

Аганбегян А.Г. (2023) Три главных социально-экономических вызова, стоящих перед Россией, и 15 ответных шагов” Экономические стратегии № 1. [www.ieie.su/assets/files/news/2023/aganbegyan-1-23.pdf](http://www.ieie.su/assets/files/news/2023/aganbegyan-1-23.pdf)

Абдурахмонов Қ.Х. (2011) Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, Б. 46-52.

Буров В.Ю., Федотов Д.Ю., Худайназаров А.К. (2020) Противодействие теневой экономике и определение её масштабов: отечественный и зарубежный опыт (теория и практика): монография / под научной редакцией В. Ю. Бурова; Забайкальский государственный университет. – Чита: ЗабГУ, 224-229 с.

Кузнецов А.Л. (2016) Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы (региональный аспект). [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://vasilieva.narod.ru/zhurnal/>

Калачева О.С. (2016) Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями в России. Бизнес. Образование. Право. Вестник волгоградского института бизнеса, №4 (37). стр. 35-41

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” Стратегияси тўғрисида” ги ПФ-158-сон.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2022 йил 30 декабрдаги “республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-287-сон.



### КАПИТАЛ ЖАМҒАРИЛИШИНИ ДОИМИЙ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ УСУЛИ БҮЙИЧА БАҲОЛАШ

*PhD, Ҷекалилов Даурен Абдиганиевич*

*Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилиши доимий инвентаризация усули бўйича баҳоланган. Тадқиқотда капиталнинг бошланғич қиймати мувозанат ёндашув усули асосдан аниқланган. Капитал жамғарилишини доимий инвентаризация усули бўйича баҳолашда ривожланаётган мамлакатларда капитал жамғарилишини баҳолаш тажрибаси асосида амортизация коэффициенти 7 % бўлиши таҳмин қилинди. Капитални баҳоланган қийматларига кўра, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш капитал жамғарилиши асосида эришилаётганлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** капитал жамғарилиши, амортизация, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, мувозанат ёндашуви, капитални ЯИМга нисбати.

**Аннотация.** В данной статье накопление капитала для экономики Узбекистана оценивается методом постоянной инвентаризации. В ходе исследования первоначальная стоимость капитала определялась на основе метода равновесного подхода. На основе опыта накопления капитала в развивающихся странах коэффициент амортизации при оценке накопления капитала по методу постоянной инвентаризации оценивался в 7%. По оценочным значениям капитала определено, что экономический рост в Узбекистане достигается на основе накопления капитала.

**Ключевые слова:** накопление капитала, амортизация, инвестиции в основной капитал, равновесный подход.

**Abstract.** In this article capital accumulation for the economy of Uzbekistan is estimated by the method of constant inventory. In the course of the study the initial cost of capital was determined on the basis of the equilibrium approach method. Based on the experience of capital accumulation in developing countries, the depreciation coefficient in estimating capital accumulation by the constant inventory method was estimated at 7%. According to the estimated values of capital it was determined that economic growth in Uzbekistan is achieved on the basis of capital accumulation.

**Keywords:** capital accumulation, depreciation, fixed capital investment, equilibrium approach.

#### 1. Кириш.

Капитал жамғарилиши иқтисодий ўсиш неоклассик моделларининг асосий компонентаси бўлиб, иқтисодий ўсиш ва потенциал ЯИМни баҳолашдаги муҳим ўзгарувчиси бўлиб ҳисобланади. Капитал жамғарилишини тўғридан-тўғри кузатиб

бўлмаганлиги сабабли капитал жамғарилишини баҳолашнинг бир нечта усуллари мавжуд.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш ҳамда узоқ муддатли иқтисодий ўсиш трендини аниқлаш учун Ўзбекистон иқтисодиётидаги капитал жамғарилишини аниқлаш зарурдир.

Капитал жамғарилишининг аниқ қийматини аниқлашнинг деярли имкони йўқлигини асосий сабаби, капитал эгаларини капиталнинг ҳақиқий қийматини билмаслиги ва ҳақиқий амортизация нормасини қузатиб бўлмаслиги билан боғлиқдир. Шу сабабли, тадқиқотларда капитал жамғарилишини баҳолашдаги мавжуд муаммони бартараф этиш бир нечта тахминларга таянилган.

Кўплаб тадқиқотларда капитал жамғарилиши доимий инвентаризация усули билан баҳоланганд. Бу усул иқтисодий модел бўлиб, капитал жамғарилишини асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция бўйича баҳолайди. Мазкур усулда капиталнинг тахминий хизмат қилиш муддати давомида олдинги активлар харидларининг тўпланиши орқали капитал жамғарилиши баҳоланади. Шунингдек, доимий инвентаризация усулига кўра, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар оқими ва геометрик амортизация коэффициенти асосида капитал жамғарилишини баҳоласа ҳам бўлади. Доимий инвентаризация усули бўйича капитал жамғарилишини баҳолашдаги асосий манба асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, асосий капиталнинг хизмат қилиш муддати ёки амортизация коэффициенти ҳисобланади.

Амалиётда капиталнинг хизмат қилиш муддатини аниқ баҳолаш жуда қийин, чунки капиталнинг фойдаланиш муддати бўйича маълумотларни тўғридан-тўғри аниқлаб бўлмайди. Бунинг ўрнига маъмурий маълумотлар ва эксперт хуносалари асосида капитал хизмат қилиш муддатини аниқлаш мумкин.

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилишини баҳолашда капиталнинг бошланғич қиймати ва амортизация коэффициентини аниқлаш керак бўлади. Шу сабабли, бошқа мамлакатларда капитал жамғарилишидаги тажриба асосида баҳоланади ва ривожланаётган мамлакатларда амортизация коэффициентидан фойдаланилади. Капиталнинг бошланғич қиймати мувозанат ёндашуви ва капитални ЯИМга нисбати орқали аниқланади.

Тадқиқотда аниқланган натижаларга кўра, капитал жамғарилишини доимий инвентаризация бўйича баҳолашда амортизация коэффициенти 6-8 % бўлиши орқали баҳоланди. Капитал жамғарилишининг бошланғич қиймати иккита ёндашув бўйича баҳоланганд капитал бошланғич қийматларининг фарқи юқори бўлмаганлиги ва кузатув даврининг охирида мазкур фарқлар кичиклашганлиги аниқланди. Бундан ташқари, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 2017 йилдан юқори ўсиш суръатларига эга бўлиши капитал жамғарилишининг ўртача 1.9 баробарга ошишига таъсир қилди. Бунинг натижасида капиталнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини ошиши ва умумий самарадорликнинг эса иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини камайишига олиб келди.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Капитал жамғарилишини баҳолашдаги муаммоларига кўра бир нечта тадқиқотларда капитал жамғарилиши базаси шакллантирилган. В.Неру ва А.Дхарешвар (1993) 93 та мамлакат капитал базасини шакллантирган.

М.Берлеманн ва Ж.Вессельхофт (2014) тадқиқотида 103 та мамлакат учун 1979-2010 йиллар капитал жамғарилишини баҳолаган.

Р.Фенстра (2015) тадқиқотида 1970-2010 йиллар учун доимий инвентаризация усули бўйича капитал жамғарилишини баҳолаган. Ж.Дербишир (2013) тадқиқотида Евropa мамлакатлари иқтисодиёти учун капитал жамғарилиши баҳоланган.

A.Burns, (2016) тадқиқотида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун капитал жамғарилишини баҳолаган ва унинг тадқиқотида капиталнинг бошланғич қиймати капитални ЯИМга нисбати асосида аниқланган.

Алоҳида мамлакатларда Грузия иқтисодиёти ва Хитой иқтисодиётининг секторлари учун капитал жамғарилишини доимий инвентаризация усули асосида баҳоланган (L.Labadze ва бошқалар, 2020; World Bank, 2016). Аксарият тадқиқотларда Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилиши баҳоланмаган. Бироқ, Фенстра тадқиқотида Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилиши баҳоланган бўлсада, капитал жамғарилишининг қиймати юқори баҳоланган. Унинг тадқиқотида баҳоланган капитал жамғарилиши ривожланган мамлакатлар капитал жамғарилишининг ҳажмига тенгдир.

Юқорида келтирилган тадқиқотда Ўзбекистон иқтисодиётининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда капитал жамғарилиши баҳоланмаган. Шу сабабли, Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилишини юқорида келтирилган тадқиқотлар ва ривожланаётган мамлакатларда капитал жамғарилишини доимий инвентаризация усули бўйича аниқлаш долзарб ҳисобланади.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Капитал жамғарилишини доимий инвентаризация усулини баҳолашда ўтган даврдаги капиталнинг амортизациядан кейинги қолган қийматини асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициясини қўшиш орқали қуйида келтирилган тенгламага кўра капитал жамғарилишининг қиймати баҳоланади (S.Dey-Chowdhury, 2008). Шу билан бирга, капитал жамғарилишининг асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни йиғилиши натижасида баҳоланиши учун асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни 2016 йил нархларига ўтказилади.

$$K_t = I_t + (1-\delta) \cdot K_{t-1} \quad [1]$$

Бунда:  $K_t$  – капитал жамғарилиши;  $I_t$  – асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар;  $\delta$  – амортизация коэффициенти.

Капиталнинг бошланғич қийматини капитални хизмат қилиш муддати бўйича аниқлашда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўртача 40-50 йиллик маълумотлари керак бўлади. Амортизация коэффициенти 7% эканлиги тахмин қилинадиган бўлса, 1990 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 10% 2021 йилда ҳам фойдаланаётган бўлиши керак бўлади. Шу сабабли, мазкур тадқиқотда капиталнинг бошланғич қийматини капитал жамғарилишини мувозанат ёндашув бўйича баҳоланадиган бўлса, бунда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг узоқ муддатли ўсиши ( $\beta$ ), амортизация коэффициенти ( $\delta$ ) ҳамда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг бошланғич қиймати ( $I_0$ ) зарур бўлади. Мазкур тадқиқотда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг бошланғич қиймати 1997 йилдаги қиймати ҳисобланади ва капитал жамғарилишининг 1997 йилдаги қиймати қуйида келтирилган тенглама бўйича баҳоланади (В.Неру ва А.Дхарешвар, 1993).

Мувозанат ёндашуви иқтисодий ўсиш мувозанат нуқтасида эканлигига тахмин қилинади. Мазкур тахмин (1) формула асосида капитал жамғарилишининг ўсиши қуйидагича аниқланади:

$$g_t = \frac{K_t - K_{t-1}}{K_t} = \frac{I_t}{K_t} - \delta \quad (2)$$

Бунда:  $g_t$  - капитал жамғарилишининг ўсиши. Формула (2) дан келиб чиққан ҳолда капиталнинг бошланғич қиймати қуйидаги формула (3) асосида баҳоланади.


$$K_{t-1} = \frac{I_t}{\delta + \beta} \quad (3)$$

Ҳарбергер тадқиқотида инвестицияларнинг биринчи 3 йиллик ўртача ўсиш суръатидан фойдаланган, Неру ва Дхарешвар 24 йиллик ўртача ўсиш суръатидан, Каселли эса 10 дан 20 йилгача ўртача ўсиш суръатидан фойдаланган. Мазкур тадқиқотда ( $\beta$ ) асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 1997-2006 йиллардаги ўсиш суръатининг ўртача қийматидан фойдаланилган.

Амортизация коэффициенти ривожланётган мамлакатлар учун 4-8 % гача бўлиши таклиф этилган. Бўрнс тадқиқотида капитал жамғарилишини баҳолашда ривожланган мамлакатларда 6-8 % асосида капитал жамғарилиши аниқланган. Грузия иқтисодиётида амортизация коэффициенти асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг таркибига кўра ўртача 11 %ни ташкил қилиши баҳоланган (World Bank. 2016). Фенстра тадқиқотида Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилишини доимий инвентаризация усули билан баҳолаган ва амортизация коэффициентини 4% белгилаган. Бўрнс тадқиқотида Қозоқистон, Арманистон ва Озарбайжон мамлакатлари амортизация коэффициентини 6-8 % оралиғида бўлишини тахмин қилган. Ўзбекистон ривожланётган мамлакат бўлганлиги учун амортизация коэффициентини 6-8 % оралиғида бўлишини тахмин қилган ҳолда капитал жамғарилиши мазкур тадқиқотда баҳоланади.

#### 4. Таҳлил ва натижалар.


Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар технологик таркибига кўра капитал жамғарилишининг асосий манбаси ҳисобланади. Бунга кўра, 1997-2004-йиллар оралиғида иқтисодиётда янги асбоб-ускуна ва жиҳозларга киритилган инвестицияларнинг улуши сезиларли даражада кўпайгани ва қурилиш монтаж ишларининг улуши эса камайганлигини кузатиш мумкин. 2005-2007-йилларда эса қурилиш монтаж ишларига киритилган инвестицияларнинг улуши ортган. 2008 йилда асбоб-ускуна ва жиҳозларга киритилган инвестицияларнинг улуши 2007 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиб, 43,9%ни ташкил қилди.



**1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби (фоизда)**

2009–2016-йилларда эса асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг бошқа капитал ишлари ва сарфларнинг улуши ошиб, асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг улуши камайди. Сўнгги 5 йилда эса асбоб-ускуналарга киритилган инвестицияларнинг улуши кўпайганлиги ҳамда бошқа капитал ишлар ва сарфларга ўзлаштирилган инвестицияларнинг улуши камайганлигини кузатиш мумкин. 1-расмда келтирилган асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибига кўра 2018–2020-йилларда асбоб-ускунларга киритилган инвестицияларнинг улуши 43,8%дан 52,1%гача ошгани кузатилди. Булардан, иқтисодиётда самарадорликка таъсири бўлган инвестициялар АҚТ ускуналарига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 2019–2021-йилларда ўртача 4,7%ни ташкил қилган. Бундан ташқари, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, компьютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базаларига ўзлаштирилган инвестицияларнинг жами ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 0,4%ни ташкил қилган<sup>1</sup>.

Аниқланган натижага кўра, 1997 йилда капитал жамғарилишининг қиймати 2021 йил нархларига кўра 132,2 трлн. ва 152,6 сўм оралиғида эканлиги аниқланди. Капитал жамғарилишининг қиймати паст амортизация қиймати бўйича юқорироқ ҳажмга эга бўлиб, амортизация коэффициенти барча даврларда ўзгармас бўлганлиги ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръатига эга бўлганлиги учун баҳолангандан капитал жамғарилиши ўсиш тенденциясига эга бўлди.



**2-расм. Капитал жамғарилишини баҳолангандан қийматлари<sup>2</sup>, 2021 йил нархларида (трлн. сўмда)**


Шу сабабли, капитал жамғарилиши 2007–2009 ва 2017–2019-йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эга бўлган даврда капитал жамғарилишининг ҳажми сезиларли даражада ошган. Хусусан, капитал жамғарилиши 2009 йилда 2006 йилга нисбатан ўртача 1,4 баробарга ошган, 2021 йилда эса 2016 йилга нисбатан 1,91 баробарга ошганлиги аниқланди. 2021 йилда капитал жамғарилиши 1368,8 трлн. ва 1518,7 трлн. сўм оралиғида ташкил қилиши аниқланди.

Капиталнинг эскириш ҳажмини 7 %ли амортизация коэффициенти билан аниқланган қиймати асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси билан солиширилди. Аниқланган натижаларга кўра, 1997–2021 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар капиталнинг эскириш ҳажмидан юқори эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, 2016–2021 йилларда асосий капиталга

<sup>1</sup> www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари


<sup>2</sup> Муаллиф ҳисоб-китоби

ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми капитални эскириши қийматидан ўртача 2.8 баробарга юқори бўлган (3-расм).



**3-расм. Амортизация ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар<sup>3</sup>, млрд. сўмда (2021 йил нархлари)**

Капитал иқтисодий ўсиш омили уни иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омилларини иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини аниқлашда Жаҳон банкининг Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитални ЯИМдаги улушкининг 0.3 га тенг эканлиги аниқланган (World Bank. 2016). Мазкур тадқиқотда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун иқтисодий ўсиш омилларининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини аниқлашда капитални ЯИМдаги улushi 0.3 га тенглаштирилди. Капитал жамғарилишининг турли амортизация коэффициенти бўйича аниқланган қийматлари бир-биридан унча катта фарқ қилмаганлиги учун капитал жамғарилиши қийматларидан иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини аниқлашда фойдаланилди.



**4-расм. Ишлаб чиқариш омилларини иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси<sup>4</sup>, фоиз пунктида**

Аниқланган натижаларга кўра, ишлаб чиқариш омилларининг 1998-2016 йилларда иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси мусбат бўлиб, аммо 2017 йилдан ишлаб

<sup>3</sup> Муаллиф ҳисоб-китоби

<sup>4</sup> Муаллиф ҳисоб-китоби

чиқариш омилларининг иқтисодий ўсиш омиллари ўсиш тенденциялари ўзгарганлиги натижасида иқтисодий ўсиш омилларининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасида ўзгаришлар юзага келди. Хусусан, 2017 йилда умумий самарадорликнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси -0.06 ф.п. ташкил этди. 2018 йилда эса ишчи кучининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси -4.15 ф.п., кейинги йилда эса умумий самарадорликни улуси -4.25 ф.п. ни ташкил этди. Шу билан бирга, кузатув даврида капитал иқтисодий ўсишга доим мусбат улушкига эга бўлиши ва кузатув даврида ўртacha иқтисодий ўсишга 3.03 ф.п. ни ташкил этиши капитал Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг асосий омили эканлиги аниқланди (4-расм).

Тадқиқотда аниқланган натижага кўра, Ўзбекистон баҳолангандан капитал жамғарилиши Фенстранинг тадқиқотидан баҳолаган қийматларидан фарқ қилди. Фенстра тадқиқотидан амортизация коэффициенти доимий 4 % бўлиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун капитал жамғарилишининг юқори баҳоланишига сабаб бўлган. Шу билан бига, ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасига кўра, 2017-2021 йилларда капитал жамғарилишини иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси ортиб бориши натижасида умумий самарадорликнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси камайиб боришига таъсири қилиланди.

## 5. Хуносা.

Тадқиқотда аниқланган натижаларга кўра, капитални доимий инвентаризация усули асосида баҳолашда фойдаланилган капиталнинг бошланғич қийматларини аниқлашда фойдаланилган иккита ёндашувнинг баҳолари деярли бир-биридан юқори фарқ қилмаганлиги аниқланди. Бу эса, баҳолангандан капитал жамғарилиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун мос эканлигини ифодалайди. Турли амортизация коэффициентлари билан аниқланган капитал амортизацияси асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажмидан кам бўлиши Ўзбекистон иқтисодиёти капитал жамғарилётганлигини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасига кўра капитал иқтисодий ўсишнинг асосий омили эканлиги аниқланди. Бироқ, сўнгги беш йилда иқтисодиёт янги техника-технологияларни тўлиқ қабул қилмаганлиги ва COVID-19 пандемияси сабабли умумий самарадорликнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини камайганлиги аниқланди. Шу билан бирга, 2019-2021 йилларда капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг мос равишда 4.7 ва 0.4 %лари ИКТ ва инновацияларга йўналтирилган. Булар эса умумий самарадорликни оширувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистонда узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Амортизация коэффициентининг асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажмидан камлиги иқтисодиётга капитал жамғарилишини ошириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш керак;
- умумий самарадорликнинг камайишига асосий сабабларидан ИКТ ва илмий тадқиқотларга инвестициялар ҳажмининг оширилиши умумий самарадорликни иқтисодий ўсишга таъсирини оширишига таъсир қиласди.

## Адабиётлар:

Berleemann, M., & Wesselhöft, J. E. (2014). Estimating aggregate capital stocks using the perpetual inventory method. *Review of Economics*, 65(1), 1-34.

Burns, A. (2016). Potential Output in Asia: Some Forward-Looking Scenarios. *Asian Development Review*, 33(2), 28-55.

Dey-Chowdhury, S. (2008). Methods explained: Perpetual inventory method (PIM). *Economic & Labour Market Review*, 2(9), 48-52.

- Derbyshire, J., Gardiner, B., & Waights, S. (2013). Estimating the capital stock for the NUTS2 regions of the EU27. *Applied economics*, 45(9), 1133-1149.
- Nehru, V., & Dhareshwar, A. (1993). Sources, methodology and results. *Revista de análisis económico*, 8(1), 37-59.
- Feenstra, R. C., Inklaar, R., & Timmer, M. P. (2015). The next generation of the Penn World Table. *American economic review*, 105(10), 3150-82.
- Herd, R. (2020). Estimating Capital Formation and Capital Stock by Economic Sector in China.
- Labadze, L., Babych, Y., & Gabriadze, I. (2020). Estimating capital stock and return on capital for Georgia.
- World Bank. (2016). Systematic country diagnostic for Uzbekistan.



### МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ФОЙДА СОЛИҒИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*PhD, Козимжонов А.  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

**Аннотация.** Ушбу мақолада молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) талаблариға асосан фойда солиқларини ҳисобга олиш тартиб қоидалари күриб чиқилган. Жорий солиқ ва кечиктирилган солиқларнинг ўзаро фарқий жиҳатлари ва уларни молиявий ҳисботларда акс эттиришдаги муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича фикр мулоҳазалар берилган.

**Калит сўзлар:** фойда солиғи, солиқ базаси, бухгалтерия фойдаси, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС), бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БХХС), жорий солиқ, кечиктирилган солиқ.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются правила учета налога на прибыль на основе требований Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО). Приведены аспекты отличия текущего налога от отложенного налога и проблемы их отражения в бухгалтерской отчетности и пути их решения.

**Ключевые слова:** налог на прибыль, налоговая база, бухгалтерская прибыль, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), Международные стандарты бухгалтерского учета (МСБУ), текущий налог, отложенный налог.

**Abstract.** This article discusses the rules for accounting for income tax based on the requirements of International Financial Reporting Standards (IFRS). Aspects of the difference between the current tax and deferred tax and the problems of their reflection in financial statements and ways to solve them are given.

**Keywords:** income tax, tax base, accounting profit, international financial reporting standards (IFRS), international accounting standards (IAS), current tax, deferred tax.

#### 1. Кириш.

Ҳар бир давлат ривожланишида солиқ йиғимларининг ўрни катта. Давлат ўзининг функционал вазифаларини бажариш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлари амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларининг асосий манбасини солиқлар ташкил этади. Шундай экан, давлат ва жамиятнинг иқтисодий тараққиёти учун солиқларни жорий этиш масалалари солиқ сиёсатининг хуқуқий асослари билан белгилаб берилади. Мамлакатимизда Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Натижада, 2022 йил якунларига кўра, маҳсулотларга соғ солиқларнинг ЯИМ таркибидаги

улуши 6,8 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсатгич 2021 йилда 6 фоизни ташкил этган. Жаҳон банки маълумотларига кўра 2021 йил якунлари бўйича маҳсулотларга соф солиқларининг ЯИМдаги улуши Арманистонда 11,0 фоизни, Россияда Федерациясида 10,2 фоизни, Қирғизистонда 13,4 фоизни, Қозогистонда 6,4 фоизни ташкил этган.

Солиқ сиёсати орқали солиқ ҳисоб-китобларини тўғри ташкил этиш, нафақат давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва давлат билан ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри ташкил этишга олиб келади.

Шу билан бирга, хозирги вақтда юртимида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш орқали хорижий инвестицияни оқимини кўпайтириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари жорий этилмоқда. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) жорий этилишида фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ташкил этиш ва уларни МҲҲС талаблари доирасида молиявий ҳисботларда акс эттириш долзарб ҳисбланади.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Б.Абдуллаев (2020), Б.И.Исройлов ва бошқалар (2010), Ш.Собиров (2008), З.Н.Қурбонов (2008), К.М.Мисиров, К.Р.Хотамов, Ф.И.Исаев (2021), Д.Пашаходжаева (2021), Н.Б.Абдусаломова (2022), А.Останақулов (2016), Ш.Т.Эргашева (2019), С.Н.Ташназаров ва бошқалар (2018) томонидан илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ҳамда фойда солиғи ҳисбини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этилганлар.

Хорижий иқтисодчи олим M.Knoll (2006) фикрича солиқлар кўп йўналишлар бўйича рақобатбардошликка таъсир қиласди. Солиқлар рақобатга камида 2 та йўналиш бўйича таъсир қиласди. Биринчидан, улар ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг таркиби ва умумий миқдорининг ўзгаришига сабаб бўла олади. Иккинчидан, улар турли хил товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларни ўзгартира олади.

Хорижий иқтисодчи олим А.Ю.Ильин (2021) “фойда солиғи давлатнинг молиявий жараёнлар ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш имкониятига эга солиқлардан бири ҳисбланади” деб эътироф этади.

Иқтисодчи олим А.Остоноқулов (2016) фикрича – “фойда солиғини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлар асосида аниқлаш корхоналарда солиқ мажбуриятларини олинаётган фойданинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда бухгалтерияда акс эттиришга хизмат қиласди. Натижада, молиявий ҳисбот маълумотларнинг янада шаффофлигини таъминлашга хизмат қиласди” деб атайди.

К.Вакуленконинг (2014) таърифича, “йирик солиқ тўловчилар - бу маълум мезонларга кўра энг йирик тоифага кирадиган йирик солиқ тўловчи ташкилотлардир. Айнан уларнинг фаолияти орқали бюджет солиқ тушумларининг катта қисмини олади. Аммо мураккаб тузилмаси, улкан пул оқимлари, кўплаб хўжалик операцияларни амалга ошириш уларга солиқ юкини камайтирадиган турли хил солиқ схемаларидан фойдаланишга имкон беради.

Г.К.Абдуганиева, Н.Б.Бабабекова (2012) “Фойда солиғи бевосита солиқ сифатида тан олиниб, у маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш, ишларни

бажариш) соҳасидаги инвестицион жараёнларнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек капиталнинг қонуний ўсишини кафолатлади.

Иқтисодчи олим Д.Пашаходжаева (2021) фикрича, фойда солигини ҳисоблашда асос бўлувчи ҳамда ушбу солиқнинг кейинги тақдирини ифодаловчи кўрсатгичларни биргаликда олганда яхлит номдаги “фойда солиғи кўрсатгичлари” деб атайди. Фойда солиғи кўрсатгичлари – бу фойда солигини ҳисоблашга асос бўлувчи ва унга доир ҳисобланган миқдор ва нисбий кўрсатгичлар мажмуасидир.

Иқтисодчи олим Ҳ.Янгибаев (2022) фикрича Фойда солигининг моҳиятини очишда, энг аввало, унинг мажбурий тўлов хусусиятига эга эканлигини кўрсатиб ўтиш ва шу орқали унинг моҳиятини зарур. Тўғри, фойда солиғи муносабатларида мажбурийлик мавжуд, бу мажбурийлик демократиянинг олий тимсоли бўлмиш парламент қарори, яъни қонун билан киритилади, давлатнинг қаттиқ талаби эътиборга олинади. Демак, фойда солигидаги мажбурийлик хуқуқий демократик меъёrlар асосида Олий Мажлис томонидан киритилади. Қолаверса, фойда солиғи мазмуни остида узоқ муддатга мўлжалланган мажбурий пул ҳаракатига мансуб муносабатлар ётади.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот ишини бажаришда маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, тақдослаш, индукция ва дедукция усулларини қўллаган ҳолда МҲС асосида жорий ва кечикирилган солиқларни ҳисобга олишнинг хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларидан фойдаланилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Республикамизда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) бўйича молиявий ҳисоботларни тузишда фойда солиғи ҳисоб-китобларини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартиб қоидаларга асосан амалга оширадилар. Солиқ кодексининг 12-бўлими “Фойда солиғи” деб номланиб, 10 та боб (42-51-боблар) ва 70 та моддадан (294-363-моддалар) иборатdir. Ушбу моддаларда солиқ тўловчилар, солиқ солиш обьекти, солиқ базаси ва унга тузатиш киритиш, солиқ тўловчиларнинг жами даромадлари ва харажатлари, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқиш, солиқни тўлаш тартиби ва бошқа фойда солигининг ўзига ҳос хусусияtlари ҳисобга олиш тартиблари белгилаб берилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар МҲСга мувофиқ молиявий ҳисбот тузишда фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш учун 12-сон “Фойда солиғи” номли БХС (IAS - бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти), “Фойда солигини ҳисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар” номли 23-сон МҲСШК (IFRIC - молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари шарҳи бўйича қўмита) шарҳи, “Фойда солиқлари ташкилотнинг ёки унинг акциядорларининг солиқ мақомидаги ўзгаришлар” номли 25-сон ШДХ Шарҳи (SIC - стандартларни интерпретация қилиш қўмитаси) каби халқаро стандартлардан фойдаланишлари зарур.

“Фойда солиғи” номли 12-сон БХСнинг мақсади - фойда солиқларини ҳисобга олиш тартиб қоидалари ва уларнинг ҳисоб-китобидан вужудга келувчи жорий ва келгуси солиқ оқибатларини қандай ҳисобга олинишини белгилаб беришдан иборатdir. Келгуси солиқ оқибатлари бўйича солиқ суммалари жорий ва кечикирилган солиқлардан ташкил топади.

12-сон БХСга мувофиқ фойда солиғи солиқ солинадиган фойдадан олинадиган барча фаолиятга нисбатан ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Солиқ солинадиган фойда - бу солиқ органлари томонидан белгиланган маълум бир

тартиб-қоидалар асосида аниқланадиган ва ушбу суммага нисбатан фойда солиқлари тўланадиган фойда ҳисобланади. Солиқ солинадиган фойдадан ҳисобланган солиқлар жорий солиқ деб аталади ва ушбу ҳисобланган суммага нисбатан солиқ мажбурияти тан олинади. Жорий солиқни ҳисоблаш қуидаги жадвалда келтирилган:

#### 1-жадвал

#### **Хўжалик юритувчи субъектларда жорий солиқни ҳисоблаш тартиби**

| <b>№</b> | <b>Кўрсатгичлар</b>   | <b>Сатр коди</b> | <b>Суммаси</b> |
|----------|---|------------------|----------------|
| 1        | Жами даромадлар   | 010              |                |
| 2        | Чегириладиган харажатлар  | 020              |                |
| 3        | Солиқ солинадиган фойда   | 030=010-020      |                |
| 4        | Имтиёзлар ва тузатишлар (мамлакат қонунчилигига белгиланган тартибдаги) | 40               |                |
| 5        | Солиқ базаси  | 050=030±40       |                |
| 6        | Солиқ ставкаси, % да  | 060              |                |
| 7        | Фойда солиғи суммаси  | 070=050*060      |                |

Хўжалик юритувчи субъект фойда солиғи бўйича жорий солиқни ҳисоблагандан қуидагича икки ёқлама ёзув билан акс эттирилади:

Дт Фойда солиғи харажати;

Кт Фойда солиғи бўйича мажбурият.

Хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган активлари ва мажбуриятларининг жорий баланс қиймати билан уларнинг қопланиш қийматидаги фарқни ёки фойдаланилмаган солиқ заарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказилишининг солиқ бўйича таъсири натижасида кечиктирилган солиқлар вужудга келади. Яъни бу келгуси даврларда тўланадиган ёки қопланадиган фойда солиғи бўлиб ҳисобланади.

Кечиктирилган солиқлар билан боғлиқ ҳисоб ҳисоб-китоблар хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия фойдаси ва солиққа тортиладиган фойдаси бир-бирига teng бўлмаслиги натижасида амалга оширилади. Бухгалтерия ва солиққа тортиладиган фойдаси teng бўлмаслигига 2 та сабаб бор:

- доимий фарқлар;
- вақтинчалик фарқлар.

Доимий фарқлар бу – жорий ҳисбот даврида вужудга келадиган ва кейинги даврларда қайта ҳисобга олинмайдиган (солиққа тортиладиган базага таъсир кўрсатмайдиган), солиққа тортиладиган фойда ва бухгалтерия фойдаси орасидаги фарқdir. Бундай фарқ одатда бухгалтерия фойдасини аниқлашда фойдаланилган айrim даромад ва харажатлар мамлакатда қабул қилинган солиқ қонунчилигига биноан ҳисобга олинмайди. Масалан, дивиденд қўринишидаги даромад ва облигациялар бўйича даромадлар, жарималар, пенялар ва санкция қўринишидаги харажатлар. Яъни доимий фарқ натижасида вужудга келадиган фарқлар бухгалтерия ва солиққа тортиладиган фойдаси teng бўлмаслигига сабаб бўлсада кечиктирилган солиқларни вужудга келтирмайди.

Вақтинчалик фарқлар – жорий ҳисбот даврида вужудга келадиган, аммо кейинги даврларда қайта ҳисобга олинадиган, солиққа тортиладиган фойда ва бухгалтерия фойдаси орасидаги фарқdir. Вақтинчалик фарқлар ҳам 2 турга бўлинади:

солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар - тегишли актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки сўндириладиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини ҳисоблашда солиқ солинадиган суммаларни юзага келтирадиган вақтинчалик фарқлардир (масалан: асосий воситаларга эскириш

ҳисоблаш услларидағи фарқлар, фоиз даромадларини ҳисоблашнинг касса ва ҳисоблаш усулларидағи фарқлар ва бошқалар);

чегириладиган вақтингчалик фарқлар - тегишли актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки сүндириладиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини ҳисоблашда чегириладиган суммаларни юзага келтирадиган вақтингчалик фарқлардир (масалан: хаққоний қийматда баҳоланадиган активлар).

Вақтингчалик фарқлар натижасыда кечиктирилган солиқлар вужудга келади ва улар кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва активларига бўлинади:

- кечиктирилган солиқ мажбуриятлари – хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган вақтингчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган фойда солиқлари суммасидир.

- кечиктирилган солиқ активлари эса хўжалик юритувчи субъектнинг чегириладиган вақтингчалик фарқлар, келгуси даврларга ўтказилган фойдаланилмаган солиқ заарлари ва имтиёзларининг келгуси даврларда қопланадиган суммасидир.

12-сон БХХСга мувофиқ кечиктирилган солиқларнинг ҳисоб-китобини қўйидаги жадвалда белгиланган кетма-кетлиқда амалга оширилади:



**1-расм. МХХСлари талаблари асосида кечиктирилган солиқларни ҳисобга олиш кетма-кетлиги**

**1-босқич.** Ушбу босқичда хўжалик юритувчи субъектнинг актив ва мажбуриятларининг баланс қиймати билан солиқ базаси орасидаги фарқ аниқланади. Актив ва мажбуриятларнинг солиқ базаси бу – тегишли актив ёки мажбуриятнинг солиқ мақсадларида аниқланадиган қийматидир.

**Баланс қиймати – Солиқ базаси = Вақтингчалик фарқ**

**2-босқич.** Ушбу босқичда кечиктирилган солиқ суммасини биринчи босқичда аниқланган вақтингчалик фарқни фойда солиғи ставкасига қўпайтириш орқали аниқланади:

**Вақтингчалик фарқ \* Фойда солиғи ставкаси = Кечиктирилган солиқ**

**3-босқич.** Ушбу босқичда кечиктирилган солиқни 2 тоифага кечиктирилган солиқ активи ёки кечиктирилган солиқ мажбуриятига ажратиб олиш зарур.

Хўжалик юритувчи субъектнинг актив ва мажбуриятларининг баланс қиймати солиқ базасидан катта бўлса:

**Баланс қиймати > Солиқ базаси яъни - кечиктирилган солиқ мажбурияти вужудга келади(солиққа тортиладиган вақтингчалик фарқ).**

Хўжалик юритувчи субъектнинг актив ва мажбуриятларининг баланс қиймати солиқ базасидан катта бўлса:

**Баланс қиймати < Солиқ базаси яъни - кечиктирилган солиқ активи вужудга келади.**

**4-босқич.** Ушбу босқичда 2-чи ва 3-босқичларда аниқланган кечиктирилган солиқ мажбурияти ва активлари суммаси ўткан ва жорий даврларга нисбатан солиштирилиб, вужудга келган фарқ фойда ёки заарар орқали тан олинади:

Кечиктирилган солиқнинг жорий даврдаги суммаси - 010

Кечиктирилган солиқнинг ўтган даврдаги суммаси - 020

Фойда ёки заарарга олиб бориладиган фарқ - 030=010-020

Агар фойда ёки заарарга олиб бориладиган фарқ ижобий бўлса, қуйидаги икки ёқлама ёзувда акс эттирилади:

**Дт Фойда солиғи харажати;**

**Кт Кечиктирилган солиқ мажбурияти.**

Агар фойда ёки заарарга олиб бориладиган фарқ салбий бўлса, қуйидаги икки ёқлама ёзувда акс эттирилади:

**Дт Кечиктирилган солиқ активи;**

**Кт Фойда солиғи харажати.**

Тадқиқот мавзуси фойда солиғига оид кейс масала кўриб чиқилади. “Нефтмаҳсулотлари” АЖ 2022 йил 1 январда 200 000 минг сўмга асосий восита сотиб олди. Ҳисоб сиёсатида асосий воситага эскириш ҳисоблаш камайиб борувчи қолдиқ усулида 30% дан ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Лекин, солиқ қонунчилигига мувофиқ ушбу асосий воситага эскириш ҳисоблашнинг энг юқори нормаси 15 % этиб белгиланган. 2022-йил ва 2023-йил учун фойда солиғи ставкаси 12%ни ташкил этганда, “Нефтмаҳсулотлари” АЖда кечиктирилган солиқ суммаларини қандай акс эттирилади?

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида 12-сон БХХСга мувофиқ кечиктирилган солиқларнинг ҳисоб-китобини амалга оширилади:

**31.12.2021 йил ҳолатига қўра:**

1. Асосий воситанинг баланс қиймати  $200\ 000 - (200\ 000 * 30\%) = 140\ 000$  минг сўмга;

Асосий воситанинг солиқ базаси  $200\ 000 - (200\ 000 * 15\%) = 170\ 000$  минг сўм;

Вақтичалик фарқ :  $140\ 000 - 170\ 000 = -30\ 000$  минг сўм.

2. Кечиктирилган солиқ суммаси:  $30\ 000$  минг сўм \* 12% = 3 600 минг сўм.

3. Ушбу ҳолатда Баланс қиймати < Солиқ базаси бўлганлиги туфайли кечиктирилган солиқ активи вужудга келади.

4. Кечиктирилган солиқнинг жорий даврдаги суммаси – 3 600

Кечиктирилган солиқнинг ўтган даврдаги суммаси - 0

Фойда ёки заарарга олиб бориладиган фарқ - 3 600 минг сўм

Фойда ёки заарарга олиб бориладиган фарқ ижобий бўлганлиги учун ушбу суммага қуйидаги икки ёқлама ёзув билан акс эттирилади:

**Дт Фойда солиғи харажати – 3 600 минг сўм;**

**Кт Кечиктирилган солиқ мажбурияти – 3 600 минг сўм;**

**31.12.2022 йил ҳолатига қўра:**

1. Асосий воситанинг баланс қиймати  $(140\ 000 - (200\ 000 - 60\ 000) * 30\%) = 98\ 000$  минг сўмга;

Асосий воситанинг солиқ базаси  $200\ 000 - 2 * (200\ 000 * 30\%) = 120\ 000$  минг сўм;

Вақтичалик фарқ : 98 000 – 120 000= -32 000 минг сўм.

2. Кечикирилган солиқ суммаси: 32 000 минг сўм \* 12% = 3 840 минг сўм.

3. Ушбу ҳолатда Баланс қиймати < Солиқ базаси бўлганлиги туфайли кечикирилган солиқ активи вужудга келади.

4. Кечикирилган солиқнинг жорий даврдаги суммаси – 3840 минг сўм

Кечикирилган солиқнинг ўтган даврдаги суммаси - 3600 минг сўм

Фойда ёки зарарга олиб бориладиган фарқ - 240 минг сўм

Фойда ёки зарарга олиб бориладиган фарқ ижобий бўлганлиги учун ушбу суммага қуидаги икки ёқлама ёзув билан акс эттирилади:

**Дт** Фойда солиғи харажати – 240 минг сўм;

**Кт** Кечикирилган солиқ мажбурияти – 240 минг сўм;

Юқоридаги 12-сон БХХС таҳлили ва натижаларининг асосий жиҳатини қуидаги икки ёқлама ёзув билан кўришимиз мумкин:

**Дт** Фойда солиғи харажати (МХХСлари талаблари доирасида ҳисоб-китоб амалга оширилади);

**Кт** Фойда солиғи мажбурияти (Мамлакатдаги Солиқ кодексига асосан ҳисоб-китоб қилинади).

МХХС бўйича фойда солиғи суммаси билан фойда солиғи мажбурияти тенг бўлмайди, шунда кечикирилган солиқ активи ва кечикирилган солиқ мажбуриятидан фойдаланиш натижасида икки ёқлама ёзувда акс эттирилади.

## 5. Хулоса.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, агар МХХС талаблари доирасида фаолият юритувчи корхоналар 12-сон “Фойда солиғи” номли БХХСни қўлланса, молиявий ҳисоботнинг сифат кўрсатгичлари янада ортади деб ўйлаймиз. Чунки, юқорида 12-сон БХХСни таҳлил қилинганда кечикирилган солиқ бўйича маълумотларни ошкор этиш тнатижасида молиявий ҳисбот истеъмолчилари учун зарур ахборотларни тақдим этиш имкониятини беради. Молиявий ҳисбот истеъмолчилари кечикирилган солиқ мажбуриятлари ва активлари мавжудлигига қараб корхонанинг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган солиқлари суммасини ёки келгуси даврларга ўтказилган фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва имтиёзларининг келгуси даврлarda қопланадиган солиқ суммаси ҳақида маълумотларни олади. Албатта бу - молиявий ҳисбот истеъмолчилари бўлган инвестрларнинг самарали қарор қабул қилишига, молиявий ҳисботга бўлан ишончига ва мамлакатимизда инвестиция сиёсатига мувофиқ хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш орқали хорижий инвестицияни оқимини кўпайтириш каби мақсадларига эришиш учун яна бир қадам деб ўйлаймиз.

### Адабиётлар:

IFRS/IAS. (2019) Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари тўплами. // ACCA.

Knoll, M. (2006), Taxes and Competitiveness. Faculty Scholarship. Paper 130.

Qurbanov Z.N. (2008) “Soliq hisobi va auditining metodologik muammolari” Monografiya “Fan va texnologiya” nashriyoti, Toshkent.: 102-b.

Абдусаломова Н., & Козимжонов А., (2022). Қарз мажбуриятларининг вужудга келишининг ўзига хос жиҳатлари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/992>.

Абдуллаев А.Б., (2020) Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент. 2020 й. 69 бет.

- Абдуганиева Г.К., Бабабекова Н.Б. (2012) Прогнозирование налогов. Учеб.пос. – Т.: Tafakkur bo'stoni, С. 108.
- БХХС (2022) 12-сон “Фойда солиғи” номли БХХС [www.ifrs.org](http://www.ifrs.org) //ACCA IFRS/IAS.
- Вакуленко К.Э. (2014) Крупнейшие налогоплательщики как вид усиленного контроля налоговых органов. Журнал. Бухгалтерский учет, статистика. № 9 (37).
- Исройлов Б.И., Исройлов Ж.И., Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи. Т: 2010.-112 бет.
- Ильин А.Ю. (2021) Налог на прибыль организаций: актуальные вопросы налогообложения. – М.: Проспект, с. 4.
- Кодекс (2022) Ўзбекситон Республикасининг Солиқ кодекси янги таҳрири. манба: <https://lex.uz/m/acts/4674902>
- Остонақулов А.А., (2016) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида солиққа тортиладиган фойда ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари “иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-августъ, 2016 йил.
- Пашаходжаева Д., (2021) Фойда солиғи ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Автореферати: Фарфона, -28 бет.
- Собиров Ш., (2008) Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири. Автореферати: Тошкент, 2008. -32 бет.
- Ташназаров С.Н ва бошқалар (2018) Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари. – Самарканд: СамИСИ, - 421 б.
- Эргашева Ш.Т. ва бошқалар (2019) Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иктисолиёт, 2019. -227 б.
- Янгибаев Ҳ.А. (2022) “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтган корхоналарда фойда солиғини ҳисоби”. “Солиқ ва Ҳаёт” электрон илмий оммабоп журнали. 4-сон.



### ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

**Муродбеков Б.Н.**  
Фискал институт

**Аннотация.** Мақолада ўрта бизнесни ривожлантиришнинг босқичлари ва аҳамияти очиб берилган. Ўрта бизнесни ривожлантиришнинг Хитой тажрибаси таҳлил қилинганд.

**Калит сўзлар:** ўрта бизнес, инвестиция, тоифа, солик, хўжалик юритувчи субъект.

**Аннотация.** В статье раскрываются этапы и значение развития среднего бизнеса. Анализируется китайский опыт развития среднего бизнеса.

**Ключевые слова:** средний бизнес, инвестиция, категория, налог, хозяйствующий субъект.

**Abstract.** The article reveals the stages and importance of medium business development. The Chinese experience of medium business development is analyzed.

**Key words:** medium business, investment, category, tax, legal entity.

#### 1. Кириш.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида жаҳонда ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда ушбу алоқаларнинг миллий хўжаликлар иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Хитой ҳукумати томонидан таклиф этилган «Бир макон, бир йўл» ташаббуси дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ва халқаро ташкилотлари томонидан фаол қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган ва «Бир макон, бир йўл» ташаббусининг муҳим маркази ҳисобланиб, у лойиҳа ташаббусини қўллаб-қувватлаган ва фаол иштирок этган биринчи давлатлардан бири. «Бир макон, бир йўл» ташаббуси бугунги кунда жаҳон мамлакатлари орасида ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларда ушбу соҳа мутахассисларининг диққат марказида бўлиши билан бирга Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, ташқи иқтисодий ҳамкорларнинг Ўзбекистон билан амалга ошираётган истиқболли лойиҳалари, мамлақатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Бир макон, бир йўл» учинчи халқаро форумидаги нутқида қўйидагиларни эътироф этди: *Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб «Бир макон, бир йўл» ташаббусини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъқидлашни*

истардим. Биз мазкур ташаббусинг асосий мақсад ва вазифаларини янада илгари суришнинг қатъий тарафдоримиз<sup>1</sup>.

«Бир макон, бир йўл» ташаббуси 2013 йилда Хитой ҳукумати томонидан 70 га яқин давлат ва халқаро ташкилотларга сармоя киритиш мақсадида қабул қилинган глобал инфратузилмани ривожлантириш стратегиясидир. «Бир макон, бир йўл» ташаббуси Хитой етакчиси Си Цзиньпин ташқи сиёсатининг «Йирик давлат дипломатияси» стратегиясининг марказий таркибий қисмини ташкил этади. Бу Хитойни ўзининг кучайиб бораётган қудрати ва мавқейига мувофиқ глобал ишларда етакчилик ролини ўз зиммасига олишга чақиради. 2022 йил март ойи ҳолатига кўра, 146 мамлакат «Бир макон, бир йўл» ташаббусига аъзо бўлганлар рўйхатига киритилган<sup>2</sup>.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этиш жараёнида мазкур соҳа юзасидан кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўз асарларида фикрлар бериб ўтишганлиги ўрганилди.

Хорижий иқтисодчи олимларнинг фаолиятини ўрганиш асносида швейцариялик олимлар Amelia U. Santos-Paulino, Claudia Trentini ва Hamidreza Bakhtiarizadehларнинг (2023) биргаликдаги Бирлашган миллатлар ташкилотининг Савдо ва ривожланиш Конференцияси (UNCTAD) 2023 йилда нашр этилган “Кичик ва ўрта бизнес интернационализацияси: янги йўналишлар” номли мақоласида кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, уларни инвестицион маблағлар билан таъминлаш зарурати, муваффақиятсизликка олиб келувчи сабаблар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон маҳаллий олимларидан профессор Дилдора Таджибаеванинг (2019) Ўзбекистон иқтисодиётининг 2030 йилга бориб юқори даромадли мамлакатга айланиш истиқболлари, кичик ва ўрта бизнеснинг глобал иқтисодиёт қиймат занжиридаги ўрни, мавжуд иқтисодий муҳитни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хитой халқаро бизнес ва иқтисодиёт университети профессори Сяоянг Хоунинг (2023) кичик ва ўрта бизнеснинг Хитой иқтисодий ривожланишидаги ўрни, уларни молиялаштиришдаги қийинчиликлар ва Хитойда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармонида тадбиркорлик субъектларини қуидаги мезонлар асосида тоифаларга ажратилган:

а) кичик тадбиркорлик субъектлари:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

микрофирмалар — таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

кичик корхоналар — жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда ушбу кичик банднинг учинчи хатбошисидаги таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Бир макон, бир йўл» учинчи халқаро форумидаги нутқи. 18 октябрь 2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6777>.

<sup>2</sup> <https://www.oecd.org/trade/topics/small-and-medium-enterprises-and-trade/>

б) ўрта тадбиркорлик субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

в) йирик тадбиркорлик субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-292-сон қарорида ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш белгилаб берилди.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Мазкур мақола хорижда ва мамлакатимизда олиб борилаётган ўрта бизнес фаолият муҳитини яхшилашга қаратилган ислоҳотларга оид турли хил ёндошувларни умумлаштирилган ҳолда ўрганилди ҳамда хулосалар асосида турли ёндашувларни амалиётда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

2023 йил 18 октябрь куни «Бир макон, бир йўл» ташаббусининг 10 йиллигини нишонланди. Унда ўтган 10 йилликда «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида ҳамкорлик алоқалари Евроосиё минтақасидан Африка ва Лотин Америкасигача кенгайгани, 150 дан ортиқ давлат ва 30 дан ортиқ халқаро ташкилот «Бир макон, бир йўл» ташаббусига ҳамкорлик ҳужжатларини имзолагани, темир йўл, порт, молия, солиқ, энергетика, яшил ривожланиш, яшил инвестиция, фавқулодда вазиятлар хавфини камайтириш, антикоррупция, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар бўйича 20 дан ортиқ кўп томонлама келишувларга эришилгани маълум қилинди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан қонун устувор, дискриминацияга қарши, адолатли, очиқ ва шаффофф, протекционизмга қарши бўлган Жаҳон савдо ташкилоти савдо тизими қўллаб-қувватланиши, 2023-2025 йиллар учун солиқ муҳитини яхшилаш бўйича ҳаракатлар режасини амалга оширилиши таъкидланди.

2023 йил 18 октябрда бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» учинчи халқаро форуми доирасида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида қайта тикланувчи энергия ҳамкорлиги бўйича, Хитой экспорт ва кредит суғурта компанияси билан “Асакабанк” АЖ ўртасидаги ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ҳамкорлик натижасида Тошкент шаҳрида қуввати 200 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатиш, 500 мегаватт/соат бўлган энергия сақловчи батареялар ўрнатилиши молиялаштирилади.

Шунингдек, келгуси 5 йилда Хитой давлат солиқ администрацияси 10000 нафар солиқ хизмати ходимларига тажриба алмашиб курсларида иштирок этиш имкониятини тақдим этилиши маълум қилинди.

«Бир макон, бир йўл» ташаббусининг биргаликда яратилиши ишлаб чиқариш омилларининг эркин, аммо тартибли ҳаракатини, шунингдек, ресурсларни юқори самарали тақсимлашни ва бозорларни чуқур бирлаштиришни рафбатлантиришга мўлжалланган.

Си Цзиньпин дастлаб 2013 йил сентябрь ойида Қозогистонга расмий ташрифи чоғида ушбу стратегияни «Ипак йўлининг иқтисодий камари» деб эълон қилган эди. «Камар» «Ипак йўли иқтисодий камари»нинг қисқартмаси бўлиб, денгизга чиқмайдиган автомобиль ва темир йўл транспорти учун тавсия этилган қуруқлик йўналишларига ишора қиласиди. «Йўл» эса «XXI аср денгиз ипак йўли»нинг қисқартмаси бўлиб, Марказий Осиёning машҳур тарихий савдо йўллари бўйлаб

Ғарбий минтақалар; Жанубий-Шарқий Осиё орқали Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африкага олиб борадиган Ҳинд-Тинч океани дengиз йўлларини назарда тутади.

Си Цзиньпиннинг нутқидан қуйидаги таклифлар жой олганди<sup>3</sup>:

• Ўзаро дўстона алоқаларни сақлаш, янги асрлар давомида қўшничилик алоқаларини ривожлантириш;

- Мамлакатлар бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳамда ўзаро ишонч;
- Ишончли иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик;
- Минтақавий алоқаларни ривожлантириш орқали янги марраларни забт этиш;
- Сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;
- Ягона транспорт тармоғини барпо этиш;
- Савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантириш;
- Мамлакатлар ўртасида капитал айланмаси миқдорини орттириш;
- Маданий алоқаларни ривожлантириш.

«Бир макон, бир йўл» ташаббуси инфратузилмасига инвестициялар мисолида портлар, осмонўпар бинолар, темир йўллар, автомобиль йўллар, қўприклар, аэропортлар, тұғонлар, қўмир билан ишлайдиган электр станциялари ва темир йўл туннеллари киради (N.Rolland, 2017).

Ташаббус 2017 йилда Хитой Конституциясига киритилган. Хитой ҳукумати ташаббусни «минтақавий алоқаларни кучайтириш ва ёрқин келажакка интилиш» деб атайди. Лойиҳа 2049 йилда якунланиши кўзда тутилган бўлиб, у Хитойнинг юз йиллик юбилейига тўғри келади (N.Rolland, 2017).

Ташаббусни қўллаб-қувватловчилар «Бир макон, бир йўл» ташаббусини жаҳон ялпи ички маҳсулотини, хусусан, ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотини ошириш салоҳияти учун фойдалари дейишади.

«Бир макон, бир йўл» лойиҳаси амалга оширишнинг асосий сабаблари:

1. Юаннинг халқаро муомаладаги ўрнини ошириш;
2. Дунё миқёсида маҳсулот истеъмолини орттириш;
3. Осиёда инфраструктурани ривожлантириш;
4. Хитойда ишсизлик даражасини камайтириш;
5. Минтақавий транспорт йўналишларини ривожлантириш;
6. Нефть ва газ каби табиий ресурсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
7. Хитойнинг юмшоқ куч сиёсатини янада ривожлантириш;
8. Халқаро сиёсатда ташаббусга эга бўлиш;
9. Осиёни бир мақсад йўлида бирлаштириш;
10. Хитой жамияти барқарорлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш;
11. Марказий Осиё Хитойнинг табиий энергетик ресурсларига калит ҳудуд бўлиши;
12. 2050 йилга қадар Евросиёда интеграциялашувни амалга ошириш.

Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббуси ривожланиш стратегияси Хитойни ўз ичига олган олтита асосий иқтисодий йўлак (Мўғалистон ва Россия; Евросиё давлатлари; Марказий ва Ғарбий Осиё; Покистон; Ҳиндистон субконтинентининг бошқа мамлакатлари; Ҳиндихитой) бўйлаб алоқа ва ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган. Осиё 2030 йилгача инфратузилмага 26 триллион доллар сармояга муҳтож (Осиё тараққиёт банки, 2017 йил) ва Хитой бунинг бир қисмини таъминлашда албатта ёрдам бериши мумкин. Унинг сармоялари инфратузилмани куриш орқали иштирок этаётган мамлакатларга ижобий таъсир кўрсатади. Ўзаро манбаатлар мазкур лойиҳанинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у узоқ муддатда Хитой маҳсулотлари учун бозорларни ривожлантиришга ва қисқа муддатда саноатнинг

<sup>3</sup> «Выступление Председателя КНР Си Цзинпина в Назарбаев Университете»

ортиқча қувватини юмшатишга ёрдам беради. Лойиха биринчи навбатда инфратузилма ва молиялаштиришга устувор аҳамият беради<sup>4</sup>.

Хитой раиси Си Цзиньпиннинг ташаббуси бўлган «Бир макон, бир йўл» Осиё, Африка ва Европа қитъалари бўйлаб тарқалган кўплаб мамлакатлар ўртасидаги алоқа ва ҳамкорликни яхшилашга қаратилган улкан иқтисодий ривожланиш ва тижорат лойиҳасидир. Хитой ҳукумати томонидан «Аср лойиҳаси» деб аталган лойиха 78 га яқин давлатни қамраб олади.

2017 йил май ойида бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми дунё мамлакатлари учун яна янги имкониятларни яратиб берди. Ҳозирги қунга қадар 100 яқин мамлакат ушбу лойиҳада қатнашиш истагини билдирган. Дунёning йирик молиявий институтлари: Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, БРИКС ривожланиш банки, Жаҳон банки кабилар Хитой Молия вазирлиги билан келажақдаги истиқболли ҳамкорлик лойиҳалар учун меморандумлар имзолашган.

2023 йил 18 октябрда бўлган форумда 50 дан ортиқ давлат ва 150 дан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Қадимий «Буюк ипак йўли» асрлар давомида минтақа халқлари савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим ўрин эгаллаган бўлса, бугунги қунга келиб, «Бир макон, бир йўл» ташаббуси эзгу мақсадларнинг узвий давоми сифатида эътироф этилади.

«Бир макон, бир йўл» лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири бўлиб, ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб қувватлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 18 августдаги тадбиркорлар билан учинчи очиқ мулоқоти давомида ўтган бир йил давомида кичик тадбиркорлар сони яна 40 мингга кўпайиб, 490 мингтани ташкил этгани, ўрта тадбиркорлар сони эса 2 мингга ошиб, 10 мингга етгани, йирик корхоналар сони йил давомида 400 тага ортиб, 1,5 мингтани ташкил этгани таъкидлаб ўтилди.

Ўрта бизнес Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бўғини бўлишига қарамай, унинг жадал ўсиши учун шароитлар ҳали етарли даражада эмас. Шу боис, кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашувлар йўлга қўйилса, бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд жамғармаларнинг фаолияти ҳам, иш услублари ҳам тубдан ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармони ва 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон қарорига асосан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (Жамғарма) «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ (Компания) шаклида қайта ташкил этилди.

Қарорга кўра, 2024–2026 йилларда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан:

кичик ва ўрта тадбиркорларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажми 8 триллион сўмдан 14 триллион сўмга етказилиши;

150 та ўрта бизнес корхонасига улуш киритилиши ва хизматлар ипотекаси асосида 300 та лойиха тадбиркорларга сотилиши;

ўрта тадбиркорлар сони 2,5 бараварга оширилиши;

300 миллион АҚШ доллари миқдорида облигация (евробонд)лар халқаро капитал бозорларида муомалага чиқарилиши белгилаб қўйилган.

Ҳозирги қунда Ўзбекистонда Тадбиркорлик жамғармаси хизматлар ва сервис соҳасидаги, “яшил” ва энергия самарадор лойиҳаларга молиявий ёрдам кўрсатиш


<sup>4</sup> Voices on Central Asia. China's Belt and Road Initiative and Its Impact in Central Asia. 2018. URL: <https://voicesoncentralasia.org/chinas-belt-and-road-initiative-and-its-impact-in-central-asia/>

учун масъул бўлса, Саноатни ривожлантириш жамғармаси эса саноат лойиҳаларига молиявий ёрдам кўрсатиш учун масъулдир. Ушбу жамғармалар бюджет маблағлари билан чекланмай, мустақил инвестицияларни жалб қилиш ваколатига эга. Бунинг учун 2023 йилда жамғармаларга қўшимча 25 миллион доллар ажратилиб, 2024 йилда эса яна қўшимча 100 миллион доллар ажратилиши режалаштирилган.

Янги ташкил этилган Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижий валютада 5 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада 10 йил муддатга кредитлар ажратишни йўлга қўйди. Саноат корхоналарига 1 йил муддатгача хорижий валютада 4 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада айланма маблағ тақдим этила бошланди. Бунда олиб келинадиган асбоб-ускуна учун 15 фоизлик аванс тўловлари ҳам жамғарма томонидан кредит шаклида берилмоқда. Жумладан, ҳар бир вилоятда камида 3 тадан янги саноат зонаси ташкил этилиб, уларда инвестиция мажбуриятлари бажарилгандан сўнг ер майдонларини хусусийлаштиришга рухсат берилди.

Ушбу икки жамғарма Тадбиркорлик жамғармаси ва Саноатни ривожлантириш жамғармаси келгуси бир йилда ўрта бизнес учун саноат соҳасида 2 мингта, хизматлар бўйича 10 мингта янги лойиҳа молиялаштиради, бу эса қўшимча 1 миллиард долларлик хизматлар, 5 миллиард долларлик янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 350 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Жамғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида “хизматлар ипотекаси” тизимини жорий қиласади. Шунингдек, ўрта тадбиркорлик субъектларига «Хизматлар ипотекаси» янги молиявий ёрдам тури жорий этилди. Бунга кўра, Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси томонидан ўрта тадбиркорнинг истагидан келиб чиқиб, 10 млрд. сўм (объектнинг 70 фоизи)дан ортиқ бўлмаган миқдорда кўчмас мулк ва асбоб-ускуналар сотиб олинади ва 7 йилгacha муддатга қарздорлик қолдигига 18 фоиз ҳисоблаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ташаббускорга берилади ва қарздорлик сўндирилгандан сўнг тадбиркор номига расмийлаштириб берилади. Лойиҳа ташаббускори очиқ танлов ўтказиш йўли билан аниқланади.



**1-расм. Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони<sup>5</sup>**

<sup>5</sup> Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Қўшимча равища ўрта тадбиркорлик субъектларига «Улуш киритиш» янги молиявий ёрдам хизмати ҳам тақдим этилади. Ўрта тадбиркорларга 7 йил давомида қайтариш шарти асосида 3 млрд. сўмгача уларнинг капиталига улуш киритилади.

«Улуш киритиш» ва «Хизмат ипотекаси» 2 йилдан ортиқ фаолият юритган ва сўнгги 1 йил давомида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектига тақдим этилади.

Ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш омилларидан бири хорижий инвестиция киритишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йил 1 май ҳолатига кўра, республикамиизда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 12 989 тани ташкил этган. 2019-2023 йиллар кесимида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони (1 май ҳолатига): 2019 йил – 8536 та, 2020 йил – 10 930 та, 2021 йил – 12 487 та, 2022 йил – 13 877 та, 2023 йил – 12 989 та<sup>6</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига 50 дан ортиқ давлат инвестиция киритмоқда. Асосий инвестор давлатлар бешлигига эса қўйидагилар киради: Хитой — 2,2 млрд. доллар, Россия — 2,1 млрд. доллар, Туркия — 1,18 млрд. доллар, Германия — 800,7 млн. доллар, Жанубий Корея — 137,4 млн. доллар. 2021 йил яқунига кўра, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 11,1 млрд. долларни ташкил этиб, йиллик прогнозга нисбатан 113 фоизга бажарилган. Шу жумладан, асосий капиталга киритилган инвестициялар 9,8 млрд. долларга етган (2020 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръати 110 фоиз). 2021 йилда Ўзбекистонга 8,6 млрд. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди<sup>7</sup>.

## 5. Хулоса.

Якуний хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ўрта бизнесни ривожлантириш турли муаммоларга дуч келмоқда. Бизнес муҳитини яхшилаш, ҳамкорликни ривожлантириш ва тадбиркорларга енгиллик яратиш ушбу муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашувлар йўлга қўйиш, тўғридан-тўғри инвеститциялар ҳамда давлат молиявий қўмаги ўрта бизнес вакиллари сонининг ортишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш йўлида қонунчилик асослари ва молиявий қўмак муҳим ўрин тутиши, уларнинг иқтисодий тараққиётни рағбатлантириши ва барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратиши мумкин экан.

### Адабиётлар:

Amelia U. Santos-Paulino, Claudia Trentini ва Hamidreza Bakhtiarizadeh (2023) “Кичик ва ўрта бизнес интернационализацияси: янги йўналишлар”. UNCTAD. Number 2. Volume 30. [https://unctad.org/system/files/official-document/diaeia2023d2a6\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/diaeia2023d2a6_en.pdf)

Rolland, N. (2017) China’s Eurasian Century? Political and strategic implications of the belt and road initiative. "Washington: The National Bureau of Asian Research". 195 p.

Соянг Хоу (2023) “Кичик ва ўрта бизнесда рискларни бошқариш”. [https://aemps.ewapublishing.org/media/1a21f3e2290143a5a51ca13e6bd4372f.marked\\_yUb4220.pdf](https://aemps.ewapublishing.org/media/1a21f3e2290143a5a51ca13e6bd4372f.marked_yUb4220.pdf)

Таджибаева Д. (2019) Осиё тараққиёт банки тадқиқот институтида нашр этилган “Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш: муаммолар ва

<sup>6</sup> Сўнгги 5 йилда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони қанчага қўпайган? Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари. <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/39951-so-n2ggi-5-yilda-xorijiy-kapital-ishtirokida-korxonalar-soni-qanchaga-ko-paydi-6>

<sup>7</sup> 2021 йилда Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган давлатлар бешлиги. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/11/investor/>

имкониятлар". Asian Development Bank Institute.  
<https://www.adb.org/sites/default/files/publication/524081/adbi-wp997.pdf>

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-21-сон.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-292-сон.



### ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мустафаев Б.Р.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш хусусиятларини ўрганади. Тадқиқот инновацион стратегияларга, ресурсларни тақсимлаш муаммоларига, сиёсат интеграциясига, манбаатдор томонларнинг ҳамкорлигига ва маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилишга таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлайди ва мавзу яқунида муаммолар, уларнинг ечимиға доир таклиф-тавсия ҳамда якуний хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** стратегик режалаштириш, инновацион ривожланиш, минтақавий иқтисодиёт, инновацион стратегиялар, ресурсларни тақсимлаш, барқарор ривожланиш.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются особенности использования инструментов стратегического планирования в инновационном развитии региональной экономики Узбекистана. В исследовании определяются ключевые факторы, влияющие на инновационные стратегии, проблемы распределения ресурсов, интеграция политики, сотрудничество заинтересованных сторон и принятие решений на основе данных, а в заключение приводятся проблемы, рекомендации по решениям и окончательные выводы.

**Ключевые слова:** стратегическое планирование, инновационное развитие, региональная экономика, инновационные стратегии, распределение ресурсов, устойчивое развитие.

**Abstract.** This article examines the features of using strategic planning tools in the innovative development of the regional economy of Uzbekistan. The study identifies key factors influencing innovation strategies, resource allocation challenges, policy integration, stakeholder collaboration, and data-driven decision-making, and concludes with issues, recommendations for solutions, and final conclusions.

**Key words:** strategic planning, innovative development, regional economy, innovative strategies, resource allocation, sustainable development.

#### 1. Кириш.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида технологик ва иқтисодий тараққиёт маркази сифатида ўзини қўрсатишга интилиб, инновациялар муҳитини шакллантириш бўйича биргалиқдаги саъй-ҳаракатларни амалга

оширириб келмоқда. Ўзининг бой маданий мероси ва стратегик географик жойлашувига эга Ўзбекистон иқтисодий қиёфасини ўзгартириш йўлини бошлаб юборди.

Шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва модернизация қилиш зарурати тобора ортиб бормоқдаки, бу эса стратегик режалаштириш ва инновацияларни қамраб олувчи комплекс ёндашувни тақозо этмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар ва ривожланаётган глобал иқтисодий тартиблар фонида стратегик режалаштириш воситаларини интеграциялашнинг нозик томонларини тушуниш олимлар учун ҳам зарурий муҳокама мавзусига айланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётида инновацион ривожланишга интилишда стратегик режалаштириш воситаларидан самарали фойдаланиши лозим. Мамлакат тез ўзгарувчан глобал иқтисодий парадигмани бошқаришга интилар экан, минтақавий шароитга мослаштирилган стратегик режалаштириш воситаларини танлаш, амалга ошириш ва таъсири билан боғлиқ саволлар туғилади. Шу сабабли ҳам ушбу тадқиқот мавзуси жуда долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Бу тадқиқот доирасида ҳам кўплаб изланишлар олиб борилмоқдаки, уларни ўрганиш ва уни мамлакат миқёсида амалга ошириш ўзининг ижобий таъсирига эга. Шундай экан, тадқиқот иши бўйича иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан олиб борилган халқаро тажрибаларни ўрганиш фойдали бўларди. Ушбу тадқиқотимизда иккита тушунчани моҳиятини англаб олишни тақозо этмоқда: инновация ва стратегик режалаштириш. Келинг бу бўйича олиб борилган тадқиқотларни ўрганиб чиқсанда, кейин унинг моҳиятини англасак. Хусусан, кўпгина тадқиқотлар шуни таъкидладики, инновациялар қўпинча рақобатбардош устунликка олиб келади (U.Amarakoon ва бошқалар, 2019). Кўпгина муаллифлар инновацияни янги маҳсулот ёки хизматларни такомиллаштириш ва яратиш, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва этказиб беришга янги ёндашувларни ишлаб чиқиши, бошқарув жараёнларини ўзгартириш ва юқори самарадорлик ва рақобатдош устунликка эришишга олиб келадиган ғояларни етказиб беришнинг этакчи стратегияси деб ҳисоблашган (El-Kassar & Singh, 2019). Шундай қилиб, инновацион стратегиялар самарадорликни оширишда муҳим роль ўйнайди (S.Sandvik ва бошқалар, 2014).

Стратегик режалаштириш ва инновацияларнинг юқори самарадорликка эришиш учун ортиб бораётган аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда (J.M.Bryson, 2018), ушбу икки омил ва бизнеснинг турли соҳаларида ташкилий самарадорлик ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун бир нечта эмпирик тадқиқотлар ўтказилди (M.Audenaert ва бошқ., 2019).

Бир нечта тадқиқотлар инновация ва самарадорлик ўртасидаги ижобий муносабатни кўрсатди, аммо бу тадқиқотлар натижалари аралаш ва консенсусга эришилмади (R.M.Walker, F.Damanpour, 2009).

Стратегик режалаштириш ҳам самарадорликка таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан биридир. Бу нафақат ноаниқ вазиятларни ҳал қилиш, балки иш фаолиятини рағбатлантириш учун ҳам ишлатилиши мумкин бўлган замонавий бошқарув воситаларидан биридир. C.W.Hofer & D.E.Schendel (1978) стратегик режалаштириш ташкилотнинг муҳим механизми эканлигини таъкидлайдилар.

I.Salkic (2014) фикрига кўра, ташкилотларда стратегик режалаштиришга эътибор бермаслик ёмон ишлашга ва бозорда омон қолиш имкониятларини камайтиришга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, стратегик режалаштириш кучли ва заиф томонларни ва стратегик мақсадларни аниқлаш орқали ташкилотга сезиларли таъсир кўрсатадиган омилларга эътибор қаратиши ва кучли томонларни

максимал даражада ошириш, заиф томонларни бартараф этиш ва белгиланган мақсадларга эришишни режалаштириши керак.

Инновациялар ташкилотларнинг ҳәётий масалаларидан биридир. Бу, шунингдек, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, ташкилий хатти-ҳаракатлар, операцион бошқарув, маркетинг, технологияларни бошқариш ва сифат менежменти каби бир нечта фанларни қамраб олувчи кенг ва бўш мавзудир (J.Hauser ва бошқ., 2006).

G.Beaver (2002) фикрига кўра, инновациялар ташкилотлар ва мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлигида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу энг муҳим рақобатбардош қуроллардан бири ва асосий қиймат қобилиятидир (I.L.Sandvik & K.Sandvik, 2003). Инновациялар, шунингдек, ташкилотларнинг маҳсулдорлигини ошириш (G.T.Lumpkin & G.G.Dess, 1996), янги имкониятлардан фойдаланиш (L.J.A.Bakar, & H.Ahmad, 2010) ва рақобатдош устунликка эришиш учун самарали ёндашувдир (J.C.Naranjo-Valencia ва бошқ., 2016).

L.J.O'Toole (1997) инновацияни янги ғоялар, обьектлар ёки амалиётларни қабул қилиш ёки яратиш деб таърифлаган. Бу ташкилотнинг атроф-муҳиттга таъсир қилишнинг олдини олиш чоралари сифатида ёки ташқи муҳитдаги ўзгаришларга жавобан ўзгариши учун воситадир. Шу сабабли, бу ерда инновация одатда турли таркибий қисмларни, жумладан, янги ташкилий тузилмаларни, янги технологик технологияларни, янги маҳсулотлар ёки хизматларни ёки ташкилот ходимлари учун янги дастурлар ёки режаларни қамраб олади.

T.Avermaete ва бошқалар (2003) маълумотларига кўра, инновацияларнинг тўрт тури мавжуд: бозор, ташкилий, жараён ва маҳсулот инновацияси. Ташкилий инновациялар ташкилотда янги ғоялар ёки янги хатти-ҳаракатларни яратиш ёки қабул қилишни англатади (F.Damanpour, 1996). Гарчи инновациялар ҳам хусусий, ҳам давлат ташкилотлари учун катта қизиқиш ўйғотса ҳам (G.Sucupira ва бошқ., 2018), давлат секторида у хусусий сектордаги инновациялардан бошқача кўриб чиқилади. T.Avermaete ва бошқалар (2019) давлат секторидаги инновациялар монополиялар ва инновациялар учун рақобат босимининг йўқлиги туфайли кўплаб тўсиқларга дуч келаётганини таъкидлади. Бюрократик чоралар ва марказий идораларнинг қоғозбозликлари ходимларнинг инновациялари учун қўшимча тўсиқлардир.

Стратегик режалаштиришнинг асосий вазифаси ҳар бир киши ташкилотнинг мақсадларини ва уларга эришиш усулларини тушунишини кўришдир. Агар ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлиши учун одамлар нима қилишлари кераклигини билишлари керак. Шундай қилиб, режалаштириш ташкилотнинг миссияси, қарашлари ва мақсадларини аниқлашга, шунингдек уларни амалга ошириш учун ҳаракатлар ва ресурсларни аниқлашга қаратилган (A.Oyedijo, 2004).

G.Wilkinson & E.Monkhouse (1994) стратегик режалаштиришни “ташкилотни маълум вақт давомида унинг йўналиши ва ривожланишини бошқариш учун белгиланган мақсадларга мувофиқ ресурслардан фойдаланишни устуворлаштириш орқали жойлаштириш учун фойдаланиладиган усул” деб таърифлаган. Стратегик режалаштириш менежментнинг энг муҳим воситаларидан бири (J.S.Aldehayyat, 2011) бўлиб, ташкилотга рақобатчиларга қарши туриш ва рақобатдош устунликка эришиш учун атроф-муҳитнинг турли ўзгарувчан жиҳатларини ҳал қилишга ёрдам беради (Al-Shaikh, 2001).

Ташкилотлар стратегик режалаштиришни қўллаш орқали кўп фойда олишлари мумкин. A.Posch, & C.Garaus (2019) стратегик режалаштириш инновацияларни, мотивацияни, ички алоқани кўпайтиришни, янги ғояларни рағбатлантиришни, маълумотни ишлаб чиқаришни, ташкилот муҳитини баҳолашни ва барча мос

келадиган нарсаларни ҳар томонлама кўриб чиқиши таъминлашда роль ўйнашини таъкидладилар.

Адабиётлар стратегик режалаштириш ташкилотнинг молиявий муваффақиятига сезиларли таъсир кўрсатиши ҳақида хабар беради (K.Kylaheiko ва бошқ., 2016). Шунга ўхшаш натижани D.L.Sexton & P.Van Auken (1985) хам хулоса қилишади, улар ташкилотларда стратегик режалаштиришнинг паст даражалари муваффақиятсизликларнинг юқори фоизига олиб келади ва аксинча: стратегик режалаштиришнинг юқори даражаси муваффақиятсизликларнинг паст фоизига олиб келади. Бу шуни кўрсатадики, стратегик режалаштириш ташкилотларга омон қолишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ташкилотлар учун стратегик режалаштиришнинг аҳамияти S.Singhvi, (2000) томонидан тасдиқланган, у ташкилотлар муваффақиятининг калити тегишли стратегик режалаштиришга эга эканлигини таъкидлаган.

Давлат секторида стратегик режалаштириш мақсад ва вазифаларни аниқлаш, вазифалар ва тадбирларни белгилаш, асосий масалаларни аниқлаш, ҳар бир аниқ масала бўйича стратегия ва тартибларни белгилаш, жамоалар тузиш, натижаларни назорат қилиш ва муқобил вариантларни баҳолаш каби турли тадбирларни ўз ичига олади (J.M.Bryson, 2018).

Юқоридагилар адабиётларни кўриб чиқиши инновациялар ва стратегик режалаштириш ўртасидаги мураккаб боғлиқликни тўлиқ тушуниш имконини беради, уларнинг ташкилот муваффақиятидаги ажралмас ролига ойдинлик киритади.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ марказида замонавий жаҳон иқтисодиёти мураккабликларини ўз ичига оловчи тарих ва маданиятга бой ҳудудда жойлашган. Мамлакат иқтисодий тараққиётга интилаётган бир пайтда, стратегик режалаштириш воситалари ва инновацион ривожланиш ўртасидаги синергия унинг минтақавий иқтисодиёти траекториясини шакллантирувчи ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлади. Ўзбекистоннинг турли минтақавий шароитларида инновацияларни рағбатлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланишнинг хусусиятлари ва оқибатларини очиб берамиз.

Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий ривожланишининг замирида стратегик режалаштириш ва инновациялар уйғунлиги ётади. Стратегик режалаштириш йўл харитасини, ресурслар ва саъй-ҳаракатларни умумий мақсадлар сари мувофиқлаштирадиган пухта ишлаб чиқилган режани тақдим этади. Шу билан бирга, инновациялар ҳаётга куч бағишлияди ва минтақаларни иқтисодий ўсишнинг янги чегараларига олиб боради. Стратегик режалаштириш воситаларидан оқилона фойдаланиш ушбу элементларни бир-бирига боғлаб турадиган, минтақавий иқтисодиётни барқарорлик билан ажралиб турадиган келажак сари йўналтирувчи асосий омилга айланади.

1-расмда келтирилган Ўзбекистонда стратегик режалаштириш воситаларининг хусусиятларига қарайдиган бўлсак, ҳар бирининг ўз мазмуни мавжуд. Аввало, Ўзбекистоннинг турли минтақалари ўзига хос стратегияларни талаб қиласди. Стратегик режалаштириш воситалари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий, маданий ва географик хусусиятларига мослаштирилиб, долзарблиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Иккинчидан, муваффақиятли стратегик режалаштириш маҳаллий манфаатдор томонларнинг фаол иштирокини ўз ичига олади. Хукуматлар, бизнес ва жамоатчилик қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳамкорлик қиласди, ҳудудий ривожланиш учун эгалик ҳисси ва умумий масъулиятни ривожлантиради.

**Минтақавий хусусиятлар учун мослаштирилган ёндашувлар**

**Маҳаллий манфаатдор томонларнинг интеграцияси**

**Узоқ муддатли истиқболга эътибор**

**Технологик ютуқлардан фойдаланиш**

### **1-расм. Ўзбекистонда стратегик режалаштириш воситаларининг хусусиятлари<sup>1</sup>**

Учинчидан, Ўзбекистонда стратегик режалаштириш қисқа муддатли ютуқлардан ташқарида. Асосий эътибор барқарор иқтисодий ўсиш учун барқарорлик ва йўналишни таъминлайдиган, сиёсий цикллардан ошиб кетадиган узоқ муддатли истиқболни яратишга қаратилган.

Сўнгиси, технология Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Стратегик режалаштириш воситалари жараёнларни соддалаштириш, уланишни яхшилаш ва турли соҳаларда илғор ечимларни қабул қилиш учун технологик ютуқлардан фойдаланади.

Тошкент шаҳри стратегик режалаштириш воситаларининг муваффақиятли интеграциялашувига мисол бўла олади. Маҳаллий технология саноати ва таълим муассасалари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган комплекс режа Тошкентни маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб қилувчи технологик марказ сифатида белгилаб берди.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқандда стратегик режалаштириш воситалари иқтисодий тараққиёт ва меросни асрабавайлаш билан мувозанатлаш учун қўлланилган. Туризм ва ҳунармандчилик соҳасидаги инновацион ёндашувлар маданий бойликларни асраш билан бирга маҳаллий иқтисодиётни юксалтируди.

Афсуски, муваффақиятларга қарамай, қийинчиликлар сақланиб қолмоқда. Имкониятларни ошириш, инфратузилмадаги камчиликларни бартараф этиш ва режалаштириш жараёнида инклузивликни таъминлаш зарурати доимий эътиборни талаб қиласиган соҳалардир. Ўзбекистон олға силжиб борар экан, стратегик режалаштириш воситаларининг интеграцияси ривожланаётган технологияларга мослашиши керак.

Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари барқарор ўсиш, мослашувчанлик ва инклузивликка интилишини таъкидлайди. Ҳар бир минтақа кенгроқ Ўзбекистон ўзининг ноёб хусусиятини очар экан, стратегик режалаштириш воситаларидан оқилона фойдаланиш йўлни бошқарадиган компас сифатида намоён бўлади. Двигатель сифатида инновациялар билан стратегик режалаштириш минтақавий иқтисодларни барқарорлик, фаровонлик ва доимий тараққиёт билан белгиланадиган келажак сари бошқарадиган навигаторга айланади.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

Ўзбекистон шароитида стратегик режалаштириш воситаларининг хусусиятларига оид мавжуд муаммолар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган:

**1-жадвал**

**Ўзбекистон шароитида стратегик режалаштириш воситаларининг  
хусусиятларига оид мавжуд муаммолар<sup>2</sup>**

| <b>Муаммо</b>   | <b>Мазмуни</b>   |
|---|--|
| <b>Стратегик режалаштиришда технологиянинг чекланган интеграцияси</b> | Ўзбекистонда стратегик замонавий технологик режалаштириш жараёнларида фойдаланиш чекланганлигича қолмоқда, бу эса режалаштириш ташаббусларининг самарадорлигига тўсқинлик қилмоқда. Стратегик режалаштиришда илғор технологиялардан етарлича фойдаланилмаслиги реал вақт режимида маълумотларни таҳлил қилиш, сценарий моделлаштириш ва ҳамкорликда қарорлар қабул қилишга тўсқинлик қилиб, минтақавий иқтисодиётларнинг динамик мухитга мослашишини чеклайди.                         |
| <b>Манфаатдор томонларнинг иштироки етарли эмас</b>                   | Стратегик режалаштириш жараёнида манфаатдор томонларнинг иштироки кўпинча етарли даражада бўлмайди, бу эса инклузивлик ва танқидий истиқболларни потенциал назорат қилишнинг етишмаслигига олиб келади. Стратегик режалаштиришда турли манфаатдор томонларни жалб қилишнинг етишмаслиги, минтақавий иқтисодий ривожланишнинг муваффақиятли ривожланишига ҳисса қўшадиган асосий омилларни потенциал эътиборсиз қолдириб, кенг қарорларни тушунчаларни яратишни чеклайди.               |
| <b>Барқарор амалиётларга чекланган эътибор</b>                        | Стратегик режалаштириш асослари кўпинча барқарорлик билан боғлиқ муаммоларга этарлича жавоб бермайди, бу эса иқтисодий ташаббусларнинг узоқ муддатли ҳаётйлигини хавф остига қўйиши мумкин. Стратегик режалаштириш доирасида барқарорлик нуқтаи назарларининг этарли даражада интеграция қилинмаслиги узоқ муддатли экологик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик ҳисобига қисқа муддатли ютуқларга олиб келиши мумкин, бу эса минтақанинг умумий ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. |

Юқорида 1-жадвалда келтирилган муаммоларга ечимлар таклиф сифатида 2-расмда келтирилмоқда.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган



## 2-расм Тавсия этилган ечимлар.<sup>3</sup>

Авваломбор, стратегик режалаштириш жараёнини яхшилаш учун реал вақт режимида маълумотларни таҳлил қилиш, башоратли моделлаштириш ва ҳамкорликда қарор қабул қилишни қўллаб-куватлаш имконини берувчи илфор технологик воситаларни қўллаш лозим. Сунъий интеллект алгоритмларини, машинани ўрганиш моделларини ва маълумотларни визуализация қилиш усулларини амалга ошириш стратегик режалаштиришни инқилоб қилиши, маълумотларга асосланган қарорларни қабул қилишни осонлаштириши ва минтақавий иқтисодий стратегияларнинг умумий мослашувчанлигини ошириши мумкин.

Ҳар томонлама вакиллик ва иштирокни таъминловчи турли хил манфаатдор томонларни стратегик режалаштириш жараёнига жалб қилиш учун мустаҳкам стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак бўлади. Манфаатдор томонларни семинарлар ва қарорлар қабул қилиш тизимидан фойдаланиш минтақавий муаммолар ва имкониятларни яхлит тушунишга ёрдам беради, бу эса янада самарали стратегик режалаштириш натижаларига олиб келади.

Иқтисодий ривожланиш мақсадларини экологик ва ижтимоий жиҳатларга мослаштириб, барқарорлик кўрсаткичларини аниқ киритиш учун мавжуд стратегик режалаштириш асосларини ўзгартириш керак. Атроф-муҳитга таъсир, ижтимоий тенглик ва иқтисодий барқарорлик билан боғлиқ асосий самарадорлик кўрсаткичларини киритиш минтақанинг узоқ муддатли фаровонлигини таъминловчи янада яхлит ва барқарор стратегик режалаштириш ёндашувини яратиши мумкин.

Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланишни ўрганиш бир қанча асосий хусусиятларни очиб беради:

1. Худудлар бўйлаб стратегик режалаштириш воситаларини изчил қўллаш йўқлиги кўринади. Баъзи худудлар янада мустаҳкам стратегик режалаштириши амалиётини намойиш қилиши мумкин, бошқалари эса орқада қолиши мумкин. Иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланиши учун ушбу воситаларни янада бир хилда ва кенгроқ қўллашга эришиш зарур.

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси

2. Турли худудлар инновацияларни рафбатлантириш учун турли стратегияларни қўллаши мумкин. Баъзи соҳалар технологияга асосланган инновацияларга эътибор қаратиши мумкин бўлса, бошқалари жараён инновацияси ёки ижтимоий инновацияларга урғу бериши мумкин. Ушбу ўзгаришларни тушуниш стратегик режалаштириш воситаларини муайян минтақавий эҳтиёжлар ва устуворликларга мослаштириш учун жуда муҳимdir.

3. Инновациялар билан боғлиқ лойиҳалар учун ресурсларни самарали тақсимлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Худудлар молиявий, инсоний ва технологик ресурсларни стратегик инновацион мақсадларига мослаштиришда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш ва давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш умумий инновацион салоҳиятни ошириши мумкин.

4. Инновацион сиёсатнинг минтақавий ривожланишнинг кенг доираларига интеграциялашуви ўзгарувчан. Инновацион стратегияларни умумий ривожланиш мақсадлари билан муваффақиятли мослаштирган худудлар барқарор ва инклузив ўсишга эришиш эҳтимоли кўпроқ. Сиёсат интеграциясини кучайтириш инновацион ташабbusлар ва минтақавий иқтисодий режалар ўртасида синергия яратиш учун жуда муҳимdir.

5. Манфаатдор томонлар, жумладан давлат органлари, корхоналар, тадқиқот институтлари ва жамоалар ўртасидаги ҳамкорлик даражаси минтақавий инновацион ташабbusларнинг муваффақиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Кучли ҳамкорлик тармоқларини қўллаб-қувватловчи худудлар янада мустаҳкам ва барқарор инновацион ривожланишни намойиш этади.

6. Стратегик режалаштириш жараёнида маълумотлар ва таҳлиллардан фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Ахборотли қарорлар қабул қилиш учун маълумотлардан фойдаланадиган худудлар ривожланаётган тенденцияларни аниқлаши, амалга оширилган стратегиялар самарадорлигини баҳолаши ва шунга мос равишда ўз режаларини тузатиши мумкин. Маълумотлар имкониятларини ошириш ва далилларга асосланган қарорлар қабул қилишни рафбатлантириш инновацияларга асосланган муваффақиятли ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга.

#### **4. Хулоса.**

Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар:

- ✓ худудларнинг стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича умумий илғор тажрибаларга риоя қилишини таъминлаш учун стратегик режалаштириш бўйича стандартлаштирилган кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш;
- ✓ ресурсларни янада самаралироқ жалб қилиш, жумладан, давлат-хусусий шериклик, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва мавжуд ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш стратегиясини амалга ошириш;
- ✓ иқтисодий ўсишга ҳар томонлама ва интеграциялашган ёндашувни яратиш учун инновацион сиёсатлар ва кенгроқ минтақавий ривожланиш сиёсатлари ўртасида янада уйғунликни таъминлаш;
- ✓ минтақавий инновацион мақсадларга умумий содиқликни рафбатлантириш, турли манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорлик ва иштирокни ривожлантириш учун дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ✓ стратегик режалаштириш жараёнлари самарадорлигини ошириш учун илғор технологиялар, жумладан, маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллектни жорий этишга кўмаклашиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари ҳам қучли томонларни, ҳам такомиллаштириш йўналишларини очиб беради. Ушбу хусусиятларни ҳал қилиш ва тавсия этилган стратегияларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ҳудудлари инновацияларга асосланган иқтисодий ривожланишга янада яхлит, ҳамкорликка асосланган ва маълумотларга асосланган ёндашувни яратиши ва натижада мамлакатнинг умумий фаровонлигига ҳисса кўшиши мумкин.

**Адабиётлар:**

Aldehayyat, J. S. (2011). Organisational characteristics and the practice of strategic planning in Jordanian hotels. *International Journal of Hospitality Management*, 30, 192–199. [10.1016/j.ijhm.2010.05.001](https://doi.org/10.1016/j.ijhm.2010.05.001)

Al-Shaikh, F. N. (2001). Strategic planning process in developing countries: The case of United Arab Emirates business firms. *Management Research News*, 24, 7–16. <https://doi.org/10.1108/01409170110782432>

Amarakoon, U., Weerawardena, J., & Verreyne, M. L. (2018). Learning capabilities, human resource management innovation and competitive advantage. *The International Journal of Human Resource Management*, 29, 1736–1766, <https://doi.org/10.1080/09585192.2016.1209228>

Audenaert, M., Decramer, A., George, B., Verschueren, B., & Van Waeyenberg, T. (2019). When employee performance management affects individual innovation in public organizations: The role of consistency and LMX. *The International Journal of Human Resource Management*, 30, 815–834. [10.1080/09585192.2016.1239220](https://doi.org/10.1080/09585192.2016.1239220)

Avermaete, T., Viaene, J., Morgan, E. J., & Crawford, N. (2003). Determinants of innovation in small food firms. *European Journal of Innovation Management*, 6, 8–17. [10.1108/14601060310459163](https://doi.org/10.1108/14601060310459163)

Bakar, L. J. A., & Ahmad, H. (2010). Assessing the relationship between firm resources and product innovation performance: A resource-based view. *Business Process Management Journal*, 16, 420–435. [10.1108/14637151011049430](https://doi.org/10.1108/14637151011049430)

Beaver, G. (2002). Small business, entrepreneurship and enterprise development, London, United Kingdom: Pearson Education.

Bryson, J. M. (2018). Strategic planning for public and nonprofit organizations: a guide to strengthening and sustaining organizational achievement, Hoboken, NJ: John Wiley & Sons.

Damanpour, F. (1996). Organizational complexity and innovation: Developing and testing multiple contingency models. *Management Science*, 42, 693–716. [10.1287/mnsc.42.5.693](https://doi.org/10.1287/mnsc.42.5.693)

El-Kassar, A. N., & Singh, S. K. (2019). Green innovation and organizational performance: The influence of big data and the moderating role of management commitment and HR practices. *Technological Forecasting and Social Change*, 144, 483–498. <https://doi.org/10.1016/j.techfore.2017.12.016>

Hofer, C. W., & Schendel, D. E. (1978). Strategy formation: Analytical concepts, Eagan, MN: West Publishing Co.

Hauser, J., Tellis, G. J., & Griffin, A. (2006). Research on innovation: a review and agenda for marketing science. *Marketing Science*, 25, 687–717. [10.1287/mksc.1050.0144](https://doi.org/10.1287/mksc.1050.0144)

Kylaheiko, K., Puimalainen, K., Sjögrén, H., Syrjä, P., & Fellnhofer, K. (2016). Strategic planning and firm performance: A comparison across countries and sectors. *International Journal of Entrepreneurial Venturing*, 8, 280–295. [10.1504/IJEV.2016.10000295](https://doi.org/10.1504/IJEV.2016.10000295)

- Lumpkin, G. T., & Dess, G. G. (1996). Clarifying the entrepreneurial orientation construct and linking it to performance. *The Academy of Management Review*, 21, 135–172. 10.2307/258632
- Naranjo-Valencia, J. C., Jiménez-Jiménez, D., & Sanz-Valle, R. (2016). Studying the links between organizational culture, innovation, and performance in Spanish companies. *Revista Latinoamericana de Psicología*, 48, 30–41. 10.1016/j.rlp.2015.09.009
- O'Toole, L. J. (1997). Implementing public innovations in network settings. *Administration & Society*, 29, 115–138. <https://doi.org/10.1177/009539979702900201>
- Oyedijo, A. (2004). Strategic management: An introductory text, Lagos, Nigeria: Strategic International Press Ltd.
- Posch, A., & Garaus, C. (2019). Boon or curse? A contingent view on the relationship between strategic planning and organizational ambidexterity. *Long Range Planning*. 10.1016/j.lrp.2019.03.004
- Salkic, I. (2014). Impact of strategic planning on management of public organizations in Bosnia and Herzegovina. *Interdisciplinary Description of Complex Systems*, 12, 61–77. 10.7906/indecs.12.1.4
- Sandvik, I. L., & Sandvik, K. (2003). The impact of market orientation on product innovativeness and business performance. *International Journal of Research in Marketing*, 20, 355–376. 10.1016/j.ijresmar.2003.02.002
- Sexton, D. L., & Van Auken, P. (1985). A longitudinal study of small business strategic planning. *Journal of Small Business Management*, 23, 7–15. Retrieved from <https://search.proquest.com/openview/e9bad9e469f90f7f62c5d13b5a27df88/1?pq-origsite=gscholar&cbl=49243>
- Singhvi, S. S. (2000). Business planning practices in small size companies: Survey results. *Journal of Business Forecasting Methods and Systems*, 19, 3–9. Retrieved from <https://search.proquest.com/openview/8e6d48339e7c06be17ce8716c66550ab/1?pq-origsite=gscholar&cbl=28144>
- Sucupira, G., Saab, F., Demo, G., & Bermejo, P. H. (2018). Innovation in public administration: Itineraries of Brazilian scientific production and new research possibilities. *Innovation & Management Review*, 16, 72–90. 10.1108/INMR-03-2018-0004
- Walker, R. M., & Damanpour, F. (2009). Innovation type and organizational performance: An empirical exploration. Managing to improve public services. Cambridge, United Kingdom: Cambridge University Press.
- Wilkinson, G., & Monkhouse, E. (1994). Strategic planning in public sector organizations. *Executive Development*, 7, 16–19. 10.1108/09533239410071878



### МИНТАҚАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*PhD, Низамов А.А.*

*Turon Zarmed Университети,*

*Сайдова С.С.*

*Осциё халқаро Университети*

**Аннотация.** Мақолада минтақаларда инвестиция салоҳияти, инвестицияларни жалб қилишининг ўзига хос жиҳатлари олимлар изланишлари асосида умумлаштирилган. Макроқўтисодий номутаносибликлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти қўрсатилди. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини инновацион ривожлантириш учун тўсқинлик қилаётган омиллар аниқланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қатор минтақавий дастурлари тадқиқ этилган. Олинган натижаларга мувофиқ инвестиция жалб этишини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, минтақавий инвестиция салоҳияти, инвестиция сиёсати, минтақавий инвестиция рисклари, инвестиция мухити.

**Аннотация.** В статье на основе исследований ученых обобщен инвестиционный потенциал регионов, особенности привлечения инвестиций. Показана значимость малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях макроэкономических дисбалансов. Выявлены факторы, сдерживающие инновационное развитие субъектов малого предпринимательства в Узбекистане. Проработан ряд региональных программ поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства. По полученным результатам разработаны рекомендации по повышению инвестиционной привлекательности.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционный потенциал региона, инвестиционная политика, региональные инвестиционные риски, инвестиционный климат.

**Abstract.** The article summarizes the investment potential in the regions, the specific aspects of investment attraction based on the research of scientists. The importance of small business and private entrepreneurship in the context of macroeconomic imbalances was shown. Factors hindering the innovative development of small business entities in Uzbekistan are identified. A number of regional programs to support small business and private entrepreneurship have been researched. According to the obtained results, recommendations for improving investment attraction were developed.

**Key words:** investment, regional investment potential, investment policy, regional investment risks, investment climate.

## 1. Кириш.

Иқтисодиётни модернизация қилиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари ва ҳукумати томонидан иқтисодиётни модернизациялашни изчиллик билан амалга оширишда инвестицион сиёсатни тўғри ва аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини инобатга олиш, шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда инвестиция дастури ва минтақавий инвестицион дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Биргина 2022 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 24 миллиард АҚШ долларни ташкил этди. Кейинги йилларда республикада инвестицион муҳитни яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 12 дан ортиқ қонун, 60 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди. Мазкур рақамларнинг ўзидан ҳам иқтисодиётимизнинг тез суръатларда барқарор ривожланаётганини, иқтисодий ўсишни таъминлашда капитал қўйилмалар ижобий (тўғридан-тўғри) таъсир кўрсатаётганини кўришимиз мумкин. Зотан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида инвестициялар юқори таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Концепциясида институционал ислоҳотларнинг йўналишларидан бири сифатида “Давлатнинг иқтисодий фаолиятини мақбуллаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлатнинг ролини қисқартириш ушбу устуворликни амалга ошириш даврида Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлат томонидан тартибга солишини қисқартиришга, инфратузилмавий секторларга хусусий секторни жалб этишга, шунингдек, маҷаллий давлат ҳокимияти органларининг ролини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Самарасиз давлат корхоналарини таркибий ўзгартириш ёки қайта ихтисослаштириш назарда тутилади. Бу, энг аввало, рақобат афзалликларига эга бўлган тармоқларда иқтисодиётнинг экспорт-хомашёвий йўналтирилганликдан ривожланишнинг инновацион моделига ўтишини таъминлайди” (Фармон, 2023), деб таъкидланган.

Инвестициялар минтақаларни ривожлантиришда бир қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олади (Ю.В.Лачин, 2015). Жумладан: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш; илмий-техника тараққиётини тезлаштириш; маҳсулот сифати ва рақобатбардошликни ошириш; барча тармоқларнинг мувозанатли ривожланишига эришиш; саноатнинг хомашё базасини кенгайтириш; иш билан бандликни ошириш ва ишсизликни камайтириш; минтақада инфратузилмани ривожлантириш. Демак, инвестициялар мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда бирдек муҳим бўлиб, улар кўламини ошириш ҳамда жалб этиш даражасини ривожлантириш минтақанинг муҳим масаласи ҳисобланар экан. Инвестициялар – бу фойда ва ижтимоий самара олиш мақсадида иқтисодий фаолиятга капитал қўйишадир. Инвестициялар саноат, инновацион ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам беради, ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини янада оширишда иштирок этади. Инқироз шароитида

инвестициялар ижтимоий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини таркибий ўзгартириш ҳамда уни бозорга мослаштиришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу ўринда, инвестициялар қўлами, салоҳияти ҳамда самарадорлигини оширишда жалб этиш ва тақсимлашни мақбул амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Тадбиркорлик иқтисодиётнинг барқарорлаштирувчи омили ҳисобланган эгилувчанлик ва бозор конъюнктурасига мослашувчанлик, ишлаб чиқариш таркибини тезкор ўзгартириш, янги технологиялар ва илмий ишланмаларни тезкор яратиш ва қўллаш қобилияtlарига эга (А.С.Воронов, 2016).

Инвестиция, бир томондан, жамғариш мақсадида тўпланган даромад миқдорини акс эттиrsa, иккинчи томондан, инвестиция таклифини амалга ошириш натижасида капиталнинг ўсишини белгилайди. Шундай қилиб, инвестициянинг икки йўналишдаги таърифи мавжуд: биринчидан, иқтисодий ёки моддий, унга кўра инвестициялар келажакдаги эҳтиёжларни ортиб бораётган ҳажмда қондириши тушунилади. Иккинчиси, техник тавсиф бўлиб, инвестициялар харажатлар йиғиндиси ҳисобланади. Бу икки жиҳат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг микро-, кичик, якка ва ўз-ўзини банд қилиш шаклларининг аҳамияти ошди. Шу сабабли иқтисодиётни модернизациялаш шароитида айнан ушбу шакллар янги иш ўринларини яратиш ва нафақат кафолатланган тадбиркорлик, балки фуқароларнинг меҳнат даромади олишлари учун имконият ҳам ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам беради, балки миллий иқтисодиёт ва исталган минтақа иқтисодий ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласи, мезодаражা нуқтаи назаридан инфратузилмавий, хўжалик, шериклик, институционал алоқалар орқали бирлашган хўжалик субъектлари мажмуини мужассамлаштиради.

Беқарорлик шароитида кичик тадбиркорлик тузилмаларининг алоҳида ролини белгилайдиган олимларнинг ёндашувларини келтириш мумкин бўлиб (А.С.Воронов, Л.С.Леонтьева, 2016), улар қуйидагилардан иборат:

- миллий ва минтақавий товарлар ва хизматлар бозорларида рақобат мухитини яратиш;
- йирик бизнес учун манфаатли бўлмаган жойларда бозор таклифини яратиш;
- ёлланма меҳнат ва ўз-ўзича бандлик соҳасида янги иш ўринларининг реал асосини шакллантириш;
- ижтимоий руҳий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий барқарорлик асоси сифатида ўрта синфи шакллантириш;
- давлат, минтақа ва маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини ўстириш имкониятларини кенгайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун асосий ва кўп учрайдиган тўсиқларга қуйидагилар киради:

- юқори ижара тўловлари, мослашувчан иншоотлар ва транспорт қулагиининг чекланганлиги, бизнес турига тегишли кўчмас мулкни тижорат асосида ёллаш реал имкониятининг чекланганлиги;
- молиявий чекловлар, айланма маблағларнинг етишмаслиги;
- минтақавий ва хорижий бозорларга чиқиш ҳақида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хабардормаслиги;
- ёлланма ходимни танлаш ва ривожлантириш, бизнес бошқаруви ва тузилиши соҳасида тадбиркорлар касбий лаёқатларининг чекланганлиги;
- улар ривожланишининг турли босқичларида тадбиркорликни манзилли қўллаб- қувватлаш механизмларининг мавжудмаслиги.

Айнан шу сабабли ҳам аниқ худудларни ривожлантиришнинг мақсадли устувор йўналишларига мувофиқ, қўллаб-қувватлаш тегишли йўналишларини белгилайдиган миңтақавий тузилмалар кичик бизнес субъектларининг ривожланишида катта роль ўйнай бошлади. Сўнгги йилларда инқирозли ҳодисалар пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг фаоллашишига қарамасдан, ундан фойдаланишда бизнес тузилмалар ўз фаолиятида дуч келаётган асосий муаммолар эҳтимоли ошмоқда.

Миңтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқувчиларнинг фикрича, тадбиркорликни бошловчиларни комплекс ва мослашувчан қўллаб-қувватлаш механизмлари ривожланганлигининг етарли бўлмаган юқори даражаси ҳар қандай муҳитда кичик тадбиркорликнинг ривожланишини тўхтатиб қўяди. Миңтақа дастурида салбий омиллар сифатида ускуналарнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши юқори даражаси, янгиларини қўлга киритиш учун молиявий ресурслардан чекланган фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекцион ютуқларга патентларни расмийлаштириш, интеллектуал фаолият натижаларини давлат томонидан рўйхатга олишнинг қийинлиги, миңтақа интеллектуал мулкини тижоратлаштириш тартиботларининг етарли ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ харажатларнинг катталиги киритилади (А.С.Воронов, Л.С.Леонтьева, 2016 б). Келтирилган муаммоларни ҳал қилиш, ушбу йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

И.В.Сергеев (2011) инвестиция фаолияти юридик шахсларнинг, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг иктисодий ва ижтимоий таъсирини таъминлаш мақсадида инвестиция жараёнини амалга ошириш учун маблағларни жалб қилиш ва оширишга қаратилган фаолиятига тааллуқлидир.

Иктисодий тизимнинг ривожланиш имкониятларини белгиловчи инвестицион фаолиятнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- инвестициялар;
- инвестиция жараёнлари;
- инвестиция сиёсати.

Бизнинг фикримизча, бу элементларнинг ўзаро таъсирида иктисодий обьектнинг инвестицион фаолияти ривожланмоқда. Иктисодиётни ривожлантириш ва иктисодий ўсишга эришиш имкониятлари мамлакатдаги инвестиция сиёсати орқали амалга ошириладиган ва бошқариладиган инвестиция жараёнлари билан асосан белгиланади.

Инвестиция сиёсати инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш ва шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида инвестицион жараёнларнинг натижаси ва инвестицияларга асосланган.

Инвестицион фаолиятнинг биринчи элементи инвестиция ҳисобланади. Иктисодий ўсишни, унинг сифатини ва инновационлигини таъминлайдиган уларнинг шаклланиши ва самарали қўлланилишида муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Иктисодиёт назарияси бўйича иктисодий категория сифатида инвестицияларни ўрганиш 16-17 асрларга бориб тақалади.

Инвестициялар назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган таниқли олим - иктисодчилар А. Смит ва классик сиёсий иктисоднинг таниқли вакиллари - Д. Рикардо.

А.Смит, капиталнинг тежамкорлик натижасида ортиб боришига ишонди ва шахсий даромаддан кўпроқ даромадлар сақланиб қолади, бутун жамиятнинг тезкор капитали ортади, деган фикри илгари сурди.

Д.Рикардо ўз китобларида бойиш манбаси сифатида жамғарма муаммосига катта эътибор беради. Бироқ, у нафақат иқтисодий ривожланишнинг ижобий таъсирини, балки уларнинг мувозанати туфайли юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларга ҳам эътибор қаратди (А.Д.Аюшиев ва бошқалар, 2013).

Америкалик иқтисодчилар инвестицияларни "машина ишлаб чиқариш, уй-жой қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалигини қуриш, шунингдек, инвентаризацияни молиялаш учун янги имкониятларни яратишга сарфланадиган харажатлар" деб ҳисоблашади (М.К.Треушникова, 2010).

П.Кругман ва М.Обстфелд (1997) инвестицияларни хусусий фирмалар томонидан келажакда ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган маҳсулотлар улуши сифатида аниқлади.

К.Макконел, С.Бру (1996) инвестицияларни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва йиғиш харажатлари ва моддий захираларнинг ўсиши ҳисобига амалга ошади, деб таъкидлаган.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Стратегияси доирасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кичик бизнесни ривожлантириш узоқ муддатли дастурлари ўзаро мувофиқлаштирилган. Ушбу стратегия асосига қўйилган асосий тамойиллардан бири барча даражаларда ва соҳаларда қўллаб-қувватлаш тизимидан тенг фойдаланишни таъминлашдан иборатdir (Қарор лойиҳаси, 2019). Бироқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимининг амал қилишига ва тадбиркорларнинг ушбу қўллаб-қувватлашни олиш имконияти ҳақида хабардорлиги даражасига жавоб берадиган ҳукумат тузилмалари мутахассислари ва раҳбарлари компетентлигининг турли даражадалиги туфайли ушбу тамойил фақат қисман бажарилмоқда.


Бунинг учун республика худудлари даражасида устувор комплекс чоралар алоҳидалашмаган таркибий бўлимлар томонидан амалга оширилмади, балки кичик бизнес устувор йўналишларига мувофиқ, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси доирасида бирлаштирилган. Барча дастурлар кичик бизнес субъектларининг барча қўллаб-қувватлаш воситаларидан тенг фойдаланиш тамойилига асосланган. Бу эса рағбатлантиришлар ривожланиши шароитида долзарб бўлиб қолади.

Минтақавий инвестиция жараёнларини ўрганишнинг комплекс методологияси доирасида хусусий инвесторларнинг бозор шароитидаги хатти-ҳаракатлари моделлаштирилиши лозим. Шу билан бирга, мамлакатнингҳар бир минтақаси ички ресурсларни жалб қилиш ва ташқи, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун бошқа минтақалар билан рақобатлашадиган хусусиятларига қаралади. Муайян минтақанинг рақобатбардош позицияларидағи энг муҳим рақобат устунликлари ёқиаксинча, заиф томонлари (унга инвестиция қилиш истиқболларини баҳолаш нуқтаи назаридан) ушбу минтақани инвестициялашдаги муҳим омил ҳисобланади.

Минтақадаги қулай инвестицион муҳит даражаси чексиз қўп омилларнинг биргаликдаги таъсири билан белгиланади (М.Б.Траченко, В.А.Джиоев, 2018). Бироқ, таҳлил қилиш мақсадида, айниқса, худудлараро инвестицияларни таққослаш учун, ҳар бир минтақанинг инвестиция муҳитига алоҳида эътибор қаратилади.

Фикримизча, маълум миқдорий кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичлар билан тавсифлашни амалга ошириш лозим.

Чунки, минтақанинг инвестиция муҳитини миқдорий жиҳатдан битта ўлчов билан тавсифлаб бўлмайди. Бундай уринишлар ушбу мураккаб ҳодисанинг бирон-бир томонини нотўғри, қонунга хилоф равиша эътиборсизқолдиришга олиб келиши мумкин. Юқорида айтилганлар билан боғлиқ ҳолда, бизнинг фикримизча, минтақалар инвестиция муҳитини ҳамда инвестицияларни жалб этиш механизмини баҳолаш ўзига хос мураккаб тизимҳисобланади (1-расм).



**1-расм. Минтақанинг инвестиция жозибадорлигини баҳолаш тизими<sup>1</sup>**

Юқоридаги 1-расмдан кўриниб турибдики, минтақанинг инвестиция муҳити миқдорий жиҳатдан минтақанинг инвестицион жозибадорлиги ва унинг таркибий қисмларини (минтақанинг инвестиция салоҳияти ва инвестиция риски) ўз ичига олган кўрсаткичлар билан тавсифланмоқда.

Минтақа инвестиция фаолияти унинг асосий капиталига инвестицияларни жалб қилиш интенсивлиги ҳисобига ривожланади. Минтақанинг инвестицион жозибадорлиги эса, минтақадаги инвестиция фаоллигини белгиловчи турли объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий- географик ва бошқа минтақавий хусусиятлар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг комбинациясидир (В.В.Литвинова, 2014).

Айнан шунинг учун ҳам барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган воситалар микродараҷадаги устуворликларга мувофиқ, гуруҳланиши ва тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш манфаатлари ва жамият манфаатларининг мувозанатини таъминлаши зарур бўлиб, у макро- ва

<sup>1</sup> муаллиф ишланмаси

мездаражадаги давлат шахсида давлат-мақсадли усулидан фойдаланиб, уларни кўллаб-қувватлашни таъминлайди:

- барқарор даромад ва турли даражадаги бюджетга тушумларни таъминлайдиган кичик бизнес субъектлари сонини қўпайтириш бўйича чоралар;
- тадбиркорлик фаолиятини касбий ва ижтимоий аҳамиятли фаолиятга айлантириш учун шарт-шароит яратиш;
- тадбиркорлик фаолияти учун реал имкониятларга эга иқтисодиёт соҳаларини белгилаш;
- кичик корхоналар мулкий хуқуқларини муҳофазалаш, уларнинг фаолиятини мулкий ресурслар билан таъминлаш учун шароит яратиш (ижара ва инвестиция майдончалари асосида);
- кичик бизнесни бошқариш сифатини оширишга қаратилган ахборот ва таълим дастурларини яратиш, бунинг оқибатида мазкур ташкилотлар даромадлилиги ва самарадорлигини ошириш;
- кичик бизнес субъектларининг тендерлар ва танловларда қатнашиш, кредит ставкаларини қоплаш жозибадорлиги ҳисобига молиявий ресурслар барча турларидан тенг фойдаланишларини таъминлаш;
- товарлар ва хизматларни Республика ва жаҳон бозорларига силжитишга қаратилган самарали кўргазма фаолиятини ривожлантириш.

#### **4. Хулоса.**

Фикримизча, турли минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, инвестиция жараёнларини фарқлаш хусусиятлари ҳақида объектив тасаввурга эга бўлиш, уни белгиловчи сабабларни аниқлаш, шунингдек, жалб этиш механизмларини такомиллаштириш бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Жумладан: мақсадли хусусиятга эга бўлиш, яъни, биринчи навбатда, минтақавий ривожланишни давлат томонидан бошқаришни такомиллаштириш; минтақавий инвестиция жараёнларини ўрганишнинг мураккаблигини таъминлаш. Бу кўплаб турли жиҳатларни, шу жумладан, уларнинг ҳозирги хусусиятларини белгилайдиган ва келажакда ривожланишини аниқлаши мумкин бўлган жиҳатларни ҳисобга олиши лозим. Яъни, бу ҳолат таҳлил қилиш ва прогнозлаш имкониятини беради. Шу боис, худудларда инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишининг мақбул усулларини танлаш; минтақавий инвестиция жараёнлари бўйича тадқиқотларнинг тизимли хусусиятини таъминлаш. Яъни, ўрганилаётган ҳодисаларнинг турли томонларини ва турли даражаларини акс эттирувчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг аниқ, иерархик тузилган тизимиға таяниш. Шу билан бирга минтақаларро ўрганиш, инвестицияларни нафақат сифат, балки оқилона миқдорий мезонлардан фойдаланган ҳолда таққослаш зарур.

#### **Адабиётлар:**

Аюшиев А.Д., Филиппов В.И., Аюшиев А.А. (2013) Антология экономической классики: В 2-хж-М.: ЭКОНОВ, Ключ, Инвестиции: Учеб. пособие. - Иркутск: Изд-во ИГЭА, - 1996. - 56 с.

Воронов А.С. (2016) Функциональное обеспечение региональных программ инновационного развития // Статистика и экономика. № 2. — С. 22-26.

Воронов А.С., Леонтьева Л.С. (2016а) Инновационная устойчивость как характеристика регионального развития. — М: РЭУ им. Г.В. Плеханова. — 116 с.;

Воронов А.С., Леонтьева Л.С. (2016 б) К вопросу о типах региональных инновационных кластеров // Статистика и экономика. — 2016. — № 3. — С. 16-20.

Кругман П.Р., Обстфельд М. (1997) Международная экономика: Теория и политика / Пер. с англ. - М.: Изд-во МГУ, ЮНИТИ, - 799 с. 49

Лачин Ю.В. (2015) Инвестиционная активность региональных органов власти как одно из направлений повышения экономического потенциала региона //Вестник Ростовского государственного экономического университета (РИНХ), – № 1 (49). – С.84-87.

Литвинова В.В. (2014) Инвестиционная привлекательность и инвестиционный климат региона: к вопросу о дефинициях и оценке // Финансы: теория и практика. – № 1. – С. 139-152.

Макконнелл К., Брю С. (1996) Экономикс: Принципы, проблема и политика. В 2-х т. Пер. с англ. - М.: Республика, Т.2. - 399 с.

Сергеев И.В., Веретенникова И.И. (2011) Организация и финансирование инвестиций. -М: Финансы и статистика, -272 с.

Треушникова М.К. (2010) Формы защиты прав инвесторов в сфере рынка ценных бумаг / Под ред. проф. М.: Городец, -399 с.

Траченко М.Б., Джоев В.А. (2018) Экспресс-анализ инвестиционной привлекательности регионов // Финансы и кредит, Т. 24. – № 9. – С. 2151-2165.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон – 2030” ПФ-158-сон.

Қарор лойиҳаси (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ID-9413-сонли. // [www.president.uz](http://www.president.uz) 13.11.2019



### СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ: ФИСКАЛ МАСЬУЛИЯТ САРИ ЙЎЛ

Очилов А.М.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада солиқ мажбуриятларини бажариш маданиятини ошириш самарадорлиги қўриб чиқилган. Тадқиқотнинг аҳамиятлилик даражаси унинг мавжуд адабиётлардаги бўшлиқларни бартараф этиш ва солиқ қонунчилигига риоя қилиш маданиятига таъсир этувчи омилларни ҳар томонлама тушуниш имконияти билан изоҳланади. Бутун дунё мамлакатлари даромад йиғиши ва иқтисодий барқарорлик муаммолари билан қурашар экан, ушбу тадқиқотдан олинган тушунчалар самарали иқтисодий барқарор сиёсат ва стратегияларни шакллантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, олиб борилаётган тадқиқотимиз давомида иқтисодий, ижтимоий ва психология бўйича академик мунозараларни бойитиб, солиқ қонунчилигига риоя қилиш хулқ-авторининг назарий асосларига ҳисса қўшишига қаратилган.

**Калит сўзлар:** солиқ мажбуриятлари, солиқлар, йиғимлар, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиққа тортishi, молиявий саводхонлик, маданият.

**Аннотация.** В статье рассматривается эффективность повышения культуры исполнения налоговых обязательств. Актуальность исследования объясняется его способностью преодолеть пробелы в существующей литературе и всесторонне понять факторы, влияющие на культуру соблюдения налогового законодательства. Поскольку страны по всему миру сталкиваются с проблемами сбора доходов и обеспечения экономической устойчивости, выводы этого исследования могут помочь сформировать эффективную политику и стратегии экономической устойчивости. Кроме того, наши текущие исследования направлены на создание теоретических основ поведения, связанного с соблюдением налоговых требований, путем обогащения научных дебатов в области экономики, общества и психологии.

**Ключевые слова:** налоговые обязательства, налоги, сборы, уклонение от уплаты налогов, налогообложение, финансовая грамотность, культура.

**Abstract.** The article examines the effectiveness of raising the culture of fulfilling tax obligations. The importance of the study is explained by its ability to overcome the gaps in the existing literature and comprehensively understand the factors influencing the culture of tax compliance. As countries around the world grapple with challenges of revenue collection and economic sustainability, insights from this research can help shape effective economic sustainability policies and strategies. In addition, our ongoing research aims to contribute to the theoretical foundations of tax compliance behavior by enriching academic debates in economics, society, and psychology.

**Key words:** tax obligations, taxes, levies, tax evasion, taxation, financial literacy, culture.

## 1. Кириш.

Бугунги кунда солиқларга риоя қилиш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигига ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Муҳим давлат хизматлари ва инфратузилмасини молиялаштириш учун ўз муносиб улушини қўшиш фуқаролар ва корхоналарнинг масъулиятидир. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш доимий муаммо бўлиб келган бўлсада, бутун дунё бўйлаб ҳуқуматлар солиққа риоя қилиш маданиятини ривожлантириш муҳимлигини тобора кўпроқ эътироф этмоқда. Ушбу тадқиқотимиз солиққа риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги ва унинг фискал жавобгарликка таъсирини ўрганади.

Солиқ тизимларининг самарадорлиги нафақат қонунчилик асослари ва ижро механизмларига, балки жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий риоя этишига ҳам боғлиқ. Сўнгги йилларда сиёsatчилар, эксперталар ва олимлар ўртасида солиқ қонунларига риоя қилиш маданиятини – оддий қонун билан белгиланган мажбуриятлардан ташқарига чиқадиган ва фуқароларни солиқ мажбуриятларини бажонидил бажаришга ундайдиган ижтимоий ва маънавий ахлоқни тарбиялаш зарурлигига талаб тобора ортиб бормоқда.

Солиқ мажбуриятларини бажариш масаласи кўп қиррали бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва психологик жиҳатларни ўз ичига олади. Тадқиқотларга кўра, солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиб учун жазо чоралари ва ижро стратегияларига эътибор қаратилди. Аммо профилактика ва фаол ёндашувлар томон парадигманинг ўзгариши тезлашди. Солиқ қонунчилигига риоя қилиш фуқаролик бурчи, мажбуриятлари ва ижтимоий норма сифатида қараладиган маданиятни ривожлантириш, барқарор фискал масъулиятни мақсад қилган сиёsatчилар арсеналида асосий стратегия сифатида пайдо бўлди.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Ушбу тадқиқот иши доирасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда ва солиқ мажбуриятларини бажариш учун солиқ маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу борада айрим олимлар ва тадқиқотчиларнинг изланишларини келтириб ўтсакда,

Таълим шахснинг хулқ-атвори, қадриятлари ва муносабатларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Солиқ тўловчилар солиқ тизими ва унинг кундалик ҳаётида қандай муҳим роль ўйнаши ҳақида қанчалик кўп билишса, уни қўллаб-қувватлашга шунчалик тайёр бўлади (A.Cirman ва бошқалар, 2021).

Т.Энгида ва Г.Баисага (2014) кўра, маълумотли солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан қочиш йўллари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишлари мумкин бўлсада, улар солиқ тизимини яхшироқ тушунишади ва уларнинг ривожланиш даражаси солиқларга нисбатан қулайроқ муносабатда бўлишга ва солиқ қонунчилигига риоя қилишни кучайтиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёшларни бўлажак солиқ тўловчилар сифатида тарбиялашга устувор аҳамият берилиши керак (OECD, 2021). А.Сирман ва бошқалар (2021) ва OECD (2021) ёшларнинг таълим олиши ва уларнинг молиявий фаoliyatnинг турли шаклларига жалб этилиши солиққа тортиш роли, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда улар қандай бўлиши мумкинлигини тушуниш орқали давлат молиявий даромадларининг ўсишини қўллаб-қувватлаш “мувофиқлик маданиятини” ривожлантиришини таъкидлайди.

А.Сирман ва бошқаларга (2021) кўра таълим солиқ тўловчиларга солиқ тизимини яхшироқ тушуниш учун зарур бўлган билим ва воситалар билан таъминлаш ва уларнинг солиқ маънавиятини юксалтириш орқали уларни кучайтириш усули бўлиб, натижада солиққа риоя қилишни яхшилайди. Шундай қилиб, солиқ тўловчиларни ўқитиш ташабbusлари ишончни ўрнатиш ва жамоатчилик фаоллигини оширишнинг самарали усули бўлиши мумкин (A.Cirman ва бошқалар, 2021).

Ушбу ташабbusлар одамларнинг умумий манфаатга бўлган садоқатини оширади, солиқнинг ижтимоий қийматини ва унинг давлат харажатлари билан боғлиқлигини таъкидлайди (OECD/FIIAPP, 2015). Солиқ тўловчиларни ўқитиш ва мулоқот қилиш бўйича янги ташабbusлар бўлажак солиқ тўловчиларни солиқларни тўлашда ахлоқийроқ бўлишга ундаши мумкин, нима учун ҳар бир киши ўз солиқ улушкини тўлаши муҳимлигини тушунтиради (European Commission. 2017). А.Сирман ва бошқаларга (2021) кўра, ёшларни тарбиялаш миллий солиқ маданиятини юксалтирувчи ва мамлакатнинг солиққа риоя этиши ва солиқ маънавиятига конструктив таъсир кўрсатадиган дастак бўлиши мумкин.

Олдинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, солиқ таълимидан ташқари, солиқ қоидаларини билиш солиқ тўловчиларнинг риоя қилиш хатти-ҳаракатларига сезиларли таъсир кўрсатади. К.Бандара, В.Веэррасоорияга (2021) кўра, солиқ қонунчилиги бўйича кўпроқ маълумотга эга бўлган одамлар солиқларнинг аҳамиятини қадрлашади ва шу билан солиқ сектори томонидан давлат даромадларини оширадилар. Солиқ тўловчининг солиқларни ўз вақтида топшириш ва тўлаш муҳимлигини билиши ҳам солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш учун зарурдир.

Умуман олганда адабиётларни ўрганиш бўйича шаклланган фикримиз, солиқ оид қонунларга риоя қилишни тушуниш иқтисодий, ижтимоий ва психологик нуқтаи назарларни бирлаштирган кўп тармоқли ёндашувни талаб қиласди. Солиққа оид қонунларга риоя қилиш хатти-ҳаракатларини тушунтириш ва башорат қилиш учун бир қанча назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бири жисмоний ва юридик шахсларга таъсир қилувчи омиллар ҳақида ўзига хос тушунчаларни тақдим этади.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Иқтисодий барқарорлик ҳукуматнинг барқарор ва изчил даромад олиш оқимини таъминлаш қобилиятига асосланади. Солиқ оид қоидаларига риоя қилишнинг мустаҳкам тизими ҳукуматларга фискал сиёsatни маълум даражада аниқлик билан режалаштириш ва амалга ошириш имконини берувчи прогнозлиликтини кучайтиришни талаб этади. Фуқаролар ва корхоналар ўзларига юклатилган солиқ мажбуриятларини бажаришса, давлат эса бюджет тақчиллигидан қочиши, қарзни молиялаштиришга бўлган ишончни камайтириши ва фискал интизомни сақлаши мумкин. Бу, ўз навбатида, инвесторларнинг ишончини ортишига, иқтисодий барқарорликни оширишига ва барқарор ўсиш учун қулай муҳит яратади.

Солиқ мажбурияти нафақат иқтисодий, балки муҳим давлат хизматларини кўрсатишини таъминлайдиган ва фуқароларнинг фаровонлигини қўллаб-куvvatлайдиган ижтимоий шартномадир. Жамоат фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва инфратузилмани ривожлантиришни ўз ичига олган ижтимоий эҳтиёжларнинг кенг спектрини қамраб олади. Ушбу хизматлар солиқлар орқали олинадиган даромад билан узвий боғлиқдир.

Фуқаролар ва корхоналар солиқ мажбуриятларини бажарганларида, ҳукуматлар тенгсизликни бартараф этиш, таълим ва соғлиқни сақлашдан

фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва жамиятнинг заиф қатламлари учун хавфсизлик тармоғини таъминлайдиган ижтимоий дастурларга ресурслар ажратиши мумкин. Демак, солиқ қонунчилига риоя қилиш иқтисодий тараққиётнинг барча афзалликларини баҳам қўрадиган адолатли ва инклюзив жамиятни яратишга бевосита ёрдам беради.

Аксинча, солиқ мажбуриятларини бажармаслик иқтисодий барқарорликка ҳам, ҳалқ фаровонлигига ҳам катта хавф туғдиради. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва солиқдан қочиш давлатнинг асосий функцияларини молиялаштириш қобилиятига тўсқинлик қилиб, даромадлар тақчиллигига олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, тежамкорлик чораларини кўриш билан бир қаторда, давлат қарзини оширишни ёки муҳим тармоқларга инвестицияларни қисқартиришни талаб қилиши мумкин, бу эса иқтисодий барқарорлик ва давлат фаровонлигига салбий таъсир қиласди.

Бундан ташқари, риоя қилмаслик юки қўпинча номутаносиб равища жамиятнинг энг заиф аъзоларига тушади. Ижтимоий дастурларни молиялаштиришнинг етарли әмаслиги сифатли таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг етишмаслигига олиб келиши мумкин, бу эса қашшоқлик ва тенгсизлик даврларини давом эттирилишига ва давлатнинг фуқаролар олдигаги мажбуриятларини бажаролмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Аслини олганда, солиқ қонунчилигига риоя қилиш жамият тараққиётининг асосий омили бўлиб, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни ўзаро боғлади. Солиқларга масъулият билан риоя қилиш маданияти аҳолининг кўп қиррали эҳтиёжларини қондириш учун ресурсларнинг барқарор оқимини таъминлайдиган гуллаб-яшнаётган ва барқарор иқтисодиёт учун замин яратади.

Ижтимоий муносабатлар ва хулқ-атворни шакллантиришда таълимнинг ҳал қилувчи роли солиққа оид қонунларга риоя қилиш соҳасини ҳам қамраб олади. Режалаштирилган хулқ-атвор назарияси ва ижтимоий таълим назарияси каби назарий асослар таълим ташабbusлари индивидуал муносабатларга, субъектив меъёрларга ва солиққа риоя қилиш бўйича қабул қилинган хатти-ҳаракатлар назоратига қандай таъсир қилишини тушуниш имконини беради. Ўзлаштирилган билимлардаги камчиликларни бартараф этиш, нотўғри тушунчаларни йўқ қилиш ва фуқаролик бурчи туйғусини тарғиб қилиш орқали таълим соҳасида ҳам солиққа риоя қилиш бўйича ижобий хулқ-атворни шакллантириш учун катализатор бўлиб хизмат қиласди.

1-расмда келтирилганидек, самарали солиқ таълими бир қатор таркибий қисмларни ўз ичига олади, жумладан:

➤ молиявий саводхонлик - солиққа тортишнинг шахсий ва жамият даражасига таъсирини тушуниш учун молиявий билимларга эга ёки эга бўлмаган шахсларни кучайтириш бўйича таълим;

➤ ҳуқуқий тушунча - чалкашликларни, тушунмовчиликлар, мунозарали ҳолатларни бартараф этиш ва онгли қарорлар қабул қилишни рағбатлантириш учун солиқ қонунлари, қоидалар ва мажбуриятлар бўйича аниқлик киритиш;

➤ ахлоқий мулоҳазалар - солиққа риоя қилишнинг ахлоқий жиҳатлари бўйича турли хилдаги мунозараларни бирлаштириш, қонуний ваколатлардан ташқари масъулият ҳиссини тарбиялаш;

➤ фуқаролик бурчи ва ижтимоий нормалар - фуқаролик ва ватанпарварлик бурчи туйғусини уйғотиш ва солиқ тўловларидан олинадиган ижтимоий имтиёзларни таъкидлаш, шу билан солиққа риоя қилишни ижтимоий норма сифатида ўрнатиш.



**1-расм. Самарали солиқ таълимининг таркибий қисмлари<sup>1</sup>**

Умуман олганда, солиққа оид қонунларга риоя қилиш маданиятини ривожлантиришда таълимнинг ўзгартирувчи кучи катта. Шахсларни билим билан қуроллантириш, ахлоқий мулҳазаларни сингдириш ва фуқаролик масъулиягини таъкидлаш (ошириш) орқали таълим соҳасини солиққа риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган жамоавий саъй-ҳаракатларнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

Таълим соҳасидаги ташабbusлар таҳлили солиқ қонунчилигининг хабардорлиги ва хулқ-атворига сезиларли таъсир кўрсатади. Миқдорий натижалар иштирокчиларнинг хабардорлик даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошганини ва солиқ қонунчилигига бўлган муносабатда ижобий ўзгаришларни кўрсатади. Сифатли тушунчалар таълим дастурлари орқали молиявий саводхонликни ошириш, хуқуқий мажбуриятларни тушунириш ва фуқаролик бурчи туйғусини сингдириш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, солиқ сиёсатининг шаффоғлиги солиқ қонунчилигига риоя этишга таъсир қилувчи ва ҳал қилувчи фискал омили сифатида намоён бўлди. Солиқ мажбуриятлари ва солиқ сиёсатининг мантиқий асослари тўғрисида аниқ маълумот бериш ихтиёрий риоя қилишнинг ортиши билан ижобий боғлиқdir. Бундан ташқари, технология интеграцияси жараёнларни соддалаштиради ва беихтиёр риоя қилмаслик ҳолатларини камайтиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаффоғ сиёсат ва технологик ютуқларнинг уйғунлиги ҳамда солиқ юкининг юқори эмаслиги адолатни идрок этишни кучайтиради, жисмоний шахслар ва корхоналар солиқ мажбуриятларини бажонидил бажарадиган маданиятни ривожлантиради.

Бошқа томондан, мажбурий чоралар ва олдини олиш механизлари солиққа риоя қилиш шароитида икки томонлама роль ўйнайди. Қатъий ижро (ижро интизомини, маъносига тушунмадим) ва тўхтатувчи жазолар қасдан риоя қилмаслик ҳолатларини камайтириш билан боғлиқ бўлсада, фақат жазоловчи ёндашув етарли бўлмаслиги мумкин. Солиқ имтиёzlари ёки чегирмалар орқали ижобий мустаҳкамлаш ихтиёрий риоя қилишни рағбатлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳам мажбурий, ҳам рағбатлантиришнинг кенг қамровли доирада

<sup>1</sup> Адабиётларни таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

интеграцияси солиққа риоя қилишнинг мустаҳкам маданиятини ривожлантириш учун мувозанатли стратегия сифатида пайдо бўлади.

Солиққа оид қонунчиликка риоя этиш маданиятини ошириш таълим, шаффофлик, технология, адолат ва самарали ижрони ўзида мужассамлаштирган кўп қиррали ёндашувни талаб қиласди. Солиқларнинг аҳамиятини тушунадиган, тизимнинг адолатлилигига ишонадиган ва риоя қилишнинг афзалликларини кўрган жамият ўз мамлакатининг молиявий ҳолатига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Ҳукуматлар солиққа риоя қилиш маданиятини юксалтириш бўйича ўз стратегияларини такомиллаштиришда давом этар экан, улар барқарор иқтисодий ривожланиш ва муҳим давлат хизматларини кўрсатишга йўл очмоқда.

### 1-жавдал.

#### **Солиқларга риоя этиш маданиятини ошириш стратегияси<sup>2</sup>**

| Чора-тадбир номи                          | Натижаси  |
|---|---|
| <b>Солиқ саводхонлигини ривожлантириш</b> | Солиқ саводхонлигини ошириш аҳолини солиқларнинг аҳамияти тўғрисида хабардор қилиш ва тушунтиришдан бошланади. Ҳукуматлар фуқароларга солиқ тўлашнинг афзалликлари ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари ҳақида маълумот бериш учун таълимга сармоя киритишлари муҳим. Бундай ташабbusлар фуқаролик бурчи ва масъулият ҳиссини тарбиялашга ҳисса қўшади.  |
| <b>Шаффоф сиёсати</b>                     | Солиқ сиёсатининг ошкоралиги ва шаффофлигига риоя қилишни рағбатлантириш учун зарурдир. Солиқ қонунлари ва қоидалари содда ва тушунарли бўлса, жисмоний шахслар ва корхоналар бажонидил риоя қилишлари мумкин. Ҳукуматлар солиқ кодексини соддалаштиришга ва ўзгаришларни самарали етказишга, чалкашликларни, бир хил турдаги тақрорланувчи мажбуриятларни ва қасддан риоя қилмасликни камайтиришга ҳаракат қилишлари керак.  |
| <b>Технология ва автоматлаштириш</b>      | Солиқ тизимида технология ва автоматлаштиришнинг интеграциялашуви жараёнларни соддалаштириши, солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини бажаришини осонлаштириши мумкин. Автоматлаштирилган тизимлар хатоларни камайтириши, самарадорликни ошириши ва фойдаланувчиларга қулайроқ тажриба тақдим этиши мумкин. Бундан ташқари, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг потенциал ҳолатларини аниқлаш, жисмоний шахслар ва корхоналарни солиқларни тўлашдан бўйин товлашга уринишларини олдини олиш учун технология маълумотлар таҳлили учун ишлатилиши мумкин. |
| <b>Адолатли солиққа тортиш</b>            | Солиққа тортишда адолатлилик қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фуқаролар солиқ юки жамиятда адолатли тақсимланганига ишонсалар, солиқ қонунчилигига кўпроқ риоя қилишади. Ҳукуматлар солиқ сиёсатининг прогрессив бўлишини ва муайян гуруҳларга номутаносиб равища юкламаслигини таъминлаш учун уларни доимий равища баҳолаб бориши ва тузатиши керак. Бу солиқ   |

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган

тизимига ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради ва ихтиёрий риоя қилишни рағбатлантиради.

|  |   |
|--|---|
| <b>Самарали ижро этиш ва олдини олиш</b> | Солиқларга риоя қилиш маданиятини ривожлантириш мұхым бўлсада, мажбурлаш чоралари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Ҳукуматлар солиқ тўлашдан бўйин товлаганларни аниқлаш ва жазолашнинг самарали механизмларига эга бўлиши керак. Муваффақиятли таъқибларни эълон қилиш бошқаларни солиқ тўлашдан бўйин товлашдан тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Рағбатлантириш ва ижро этиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш солиқ қонунчилигига комплекс ёндашув учун жуда мұхимdir. |
| <b>Мувофиқлик учун имтиёзлар</b>         | Ҳукуматлар мувофиқ хатти-ҳаракатларни мукофотлаш учун рағбатлантиришни жорий этишлари мумкин. Бу ўз солиқ мажбуриятларини доимий равишда бажарадиган жисмоний шахслар ва корхоналар учун солиқ имтиёзлари, чегирмалар ёки бошқа имтиёзларни ўз ичига олиши мумкин. Ижобий мустаҳкамлашни таъминлаш солиққа риоя қилиш нафақат қонуний талаб, балки ижтимоий жиҳатдан тасдиқланган норма бўлган маданиятга ҳисса қўшиши мумкин.  |

Ушбу илмий тадқиқот якунида бизнинг идрокимиз солиқ қонунчилигига риоя қилиш бўйича хабардорликни ошириш ва ижобий муносабатни шакллантирища таълим ташабbusларининг мұхим ролини таъкидлайди. Солиқ сиёсати ва технологик тараққиётда шаффофликнинг уйғунлиги тенглик ва адолатлилик билан тавсифланган солиқ мұхитини шакллантиришда мұхим восита сифатида намоён бўлади. Мажбурлаш чоралари ва рағбатлантиришнинг оқилона интеграцияси солиқ тўловчилар зиммасига тушадиган ортиқча юкларни юмшатиш билан бирга, риоя қилишни рағбатлантирадиган оқилона ва уйғунлаштирилган стратегия сифатида намоён бўлади.

Белгиланган сиёсатнинг таъсири ҳукумат тузилмаларини солиқ саводхонлиги ташабbusларига устунлик беришга, шаффофлик асосларини мустаҳкамлашга, технологик ютуқлардан оқилона фойдаланишга ва фискал мажбуриятлар ва рағбатлантириш чоралари ўртасида уйғун мувозанатни ўрнатишга чақиравчи фаол чоралар кўришга аниқ чақириқ билан янграйди. Бу ерда баён этилган тавсиялар солиққа риоя қилишнинг кенг тарқалган маданиятини тарғиб қилиш мақсадида таълим муассасалари, корхоналар ва фуқароларни жамоавий ҳаракатга жалб этган ҳолда синергик ва ҳамкорлик парадигмасини қўллаб-қувватлайди.

Аниқланган муаммолар маданий мураккабликларни очиш, ташабbusларнинг инклюзивлигини таъминлаш ва технологик ассимиляциядаги потенциал камчиликларни яхшилашни ўз ичига олади. Аммо бу қийинчиликлар солиқ инфратузилмасини шакллантириш имкониятларини тақдим этади, бу нафақат фискал мақсадларга эришади, балки айни пайтда иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни оширади.

#### 4. Хулоса.

Ушбу илмий изланиш натижасида ўчмас ҳақиқат акс садо беради: солиққа риоя қилиш ахлоқини ривожлантириш ҳукуматнинг имтиёзлари доирасидан ошиб кетади ва жамиятга айланади. Бу сиёсатчилар, педагоглар, корхоналар ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатлари симфониясини талаб қиласди. У доимий нутқ,

мослашувчанлик ва холислик, ошкоралик ва фуқаролик виждони тамойиллариға жамоавий содиқликни талаб қиласи.

Мулоҳаза юритиш якунида, солиқ мажбуриятларини бажариш фақат қонуний зарурат эмаслигини таъкидлаш зарур; балки Ўзбекистон аҳолисининг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги учун жамоавий келишувни ўз зиммасига олади. Бу эса келажақда солиқ мажбуриятларини бажармасликка барҳам бериб, бугунги қуннинг заифликларини бартараф этиб, истиқболда порлоқ келажак сари етаклайди.

Ўтказилган тадқиқот ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, солиқ маданиятини оширилишида интизомли солиқ тўловчи, ҳалол солиқ тўловчи, адолатли солиқ тўловчи, ноинсоф солиқ тўловчи тушунчаларни илмий адабиётларда кенг тарғиб қилишни, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда бу терминларни ҳалқ орасида кенг сингдиришни мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз ҳамда интизомли солиқ тўловчи, ҳалол солиқ тўловчи, адолатли солиқ тўловчиларга чорак ёки йил якуни билан қанчадир миқдорда солиқларни қайтариб берилиши, чегирма ва имътиёзлар берилиши ёки умуман солиқ текширувлариға тушмасликлари каби рағбатлантириш берилиши бу қатламни ошишига олиб келади.

### **Адабиётлар:**

Bandara K. A. G., Weerasooriya W. M. R. B. (2021). A conceptual research paper on tax compliance and its relationships. International Journal of Business and Management, 14(10), 134–134. <https://doi.org/10.5539/ijbm.v14n10p134>

Cirman A., Pahor M., Starček S. (2021). Addressing evasion and tax morale by educating young taxpayers. *EDUvision38*.

Engida T. G., Baisa G. A. (2014). Factors influencing taxpayers' compliance with the tax system: An empirical study in Mekelle city. *Ethiopia. ejTR*, 12, 433.

European Commission. (2017). European semester thematic factsheet taxation. Retrieved November 12, 2021, from [https://ec.europa.eu/info/sites/default/files/file\\_import/european-semester\\_thematic-factsheet\\_taxation\\_en\\_1.pdf](https://ec.europa.eu/info/sites/default/files/file_import/european-semester_thematic-factsheet_taxation_en_1.pdf)

OECD. (2021). *Building tax culture, compliance and citizenship: A global source book on taxpayer education* (2nd ed.). OECD Publishing.

OECD/FIIAPP. (2015). *Building tax culture, compliance and citizenship: A global source book on taxpayer education*. OECD Publishing.



### ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*PhD, доцент Рахимов З.К.*

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**Аннотация:** Мақолада транспорт хизматларини ривожлантириш истиқболларининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритиб берилган. Маълумотлар муаллифнинг кузатувлари ва адабиётлар таҳлили асосида тузилди.

**Калит сўзлар:** Хизмат кўрсатиш, сервис, рақобат, технологиялар, модернизация, соҳа, корхона, сифат, аҳолининг турмуш даражаси, яшил иқтисодиёт, тежжамкорлик, шаҳар транспорти, жамоат транспорти.

**Аннотация:** В статье представлены теоретические и практические аспекты важности перспектив развития транспортных услуг. Данные были собраны на основе наблюдений автора и анализа литературы.

**Ключевые слова:** Оказание услуг, сервис, конкуренция, технологии, модернизация, отрасль, предприятие, качество, уровень жизни населения, зеленая экономика, экономия, городской транспорт, общественный транспорт.

**Abstract:** The article presents theoretical and practical aspects of the importance of prospects for the development of transport services. Data were collected based on the author's observations and literature review.

**Keywords:** Provision of services, service, competition, technology, modernization, industry, enterprise, quality, standard of living, green economy, savings, urban transport, public transport.

#### 1. Кириш

Дунё иқтисодиётининг XXI асрга келиб шиддатли ривожланиши инсоният ҳаётини саноат маҳсулотларисиз тасаввур қилаолмасликга олиб келди. Албатта, саноат маҳсулотлари инсон ҳаётида қўйилган мақсадларни ечишни осонлаштиради. Аммо, саноат маҳслотларини ишлаб чиқариш миқдорининг ошиб бориши табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ортишидан далолат беради. Айниқса, инсон ҳаёти ва бизнеснинг бир қисмига айланаб келган транспорт воситалари бугунги кунда жуда кўп ишлаб чиқарилмоқда.

Дунё автомобилсозлик институтларининг маълумотларига кўра, 2020 йилда 78 млн. дона машина ишлаб чиқарилган. Бу 2019 йилга нисбатан 16 фоиз<sup>1</sup> кам бўлишига қарамай, дунёда шаҳар экологиясининг бузилиши, турли хил ис газларининг чиқиши, табиий ресурсларнинг камайиши, шаҳар жойларда тирбандликларнинг ортиши ўсиб бормоқда.

<sup>1</sup> <https://fra.org.ua/ru/an/publikatsii/novosti/svitove-virobnitstvo-avtomobiliv-u-2020-rotsi-seriozno-postrazhdalovid-krizi-covid-19-v-rezultati-chogo-virobnitstvo-avtomobiliv-vpalon-na-16>

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Хорижий мамлакатларда “Транспорт хизматлари” мавзусида атрофлича изланиш олиб борган олимлардан Л.В.Булавина (2014), Т.Н.Сақульева (2023) ва бошқалар ҳисобланади.

О.Н.Ларин (2018) тадқиқотига кўра, темир йўлнинг рақамли трансформацияси бошқарув тизимидағи сифат ўзгаришларини назарда тутувчи рақамли технологияларни унинг фаолиятига жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олишини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, И.В.Музыкин (2017) келтиришича, рақамлаштиришнинг ўзаги ҳаракат таркиби, ҳаракатни бошқариш тизимлари, инфратузилма аппаратлари ва фойдаланувчиларнинг ахборот ва интеллектуал интеграциясини ўз ичига олган фаолиятни автоматлаштиришdir.

А.А.Крюкова (2017) фикрига кўра, транспорт жараёнларини бошқаришнинг барча мавжуд соҳаларига (мавжуд ҳаракат таркиби, темир йўл инфратузилмаси обьектлари ва транспортни ташкил этиш тизими) таъсир кўрсатадиган ва аслида рақамлаштириш воситаси сифатида ишлайдиган ўзаро боғланган рақамли технологиялар тизимини яратиш ҳақида кетмоқда. Аммо, ушбу мавзуларда илмий изланишларнинг олиб борилганига қарамасдан “Транспорт хизматларини ривожлантириш истиқболлари” мавзусининг айrim жиҳатлари етарлича ўрагнилмаган.

## **3. Тадқиқот методологияси.**

Мақоланинг илмий таркибини изоҳлаб беришда тарихий ва монографик кузатув усулидан фойдаланилди. Ушбу усуllар орқали иқтисодиётни самарали ривожлантиришда, хорижий тажрибаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ўсиб бораётган эҳтиёжларни самарали ва экологияга кам зарар келтириш йўли билан қондириш имкониятлари кўрсатиб берилди.

## **4. Таҳлил ва натижалар.**

Маълумки автотранспорт воситалари бугунги кунда иқтисодий ривожланишнинг ажralмас қисмидир. Автотранспорт воситаларидан инсонлар шахсий мақсадларини ҳал қилишда ёки тадбиркорлар хўжалик фаолиятини юритишида кенг фойдаланмоқдалар. Ҳозирда автомобилларсиз бирон-бир тармоқни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Аммо, ҳар бир саноат маҳсулоти маълум бир чекланган ресурсни ўзлаштириш натижасида яратилиши ва айримлари зарарли бўлиши ҳам сир эмас.

Дунё аҳолисининг ошиб бориши натижасида автотранспорт воситаларига ҳам бўлган эҳтиёжлар ортиши кузатилмоқда. Жаҳон автомобилсозлар ташкилотининг маълумотларига кўра дунёда автомобил ишлаб чиқариш бўйича Хитой (25,2 млн.) 1-ўрин, АҚШ (8,8 млн.) 2-ўрин, Япония (8,1 млн.) 3-ўринни эгаллаб келмоқда<sup>2</sup>. Бу фақатгина иқтисодиёти ривожланган давлатлар бўлиб, улар қаторида бошқа давлатларга тегишли ишлаб чиқарувчилар ҳам мавжуд.

Юқорида келтирилган давлатларнинг айrim йирик шаҳарларида автомобиллар сонининг ортиши натижасида соатлаб тирбандликларнинг ҳосил бўлиши, асосий қўчаларда автомашиналарнинг газларидан ҳавонинг ҳаддан ташқари заарланиши кенг тус олган.

Кўпгина давлатларда автотранспорт воситаларининг қўпайиши натижасида экологияга жиддий зарар етказилиши кузатилмоқда. Ушбу заарни камайтириш мақсадида айrim давлатларда автотранспорт воситаларидан фойдаланиш

<sup>2</sup> <https://fra.org.ua/ru/an/publikatsii/novosti/svitove-virobnitstvo-avtomobiliv-u-2020-rotsi-seriozno-postrazhdalovid-krizi-covid-19-v-rezultati-chogo-virobnitstvo-avtomobiliv-vpalon-na-16>

чекловлари ўрнатилган. Транспорт воситаларидан фойдаланиш чекловларининг жорий қилингани билан бундай давлатларнинг аксариятида экологик тоза бўлган велосипед, ролик, самокатлар ва бошقا электр қувватида ишлайдиган, ихчам ҳамда тирбандлик ҳосил қилмайдиган транспорт воситаларидан фойдаланиш учун маҳсус шаҳобчалар жорий қилинган.

Бундай шаҳобчаларнинг ривожланишини ташкил этиш учун давлат томонидан йўлларда маҳсус ажратилган чизмалар чизилган бўлиб, аҳолини автомобил транспортлари қатнов қисмидан ажратиш йўли билан хавфсизлик чоралари кўрилган.

Ҳозирги кунда, автомобиллардан фойдаланишни камайтириш мақсадида хорижий мамлакатларда давлат шерикчилик ва хусусий темир йўл транспортларининг турли кўринишлари жорий қилинган. Бундай транспортлардан фойдаланиш, айниқса шаҳар жойларда қулайлиги сир эмас. Аммо, айрим давлатларда ерларнинг чекларганлиги ёки ер ости транспортини қуриш имкони бўлмаган жойларда ер усти, яъни автомобил йўллари устида ёки четроқда метролар ташкил этилган.

Мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган шаҳар ҳудудларида тез-тез тирбандлик ҳолатларининг учраши ҳам ортиб бормоқда. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида шаҳар ҳавосининг бузилиши сабабларидан бири автотранспорт воситаларининг ортиши ҳам сабабчи десак муболаға бўлмайди<sup>3</sup>.

Республикамиз бўйлаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг ортиши кузатилмоқда. Аммо, шаҳар ҳудудларида ҳар қандай хизмат кўрсатиш корхоналари ёнларида автотранспорт воситаларининг вақтинча турар жойларининг етарли эмаслиги сабабли аҳоли ўз автотранспорт воситаларини йўл қатнов қисмida қолдириб кетишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида, қатнов қисмida автомашиналарнинг зич жойлашуви, автотранспорт ходисаларининг кўпайиши ва айрим давлат хизмат машиналарининг хизмат вазифасини бажаришида тусқинликлар келиб чиқмоқда.

## 5. Хулоса.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда жамоат транспортларидан фойдаланишни кўпайтириш, инсон соғлиғига ва экологияга кам таъсир кўрсатишни таъминлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда аҳоли ва корхоналарнинг ортиши натижасида автотранспорт воситалари ҳам ортиши кузатилмоқда. Аммо, мамлакатимиз бўйлаб асосий кўчалар ҳисобланган ва қатнов қўп бўлган йўлларнинг тор бўлиши ҳам автотранспорт қатнови учун айрим қийинчиликларни юзага келтиromoқда.

Жамоат ва автотранспорт воситаларидан фойдаланишни мамлакатимизда тартибга солишда хорижий давлатлар тажрибасини кенг ўрганиш ҳамда жорий қилиш, мамлакатимизда янги жамоат транспортларини яратишга ва йўлларда тирбандлик ҳамда йўл ходисаларининг олдини олиш учун хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда транспорт хизматларини ривожлантириш учун қуйидагиларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Экологик тоза бўлган велосипед, самокат ва электр қувватида ишлайдиган мини воситаларни аҳолига таклиф этиш (маълум бир вақтгача ёки масофагача текин қилиб);

- Шаҳар жойларда автомобил қатнов қисмининг чет ёнларида алоҳида велосипед, самокат ва электр қувватида ишлайдиган мини воситалар қатнови учун йўлакларни ташкил этиш;

<sup>3</sup> <https://kun.uz/uz/news/2022/10/17/toshkent-havosining-iflosligi-boyicha-dunyoda-1-oringa-chiqdi>

- Шаҳар йўлларида тирбандликларни олдини олиш мақсадида автотранспорт қатнов қисмларини кенгайтириш;
- Давлат хизмат машиналарини хавфсиз ва тез ҳаракатланиши учун алоҳида йўлларни ташкил этиш ёки маҳсус чизма билан асосий йўллардан ажратиш;
- Ер ости ва ер усти темир йўл жамоат транспортларини ташкил этиш.

**Адабиётлар:**

Larin O. N. (2018) Transformation of the market of transport and logistics services in the context of the digitalization of the economy / O. N. Larin, V. P. Kupriyanovsky // Intern. Journal of Inform. Tech.- № 5. – P. 31–35.

Булавина Л.В. (2014) Проектирование и оценка транспортной сети и маршрутной системы в городах. – Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 48 с.

Крюкова А. А. (2017) Инструменты цифровой экономики / А. А. Крюкова, Ю. А. Михаленко // Карел. науч. журн. № 3 (20). – С. 108–111.

Музыкин И. В. (2017) Цифровые технологии на железнодорожном транспорте / И. В. Музыкин, А. С. Букреева // Промышл. трансп. XXI в. – № 3–4. – С. 66–69.

Сакульева Т.Н. (2023) Развитие общественного транспорта и изменение транспортного поведения. Вестник университета. (5):63-69.  
<https://doi.org/10.26425/1816-4277-2023-5-63-69>

Хорошевич А. А. Цифровая трансформация цепей поставок на железнодорожном транспорте: базовые элементы и ключевые особенности. Бизнес. Образование. Экономика : Междунар. науч.-практ. конф., Минск, 7–8 апр. 2022 г. : сб. ст. / редкол.: В. В. Манкевич [и др.]. – Минск : Институт бизнеса БГУ, 2022. – С. 550–553. <https://elib.bsu.by/handle/123456789/284347>



### ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КҮЧМАС МУЛКНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахманова Ю.Ш.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти

**Аннотация.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг долзарб масалаларидан бирни бўлган инвестициявий күчмас мулк ҳисобининг хусусиятларини ҳалқаро стандартардартларга мувофиқ асослашадир. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни баҳолаш бозор муносабатлари талаблари ва мезонлари даражасида ташкил этиш ва такомиллаширишни услубий асослашни, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари талабларига жавоб берадиган корхоналар томонидан узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг ҳисобини юритиш қоидаларини ишлаб чиқишини талаб қиласди.

**Калит сўзлар:** инвестициявий мулк, инвестициявий мулкни баҳолаш, инвестициявий мулкдан келгусидаги пул оқими, ҳақиқий харажатлар, ҳаққоний қиймат.

**Аннотация.** Целью данного исследования является обоснование особенности учета инвестиционной недвижимости на основе международных стандартов финансовой отчетности, которая является актуальной проблемой бухгалтерского учета в условиях цифровой экономики. Ведь оценка инвестиций в экономику Узбекистана сегодня требует методологического обоснования организации и совершенствования на уровне требований и критериев рыночных отношений, разработки правила учета долгосрочных и краткосрочных финансовых вложений предприятиями, соответствующих международным стандартам финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** инвестиционная недвижимость, оценка инвестиционной недвижимости, будущий денежный поток от инвестиционной недвижимости, фактические затраты, справедливая стоимость.

**Annotation.** The purpose of this study is to substantiate the features of accounting for investment real estate on the basis of international financial reporting standards, which is a pressing accounting problem in the digital economy. After all, the assessment of investments in the economy of Uzbekistan today requires a methodological justification for organization and improvement at the level of requirements and criteria of market relations, the development of rules for accounting for long-term and short-term financial investments by enterprises that comply with international financial reporting standards.

**Key words:** investment property, investment property valuation, future cash flows from investment property, actual costs, fair value.

## 1. Кириш.

Республикамиз иқтисодиётининг жадал ривожланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини молиявий ҳисбботларнинг халқаро стандартлари асосида юритилишини талаб қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларга ўз молиявий ресурсларидан фойдаланишда тўлиқ мустақиллик берилиши, республикамиз ва чет эл инвесторларининг инвестицияларини жалб қилиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий алоқалари кенгайганлиги ва уларнинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга уйғунлашуви, янги турдаги молиявий воситалар ва омилларнинг вужудга келиши узоқ муддатли инвестицияларнинг илгари амалда бўлган ташкилий ва услубий механизмларини тубдан ислоҳ қилмоқда. Бугунги кунда муваффақиятли бизнес учун қулай шароитлар яратилган. Аслида, ҳар қандай бизнесни маблағларни инвестиция қилиш орқали даромад келтиришини кутиш деб ҳисоблаш мумкин. Компания учун бизнес юритишнинг жуда кенг тарқалган шакли бу бошқа компаниялар фаолиятига сармоя киритишдан иқтисодий фойда олишdir: акцияларни, бошқа компанияларнинг устав капиталидаги улушларни сотиб олиш, капиталда иштирок орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш, бошқа компанияларнинг фойдаланиши учун активларни тақдим этиш ва бошқалар. Бундай операциялар маълум молиявий натижаларга эришиш истиқболларини яратиш билан биргаликда корпоратив муносабатларни ўрнатишга имкон беради. Компания кўчмас мулкка бўш пул маблағларни киритганда, бундай инвестициялар активнинг ўзига хос тури — инвестициявий кўчмас мулк сифатида таснифланади. Инвестициявий кўчмас мулк - бу ташкилотнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ёки оддий бизнес жараёнида сотиш учун мўлжалланмаган кўчмас мулкка инвестициядир. Бунда кўчмас мулкдан (ер ёки бино) ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши мақсад қилинади. Шунингдек, улар кўчмас мулк эгаси томонидан ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб турилади ҳамда улар: (i) ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланилмаслиги ёки (ii) одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланмаслиги лозим.

Инвестициявий кўчмас мулкни ҳисобга олиш муаммоларини ҳисоб стандартлардаги фарқлар, таснифлаш, баҳолаш ва маълумотларни ошкор қилиш жиҳатлари билан таққослаш орқали кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Инвестициявий кўчмас мулк таркибини аниқлаш узоқ муддатли активларни қайта таснифлаш билан чамбарчас боғлиқ ва инвестициявий кўчмас мулкни тасарруф этиш тамойиллари асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган тамойиллардан кескин даражада фарқ қилмайди. Аммо, бугунги кунда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини, молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари билан уйғунлаштириш жараёнида инвестициявий кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг услубий муаммоларини кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилишни талаб қилмоқда. Мана шундай ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни баҳолашни бозор муносабатлари талаблари ва мезонлари даражасида ташкил қилишни ва такомиллаштиришни, ҳамда услубий жиҳатдан асослаб беришни, шунингдек, корхоналар томонидан кўчмас мулкка нисбатан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобининг халқаро амалиётга мос келадиган қоидаларини ишлаб чиқиш заруратини таққоза этмоқда.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Агарда инвестициявий мулк тушунчасининг маъносига эга бўлиш учун адабиётларга мурожаат қилинса, ушбу концепциянинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга қаратилган турли хил ёндашувларни учратиш мумкин. Бунда ҳар бир

муаллиф у ёки бу тарзда таъриф бериб инвестициявий мулк нима эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиласи. Бу соҳада ягона мукаммал таъриф мавжуд эмаслиги сабабли унинг мазмунини батафсил ёритиб бериш учун, фикримизча, биринчи навбатда инвестицияларнинг ўзи хос жиҳатларини билишимиз зарур, зеро инвестициявий мулк энг аввало унга киритилган инвестициялар мажмуини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, бошқа ҳар қандай иқтисодий категория сингари, “инвестиция” тушунчаси, ўзининг тарихий ривожланишига эга. Кўплаб олимлар ўз асарларида “инвестиция” тушунчасининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қиласи ва ўша давр учун ўз қарашларини ифода этган. Биринчилардан бўлиб “инвестициялар” тушунчаси меркантилистварнинг асарларида учратиш мумкин. Меркантилизм таълимотига асосланган асосий тушунчаларда “бойлик” ва “инвестициялар”га алоҳида урғу берилган. Меркантилиствар томонидан илгари сурилган муҳим ғоя - ички бозорда хорижий инвестициялар пайдо бўлишининг олдини олиш эди. Уларга қарама-қарши фикрни классик сиёсий иқтисод мактаби тарафдорлари билдиришди. Бу мактаб намоёндалари меркантилистварнинг тамойилларини кескин танқид қилдилар, миллий иқтисодиётда ҳам, бошқа давлатлар билан ҳам эркин рақобат ва эркин савдо тамойилига амал қилишни илгари суришди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида классик сиёсий иқтисодиётнинг якуний босқичининг ёрқин намоёндаларидан бири К.Маркс эди. У инвестицияларни “жамғариш” тушунчасининг муқобили сифатида қаради ва уларни биринчи навбатда фойда олиш билан боғлади. “Инвестиция” атамасининг шаклланишига иқтисодчи Ж.Кейнс (2011) сезиларли ҳисса қўшди. Кейнснинг фикрига кўра, “инвестициялар” - бу маълум бир даврдаги даромадларнинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми, ушбу даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал активлари қийматининг ҳозирги ўсиши”.

Машҳур “Инвестициялар” дарслигининг муаллифлари В.Ф.Шарп ва бошқалар (2022) таъкидлаганидек, кенг маънода “инвестиция” сўзи: “келажакда катта миқдорни олиш учун бугун пул билан хайрлашиш” маъносини англатади. Шу билан бирга, ушбу муаллифлар инвестиция жараёни билан боғлиқ иккита омилга эътибор беришади: биринчиси вақт, иккинчиси риск. Замонавий адабиётлар ўрганилганда “Инвестиция” атамасининг қуйидаги изоҳларига гувоҳ бўлишимиз мумкин: рус олимларидан Л.И. Юзвович ва бошқалар инвестицияларнинг кўп томонлама хусусиятига асосланиб, инвестицияларнинг иккита таърифи мавжудлигини айтиб ўтишган — иқтисодий ва молиявий. Иқтисодий таърифга кўра, инвестициялар - бу саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси иқтисодиётининг бошқа тармоқларига узоқ муддатли капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган харажатлар мажмуи.

Давлат томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг бир қисми умумий иқтисодий жараённи, экологик вазиятни, ижтимоий соҳани барқарорлаширишга ёки иқтисодий самарадорликни оширишга йўналтирилган техника ва технологияларнинг янги йўналишларини яратишга қаратилган. Бироқ, кучли фирмалар ҳам, трансмиллий корпорациялар ҳам янги технологияни яратиш харажатларини қоплашлари мумкин. Кенг маънода инвестициялар мамлакат иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланишини молиялаштириш учун зарур механизм сифатида хизмат қиласи. Молиявий нуқтаи назардан, яъни барча мулкчилик шаклидаги корхоналар маблағларининг иқтисодий рентабеллиги нуқтаи назаридан инвестиция - бу келажакда даромад олиш учун тадбиркорлик фаолияти объектларига маблағларни киритиш ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан А.Вахабов, Ш.Хажибакиев, Н.Муминов, Д.Фозибеков, Д.Тожибоева, Н.Қўзиева, Г.Махмудовалар томонидан

инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти юзасидан илмий изланишлар олиб борилган ва ўз муносабатларини билдиришган. Жумладан, А.Вахабов, Ш.Хажибакиев, Н.Муминовлар томонидан инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича баён этилган таърифда: “инвестициялар — фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик обьектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли омонатлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий хуқуқлари, интеллектуал бойликлар” деб таърифланган. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида инвестицияларга қуйидагича тариф берилган: “инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари обьектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган хуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуқлар”. Иқтисодиётда инвестициялардан самарали фойдаланиш уларни молиялаштириш билан бевосита боғлиқдир. Инвестицияларни молиялаштириш эса, табиийки, инвестиция фаолияти асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Хозирги кунда Ўзбекистоннинг Давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра, хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисбот бериш тизими йўлга қўйилади”. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” номли учинчи йўналишида 26-мақсад сифатида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш” вазифасининг белгиланишини алоҳида эътироф этиш зарур. Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий ишларига асосланиб бизнинг фикримизча инвестициялар - бу иқтисодиётни ривожлантиришга ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган пул оқимларининг ҳаракатидир. Пул оқимларининг келиши ва уларнинг қўпайиши асосан миллий иқтисодиётда яратилган инвестиция муҳити, шунингдек инвесторнинг давлатга бўлган ишончи билан белгиланади.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали инвестицияларни қўпроқ жалб қилиш мумкин ва натижада улар иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, инновация ишланмаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш, корхоналарни янги технологиялар билан жиҳозлаш, асосий воситаларни янгилаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва давлатнинг жадал иқтисодий ўсишига ёрдам беради.

Корхоналарнинг узоқ муддатли активлари деганда аксарият ҳолларда кўз олдимишга асосий воситалар келади, лекин узоқ муддатли активлар бу фақат асосий воситалардан иборатми деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб жавоб топиш учун молиявий ҳисбот шаклларига мурожаат қилиш кифоя. Молиявий ҳисботнинг “Бухгалтерия баланси” шаклида (миллий стандартартлар бўйича) ёки “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот” шаклида (халқаро стандартлар бўйича) узоқ муддатли активларнинг таркиби батафсил кўрсатилган. Узоқ муддатли активларнинг ҳисоби халқаро амалиётда Молиявий ҳисботнинг халқаро

стандартлари (16-сон IAS) “Асосий воситалар”, (40-сон IAS) “Инвестиция кўчмас мулки” ва бошқа стандартлар билан тартибга солинади.

Таҳлил ва изланиш натижалари шуни кўрсатдики, асосий воситалар ҳисобига бағишлиган тадқиқот ишларини кўплаб учратиш мумкин, лекин инвестициявий кўчмас мулк ҳисобига бағишлиган илмий-тадқиқот ишлари жуда кам учрайди. Айниқса, Ўзбекистонда инвестициявий кўчмас мулк ҳисоби обектлари бўйича тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган.

Инвестициявий кўчмас мулк - бу ер ёки бино (ёки бинонинг бир қисми) бўлиб, улардан ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши ёки ҳар икки мақсад учун мўлжалланган бўлиши лозим. Бундай кўчмас мулк эгаси томонидан ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб турилган бўлиши (балансида актив сифатида акс эттирилган бўлиши) зарур.

Инвестициявий кўчмас мулк тоифасига киритиладиган кўчмас мулк обьектлари *биринчидан*, ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланилмаслиги, *иккинчидан*, улар одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланмаслиги лозим.

Инвестициявий кўчмас мулк таркибида қўйидагиларни киритиш мумкин:

- одатдаги фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун эмас, балки узоқ муддатда капиталнинг қиймати ошиши мақсадида тутиб туриладиган ер;

- келгусида фойдаланиш мақсади ҳозирча ноаниқ бўлган ер. Агарда ташкилот ушбу ердан кўчмас мулк сифатида ўзининг фаолиятида фойдаланмаса ёки одатдаги фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун фойдаланиши белгиланмаган бўлса, бундай ер капитал қийматининг ошиши мақсадида тутиб турилган деб ҳисобланади;

- ташкилотнинг ўз мулки бўлган (ёки ташкилот томонидан тутиб турилган, бинога тегишли фойдаланиш ҳуқуқидаги актив) ва оператив ижара шартномаси асосида ижарага берилган бино;

- ҳозирда бўш турган, лекин оператив ижара шартномаси асосида ижарага беришга мўлжалланган бино;

- келгусида инвестициявий кўчмас мулки сифатида фойдаланиш учун қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўчмас мулк обьектлари.

Умуман олганда, инвестициявий кўчмас мулк обьектларидан ижара тўловларини олиш ёки уларнинг капитал қийматининг ошиши мақсад қилинади. Шунинг учун, инвестициявий кўчмас мулкдан келадиган пул оқимларининг ҳисобини алоҳида юритиш зарур, чунки ташкилотнинг бошқа активларидан келадиган пул оқимлари мавжуд. Бу эса инвестициявий кўчмас мулк билан ташкилот ўзининг фаолиятида фойдаланадиган кўчмас мулкни фарқлашни таққоза қиласди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш жараёни нафақат кўчмас мулкка тегишли бўлган, балки ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш жараёнида фойдаланиладиган бошқа активларга ҳам тегишли бўлган пул оқимларини ҳосил қиласди. Шу сабабли, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти (16-сон IAS) “Асосий воситалар” ташкилотнинг ўз фаолиятида фойдаланадиган кўчмас мулкка нисбатан қўлланади.

Инвестициявий кўчмас мулк таркибида қўйидаги кўчмас мулк обьектлари кирмайди:

- одатдаги фаолият доирасида сотишга мўлжалланган ёки шундай сотиш учун қурилаётган кўчмас мулк, шунингдек яқин келажақда қайта сотиш мақсадида харид қилинган кўчмас мулк;

- келгусида унинг эгаси томонидан фойдаланиш учун тутиб турилган кўчмас мулк, келгусида реконструкция қилиб кейинчалик эгаси фойдаланадиган кўчмас

мулк сифатида фойдаланиш учун тутиб турилган, шунингдек, ходимлар томонидан банд қилинган ва ҳисобдан чиқарилиши кутилаётган кўчмас мулк;

- бошқа ташкилотга молиявий ижарага берилган кўчмас мулк.

Баъзи кўчмас мулклар бир қисми ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши мақсадида ва бошқа қисми ишлаб чиқариш, товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган қисмлардан иборат бўлади. Агар бу қисмлар алоҳида сотилиши (ёки алоҳида-алоҳида молиявий ижарага берилиши) мумкин бўлса, ташкилот ушбу қисмларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олади. Агар бу қисмлар алоҳида сотилиши мумкин бўлмаса, у ҳолда тегишли кўчмас мулк, фақат унинг ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишдаги ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган қисми аҳамиятсиз бўлса, инвестиция кўчмас мулки ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда, ташкилот ўзининг бош ташкилоти ёки бошқа шўъба ташкилотига ижарага берилган ёки улар банд қилиб турган мулкка эгалик қиласди. Бундай кўчмас мулк консолидациялашган молиявий ҳисботда инвестициявий кўчмас мулк сифатида таснифланмайди, чунки у гуруҳ нуқтаи назаридан унинг эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк ҳисобланади. Лекин унга эгалик қиласди ташкилот нуқтаи назаридан, кўчмас мулк инвестиция кўчмас мулки ҳисобланади. Шу сабабли, ижарага берувчи ўзининг индивидуал молиявий ҳисботида кўчмас мулкни инвестициявий кўчмас мулк сифатида акс эттиради.

Инвестициявий кўчмас мулк бухгалтерия ҳисобида қуйидаги мезонларга тўлиқ жавоб берган ҳолларда актив сифатида тан олиниши лозим:

- ташкилотга келгусида мазкур инвестициявий кўчмас мулкдан иқтисодий нафлар келиши эҳтимоли мавжуд бўлса;
- инвестициявий кўчмас мулкнинг қийматини ишончли тарзда баҳолаш мумкин бўлса.

Инвестициявий кўчмас мулк **дастлаб бошланғич қийматда** баҳоланади. Харид қилинган инвестициявий кўчмас мулкнинг бошланғич қиймати унинг харид нархи ва уни харид қилиш билан боғлиқ бўлган бевосита сарфлардан ташкил топади. Бевосита сарфларга инвестициявий кўчмас мулкни харид қилиш жараёнидаги юридик хизматлар учун хақлар, тўланадиган солиқлар ва бошқа сарфларни ўз ичига олади.

Агарда инвестициявий кўчмас мулк, тўловни кечиктириб тўлаш шарти билан харид қилинган бўлса, унинг бошланғич қиймати сотувчига дарҳол тўланиши лозим бўлган пул маблағлари миқдорига teng бўлган эквивалент қийматда баҳоланади. Тўловни кечиктириб тўлаш шарти билан харид қилинган қиймат билан унинг дарҳол тўланган ҳолда харид қилиш қиймати ўртасидаги фарқ фоиз харажатлари сифатида тан олинади.

Демак инвестициявий кўчмас мулк бухгалтерия ҳисобида дастлаб бошланғич қийматда акс эттирилади. Инвестициявий кўчмас мулк бухгалтерия ҳисобида актив сифатида тан олингандан сўнг унинг кейинги қийматини баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициявий кўчмас мулк тан олингандан сўнг у бухгалтерия ҳисобида ҳаққоний қиймати ёки бошланғич қиймати бўйича акс эттирилиши мумкин. Буни ташкилот ўзининг ҳисоб сиёсатида **ҳаққоний қиймат моделини ёки бошланғич қиймат моделини** танлаш орқали амалга оширилади. Ҳисоб сиёсатида қайси модель танланган бўлса ушбу модель ташкилотдаги барча инвестициявий кўчмас мулкларга нисбатан қўллаши лозим бўлади.

Агарда ташкилот ҳаққоний қиймат моделини танлаган бўлса у ўзининг барча инвестициявий кўчмас мулкларини ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши лозим.

Хаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарҳидир. Инвестициявий кўчмас мулкларни ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (13-сон IFRS) “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” тартибга солади.

Инвестициявий кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар у юзага келган даврнинг фойда ёки зарари таркибида тан олиниши зарур.

Агарда ташкилот бошланғич қиймат моделини танлаган бўлса у ўзининг барча инвестициявий кўчмас мулкларини бошланғич қиймат бўйича баҳолаши лозим.

Бошланғич қиймат - активни харид қилиш ёки қурилиши пайтида уни харид қилиш учун тўланган пул маблағлари ёки пул маблағларининг эквивалентлариdir.

Бошланғич қиймат моделини танлаган ташкилот инвестициявий кўчмас мулкини қуидагиларга мувофиқ баҳолаши лозим:

- агар у сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш меъзонига мос келса, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (5-сон IFRS) “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият”га мувофиқ;
- агар ижарачи томонидан фойдаланиш ҳукуқидаги актив сифатида тутиб турилган ва сотиш учун мўлжалланмаган бўлса, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (16-сон IFRS) “Ижара”га мувофиқ;
- бошқа барча ҳолатларда бошланғич қиймат модели бўйича Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (16-сон IAS) “Асосий воситалар”даги талабларга мувофиқ баҳоланади.

Агарда мулқдан фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришлар бўлганда, кўчмас мулкни инвестициявий кўчмас мулкга ёки инвестициявий кўчмас мулкни бошқа тоифадаги кўчмас мулкка ўтказиш зарур. Кўчмас мулк инвестициявий кўчмас мулки таърифига жавоб берганда ёки кейинчалик жавоб бермай қолса ундан фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Инвестициявий кўчмас мулқдан келгусида иқтисодий наф кутилмагандан, инвестициявий кўчмас мулкни тан олиш бекор қилиниши, яъни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқарилиши лозим. Инвестициявий кўчмас мулкни ҳисобдан чиқариш уни сотиш ёки молиявий ижарага бериш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Инвестициявий кўчмас мулкни тугатиш ёки ҳисобдан чиқаришдан юзага келадиган фойда ёки зарарлар уни ҳисобдан чиқаришдан келадиган соф пул маблағлари ва активнинг баланс қиймати орасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Молиявий ҳисоботнинг Изоҳлар қисмида (шаклида) ташкилотлар инвестициявий кўчмас мулкка оид қуидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим: ҳаққоний қиймат модели ёки бошланғич қиймат моделидан қайси бири қўллашини; инвестициявий кўчмас мулкни эгаси фойдаланадиган кўчмас мулқдан ва одатдаги фаолияти доирасида сотиш учун мўлжалланган кўчмас мулқдан фарқлаш учун фойдаланадиган меъзонларни; инвестициявий кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни (агар баҳолаш ўтказилмаган бўлса, ушбу факт ёритиб берилиши лозим); инвестициявий кўчмас мулқдан олинган фойда ёки зарар таркибидаги суммалар; инвестициявий кўчмас мулкнинг сотилиш имконияти ёки ҳисобдан чиқарилишидан даромадлар бўйича чекловларнинг мавжудлиги; инвестициявий кўчмас мулкни сотиб олиш, қуриш ёки таъмирлаш, ҳамда жорий хизмат кўрсатиш бўйича шартномавий мажбуриятлар.

Молиявий ҳисоботнинг Изоҳлар қисмида ушбу маълумотларнинг ёритиб берилиши ташкилотнинг инвестициявий кўчмас мулки тўғрисида тўлиқ ва

батафсил маълумот тақдим қилинишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **4. Хулоса.**

Инвестициявий кўчмас мулк ҳисоби бўйича тадқиқот ишларимиз натижасида хулоса ўрнида ва таклиф сифатида қўйидагиларни таъкидлашни жоиз деб топдик:

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида “инвестициявий кўчмас мулк” тушунчаси мавжуд эмас (қўлланилмайди) ва натижада у бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида қаралмаган;

инвестициявий кўчмас мулк объектлари миллий стандартларга мувофиқ асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади;

молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари инвестициявий кўчмас мулкни ҳисобини алоҳида юритишни таққоза этади ва унга бағишлиланган алоҳида стандарт мавжуд;

ташкilotнинг кўчмас мулкини уч тоифага ажратиш: инвестициявий кўчмас мулк, эгаси фаолиятида фойдаланадиган кўчмас мулк ва сотиш учун мўлжалланган кўчмас мулк, ҳамда уларнинг ҳисобини алоҳида юритишни ташкил қилиш;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботда узоқ муддатли активлар таркибида инвестициявий кўчмас мулкни алоҳида актив сифатида ажратиб кўрсатиш ва уларнинг ҳисобини алоҳида юритиш;

кўчмас мулк объектларини инвестициявий кўчмас мулк сифатида тан олиш учун аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

инвестициявий кўчмас мулк ҳисобини юритиш бўйича алоҳида йўриқнома ёни низом ёки тартиб ёки услубий қўлланма ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисобига оид дарсликларда инвестициявий кўчмас мулк ҳисоби мавзуларини киритиш ва бу орқали кадрларни тайёрлаш.

Умуман олганда, юқорида қайд этилган хулоса ва таклифларнинг амалга оширилиши республикамиизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кўчмас мулк объектларидан фойдаланишга, улардан қўшимча даромад олишга, бухгалтерия ҳисобининг такомиллашувига, молиявий ҳисботда маълумотлар жозибардорлигининг ошишига олиб келади.

#### **Адабиётлар:**

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-598-сон, 2019 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти (40-сон IAS) “Инвестиция кўчмас мулки” (рўйхат рақами 3400, 2022 йил 9 декабрь).

Кейнс, Д. (2011). Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. Litres.

Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бэйли Д.В. (2022) Инвестиции: учебник / пер. с англ. А.Н. Буренина, А.А. Васина. — Москва : ИНФРА-М,— 1028 с.



### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Саиткамолова С.С.  
Тошкент давлат техникауниверситети

**Аннотация.** Ушбу мақола жаҳон миқёсида, шунингдек, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар каби қайта тикланадиган энергия манбаларининг электр энергияси ишлаб чиқаришдаги ҳозирги ҳолати ва истиқболлари ҳақида тўлиқ маълумот беради.

**Калит сўзлар:** Қайта тикланадиган энергия манбалари, глобал электр энергияси ишлаб чиқариш, қуёш энергияси, шамол энергияси, Ўзбекистоннинг энергия салоҳияти, иссиқхона газлари эмиссияси, энергетика сиёсати

**Аннотация.** В данной статье представлен всесторонний обзор текущего состояния и будущих перспектив использования возобновляемых источников энергии в производстве электроэнергии, как в мире, так и в Узбекистане и зарубежных странах.

**Ключевые слова:** возобновляемые источники энергии, глобальное производство электроэнергии, солнечная энергия, ветроэнергетика, энергетический потенциал Узбекистана, выбросы парниковых газов, энергетическая политика.

**Abstract.** This article provides a comprehensive overview of the current state and future prospects of renewable energy sources in electricity production, both globally and like Uzbekistan and foreign countries.

**Keywords:** Renewable Energy Sources, Global Electricity Production, Solar Energy, Wind Energy, Uzbekistan Energy Potential, Greenhouse Gas Emissions, Energy Policy.

#### 1. Кириш.

Бугунги кунда энергетика соҳаси исталган мамлакат тараққиётининг асосларидан бири ҳисобланадиган соҳалардан биридир. Ўзбекистон ўз энергетик ресурслари ҳисобидан эҳтиёжларини тўлиқ таъминловчи мамлакатлар қаторига киради. Марказий Осиё бирлашган энергетика тизимидаги электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларининг салмоқли ҳиссаси мамлакатимизга тегишилдири. Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг қулай ҳаёт кечириши, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий та’минот, коммунал ҳўжаликнинг мўтадил фаолияти учун имкониятлар айнан шу соҳада яратилади. Аммо бугун соҳани бозор иқтисодиёти йўлига ўтказмай туриб, улкан энергетика инфратузилмасини ишчан ҳолатда сақлаб туриш, боз устига, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мушқул. Фақатгина электр станциялар, электр тармоқлари ва энергетика инфратузилмасининг ўзга муқобилларини қуриш ва ишлатиш борасида энг замонавий ютуқларни қўллабгина қўйилган мақсадларга эришиш мумкин.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун маълум шартлар зарур. Шундай қилиб, В.В.Пушкин (2003) тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни тўрт гурухга ажратди: ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий.

А.Маршалл (1993) самарадорликни ошиши тадбиркорлик фаолиятидаги ресурслар билан боғлиқлигини таъкидлайди: "...тадбиркорлар ишлаб чиқаришнинг у ёки бу ресурсларини доимий равишда турли янгиликларни ёки бошқа ишлаб чиқариш омилларини синовлардан ўтказиб кўришади ва улардан ўзлари учун енг фойдалисини амалда қўллашади".

Ўзбекистонлик олимлардан иқтисодий самарадорликнинг назарий ва амалий масалаларига оид кўплаб олимлар ўз тадқиқотларини бағишлиланган. Хусусан, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов (2007) каби етакчи олимларимиз ўз илмий изланишлари натижасида "Самарадорлик-бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижা билан якунланганини ифодалайди" деб изоҳ беради.

Шунингдек, бу олимлар томонидан "иқтисодий самарадорлик" тушунчалари атрофлича ўрганилган ва қуидагича изоҳланган: "иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий нематлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий нематлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида маълум харажатлар қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади" деб изоҳланади (Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, 2005).

Қ.Х.Абдураҳмонов (2001) "Ҳар қандай фаолият туридаги самарадорлик пировард натидажа маҳсулот ёки хизматлар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт билан ўлчанади, бунда маҳсулот ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга катта эътибор берилади".

А.Ўлмасовнинг (2006) фикрича, "Самарадорлик бу кўрсатилган хизматларнинг провард натижасига караб белгиланади ва бу натижা қилинган ҳаражатлари билан таққосланиши шарт. Бу ерда пировард натижা - бу хизматларнинг пулда ҳисобланган қиймати.

А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг (2014) фикрича, "самарадорлик – ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижани таққослашни билдиради, яъни нима сарфлаб нимага эришилганлигини кўрсатади. Самарадорлик аниқланганда яратилган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати билан ресурсларнинг сарфи таққосланади".

И.Қ.Ражабов (2006) фикрича, "Самарадорлик тушунчаси бу ишлаб чиқариш жараёни пировард натижаларини ўзида акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич сифатида тушунилиши лозим. Иқтисодий самарадорлик моҳияти нафақат ишлаб чиқариш натижалари ва ҳаражатлар ўртасидаги арифметик рақамлар билан, балки фойдали натижаларга эришиш йўлида ҳаражатлар миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, тақсимот ва айирбошлаш муносабатлари орқали ифодаланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳаражатлар ва натижалар ўртасидаги арифметик нисбатгина бўлмасдан, балки ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи иқтисодий атама..." ҳисобланади.

## 3. Таҳлил ва натижалар.

Бугун мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмида қайта тикланадиган энергия манбаларининг улуши 10 фоизни ташкил этади, қолган 90 фоизи анъянавий манбалардан ишлаб чиқарилмоқда.

2021 йилда барча ишлаб чиқариш турлари бўйича жами электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбаларининг улуши 38 фоизни ташкил этди (2019 йилда 27 фоиз, 2020 йилда 29 фоиз). 2021 йилда қувват ўсишининг асосий улуши қуёш энергияси (19%) , шамол энергияси эса иккинчи ўринда (13%) та'минланди . Натижада қуёш ва шамол энергиясининг жаҳон электр энергияси ишлаб чиқаришдаги улуши 10 фоизга етди.

ИЕА прогнозларига кўра, 2022 йилда дунёда қайта тикланадиган энергия манбаларининг асосий ўсиши қуёш энергиясидан олинади - 60% ёки 190 ГВт (2021 йилга нисбатан 25% га ўсиш) . Тахминан чорак қисми қуруқлиқдаги шамол электр станцияларига тўғри келади (*денгиз қирғоғида қурилаётган денгиз қурилмалари бундан мустасно*).

2021 йил охирида қайта тикланадиган энергия манбаларининг электр энергияси ишлаб чиқаришдаги улуши 50% дан юқори бўлган етакчи давлатлар қаторига қўйидагилар киради: Норвегия (қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинадиган электр энергиясининг 99%) , Исландия (99%) , Шотландия (98%) , Янги Зеландия (80,9%) , Бразилия (78,4%) , Колумбия (74,5%) , Канада (68%) , Швеция (67%) ва Португалия (65,5%).

Қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ҳақида гапирганда, мамлакатимизда йилига 320 га яқин қуёшли кунлар бўлганлиги сабабли Ўзбекистонда фотоэлектр станциялари айниқса катта истиқболга эга эканлигини та'кидлаш лозим . Ўзбекистон Халқаро қуёш энергияси институти Ўзбекистонда қуёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқаришнинг техник салоҳиятини 3000 ГВт дан ортиқ деб баҳолади, бу эса 2050 йилга бориб электр энергиясига бўлган прогноз талабидан сезиларли даражада ошади.

Қайта тикланадиган энергетика соҳасига хорижий капитал фаол жалб этилаётганини таъкидлаш лозим. Шундай қилиб, 2021-йилда Самарқанд вилоятида йилига 252 миллион кВт/соат қувватга эга 100 МВт қувватга эга биринчи саноат қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди, бу ҳам 80 миллион куб метр табиий газни тежаш ва 160 минг тонна иссиқхона газларини атмосферага чиқишининг олдини олади.

Дунё мамлакатлари электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қўйидаги гурухларга бўлинади: биринчи гуруҳ мамлакатларига, асосан, иссиқлик электр станциялари орқали электр энергиясини ишлаб чиқарувчи - Россия Федерацияси, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари киради. Улар электр энергиясини ишлаб чиқаришда, асосан, табиий газ, мазут ва кўмирдан фойдаланишади; иккинчи гурухга мамлакатларига - Хитой, Австралия, Мексика, Руминия, Голландия ва Польша давлатлари киради, улар электр энергиясини ишлаб чиқаришда, асосан, табиий газдан фойдаланишади; учинчи гуруҳ мамлакатларига - Гондурас, Колумбия, Кения, Бразилия, Янги Зеландия, Австрия ва Парагвай давлатлари киради. Улар, асосан электр энергиясини ГЭС (гидроэлектростанциялар)лари орқали ишлаб чиқаришади. тўртинчى гуруҳ мамлакатларига - Япония, Франция ва Бельгия давлатлари киради. Улар электр энергиясини асосан атом энергетикасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарадилар. Бугунги кунда дунёда электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича Хитой, АҚШ, Россия Федерацияси ва Бразилия давлатлари етакчилик қиласди.

Хитой тажрибаси бўйича фаолият юритаётган Венгрия Европа Иттифоқи аъзоси сифатида иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбалари улушини оширишни мақсад қилган. Венгрия учун қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш қўйидагиларни англатади:

атмосферага иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш;  
энергия манбаларини диверсификация қилиш;  
қазиб олинадиган ёқилғи бозорига қарамликни камайтириш;

мазкур соҳада янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини рағбатлантириш.

Шунга қарамай, қайта тикланадиган энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқариш Венгрияда ривожланаётган соҳадир.

Шу пайтгача анъанавий энергия манбалари аҳоли ва тадбиркорликни энергия, жумладан, атом энергияси ва газ билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 73,7% дан ортиғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Венгрияning 2021 йилги электр энергиясини тақсимлаш статистикаси 1-диаграммада кўрсатилган манбалар бўйича нефт ва газ каби манбалар пасайиш тенденциясини кўрсатса-да, мамлакат қайта тикланадиган энергия манбаларидан, жумладан биоёқилғи ва қуёш энергиясидан тобора кўпроқ фойдаланмоқда.

Энергетика ва коммунал хизматларни назорат қилувчи орган ма'лумотларига кўра, қайта тикланадиган энергия электр энергияси ишлаб чиқаришнинг атиги 19,2 фоизини ташкил этди. 2021 йилда қайта тикланадиган энергиянинг асосий қисми қуёш энергиясидан - 55,2%, шамол энергиясидан - 25,9% ва биомассадан - 9,5% га тўғри келди.

Шуни таъкидлаш керакки, қуёш энергияси бозори бугунги кунда Венгрияда қайта тикланадиган энергиянинг энг йирик манбаи ҳисобланади. Топографиянинг этарли эмаслиги сабабли Венгрияда гидроенергетика ҳаётий энергия варианти эмас. Айниқса, Виктор Орбан хукуматининг аҳоли пунктларидан 12 км радиусда шамол турбиналарини қуришни тақиқлаганини ҳисобга олсан, шамол энергияси ҳам мос вариант эмас. Шундай қилиб, қуёш энергияси бугунги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилган умумий электр энергиясининг 10,6% ни ташкил қиласди (А.Н.Захаров, 2022).

Венгрияда чиқинидан энергия ишлаб чиқарадиган заводлар кам, аммо пойттахт Будапештда катта қувватга эга бўлган ва марказий иситиш ва электр энергияси учун буғ ишлаб чиқарадиган коммунал чиқиндиларни энергияга айлантирувчи завод мавжуд.

Бундан ташқари, Венгрияда бир нечта геотермал лойиҳалар мавжуд бўлиб, улар аллақачон ишламоқда ёки ишлаб чиқилмоқда, одатда кичик ёки ўрта шаҳарларда мунитсипал ҳудудлар ва жамоат биноларини иссиқлик билан та'минлаш учун. Венгрия муҳим геотермал энергия салоҳиятига эга, гарчи бу захиралар одатда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун эмас, балки иситиш учун ишлатилади.

Статистикага кўра, 2022 йил охирига келиб, жами 25 та миллий, АҚШ, Ҳиндистон, Бангладеш ва субмиллий, минтақавий ва штат юрисдикциялари қишлоқ хўжалиги учун қайта тикланадиган энергия сиёсатини, шу жумладан фискал, молиявий ва бошқа сиёsat ва дастурларни ишлаб чиқди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидағи нутқида та'кидлаганидек, жорий йилнинг ўзида бутун республика бўйлаб икки минг мегаваттдан ортиқ, келаси йилда эса саккиз минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланадиган энергия қуввати барпо этилади. Умуман олганда, 2030 йилгача қайта тикланадиган манбалардан электр энергияси ишлаб чиқариш улушини умумий истеъмолнинг 30 фоизигача ошириш режалаштирилган.

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир соҳада замонавий услуг ва технологияларини жорий этиш республиканинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мустаҳкам пойdevor бўлади.

Дунё мамлакатлари электр энергия ишлаб чиқарилиши кўрсаткичларини ийлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсан, Европа Иттилоғи мамлакатлари

мисолида Франция ва Германияда 1990-2022 йиллар давомида камайган, Италияда эса бироз кўпайган. МДХ мамлакатларидан Қозоғистон, Россия ва юртимизда электр энергия ишлаб чиқарилиш кўпайган. Шимолий Америка қитъаси мамлакатлари Канадада 2 баробарга ошган ва АҚШда деярли 1,4 баробарга кўпайган. Лотин Америкаси давлатларидан кўрадиган бўлсак, Бразилияда 3 баробарга ошган бўлса, Мексикада бир мунча камайган, Осиё мамлакатларидан Хитой ва Ҳиндистонда 3 баробарга, Жанубий Кореяда 2 баробарга ошган булса, Японияда 0,6 баробарга етган. Бундан ташқари бу жадвалда Тинч океани ҳавзасида жойлашган Австралияда хам энергия ишлаб чиқарилиши 3 баробарга ошган, Африка мамлакатларидан Нигерия ва Жанубий Африкада 1,2-1,5 баробарга купайган, шунингдек Яқин Шарқ мамлакатларидан Эрон ва Саудия Арабистонида 1,9 баробарга ошган.

### 1-жадвал

#### Дунё мамлакатлари электр энергия ишлаб чиқарилиши кўрсаткичлари<sup>1</sup>

| Номи                   | 1990  | 1995  | 2000  | 2005  | 2010  | 2015  | 2020  | 2021  | 2022  |
|------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| <b>Европа Иттифоқи</b> |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Франция                | 111   | 127   | 130   | 137   | 135   | 139   | 120   | 127   | 105   |
| Германия               | 187   | 145   | 136   | 138   | 132   | 120   | 97    | 102   | 96    |
| Италия                 | 25    | 30    | 28    | 31    | 34    | 37    | 35    | 34    | 33    |
| <b>МДХ</b>             |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Қозоғистон             | 91    | 64    | 79    | 119   | 157   | 145   | 159   | 157   | 156   |
| Россия                 | 1 293 | 967   | 978   | 1 203 | 1 279 | 1 334 | 1 430 | 1 522 | 1 455 |
| Украина                | 136   | 82    | 76    | 79    | 77    | 64    | 57    | 59    | 50    |
| Ўзбекистон             | 39    | 45    | 50    | 52    | 54    | 45    | 45    | 49    | 47    |
| <b>Шимолий Америка</b> |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Канада                 | 276   | 352   | 375   | 401   | 398   | 471   | 519   | 537   | 557   |
| АҚШ                    | 1 647 | 1 654 | 1 662 | 1 631 | 1 724 | 2 028 | 2 167 | 2 195 | 2 322 |
| <b>Лотин Америкаси</b> |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Бразилия               | 105   | 113   | 148   | 196   | 248   | 279   | 323   | 316   | 340   |
| Мексика                | 196   | 204   | 229   | 264   | 223   | 190   | 148   | 145   | 147   |
| <b>Осиё</b>            |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Хитой                  | 881   | 1 065 | 1 124 | 1 671 | 2 236 | 2 506 | 2 805 | 2 948 | 3 112 |
| Ҳиндистон              | 255   | 299   | 328   | 377   | 470   | 527   | 568   | 605   | 653   |
| Япония                 | 76    | 99    | 106   | 104   | 103   | 33    | 45    | 55    | 52    |
| Жанубий Корея          | 22    | 21    | 34    | 43    | 45    | 51    | 53    | 53    | 58    |
| <b>Тинч океани</b>     |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Австралия              | 158   | 187   | 234   | 265   | 323   | 383   | 453   | 425   | 438   |
| <b>Африка</b>          |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Нигерия                | 146   | 165   | 198   | 234   | 254   | 255   | 238   | 229   | 219   |
| Жанубий Африка         | 115   | 135   | 144   | 153   | 157   | 156   | 151   | 141   | 139   |
| <b>Яқин Шарқ</b>       |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Эрон                   | 188   | 238   | 254   | 311   | 342   | 323   | 330   | 357   | 370   |
| Саудия Арабистони      | 368   | 464   | 477   | 571   | 531   | 649   | 609   | 611   | 700   |

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/topics/1728/ocean-shipping/#editorsPicks>

Умумий энергия истеъмоли бўйича дунё мамлакатларини йиллар кесимида кўрилса, Европа Иттифоқи мамлакатларининг энергия истеъмоли бир мунча кўрсаткичга камайгани, МДҲ мамлакатларидағи ўзгаришлар йиллар давомида кўпайиб, камайиб охирги йилларда 20 йил олдинги кўрсаткичга тенглашганини кўриш мумкин. Шимолий Америка давлатларида энергия истеъмоли бир мунча кўпайган, Лотин Америкаси давлатларидан Бразилияда деярли 2 баробарга, Мексикада эса 1,3 баробарга кўпайган. Осиё мамлакатлари кесимида кўрадиган бўлсак, Хитой, Ҳиндистон ҳамда Жанубий Кореяда йиллик энергия истеъмоли 1990 йилга қараганда деярли беш баробарга кўпайган, Японияда эса деярли ўзгармаган, Тинч океани мамлакатларидан бўлмиш Австралияда энергия истеъмоли 1,6 баробарга ошган, Африка давлатларидан Нигерияники 3 баробарга ва Жанубий Африканинг энергия истеъмоли 1,7 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Яқин Шарқ мамлакатларидан Эрон ва Саудия Арабистонини йиллик энергия истеъмоли 1990-2022 йилларда беш баробар ошган.

## 2-жадвал

### Умумий энергия истеъмоли<sup>2</sup>

| Номи                   | 1990  | 1995  | 2000  | 2005  | 2010  | 2015  | 2020  | 2021  | 2022  |
|------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| <b>Европа Иттифоқи</b> |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Франция                | 224   | 239   | 254   | 272   | 263   | 252   | 218   | 234   | 212   |
| Германия               | 352   | 337   | 337   | 339   | 330   | 309   | 279   | 288   | 270   |
| Италия                 | 146   | 159   | 172   | 187   | 174   | 153   | 138   | 150   | 145   |
| <b>МДҲ</b>             |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Қозогистон             | 73    | 52    | 36    | 51    | 69    | 55    | 66    | 70    | 71    |
| Россия                 | 880   | 637   | 620   | 653   | 695   | 695   | 762   | 826   | 822   |
| Украина                | 251   | 164   | 134   | 141   | 131   | 93    | 86    | 91    | 65    |
| Ўзбекистон             | 47    | 39    | 46    | 44    | 45    | 36    | 45    | 50    | 47    |
| <b>Шимолий Америка</b> |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Канада                 | 211   | 234   | 254   | 273   | 260   | 278   | 284   | 289   | 300   |
| АҚШ                    | 1 911 | 2 064 | 2 270 | 2 318 | 2 216 | 2 192 | 2 045 | 2 145 | 2 182 |
| <b>Лотин Америкаси</b> |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Бразилия               | 141   | 162   | 188   | 217   | 268   | 299   | 288   | 301   | 308   |
| Мексика                | 124   | 132   | 151   | 181   | 179   | 185   | 174   | 183   | 188   |
| <b>Осиё</b>            |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Хитой                  | 874   | 1 045 | 1 133 | 1 782 | 2 536 | 3 001 | 3 507 | 3 689 | 3 801 |
| Ҳиндистон              | 280   | 347   | 418   | 491   | 667   | 824   | 872   | 936   | 1 005 |
| Япония                 | 439   | 494   | 518   | 522   | 501   | 434   | 387   | 404   | 400   |
| Жанубий Корея          | 93    | 145   | 187   | 210   | 250   | 273   | 276   | 292   | 294   |
| <b>Тинч океани</b>     |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Австралия              | 87    | 94    | 108   | 113   | 126   | 127   | 131   | 128   | 129   |
| <b>Африка</b>          |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Нигерия                | 66    | 73    | 87    | 105   | 127   | 144   | 159   | 165   | 167   |
| Жанубий Африка         | 95    | 109   | 117   | 125   | 140   | 137   | 132   | 128   | 122   |
| <b>Яқин Шарқ</b>       |       |       |       |       |       |       |       |       |       |
| Эрон                   | 69    | 101   | 123   | 173   | 204   | 238   | 264   | 271   | 276   |
| Саудия Арабистони      | 58    | 84    | 107   | 129   | 194   | 234   | 230   | 234   | 254   |

<sup>2</sup> <https://www.statista.com/topics/1728/ocean-shipping/#editorsPicks>

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

#### **4. Хулоса.**

Ушбу мақолада келтирилган глобал электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш моделларини ҳар томонлама таҳлил қилиш энергетика секторининг динамик хусусиятини таъкидлайди. У қайта тикланадиган энергия манбаларига, хусусан, қуёш ва шамол энергиясига нисбатан сезиларли силжишини билдиради, чунки мамлакатлар иссиқхона газлари чиқиндилирини камайтириш ва энергия портфелларини диверсификация қилишни мақсад қилган. Тақдим этилган маълумотлар турли минтақаларда қайта тикланадиган энергияни қўллаш босқичма-босқич, аммо барқарор ўсиб бораётганини, Венгрия ва Ўзбекистон каби мамлакатларда сезиларли ютуқларга эришганини кўрсатади.

Венгрия, сув ва шамол энергияси учун топографик чекловларга қарамай, қуёш энергиясида сезиларли ўсишни кўрсатди, ҳозирда мамлакатда қайта тикланадиган энергиянинг энг катта манбаи. Ўзбекистон қуёшли кунларнинг мўл-кўл географик афзалликларидан фойдаланиб, қуёш энергетикаси имкониятларини кенгаймоқда. Глобал тенденция технологик тараққиёт ва атроф-муҳит муаммолари туфайли қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишни оширишга қаратилган.

Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, қуийдаги хулосалар шакллантирилди:

Қайта тикланадиган энергияга инвестициялар: Мамлакатлар келажақдаги энергия эҳтиёжларини барқарор қондириш учун қайта тикланадиган энергия технологияларига, хусусан, қуёш ва шамол энергиясига сармоя киритишда давом этишлари керак.

Технологик инновациялар ва тадқиқотлар: Қайта тикланадиган энергия технологиялари соҳасида доимий тадқиқот ва ишланмалар жуда муҳимдир. Бу қайта тикланадиган энергия тизимларининг самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтиришга ёрдам беради.

Давлат-хусусий шериклиги: қайта тикланадиган энергия лойиҳаларига инвестицияларни жалб қилиш учун давлат-хусусий шериклигини рағбатлантириш. Бундай ҳамкорликлар молиялаштириш, инновациялар ва амалга оширишда иккала секторнинг кучли томонларидан фойдаланиши мумкин.

Маҳаллий шароитларга мослашиш: Қайта тикланадиган энергия стратегияларини маҳаллий экологик, иқтисодий ва ижтимоий шароитларга мослаштириш. Бу жуғрофий афзалликлар ва чекловларни ҳисобга олишни ўз ичига олади.

Энергия манбаларини диверсификация қилиш: Ҳар қандай ягона манбага қарамликни камайтириш учун энергия манбаларини диверсификация қилиш, шу билан энергия хавфсизлиги ва барқарорлигини ошириш.

Ушбу тавсияларни амалга ошириш орқали мамлақатимиз янада барқарор ва экологик тоза энергия келажагига эришиш йўлида муҳим қадамлар қўйиши мумкин. Қайта тикланадиган энергетикага ўтиш нафақат экологик талаб, балки иқтисодий ўсиш ва инновациялар учун имкониятдир.

#### **Адабиётлар:**

Абдукаримов Б.А., Жабриев А.Н., Пардаев М.Қ. (2005) “Корхона иқтисодиёти”-Т.: “ФАН” нашриёти.

- Абдураҳмонов Қ.Х. (2001) “Мехнат иқтисодиёти ва социология”-“Ўқитувчи” нашриёти. -786.
- Захаров А.Н. (2022) Развитие альтернативной энергетики в Венгрии с учетом зарубежного опыта (на примере Китая). «Neftegaz.RU» (№8, Август)
- Маршалл А. (1993) Принципы экономической науки. М., Т. 3. С. 81.
- Пушкин В.В. (2003) Проблемы повышения эффективности сельскохозяйственного производства в предприятиях различных форм собственности и хозяйствования/ М.: АгриПресс, - 223 с.
- Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. (2007) Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили СамИСИ. 154 б.
- Ражабов И. Қ. (2006) Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги. Дис. иқтисод фанлари доктори. Т. 11бет.
- Ўлмасов А., Вахобов А. (2006) “Иқтисодиёт назарияси” –Т.:”Шарқ” нашриёт-матб баа акциядорлик компанияси.
- Ўлмасов А., Вахобов А. (2014) “Иқтисодиёт назарияси” Тошкент “Иқтисод-молия”, 32-бет.



### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА НА РЫНКЕ БАНКОВСКИХ УСЛУГ

Султонов Ш.И.  
АҚБ «Узсаноатқурилишбанк»

**Аннотация.** В данном статье рассматривается трансформация банковской индустрии в связи с внедрением цифровых технологий и развитием мобильного банкинга. Освещаются ключевые этапы развития интернет-банкинга, роль мобильного банкинга в современной банковской деятельности, а также анализируются исследования и рейтинги мобильных банковских приложений, проведенные независимыми агентствами.

**Ключевые слова:** цифровой маркетинг, интернет-банкинг, мобильный банкинг, развитие технологий, пользовательский опыт (UX), маркетинговые исследования, трансформация банковских услуг

**Annotatsiya.** Ushbu maqola raqamli texnologiyalarni joriy etish va mobil bankingni rivojlantirish munosabati bilan bank sanoatining o'zgarishini ko'rib chiqadi. Internet-banking rivojining asosiy bosqichlari, zamonaviy bank faoliyatida mobil bankingning o'rni yoritilib, mustaqil agentliklar tomonidan mobil banking ilovalari bo'yicha olib borilayotgan tadqiqotlar va reytinglar ham tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** raqamli marketing, internet-banking, mobil banking, texnologiyani rivojlantirish, foydalanuvchi tajribasi (UX), marketing tadqiqotlari, bank xizmatlarini o'zgartirish

**Abstract.** This article examines the transformation of the banking industry in connection with the introduction of digital technologies and the development of mobile banking. The key stages in the development of Internet banking, the role of mobile banking in modern banking are highlighted, and studies and ratings of mobile banking applications conducted by independent agencies are also analyzed.

**Keywords:** digital marketing, internet banking, mobile banking, technology development, user experience (UX), market research, transformation of banking services

#### 1. Введение.

В современном мире цифровые технологии играют важную роль в различных секторах экономики, в том числе в банковской сфере. Развитие цифрового маркетинга открывает новые возможности для банков и финансовых учреждений в улучшении и расширении их услуг. Статья "Банк хизматлари бозорида рақамли маркетинг технологияларидан фойдаланишини такомиллаштириш" посвящена анализу текущего состояния и перспектив применения цифровых маркетинговых технологий в банковской сфере.

Основная цель статьи - исследовать, как цифровые маркетинговые технологии могут способствовать развитию банковских услуг, повышению их качества и удобства для клиентов. Статья рассматривает различные аспекты цифрового маркетинга, включая онлайн рекламу, социальные сети, мобильный маркетинг, поисковую оптимизацию и маркетинговую аналитику, а также их влияние на поведение потребителей и эффективность банковских услуг.

В статье также обсуждаются вызовы и проблемы, с которыми сталкиваются банки при интеграции цифровых маркетинговых стратегий, а также предлагаются рекомендации по их преодолению. Особое внимание уделяется анализу успешных практик и кейсов, демонстрирующих, как инновационные цифровые маркетинговые подходы могут способствовать улучшению взаимодействия с клиентами и увеличению лояльности к бренду.

Цель статьи - не только предоставить обзор существующих тенденций и подходов в области цифрового маркетинга в банковской сфере, но и способствовать развитию и реализации более эффективных и инновационных стратегий в этой области. Статья предназначена для профессионалов в сфере банковских услуг, маркетологов, а также для исследователей, изучающих влияние цифровых технологий на экономику и бизнес.

## **2. Литературный обзор.**

Важность цифрового маркетинга в банковской сфере обусловлена стремительным развитием технологий и изменением потребительских предпочтений. В рамках литературного обзора рассматриваются ключевые исследования и публикации, посвященные применению цифровых маркетинговых технологий в банковских услугах.

Исследования, такие как работа Шмидта и др. (2019), подчеркивают, как банки адаптируются к цифровой экономике, внедряя инновационные маркетинговые подходы для привлечения и удержания клиентов.

Исследования Ахмеда и др. (2020) анализируют, как банки используют социальные сети для взаимодействия с клиентами, улучшения имиджа и расширения клиентской базы.

Работы, такие как исследование Брауна (2018), освещают роль мобильных технологий в банковском маркетинге, особенно в контексте развития банковских приложений и удобства их использования клиентами.

Авторы, включая Ли и др. (2021), исследуют, как анализ больших данных и прогнозные аналитические инструменты могут помочь банкам лучше понимать потребности клиентов и повышать эффективность маркетинговых кампаний.

Исследования, такие как работа Кумара и др. (2019), рассматривают, как цифровые технологии влияют на потребительское поведение и принятие решений в сфере банковских услуг.

Примеры успешных цифровых маркетинговых стратегий в банковской сфере представлены в исследованиях, например, в работе Нгуена и др. (2018), демонстрирующих эффективные практики внедрения инновационных подходов.

Этот литературный обзор показывает, что цифровой маркетинг представляет собой динамичное и быстро развивающееся поле в контексте банковских услуг.

## **3. Анализ и результаты.**

Банковская индустрия претерпела значительные изменения с появлением интернет-банкинга. Функционал банка больше не ограничен представлениями о стандартных отделениях, которые необходимо посещать лично, для проведения операций снятия наличных средств со счета, запроса чека, получения выписок,

открытия вкладов или перевода средств. Современный интернетбанкинг позволяет обрабатывать любые запросы и транзакции онлайн, без физического посещения офиса банка, в любое время.

Основываясь на фактах истории развития цифровых технологий банковского сектора, эксперты банковской отрасли выделяют пять основных этапов развития интернет-банкинга.

Настоящим прорывом в деятельности digital-маркетинга банковской сферы стало создание мобильного банкинга. Сегодня эта технология обретает все больший функционал, стремительно развиваясь. Данный факт связан с большой популярностью среди пользователей- клиентов банков. Упрощение клиентского опыта UX (user experience) предполагает разработку функций голосовых и виртуальных помощников, возможности доставки банковских карт на дом.

Что касается увеличения функционала приложений, то независимое агентство мобильного маркетинга «Go Mobile» на протяжении последних пяти лет проводит исследования рынка мобильного банкинга. Исследование проводится по четырем ключевым направлениям: возможности и функционал приложений, продвижение в Digital, ASO, адаптация к нововведениям.

**Таблица 1**  
**Трансформация маркетинговой деятельности банков на рынке банковских продуктов и услуг**

|                            |  |
|----------------------------|--|
| Традиционный банк          | Банковские сервисы   |
| Market Place               | Банковские и небанковские услуги                             |
| Экосистема                 | Банковские и небанковские услуги, платежные технологии, SSO+ |
| Выход из интернет-банкинга | Продажа услуг на внешних площадках                           |

На текущий момент банки активно используют технологии единой однократной аутентификации (SSO), возрастает число автоматизированных бизнеспроцессов. Перспективной технологией по-прежнему остается привязка UX (user experience), что дословно переводится как «пользовательский опыт». В большей степени это конкуренция банков в разработке наиболее доступного и удобного интерфейса приложений и сайтов, их функциональности и навигации.

Цифровые технологии и мобильные приложения коммерческих банков становятся популярными и совершенствуются в Узбекистане, как это происходит на рынке технологий цифрового маркетинга на мировом рынке банковских услуг.

Исследователи Markswebb выяснили, как 10 самых популярных мобильных банков для частных клиентов решают финансовые проблемы и получают конкурентное преимущество на быстро развивающемся рынке Узбекистана.

Приложения Банка Апельсин, Click и TBC Bank Узбекистан были признаны наиболее удобными мобильными банками для пользователей. Оценка по шкале от 0 до 100 баллов показывает, насколько полно и удобно мобильный банк помогает частным клиентам управлять своими личными финансами.

Приложения зарубежных цифровых банковских и платежных систем вошли в тройку лидеров по качеству клиентского опыта в Узбекистане.

Банк Апельсин — полностью цифровой банкинг в платежной системе. Приложение позволяет оплачивать практически все услуги, есть удобные подписки на аккаунты и гибкие настройки продукта. Есть возможность установить лимит на снятие наличных, изменить ПИН-код, подключить и отключить карту к НУМОРай, настроить push-уведомления.

**Таблица 2****Рейтинг мобильного банкинга Узбекистана 2022<sup>1</sup>**

| Позиция | Банк                | Рейтинг |
|---------|---------------------|---------|
| 1.      | Bank Apelsin        | 47,7    |
| 2.      | Click               | 44,3    |
| 3.      | TBC Bank Uzbekistan | 43,5    |
| 4.      | Ipak Yo'li Bank     | 41,8    |
| 5.      | NBU                 | 40,3    |
| 6.      | Anorbank            | 37      |
| 7.      | Invest Finence Bank | 36,5    |
| 8.      | AgroBank            | 35,1    |
| 9.      | Ipoteka Bank        | 25,5    |
| 10.     | Xalq Banki          | 22,4    |

Действует разветвленная система поддержки: вы можете связаться с центром обслуживания клиентов и задать вопросы в чате приложения 24/7.

Для укрепления своего лидерства на рынке Orange Bank необходимо повысить удобство истории транзакций, разработать процесс входа в приложение клиента и задачи цифрового офиса, создать возможность оформления кредитов и управления информацией о клиентах в приложении.

Клик – удобные переводы, но без цифрового офиса. Его отличают широкие возможности денежных переводов. Он позволяет осуществлять денежные переводы в любой банк через единую форму. Пополнить карту можно с карты, подключенной к HUMOPay.

Управление собственными средствами осуществляется удобно: отдельная форма для перевода денег между личными счетами, возможность обмена валюты. Есть переводы на погашение долгов большинству банков и МФО.

При этом у него меньше возможностей, чем у лидера, по вспомогательным задачам — настройке продукта, экспорту реквизитов, управлению данными о клиентах.

TBC Bank Узбекистан — цифровой банк, предлагающий комплексный опыт. Приложение обеспечивает качественный клиентский опыт, выполняя при этом дополнительные задачи: быстро узнавать условия обслуживания, находить необходимую информацию из истории транзакций, быстро и легко управлять личными продуктами.

В приложение удобно впервые войти по номеру телефона или карте. Последующие входы в систему можно настроить с помощью короткого кода или Touch ID.

Удобная навигация, дебетовые карты легко идентифицируются по дизайну. В шаблонах есть разные виды платежей, у провайдеров есть логотипы.

Отсутствие выбора денежных переводов является недостатком: нет возможности перевести деньги на электронный кошелек, оплатить долги в других банках, оплатить штрафы ГИБДД и МФО, функцию сбора средств и образовательные услуги. без платы за. Приложение не показывает банкоматы и отделения банков.

<sup>1</sup> <https://depozit.uz/news/mobil-banklar-reytingi-elon-qilindi>

**Таблица 3****Рейтинг мобильных приложений по итогам 2020 года<sup>2</sup>**

| <b>Позиция</b> | <b>Название мобильного приложения</b> | <b>Банк</b>           | <b>Рейтинг</b> |
|----------------|---------------------------------------|-----------------------|----------------|
| 1.             | Apelsin                               | Uzum Bank             | 140,16         |
| 2.             | Ipak Yo'li Mobile                     | Ipak yo'li bank       | 130,09         |
| 3.             | Milliy                                | TIF Milliy banki      | 117,76         |
| 4.             | Zoomrad                               | Aloqabank             | 117,16         |
| 5.             | Joyda                                 | Uzsanoatqurilishbank  | 114,72         |
| 6.             | Infinbank                             | InfinBank             | 112,49         |
| 7.             | AgroBank Mobile                       | AgroBank              | 100            |
| 8.             | My Alliance                           | Asia Alliance Bank    | 98,84          |
| 9.             | Quant                                 | Qishloq qurilish bank | 95,41          |
| 10.            | Xalq Mobile                           | Xalq banki            | 94,79          |

Если посмотреть на данные 2021 года, то по итогам 2020 года в число приложений, которые совершенствуются, входят мобильные приложения Узум Банка, Ипак Ёли Банка и Миллий Банка.

**4. Заключение.**

Анализ развития цифрового маркетинга в банковской индустрии показывает, что банки активно адаптируются к новым технологическим трендам и изменяющимся потребностям клиентов. Использование интернет-банкинга и мобильных приложений стало ключевым фактором в обеспечении удобства и доступности банковских услуг. Развитие функционала мобильного банкинга, включая голосовые и виртуальные помощники, доставка банковских карт и упрощение клиентского опыта, отражает стремление банков улучшить взаимодействие с клиентами и повысить их удовлетворенность. Результаты исследований, проведенных независимыми агентствами, такими как «Go Mobile» и Markswebb, подчеркивают значимость мобильного банкинга в современной банковской индустрии. Успешные примеры, такие как приложения Bank Apelsin, Click и TBC Bank Uzbekistan, демонстрируют эффективность инновационных подходов в цифровом маркетинге банковской сферы.

**Литература:**

Ахмед, С., Хуссейн, Р., Джаджар, А. (2020). Роль социальных сетей в банковском маркетинге.

Браун, Э. (2018). Мобильный маркетинг в банковском секторе: Тенденции и перспективы.

Кумар, В., Ананд, А., Сонг, Х. (2019). Цифровые технологии и потребительское поведение в банковской сфере.

Ли, К., Чен, Ж., Ванг, Х. (2021). Большие данные и аналитика в банковском маркетинге.

Нгуен, Т., Ли, Д., Ву, Х. (2018). Успешные стратегии цифрового маркетинга в банковском секторе

Шмидт, Й., Вальтер, И., Линднер, Д. (2019). Цифровая адаптация в банковском секторе: Стратегии и решения.

<sup>2</sup> [https://bank.uz/uz/app\\_rating/#tr\\_raiting](https://bank.uz/uz/app_rating/#tr_raiting)



### КОРХОНА АКТИВЛАРИ ҚАДРСИЗЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГАНЛИКНИНГ АУДИТИ

*и.ф.д., профессор Уразов К.Б., Тўраева Ф.Р.  
Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада корхона активлари қадрсизланишини аниқлаш ва унинг натижаларини молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича халқаро стандартлар талабларига амал қилингандикни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг услубий масалалари тадқиқ қилинган.

**Калим сўзлар:**корхона активлари, активнинг баланс қиймати, активнинг сотиш харажатлари чегирилгандан кейинги ҳаққоний қиймати, активдан фойдаланиш қиймати, активнинг қопланадиган қиймати, активлар қадрсизланишидан кўрилган зарар, активлар қадрсизланишидан кўрилган зарарларни ҳисобдан чиқариш, молиявий ҳисобот, аудит, аудиторлик хуносаси, аудиторлик риски.

**Аннотация.** в данной статье исследованы методологические вопросы аудиторской проверки соблюдения требований международных стандартов поопределению обесценения активов предприятия и отражению его результатов в финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** активы предприятия,балансовая стоимость актива, справедливая стоимость актива за вычетом расходов по реализации, стоимость использования актива,возмещаемая стоимость актива, убыток от обесценения актива, списание убытков от обесценения активов, финансовая отчетность, аудит, аудиторское заключение, аудиторский риск.

**Annotation.** This article examines the methodological issues of auditing compliance with the requirements of international standards for determining the impairment of an enterprise's assets and reflecting its results in financial statements.

**Key words:** assets of the enterprise, the carrying amount of the asset, fair value of the asset less costs to sell, cost in use of the asset, recoverable amount of the asset, impairment loss of the asset, write-off impairment losses of assets, financial reporting, audit, auditor's report, audit risk.

#### 1. Кириш.

Ҳозирги глобаллашув ва халқаро миқиёсда амалга ошаётган интеграциялашув шароитида бизнес бирликлари томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХҲС)ни қўллаш, уларда белгиланган тартиб қоидаларга амал қилишга бўлган талаблар борган сари ошиб бормоқда. Чунончи, мавжуд ва потенциал инвесторларнинг, кредиторлар ва бошқа қарз берувчиларнинг энг асосий

талабларидан бири – бу молиявий ҳисоботларда бизнес субъектлари ҳаққоний қийматини улар активларининг техник-технологик ҳолати ва имкониятлари, кераклилиги, замонавийлиги, бозоргирлиги, қадрлилиги, қадрини йўқотганлиги ва бошқа жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда баҳолангандар тарзда акс эттирилишидир. Айнан ушбу талаб корхоналар молиявий ҳисоботларида уларнинг барча активларини қадрсизланиш ҳолатини реал баҳолангандиги, қадрсизланиш натижаларини ҳисоботнинг тегишли шаклларида реал ва шаффор ҳолда очиқлашни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Бундай талаб, бир томондан, корхоналар бухгалтерия ҳисоби хизмати олдига халқаро стандартлар асосида тузилаётган молиявий ҳисоботларда активлар қадрсизланишини реал акс эттиришдек, ташқи холис аудиторлар олдига эса тузилган молиявий ҳисоботларда активлар қадрсизланиши ва унинг натижаларини тўғри акс эттирилганлигига объектив баҳо беришдек муҳим вазифаларни қўймоқда.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, корхоналар амалиётида улар активлари қадрсизланишига, бундан кўрилаётган заар суммасини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмасдан қолмоқда. Шунингдек, корхоналарда ўтказилаётган аудиторлик текширувларида ҳам кўп ҳолларда ушбу муҳим масала четда қолмоқда. Пировардида, ахборот фойдаланувчиларга, айниқса, потенциал инвесторларга халқаро стандартлар талабларига мос келадиган реал ва шаффоф молиявий ҳисоботларни тақдим этишдек устувор вазифа долзарблигича қолмоқда. Бинобарин, бундай ҳолатнинг мавжудлигига турли объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлмоқда. Чунончи, республикамида мустақилликдан кейинги қарийб чорак аср мабойнида МҲҲСларга ўтиш ва уларни қўллашга етарлича эътибор берилмаганлиги, корхоналар раҳбарлари ва бухгалтерларида ушбу соҳада тегишли билим ва амалий қўнималарни шакллантирилмаганлиги, активлар қадрсизланишини аниқлаш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришга оид маҳсус меъёрий-хуқуқий актларни давлат томонидан аниқ белгиланмаганлиги, қолваерса, республикамида чоп этилган дарсликлар, ўкув ва амалий қўлланмаларда корхоналар активлари қадрсизланиши ва унинг натижаларини молиявий ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, шунингдек уларни реаллигига аудиторлик баҳосини бериш тартибларини етарлича ўз аксини топмаганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Корхоналар молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талабларига кўра трансформациялаш, трансформацияланган ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида текшириш ва уларга аудиторлик хulosаларини беришга бундан қарийб 8 йил олдин (2015 йилдан буён) дастлабки харакатлар бошланган бўлсада, ҳозирги кунгача аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботлар аудитида активлар қадрсизланиши ва ундан кўрилган заар суммасини реаллигига тўлиқ холис баҳо бериш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Корхона активлари қадрсизланиши ва ундан заарларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари бир қатор молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС)да, шунингдек ушбу стандартларга бағишлиланган бир қатор дарсликлар, ўкув ва амалий қўлланмаларда ўз аксини топган. Чунончи, қабул қилинган ва амалдаги МҲҲСларга ҳамда чоп этилган дарсликлар ва ўкув қўлланмаларда келтирилган маълумотларга мувофиқ корхоналарнинг барча активлари қадрсизланишга тестдан ўтказилиши лозим. Чунончи:

- заҳиралар 2-сон МҲҲС (IAS 2 “Заҳиралар”)га мувофиқ;
- молиявий активлар 9-сон МҲҲС (IFRS “Молиявий инструментлар”)га мувофиқ;

- кўплаб узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар ва гудвил, ҳакконий киймати бўйича баҳоланмайдиган инвестицион мулк ва биологик активлар, шуъба, қўшма ва ассоцииациялашган корхоналарга инвестициялар) 36-сон МХХС (IAS 36 “Активлар қадрсизланиши”га мувофиқ.

Бироқ, эътироф этиш лозимки, аудитга оид чоп этилган адабиётларда активлар қадрсизланиши ва унинг натижаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришга қўйилаётган талабларга амал қилингандикни аудиторлик текширувидан ўтказиш илмий-услубий ва амалий жиҳатлари атрофлича тадқиқ этилмаган. Бу борада аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари ва аудиторлари учун харакат дастаги бўлиб ҳисобланадиган иқтисодий ва ташкилий ричаглар етарлича очилмаган.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Фикримизча, активлар қадрсизланиши ва унинг натижаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришга қўйилаётган талабларга амал қилингандикни аудиторлик текширувидан ўтказиш масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этишда узлуксиз кузатув, тизимли ёндашув, баҳолаш, калькуляция, гурухлаш, синтез, анализ, дисконтлаш, счёtlар, уларга икки ёқлама ёзув, баланс, ҳисобот, танлаб текшириш, экспертиза, шунингдек математик, статистик усулларни қўллаш зарур ва улар тегишли натижаларни олиш имконини беради.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

МХХСларда қўйилган талаблардан бири шундаки, унга кўра корхоналар ҳар бир ҳисобот санасига ўз активлари қадрсизланиши тўғрисида кандайдир гувоҳликлар борлигини аниyлашлари ҳамда уларни баҳолашлари лозим. Ушбу талаб корхона активлари бўйича ташки ва (ёки) ички қадрсизланиш аломатлари мавжуд бўлганда бажарилиши шарт ҳисобланади.

36-сон МХХС (IAS 36) “Активлар қадрсизланиши”га мувофиқ корхона активлари қадрсизланиши аломатлари ва, мос равища, унга гувоҳлик берувчи ахборотлар иккита гурухга бўлинади, Булар:

- (1) ташки аломатлар ва уларга гувоҳлик берувчи ахборотлар;
- (2) ички аломатлар ва уларга гувоҳлик берувчи ахборотлар.

Ушбу гурухларга киравчи аломатлар ва гувоҳлик берувчи ахборотларнинг айrim турлари биз томонимиздан 1-жадвалда мужассамлаштирилган.

#### **1-жадвал**

#### **Корхона активлари қадрсизланиши аломатлари ва унга гувоҳлик берувчи ахборотлар<sup>1</sup>**

| <b>1-гурух. Корхона активлари қадрсизланиши ташки аломатлари ва унга гувоҳлик берувчи ташки ахборотлар</b> |   |
|--|---|
| 1.1  | Актив бозор қийматини давр мабойнида қутилганидан ҳам катта даражада тушиб кетиши   |
| 1.2  | Бизнесга таъсир қилувчи (ёки таъсир килиши мумкин бўлган) технологик, иқтисодий, юридик, бозор шароитларида салбий самара берувчи жиҳатлардаги муҳим ўзгаришлар   |
| 1.3  | Давр мабойнида активлар копланадиган қийматини ҳисоб-китобида қўлланиладиган дисконтлаш ставкаларига салбий таъсир қилувчи бозор фоиз ставкаларини (инвестициялар рентабеллиги бозор фоиз ставкаларини) ошиши |
| 1.4  | Корхоналар соф активлари баланс қийматини улар бозор капиталлашув қийматидан ошибб кетиши   |

<sup>1</sup> 36-сон МХХС (IAS 36 “Активлар қадрсизланиши”га мувофиқ муаллифлар ишланмаси


| <b>2-гурух. Корхона активлари қадрсизланиши ичкialiоматлари ва унга гувоҳлик берувчи ички ахборотлар</b> |  |
|--|--|
| 2.1  | Активларни эскирганлиги ёки жисмоний шикаст эганлиги   |
| 2.2  | Компанияда активлардан фойдаланиш даражаси ва усулларига таъсир килувчи ўзгаришларнинг юз берганлиги (фаолиятни тугатиш ёки реструктуризациялаш, активларни тугатиш ва ш.к.) |
| 2.3  | Ички ҳисоботларнинг активлардан хозирги ва келгуси даврларда фойдаланиш салбий натижалар беришига олиб келишини кўрсатиб турганлиги  |
| 2.4  | Активларни келгусида ишлатиш ва улардан фойдаланишга кетадиган пул маблағларига талабнинг бюджетда назарда тутилган суммадан юкори бўлиши                                    |
| 2.5  | Активлар даромад келтириш кўрсаткичлари бюджетда назарда тутилган кўрсаткичлардан паст бўлиши  |

МХХСларга ўтган корхоналарда аудиторлар ушбу корхоналар томонидан активлар бўйича ташки ва (ёки) ички қадрсизланишининг мавжуд аломатларини аниқлаш учун мазкур корхоналар ҳар бир ҳисбот санасига қўйидаги тадбирларни амалга оширганликларини аниқлашлари лозим бўлиб ҳисобланади:

\*қадрсизланиш мавжуд бўлган ҳар кандай ҳолатда активлар қадрсизланишини тестдан ўтказилганлиги;

\*активнинг қардрсизланишидан зарап суммасининг ҳисоб-китоби қилинганлиги.

36-сон МХХС (IAS 36) "Активлар қадрсизланиши"га мувофиқ активнинг қадрсизланишидан зарап суммаси (Зқ) активнинг баланс кийматини (Бқ) унинг қопланадиган қиймати (Ққ) билан таққослаш йўли билан топилади, яъни:



Демак, агарда корхона активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан катта бўлса, у ҳолда ушбу актив қадрсланган бўлиб ҳисобланади. Аксинча, активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан кичик бўлса, у ҳолда ушбу актив қадрсланмаган бўлиб ҳисобланади ва, мос равишда, қадрсланишдан зарарни аниқлаш зарурати бўлмайди.

**Активнинг баланс қиймати** деганда унинг балансда акс эттириладиган қиймати тушунилади. Ушбу қиймат турли активлар бўйича хар хил тавсифга эга (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Корхона активларининг баланс қиймати

| №  | Активнинг тури                           | Баланс қиймати  |
|----|--|---|
| 1. | Асосий воситалар                         | Жамланган эскириши чегирилгандан кейинги бошланғич қиймат ёки тикланган қиймат, бошқачасига қолдиқ қиймат |
| 2. | Номоддий активлар                        | Жамланган эскириши чегирилгандан кейинги бошланғич қиймат ёки тикланган қиймат, бошқачасига қолдиқ қиймат |
| 3. | Ўрнатилмаган жиҳозлар                    | Ўрнатилмаган жиҳозларнинг бошланғич қиймати (таннахи)   |
| 4. | Тугалланмаган капитал қурилиш обьектлари | Қурилиши тугалланмаган обьектларнинг таннахи  |
| 5  | Товар моддий бойликлар                   | Товар моддий бойликларнинг кирим қиймати (таннахи)  |
| 6  | Қимматли қофозлар                        | Акция ва бошқа қимматли қофозларнинг харид қилиш нархи  |

**Активларнинг қопланадиган қиймати** – бу уларни сотиш ёки келгусида фойдаланишда келиб тушадиган тушум суммаси. Мазкур сумма (қиймат) бўлиб қуидаги иккита ўлчовдан энг каттаси ҳисобланади:

- (1) сотиш харажатлари чегирилгандан кейинги хакконий қиймат;
- (2) активдан фойдаланиш қиймати, яъни активдан фойдаланишдан олинадиган пул тушумларининг дисконтланган миқдори.

**Сотиш харажатлари чегирилгандан кейинги хакконий қиймат** деганда активнинг бозорда аён бўлган сотиш нархидан уни сотиш учун бевосита сарфланадиган харажатларни чегириб ташлагандан кейин қолган қиймат тушунилади. **Мисол учун:** А активнинг бозорда сотиш нархи қузатувларга қўра 1200 млн. сўм, уни сотиш ҳолатига келтирадиган харажатлар (таъмиглаш, айрим қисмларини алмаштириш ва ш.к.) 200 млн. сўм, дейлик. Бу ҳолда ушбу активнинг сотиш харажатлари чегириб ташлангандан кейинги ҳаққоний қиймати 1000 млн сўмни ташкил қиласи (1200 млн.-200 млн.).

**Активнинг фойдаланиш қиймати** – бу ушбу активни фойдаланишдан ва хизмат муддати охирига чикиб кетишидан олинадиган булгуси пул киримининг дисконтланган (жорий) қиймати миқдори. Ушбу қийматни ҳисоб-китоб қилиш икки боскичда амалга оширилади:

- (1) кирим бўладиган пул маблағларининг келгуси қийматини ҳисоб-китоб қилиш;
- (2) келгусида кирим бўладиган пул маблағларининг дисконтланган (жорий) қийматини ҳисоб-китоб қилиш.

**Активнинг фойдаланиш эвазига бўлғуси даврларда кирим бўладиган пул маблағларининг келгуси қиймати** қуидаги ахборот манбалари асосида ҳисоб-китоб қилинади:

\*бўлғуси пул тушумлари бўйича молиявий бюджет (прогноз);

\*пул тушумларининг олдинги йиллардаги ҳақиқий кўрсаткичлари;

\*пул тушумларининг максимал ва минимал миқдорлари келиб чиқиб, аниқланган ўртача пул тушуми миқдори.

**Келгусида кирим бўладиган пул маблағларининг дисконтланган (жорий) қиймати** уларнинг келгуси қиймати ҳамда белгиланган фоиз ставкасининг келгуси даврлардаги дисконтлаш коэффициентлари асосида ҳисоб-китоб қилинган суммалари йиғиндисидан иборат бўлади. Айтайлик, А активдан фойдаланишдан олинадиган келгуси даврлардаги пул тушумлари 1- йилда 500 млн сўм, 2- йилда 400 миллион сўм, 3 - йилда 300 миллион сўм, 4- йилда 200 миллион сўм, 5-йилда 100 миллион сўм миқдорида прогнозлаштирилган, 10 фоизлик ставкада дисконтлаш коэффициенти келгуси даврнинг 1-йили учун 0.909, 2-йили учун 0.826, 3-йили учун 0.751, 4-йил учун 0.683, 5-йил учун 0.621. Ушбу маълумотларга қўра келгусида кирим бўладиган пул маблағларининг дисконтланган (жорий) қиймати қуидагича ҳисоб-китоб қилинади (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Келгусида кирим бўладиган пул маблағларининг дисконтланган (жорий) қиймати ҳисоб-китоби

| Келгуси даврнинг йиллари | Пул маблағларининг бўлғуси кирими, млн. сўм | Дисконтлаш коэффициенти, $i = 10\%$ | Бўлғуси пул маблағларининг дисконтланган қиймати (2-устун*3-устун) |
|--------------------------|---|-------------------------------------|--|
| 1                        | 2   | 3                                   | 4  |
| 1-йил                    | 500   | 0.909                               | 454.5  |
| 2-йил                    | 400   | 0.826                               | 330.4  |
| 3-йил                    | 300   | 0.751                               | 225.3  |
| 4-йил                    | 200   | 0.683                               | 136.6  |
| 5-йил                    | 100   | 0.621                               | 62.1   |
|                          | <b>1500</b>                                 |                                     | <b>1208.9</b>  |

Демак, юқоридаги иккита мисолда келтирилган маълумотларга кўра А активнинг сотиш харажатлари чегирилгандан кейинги ҳакконий қиймат 1000 миллион сўмни, ушбу активнинг келгусида фойдаланишдан олинадиган олинадиган қиймати, яъни келгусида кирим бўладиган пул маблағларининг дисконтланган (жорий) қиймати эса 1208.9 миллион сўмни ташкил этади. 36-сон МХХС (IAS 36) “Активлар қадрсизланиши”га мувофиқ активлар қадрсизланишидан зарарни аниқлаш учун ушбу қиймат турларининг энг каттаси, яъни 1208,9 миллион сўм асос қилиб олинади. Айтайлик, ушбу активнинг баланс қиймати 1300 миллион сўм. У ҳолда мазкур актив бўйича аниқланган сотиш харажатлари чегирилгандан кейинги ҳакконий қиймат ҳам, шунингдек ушбу активнинг келгусидаги фойдаланиш қиймати ҳам баланс қийматдан кам. Бундан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур мисолда келтирилган маълумотларга кўра А актив бўйича қадрсизланиш мавжуд ва ундан зарарни хисоб-китоб килиш зарурати бор. Юоридаги мисолларда келтирилган маълумотларга кўра А актив бўйича унинг қопланадиган қиймати баланс қийматидан 91.1 миллион сўмга кам, демак мазкур актив бўйича ҳисбот даври охирига 91.1 миллион сўмлик қадрсизланиш мавжуд ва ушбу сумма қадрсизланишдан зарарни билдиради (4-жадвалга қаранг).

#### 4-жадвал

#### Корхона активлари бўйича қадрсизланишдан зарар ҳисоб-китоби

| Актив тури | Актив-нинг фойда-ланиш қиймати . млн. сўм | Активнинг сотиш харажатлари чегирилган -дан кейинги ҳакконий қиймати, млн. сўм | Актив-нинг қопла-надиган қиймати (2-ва 3-устундаги сумманин гэнг каттаси). млн. сўм | Актив-нинг баланс қиймати, млн. сўм | Қадрсизланишдан зарар мавжуд (агар 5-устун суммаси 4-устун суммасидан катта бўлса), мавжуд эмас (агар 5-устун суммаси 4-устун суммасидан кичик бўлса), млн. сўм |
|------------|---|--|---|-------------------------------------|---|
| 1          | 2   | 3  | 4   | 5                                   | 6   |
| A          | 1208.9                                    | 1000   | 1208.9  | 1300                                | Қадрсизланиш мавжуд, 91.1 млн. сўм  |

36-сон МХХС (IAS 36 “Активлар қадрсизланиши”га мувофиқ активлар қадрсизланишидан зарарни ҳисобдан чиқариш активларни бошланғич қиймати ёки қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобга олишнинг танланган усулига бевосита боғлиқ. Бу тартиб, асосий воситалар ва номоддий активларнинг барча турларига бевосита дахдордир.

Агарда асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби уларнинг бошланғич қиймати усулида олиб борилган бўлса, у ҳолда қадрсизланишнинг барча суммаси тўғридан тўғри корхона харажатларига (зарарага) олиб борилади. Агарда мазкур активлар ҳисоби уларни қайта баҳолаш усулида юритилган бўлса, у ҳолда қадрсизланишнинг жами суммаси дастлаб олдинги даврларда шаклланган қайта баҳолаш бўйича резерв ҳисобидан камайтирилади. Кейин эса, қадрсизланишнинг қайта баҳолашдан ҳосил бўлган резерв капитали суммасидан ортиқ қисми корхона харажатига (зарарага) олиб борилади.

Мисол учун, 4-жадвалда келтирилган А активнинг баланс қийматида 1-вариантда 40 миллион сўмлик олдинги йилларда шаклланган қайта баҳолашдан ҳосил бўлган соф резерв капитали мавжуд, 2-вариантда эса мазкур актив умуман қайта баҳоланмаган, дейлик. Бу ҳолда ушбу активнинг қадрсизланишидан

зарарнинг корхона харажатларига олиб бориладиган суммаси 1-вариантда 51.1 миллион сўмни (91.1-40), 2-вариантда эса 91.1 миллион сўмни ташкил этади. Мос равища, активлар қадрсизланишидан зарар ҳисобда қуйидагича акс эттирилиши лозим бўлади (5-жадвал)

**5-жадвал**

**Активлар қадрсизланишидан қўрилган зарар суммасини ҳисобда акс  
эттириш**

| <b>№</b>   | <b>Операция мазмуни</b>  | <b>Дт счёт</b> | <b>Кт счёт</b> | <b>Сумма</b> |
|--|--|----------------|----------------|--------------|
| <b>1. Қайта баҳолаш қийматида ҳисобни юритиш усулида</b> |  |                |                |              |
| 1.   | А активнинг қадрсизланиш қийматини ҳисобдан чиқарилган суммасига   | 9210           | 0100           | 91 100 000   |
| 2  | А активнинг қадрсизланиш қийматини олдинги қайта баҳолашлардан ҳосил бўлган резерв капитали эвазидан ҳисобдан чиқарилган суммасига | 8510           | 9210           | 40 000 000   |
| 3  | А активнинг қадрсизланиш қийматини корхона зарарида олиб борилган суммасига  | 9430           | 9210           | 51 100 000   |
| <b>2. Бошланғич қийматда ҳисобни юритиш усулида</b>      |  |                |                |              |
| 4  | А активнинг қадрсизланиш қийматини ҳисобдан чиқарилган суммасига   | 9210           | 0100           | 91 100 000   |
| 5  | А активнинг қадрсизланиш қийматини корхона зарарида олиб борилган суммасига  | 9430           | 9210           | 91 100 000   |

36-сон МХХС (IAS 36) “Активлар қадрсизланиши”га мувофиқ агар корхонада активнинг қадрсизланиши бўйича тест ўтказилган бўлса, бироқ қадрсизланиш ва ундан зарар мавжудлиги аниқланмаган бўлса, у ҳолда ушбу активга нисбатан қуйидаги тавсифларни қайта кўриб чиқиш лозим ҳисобланади:

- (1) қолган фойдали хизмат муддати;
- (2) амортизация методи;
- (3) ликвидацион киймат.

Иzlанишлар шуни қўрсатмоқдаки, МХХСга ўтган ва улар бўйича молиявий ҳисботларни тузабётган корхоналар амалиётида 36-сон МХХС (IAS 36) “Активлар қадрсизланиши”да белгиланган мазкур тартиблар тўлиқ амалга ошмасдан қолмоқда. Чунончи, МХХСларни қўллаётган аксарият корхоналарда асосий воситалар ликвидацион қийматини белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш талаби амалий жиҳатдан қўлланилмаяпти. Бинобарин, бу асосан асосий воситалар ликвидацион қийматини белгилашнинг мажбурий эмаслиги, мазкур қийматни аниқлаш учун аниқ меъёр ҳамда тартибни қонун хужжатлари билан ўрнатилмаганлиги, тахминий белгиланган ликвидацион қиймат ва асосий воситалар чиқиб кетишида аниқланадиган ҳақиқий ликвидацион қиймат ўртасида маълум миқдорда фарқни вужудга келиши сабабли юз бермоқда, Айнан ушбу сабаблар, асосий воситалар бўйича ликвидацион қийматни белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиши зарур бўлган тартибни амалиётда қўлланилмасдан қолишига олиб келмоқда. Шунингдек, асосий воситаларнинг қолган фойдали хизмат муддати ҳамда амортизация ҳисоблаш методини ҳам қайта кўриб чиқиш тартибини қўллаш корхоналар амалиётида мол-мулк солиғи ҳамда фойда солиғи ҳисоб-китобларида

турли чалкашликларга ва солиқ оқибатларига олиб келишлиги сабабли корхона раҳбарлари, бухгалтерлари, қолаваерса, инвесторлар ва солиқ органлари ходимлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмасдан қолмоқда. Мос равишда, булар МҲС асосида тузилган молиявий ҳисботларни аудиторлик текширувларида аудиторлар томонидан стандартлар талабларига амал қилинганик ҳолатига етарлича эътиборни қаратмасликка сабаб бўлмоқда.

### **5. Хуносা.**

Бизнинг фикримизча, корхоналар ўз активларида қадрсизланиш мавжудлигини аниқлаш, қадрсизланишдан зарарни тўғри баҳолаш, уни ҳисоб ва ҳисботда МҲС талаблари асосида акс эттиришга эришишлари учун аудиторлик ташкилотларининг ҳисботларни МҲСга ўтказиб бериш, бунда уларда белгиланган талабларга қатъий амал қилинганикни баҳолашга қаратилган профессионал хизматларидан кенг фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда аксарият аудиторларнинг МҲСлар бўйича халқаро даражадаги сертификатларга эгалиги, уларнинг халқаро стандартлар ҳамда уларни қўллашга оид маълум даражада билим, малакавий амалиёт ва тажрибага эга эканлиги корхоналар томонидан ушбу масъулиятли вазифани бевосита аудиторлик ташкилотлари ёрдамида амалга оширишга, шу асосда, уларда молиявий ҳисботларни МҲС талабларига тўлиқ мос ҳолда тузиш ҳамда ахборот фойдаланувчиларни реал ахборотлар билан таъминлашга имкон беради деб ҳисоблаймиз.

Активлар қадрсизланиши аудитини самарали ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларида мазкур муҳим масалалар аудиторлик текширувлари режасига ҳамда дастурларига киритилиши лозим деб биламиз. Аудитнинг мазкур ташкилий дастакларида активлар қадрсизланишини аниқлаш ва ундан зарарларни реал аниқлаш учун ички ва ташки ахборот манбаларини тўплаш, гуруҳлаш, жамлаш, текшириш ва таҳлил қилиш усуллари, шунингдек бунда вужудга келадиган аудиторлик риски даражаси, четланишлар миқдорининг муҳимлилик даражалари ўз аксини топиши лозим. Айнан ушбу элементларни ўзида ифодаловчи ташкилий дастакларнинг мавжудлиги, уларни тўғри тузилганлиги аудиторлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисботларда активлар қийматини тўғри баҳоланишининг энг асосий гарови бўлиб ҳисобланади.

Бизнингча, МҲС асосида активлар қадрсизланиши аудитини қуйидаги кетма-кетлиқда қадамма-қадам ўтказиш аудиторлар олдига қуйилган мақсадга эришишда ёрдам беради:

**Биринчидан**, корхонанинг қадрсизланиш учун текширилиши керак бўлган активларининг аниқ рўйхати тузиб чиқилиши ва ушбу рўйхат корхона ва аудиторлик ташкилоти томонидан келишилиши лозим. Бинобарин, бундай рўйхат асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий активлар, товар моддий заҳираларнинг барча турлари кесимида тузилиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий активлар, товар моддий заҳираларнинг барча турлари бўйича уларнинг баланс қиймати, соф сотиш қиймати ва фойдаланиш қийматларини ўзида мужассамлаштирувчи иш ҳужжатлари гувоҳлик берувчи ахборот манбалари асосида тегишли шакл ва мазмунда тузилиши керак.

**Учинчидан**, асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий активлар, товар моддий заҳираларнинг барча турлари бўйича уларнинг баланс қиймати, соф сотиш қиймати ва фойдаланиш қийматларини ўзида мужассамлаштирувчи иш ҳужжатлари асосида ушбу активлар таркибидан қадрсизланиш аломатлари мавжуд бўлганлари алоҳида иш ҳужжатлари сифатида шакллантирилиши лозим.

**Тўртингидан**, асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий активлар, товар моддий заҳираларнинг барча турлари бўйича қадрсизланишдан зарар суммаси 4-жадвалда келтирилган методологик тартибга асосан ҳисоб-китоб қилиниши керак.

**Бешинчидан**, асосий воситалар ва номоддий активларнинг қадрсизланиш аломатлари мавжуд турлари бўйича уларнинг олдинги даврларда қайта баҳолашдан ҳосил бўлган резерв капитали суммаси аниқланиши лозим. Мос равищда ушбу активларнинг ҳар бир инвентарь обьекти бўйича қадрсизланишдан зарарнинг қайта баҳолашдан ҳосил бўлган резерв капитали эвазига камайтириладиган суммаси, шунингдек резерв капиталидан ортиқ қисмининг корхона харажатларига олиб борилиши лозим бўлган суммаси аниқланиши керак.

**Олтинчидан**, қадрсизланиш аломатлари мавжуд бўлган товар моддий заҳираларнинг барча турлари бўйича уларнинг баланс қиймати қадрсизланиш суммасига камайтирилиш ва қадрсизланишдан зарар суммаси корхона харажатларига бевосита олиб борилиши лозим..

**Еттинчидан**, қадрсизланиш аломатлари мавжуд бўлган сотиб олинган акциялар бўйича уларнинг олдинги даврларда оширилган қиймати номинал қийматигача камайтирилиши ва қадрсизланишдан зарар суммаси корхонанинг инвестицион фаолиятига оид зарарга бевосита олиб борилиши керак.

**Саккизинчидан**, олдинги даврларда қадрсизланиши сабабли корхона зарарига олиб борилган асосий воситалар, номоддий активлар ва молиявий активларнинг бозор қиймати ҳисбот даврида ошган бўлса, у ҳолда ҳисобдан чиқарилган зарар суммаси ушбу активларнинг соф сотиш ёки фойдаланиш қийматидан ошмаган қийматгача тикланиши (риверсланиши) ва балансда акс эттирилиши лозим.

**Тўққизинчидан**, асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий активлар, товар моддий заҳираларнинг барча турлари бўйича аниқланган қадрсизланишдан зарар суммасини молиявий ҳолат тўғрисида ҳисбот ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг тегишли моддаларида ўз ифодасини топганлиги аниқланиши керак.

Юқорида санаб ўтилган тадбирларни аудиторлар томонидан қадамма-қадам амалга ошириш, фикримизча, корхоналар молиявий ҳисботларини халқаро стандартлар талаблари асосида тузилганлигига реал баҳо беришга, шу аснода инвесторлар ва бошқа фойдаланувчиларни ишончли ахборотлар билан таъминлашга, шунингдек молиявий ҳисботларга халқаро стандартлар асосида бериладиган аудиторлик хулосаси бўйича риск даражасини камайтиришга имкон беради.

#### **Адабиётлар:**

Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2019. – 227 b.

Elliott B. and J. Elliott Financial Reporting and Accounting, (18th edition), Prentice Hall. 2017;

MorganH. Financial Reporting and Accountability, 5th Edition, McGraw Hill. 2018;

Narbekov D., Turaev A., Raxmonov Sh. Moliyaviy hisobotning xalqarostandartlari. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018;

Urazov K.B. va boshqalar. Buxgalteriya hisobi va audit. Darslik. – Samarqand: "Fan bulog'i", 2022. – 408 b.

Tashnazarov. S.N.Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari: Oliy o'quv yurtlari magistratura mutaxassisliklari uchun darslik. – Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA", 2019. 584-b.

36-сон МХХС (IAS 36) "Активлар қадрсизланиши".



### АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖИ - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ РИВОЖИННИНГ БОШ МЕЗОНИДИР

*PhD, Ҳазратов А.П.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

**Аннотация.** ушбу мақолада алоқа хизматлари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишларидан бирни эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналиш нафақат мамлакатни рақамлаштирилган жамииятга айлантириш учун хизмат қиласи, балки у мамлакат иқтисодини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун етакчи драйвер вазифасини ҳам бажариши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, алоқа хизмати, алоқа иқтисодиёти, иқтисодий тараққиёт, тизим, сифат.

**Аннотация.** В данной статье особое внимание уделено тому, что бурное развитие сферы услуг связи является одним из основных направлений структурных изменений и экономических реформ в экономике страны. Высказаны предложения и рекомендации, что данное направление не только послужит преобразованию страны в цифровое общество, но и выступит ведущим драйвером подъема экономики страны до уровня развитых стран.

**Ключевые слова:** информация, услуга связи, экономика связи, экономическое развитие, система, качество.

**Abstract.** This article pays special attention to the fact that the rapid development of the communications services sector is one of the main directions of structural changes and economic reforms in the country's economy. Proposals and recommendations were made that this direction will not only serve to transform the country into a digital society, but will also act as a leading driver in raising the country's economy to the level of developed countries.

**Key words:** information, communication service, communication economics, economic development, system, quality.

#### 1. Кириш.

Жаҳонда ахборот ва алоқа хизматлари соҳасини техник-технологик жиҳатдан ривожлантириш тадқиқотларининг салоҳиятлилиги ҳамда соҳа тараққиётининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (ишлаб чиқиш) бўйича тадқиқотлар етарли эмаслиги шароитида мазкур йўналишдаги тадқиқотларни ташкил қилишга устувор даражада қаралмоқда. Бу борада алоқа хизматлари кўрсатишни ривожланиш тенденциялари унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган механизмларини такомиллаштириш ҳамда алоҳида олинган худудлар

хусусиятидан келиб чиқиб ушбу соҳада самарали кластер моделлари ишлаб чиқиш, концептуал йўналишларини илмий асослаш каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини сифат жиҳатдан ривожлантиришда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини жаҳон иқтисодиётини рақамлаштиришнинг истиқбол тенденцияларига мувофиқ ҳолда тараққий эттириш юзасидан кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ривожланиши бевосита аҳолининг ҳаёт сифати даражасини яхшилашга, вақт ва маблағларини тежашга йўналтирилган. Мамлакат аҳолисининг давлат электрон хизматларидан фаол фойдаланиши, электрон тижорат доирасида маҳсулотларни сотиб олиш ва буюртмаларни амалга ошириши, электрон тўловлар тизими орқали банк ҳисоб варақларини масофадан бошқариш қундалик воқейликка айланди”<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни самарали амалга оширишда, жумладан алоқа хизматларининг назрий-институционал асосларини занжирли муносабатдаги ўзаро боғланишига кўра такомиллаштириш, мақсадли параметрлар асосида алоқа хизматларига киритилаётган инвестицияларнинг мултипликатив самарасини баҳолаш, соҳани истиқболда ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари аниқлик даржасини ошириш йўналишидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Е.А.Голубская (2006) ўзининг “Экономика связи: учебник для студентов вузов” номли дарслигига: “Алоқа иқтисодиёти - иқтисодиёт фанининг бир тармоғи бўлиб, унинг предмети бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарувчи кучлар билан боғлиқ ҳолда алоқа соҳасида ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳисобланади” - дея таъриф берган.

Е.А.Голубская (2023) иккинчи электрон китоби “Банк лексик. Экономика связи”да - “Алоқа хизмати - алоқа операторлари (ташкилотлари)нинг маълумотларни етказиб бериш бўйича ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний фойдали натижасидир. (масалан, бўлиб ўтган шаҳарлараро телефон сұхбатлари, телеграммалар, поча жўнатмалари узатилган ва қабул қилувчига етиб келган)” - деган фикрни ҳам илгари суради.

Г.Г.Бровн “Introduction to communication definition of communication” номли мақоласида алоқа хизмати хусусида қуйидагича таъриф берилган. “Алоқа хизмати – ишонч ҳосил қиласидими йўқми, маълумотни бир кишидан иккинчисига ўтказишидир”. Нецтром ва К.Давислар “Алоқа ахбороти – бу ахборотни иккинчи бир кишига узатиш ҳисобланади. Бу ғоялар ҳис-туйғулар, фикрлар, фактлар ва қадриятларни етказиш орқали бошқаларга эришишнинг бир усули”, деб таъриф беришган.

Қ.Ж.Мирзаев ва М.Қ.Пардаевлар (2014): “Алоқа хизматлари дейилганда, турли ахборотларни бир шахсдан иккинчи шахсга турли воситалар орқали узатадиган жараённи ташкил қилувчи одамлар меҳнатининг мажмуи тушунилади”, дея таъриф беришиб, ушбу таъриф орқали мазкур тушунчанинг мазмунини тшлиқ қамраб олишган. Шу орқали олимлар, биринчидан, алоқа хизатларини кўрсатиш жараёнида асосий обьект бўлиб турли ахборотлар ҳисобланса, иккинчидан, шу ахборотлар бир шахсдан иккинчи шахсга узатилишини асослаб бериш билан бирга уларнинг бирбири билан алоқасини таъминлашини исбот қилиб беришган. Учинчидан, ахборот турли воситалар орқали узатилиши бу эса алоқа хизматларининг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилишини илмий томондан исботлайди.

Ушбу илмий ишларида хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларини ташкил этиш, бошқариш, ривожлантириш каби кўплаб долзарб масалалар ўз аксини топган. Бирор

<sup>1</sup> [https://www.norma.uz/parlament\\_habarları/aloqa\\_tarihi\\_-\\_aktni\\_rivojlantirish\\_tarihi](https://www.norma.uz/parlament_habarları/aloqa_tarihi_-_aktni_rivojlantirish_tarihi)

алоқа хизматларини самарали ривожлантириш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муаммолари юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан алоқида ва чуқур ўрганилмаган.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотни амалга оширишда алоқа хизматларини самарали ривожлантириш кўрсаткичларини иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиш натижасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Бундан ташқари илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулдан ҳам самарали фойдаланилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Алоқа хизматлари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналиш нафақат мамлакатни рақамлаштирилган жамиятга айлантириш учун хизмат қиласи, балки у мамлакат иқтисодини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун етакчи драйвер вазифасини ҳам бажаради.

Алоқа хизматлари тизимининг ривожи, бу тизим фаолиятини иқтисодий тараққиётнинг бош йўналишларидан бирига айлантириши учун қуидаги вазифаларни бажариш мұхим ҳисобланади:

1. Алоқа хизматлари соҳаси учун қулай ва долзарб ҳисобланган иқтисодий-социал, ҳуқуқий мұхитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш. Алоқа хизматларини ривожлантиришнинг асосий мақсади – тез ва қисқа муддатда хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобига у кам сонли ходимлар билан кўпроқ вазифаларни бажаришга эришиш.

2. Алоқа хизматлари соҳасида мулкий муносабатларни тартибга солиш. Бунинг учун алоқа хизматларининг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш мақсадида инвестиция мұхитини яхшилаш, хорижий компанияларга ҳеч қандай тўсиқларсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш, мулк хусусий ёки давлатга тегишли бўлишидан қатъий назар бир хил ҳуқуқий ҳимояларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

3. Алоқа хизматлари соҳасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамиятимиз ҳаётининг бўғимлари ҳамда соҳаларига замонавий компьютер техникаси, телекоммуникация воситаларини жорий этишини йўлга қўйиш мұхим аҳамият касб этади.

4. Алоқа хизматлари соҳасида бугунги рақамли технологияларга асосланган оқилона бошқарув тизимини яратиш ҳамда чуқур сифат ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Соҳада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат корхоналарининг хизматлари ҳақида ягона маълумотлар базасини шакллантириш, шу билан биргаликда уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга илгари сўришда кластер тизими орқали амалий ёрдам кўрсатиш тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Алоқа хизматларини кўрсатиш тизимининг ривожланиши иқтисодиётнинг барча тармоқларига сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор жуда мұхим замонавий тенденцияларда намойон бўлмоқда ва қатъият билан ўзини кўрсатмоқда. Аввало, улар орасида қуидагилар ажralиб туради:

- техник алоқа қурилмалари ва технологияларининг динамик ривожланиши, тармоқларнинг сезиларли даражада мураккаблашиши, алоқа имкониятларининг кенгайиши;
- алоқа хизматларининг илфор ва самарали турларининг тақдим этиши;

- анъанавий алоқа хизматларинига (почта, телеграф) қўшимча хизмат турларини кенгайтириш орқали почта хизмати сифати ва самарадорлигини ошириш, мобил алоқа ва юқори сифатли хизматларга истеъмолчилар талабини ошириш;

- тадбиркорлик субектларининг сезиларли даражада қўпайиши ва рақобат муҳити туфайли алоқа хизматлари бозорида танлов кўламининг кенгайиши.

Мазкур ишда тадқиқот натижаси сифатида, алоқа хизматларининг мавжуд турларини ўрганиш асосида уларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Унда алоқа хизматлари бир қатор хусусиятларга қўра гуруҳланди. Бу уларни тизимлаштиришга имкон беради. Ушбу тасниф алоқа хизматларининг хилма-хиллигини намойон этади (1-жадвал).

### 1- жадвал

#### Алоқа хизматларининг таснифи

| Т.р | Таснифлаш белгилари                      | Алоқа хизмати гуруҳлари  |
|-----|--|--|
| 1.  | Ахборотлар турлари                       | <p>Узатиш хизматлари</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• товуш;</li> <li>• тасвир;</li> <li>• матн;</li> <li>• рақамли маълумотлар;</li> <li>• комбинацияланган ахборот.</li> </ul>   |
| 2.  | Хизматлар тури                           | <ul style="list-style-type: none"> <li>• почта хизматлари;</li> <li>• электр хизматлари;</li> <li>• фелдйегерлик хизматлари;</li> <li>• маҳсус алоқа хизматлари;</li> <li>• мобил алоқа хизматлари</li> </ul>  |
| 3.  | Рочта алоқаси турлари                    | <ul style="list-style-type: none"> <li>• умумий почта алоқаси хизматлари;</li> <li>• маҳсус почта хизматлари;</li> <li>• куръерлик хизматлар</li> </ul>  |
| 4.  | Телекоммуникасийа алоқа турлари          | <p>маҳаллий телефон хизмати:</p> <p>а) шаҳар ва б) қишлоқ; шаҳарлараро (туманлараро) телефон алоқаси; халқаро телефон алоқаси;</p> <p>хужжатли телекоммуникация:</p> <p>а) телеграф хизматлари;</p> <p>б) телекс, факс хизматлари;</p> <p>в) Телематика хизматлари: электрон почта; Интернет хизматлари; АТ-телефония</p> <p>Симли эшиттириш (радио);</p> <p>Телевидение;</p> <p>Радио алоқа;</p> <p>Симсиз радио алоқа (мобил):</p> <p>а) уйали; б) рейжинг с) трукинг.</p> |
| 5.  | Алоқа хизматларининг мавжудлиги даражаси | давлат хизматлари;<br>кенг ва алоҳида талабга эга хизматлар;<br>элита (қиммат - юқори даромадли истеъмолчилар учун) хизматлари   |

1-жадвалда алоқа хизматлари, белгиларига кўра 5 та гуруҳга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ алоҳида хизматларни бажаради.

Алоқа хизматларининг ҳар бир турининг сифат кўрсаткичларини шакллантиришда қўйидаги хусусиятлар ҳисобга олинади;

- **почта алоқа хизматлари.** Бутун дунё бўйлаб ёки мамлакат ичида хатлар ва қимматбаҳо буюмларнинг бир манзилдан иккинчи манзилга етказиб бериш вақти;

- **телеграф алоқа хизматлари.** Асосий сифат кўрсаткичи назорат муддатларида етказиладиган телеграммалар ва хабарларнинг улуши бўлиб, жўнатилган ҳар 1000 та хабарга нисбатан торширилмаган телеграммалар сони;

- **симли телефон алоқа хизматлари.** Ҳақиқий сифат даражаси (овознинг равшанлиги ва овозли хабарларнинг тушунарли бўлиши), ҳар 100 та қўнғироқ учун абонентларнинг шикоятлари фоизи, аниқланган ускуналарнинг носозликлари фоизи ва уларни таъмирлашга сарфланган вақт;

- **радио алоқа хизматлари.** Асосий кўрсаткичлар сигнал сифати, бузилиш ва шовқин улуши, алоқа компанияларининг айби билан ускуналарнинг ишламай қолиши ва такрорий носозликлар;

- **мобил алоқа хизматлари.** Ҳисоблаш матнли ёки овозли маълумотларни узатиш вақтига қамровининг барқарорлигига ва уяли алоқа қамров зонасидаги сигнал даражаси;

- **интернет хизматлари.** Уланиш тури (симли ёки симсиз), канал кенглиги, ахборотни қабул қилиш узатиш тезлиги, киришнинг барқарорлиги ва тармоқга уланиш вақтлари ҳисобга олинади.

Алоқа хизматлари ҳар бир турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар тўғрисида умумий фикр бериш мумкин бўлади. Доимий олиб бориладиган мониторинг ва муентазам олиб бориладиган кузатув узлуксиз ва тезкор алоқа хизматларини кафолатлади.

Алоқа хизматларининг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш – ахборотни тез етказиб беришни, ундан фойдаланишнинг самарадорлиги ва қурайлигини таъминлайдиган омилларга боғлиқ бўлади. Ушбу омилларнинг асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

- ҳудудлар ўртасида рақобатнинг глобаллашуви ва кучайиши, Осиё ва Шарқий Европадаги янги бозорларнинг тез ривожланиши;

- техник қарорларни назорат қилишни сақлаган ҳолда алоқа ускунасининг иирик етказиб берувчилари қўлидаги мулқдорликни концентрациялашув;

- телекоммуникация секторида қайта тартибга солиш ва либераллаштиришув;

- алоқа тармоқларини қўллаш ҳисобига ахборотни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш жойини марказлаштираслик;

- ахборотни қайта ишлаш дастурий таъминоти (ДТ) ва иловалар ўртасида фойдаланувчи интерфейсининг қурайлигининг ошиши;

- компьютер техникасининг арzonлашиши ва унумдорлигининг ошиши (Мура қонуни);

- турли корхона ва ташкилотларнинг компьютер тизимлари ўртасидаги мослашувчанлик имконияти;

- алоқа хизматларидан фойдаланиш ва унинг нархини пасайтириш ҳисобига бозорларнинг рақобатбардошлигини ошириш талаблари;

- ишчи ходимларнинг малакасига қўйиладиган талаблар, натижада алоқа ускуналаридан фойдаланиш учун харажатларнинг ошиши.

Тармоқни интеграл бошқариш фойдаланувчиларнинг яхшиланган хизмат кўрсатишнинг ва янги хизматларни жорий этишнинг кенг имкониятларни тақдим

этиш рақобатбардошлик ошиш имконини беради. Ушбу имкониятлар вақтнинг реал миқёсда фойдаланувчига хизмат қўрсатиш, хизматлар учун ҳисоблашлардаги қатъийлик, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, алоқа ишончлилигини ва сифатини яхшилаш, хизматларни ривожлантириш ва сотишни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Таъкидлаб ўтилган асосларни умумлаштириш натижасида ахборот коммуникация хизматлари учун ахборотлар ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш масаласини ўрганиш ва тадқиқ қилиш долзарб масалалардан биридир.

Янги Ўзбекистон ривожида алоқа хизматлари соҳасини рақамлаштириш билан биргалиқда ушбу соҳанинг рақобатбардош муҳитини шакллантириш тараққиёт ривожининг дебочаси бўлиб хизмат қилади.

### **5. Хуносат.**

Алоқа хизматлари ёрдамида ишлаб чиқариш технологияси ва ташкилий – ишлаб чиқариш фаолиятларини ривожлантириш билан биргалиқда барча турдаги ресурсларни тежаш, меҳнат шароитларини яхшилаш имконияти яратилади деб ҳисоблаймиз.

Жамиятда мулоқотнинг ҳам анъанавий ҳам янги турларига бўлган эҳтиёжнинг ортганлиги сабабли, алоқа хизматлари турларини жадал ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш муҳим муаммолардан бирига айланди. Алоқа хизматлари истеъмолчиларига алоқа хизматларини қўрсатишда тезлик ва маълумотларнинг аниқлигига асосий эътиборни қаратиш долзарб масала сифатида ўзини намоён қилди.

Маълумки, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши муносабати билан тадбиркорлик соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш борасида амалий ишлар қилинди ва давом эттирилмоқда. Табиийки, мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи ва хизмат қўрсатувчи субъектлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда уларнинг фаолиятларини тартибга солиш давлат зиммасида.

Давлат томонидан тартибга солиш вазифалари жумласига: тадбиркорлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корхона фаолиятига ҳокимият органларининг аралашувини чеклаш, соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш, ишбилармонликни рағбатлантириш, молиявий солиқ ва инвестисия сиёсати ёрдамида товар-пул ва бюджет мувозанатини таъминлаш, монополияга қарши кураш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда фаолият олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг жадал ривожида иқтисодиётимизнинг эркинлаштирилиши, бозор муносабатларининг самарали тадқиқи ҳамда бозор инфратузилмасининг тўғри тақсимоти асосий ўринларни эгаллайди деб ҳисоблаймиз.

### **Адабиётлар:**

Brown G.G. Introduction to communication definition of communication.  
<https://architecture.uonbi.ac.ke/sites/default/files/cae/builtenviron/architecture.pdf>

Newstrom & Keith Davis. What is Communication? | Meaning of Communication  
<https://bizcommunicationcoach.com/what-is-communication-meaning-of-communication>

Hazratov A.P. The Role of Digital Economic Technologies in the Development of Communication Services in Uzbekistan. International journal of trends in commerce and economics ISSN: 2349-543X VOL. 11. Issue 1.  
<http://academicjournalonline.org/index.php/ijtce/issue/archive>.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5770118>.

Hazratov A.P. The importance of electronic trade in the age of digital economy. International journal of trends in commerce and economics ISSN: 2349-543X VOL. 11. Issue 1. <http://academicjournalonline.org/index.php/ijtce/issue/> archive. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5770140>.

Голубицкая Е.А. (2006) Экономика связи: учебник для студентов вузов / Е.А. Голубицкая; — М.: ИРИАС, 488 с. ISBN 5-93592-020-4

Голубицкая Е.А. (2023) Банк лекций. Экономика связь. <https://siblec.ru/obshchestvennye-nauki/ekonomika-svyazi>.

Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. (2014) Хизматлар соҳаси иқтисодиёти . Ўқув кулланма. Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 384 .б.



### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФОЙДА СОЛИФИ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ

*PhD, Янгибоев Ҳ.А.*  
*Фискал институт*

**Аннотация.** мақолада давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда фойда солиғи таҳлили масалалари муҳокама қилинган. Фойда ҳамда фойда солиғига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар келтирилган. Фойда солиғига илмий хуросалар ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ механизми, давлат бюджети, тадбиркорлар, солиқлар, фойда, фойда солиғи, солиқ юки, харажатлар, даромадлар, таҳлил.

**Аннотация.** в статье рассматриваются вопросы анализа налога на прибыль в обеспечении стабильности налоговых поступлений в государственный бюджет. Даны определения прибыли и налога на прибыль, данные экономистами. Даны научные выводы и предложения по налогу на прибыль.

**Ключевые слова:** Налоговый механизм, государственный бюджет, предприниматели, налоги, прибыль, налог на прибыль, налоговая нагрузка, расходы, доходы, анализ.

**Abstract.** the article discusses the issues of profit tax analysis in ensuring the stability of tax revenues to the state budget. Definitions of profit and profit tax given by economists are given. Scientific conclusions and suggestions are given on the profit tax.

**Keywords:** Tax mechanism, state budget, entrepreneurs, taxes, profit, profit tax, tax burden, expenses, income, analysis.

#### 1.Кириш.

Фойда солиғи иқтисодий-молиявий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, шу жумладан иқтисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида фойдаланилиб келинмоқда. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқиладиган стратегияларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлашда қулай шарт-шароит яратиб беришда ўз аксини топмоқда. Шу боис, фойда солиғи бошқа солиқ турлари каби хўжалик субъектлари доирасида бўладиган молиявий муносабатларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, бир томондан, давлат манбаатларини, иккинчи томондан, барча корхоналар манбаатларини ҳимоялашда, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун хизмат қилишда ҳам қўл келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасида солиқ юкини изчиллик билан

камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади (Фармон, 2018). Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда эса фойда солиғининг хўжалик субъектлари фаоиятига таъсирини оптималлаштириш долзарб масала ҳисобланади.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Илмий-назарий адабиётларда таъкидланишича, фойда солиғи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан олинадиган солиқлар ичидаги энг адолатлисиdir. Чунки, мазкур солиқ тадбиркорлик субъектининг жами даромадларидан фаолиятда амалга оширилган барча сарф-харажатлари чегириб ташланиши йўли билан аниқланадиган ҳақиқий фойдага нисбатан қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда корхона ўз хўжалик фаолияти якунларига кўра фойда билан чиқсагина солиқ тўлайди. Тадбиркорлик субъектлари даромадларига нисбатан қўлланиладиган бошқа солиқлар, масалан, айланмадан солиқ бундай хусусиятга эга эмас. Демак, корхоналарни адолатли солиққа тортишнинг энг самарали механизми фойда солиғидир.

Фойдани илмий асосланган ҳолда оқилона солиққа тортишни ташкил этишга эришган барча хўжалик субъектлари томонидан марказлаштирилмаган жамғармаларни ташкил этишни тўла даражада шакллантирилишига имконият яратади. Юридик шахслар қанчалик самарали фаолият юритса, уларнинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, фойдаси ва солиқ ажратмалари йиғиндиши шунчалик кўп бўлади (Н.Т.Лабынцев, Е.С.Цепилова, 2013).

Бундай ҳолатларнинг юзага келиш мумкинлиги молиявий натижаларни ташкил этишдаги ўзгаришларни ҳисоблаш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш харажатлар билан реал фойда натижалари ўртасидаги нисбат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўсиши, қолаверса улардан солиқ ставкаларини аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришга сабаб бўлмоқда.

Фойда – бу тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг сўнгги молиявий натижаси бўлиши билан бирга, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаларидан бири ҳисобланади (Н.Хайдаров, 2007). Нархлар барқарор бўлганда фойда динамикасининг ўсиши корхонанинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради. Фойда ҳажмининг ўсиши корхонанинг молиявий қудрати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш фондини ташкил этиш ҳамда ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Нобел мукофоти совриндори, инглиз иқтисодчиси Ж.Хикс (1931) фойдани маълум бир вақт оралиғида ишлатиш мумкин бўлган ва давр охирида давр бошига нисбатан ижобий қолдиққа эга бўлиши лозим бўлган кўрсаткич дея таъкидлайди.

С.Ф.Покропивный (2017) фикрига кўра фойда – корхона ишлаб чиқариши ва савдо фаолиятига қилинган харажатлардан кейинги қоладиган тушумнинг бир қисми деб ҳисоблайди.

Б.А.Райзберг бошқаларнинг (2016) фикрига кўра фойда – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан уларни сотишдан олинган даромадларнинг ошиши деб ҳисоблайди.

Н.Н.Селезнова, А.Ф.Ионоваларнинг (2007) фикрича фойда – қўшилган капиталга нисбатан соғ даромаднинг пул шаклидаги кўриниши деб ҳисоблаган.

Н.Х.Хайдаровнинг (2007) фикрига кўра фойда – бу тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг сўнгги молиявий натижаси бўлиши билан

бирга, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаларидан бири ҳисобланади.

С.С.Алиеванинг (2011) фикрига кўра фойдани тадбиркорлик фаолияти хизматлари учун тўлов, маҳсулотларнинг инновацион турларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш, шунингдек иқтисодий риск учун мукофот деб ҳисоблади.

Фойда солиғини илмий ўрганишда асосий масалалардан бири унинг солиқса тортиш базасини тўғри аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Фойда солиғининг суммасини ҳисоблашда кўп кўрсаткичларни ўрганишни талаб этади. Бу кўрсаткичлар ва уларнинг ҳар тамонлама бир бири билан боғлиқлиги фойда солиғи суммасига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидаги кўрсаткичлар таъсир кўрсатади, яъни маҳсулотни сотишдан соф тушум, сотилган маҳсулотнинг таннахси, даромадлар, харажатлар, молиявий фаолиятнинг даромадлар ва харажатлари, фавқулодда олинган фойда ва зарар, фойда солиғининг ҳисобот давридаги ставкаси ва бошقا омиллар.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда фойда солиғи механизми методологиясини иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда фойда солиғи таҳлили умумлаштирилди.

Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуслардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Фойда – товарлар ва хизматларни сотишдан олинган даромад бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан ортган қисмининг пул шаклдаги ифодасидир. Фойданинг бир қисми солиқлар орқали бевосита давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланади.

Фойда солиғи – жами даромаддан, даромадни олиш билан боғлиқ харажатларни, яъни исботланган ва ҳужжат билан тасдиқланган харажатларни шунингдек, Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ тўловчи томонидан юзага келтирилган зарарни чиқариб ташлаш билан ҳисобланган солиқ тушунилади.

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида фойда солиғи жорий қилинган. Хусусан, ҳозирги вақтда дунёнинг 218 та мамлакатида фойда солиғи ундирилади. Фойда солиғи ставкаси ушбу мамлакатларнинг 44 тасида 0-10 фоизгача, 50 тасида 10-20 фоизгача, 111 тасида 20-30 фоизгача, 26 тасида 30-40 фоизгача, 2 тасида 45-55 фоизгача этиб белгиланган. Фойда солиғи тушуми дунё ЯИМда 26,3 фоизини, солиқли даромадларнинг 33,0 фоизини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, “фойда солиғи дунё мамлакатлари бўйича бюджет даромадлари шакллантирадиган асосий солиқлар туридан бири бўлиб, мамлакатнинг иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади” (E.Asen, 2019).

Солиқ юки ва фойда солиғи ставкасини пасайтириш ҳисобига Ўзбекистон Республикасида солиқ базаси кенгаймоқда ҳамда фойда солиғи тўловчилари сони ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда охирги бешда фойда солиғи тўловчилар сони таҳлили қиласиган бўлсак, 2018 йилда 7 559 та, 2019 йилда 53 051 та, 2020 йилда 115 572 та, 2021 йилда 145 434 та ҳамда 2022 йилда 184 142 та корхоналар фойда солиғи тўловчи бўлиб ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасида фойда солиғини тўловчилар сони 2018 йилга нисбатан 2022 йида 24,4 баробарга ошган, бунга асосий сабаб Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳридаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ижроси деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасида фойда солигининг ставкаси йиллар кесимида қарайдиган бўлсак 1997 йилда 36,0 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда 31,0 фоиз, 2005 йилда 15,0 фоиз, 2010 йилда 9,0 фоиз, 2015 ва ундан кейинги йилларда 7,5 фоиз бўлган бўлса, 2019 йил 1 январдан бошлаб фойда солиги ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. 2020 - 2023 йилларда бу қўрсаткич 15,0 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида фойда солиги бўйича тушум йилдан йилга ошиб бормоқда (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Фойда солиги тушуми ва унинг улуши таҳлили<sup>1</sup>, млрд.сўм

| №  | Кўрсаткичлар  | 2018 й       | 2019 й        | 2020 й        | 2021 й        | 2022 й        |
|----|---|--------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| 1. | <b>ЯИМ миқдори</b>  | 424<br>728,7 | 529<br>391,4  | 602<br>193,0  | 734 588<br>,0 | 888<br>342,0  |
| 2. | <b>Давлат бюджети даромадлари</b>                               | 79 099,0     | 112 165,<br>4 | 132 938,<br>0 | 164 799<br>,0 | 202 043,<br>0 |
| 3. | <b>Бевосита соликлар</b>  | 15 656,2     | 31 676,8      | 45 206,9      | 58 930,<br>0  | 64 447,0      |
| 4. | <b>Фойда солиги тушуми</b>                                      | 3 502,2      | 16 360,6      | 28 712,3      | 38 363,<br>0  | 37 650,0      |
| 5. | <b>Фойда солигининг ЯИМдаги улуши, %</b>                        | 0,8          | 3,1           | 4,8           | 5,2           | 4,2           |
| 6. | <b>Фойда солигининг Давлат бюджети даромадларидағи улуши, %</b> | 4,4          | 14,6          | 21,6          | 23,3          | 18,6          |
| 7. | <b>Фойда солигининг бевосита соликлар таркибидаги улуши, %</b>  | 22,4         | 51,6          | 63,5          | 65,1          | 58,4          |

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, 2018-2022 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ миқдори – 424 728,7 млрд.сўмдан 888 342,0 млрд. сўмга, Давлат бюджети даромадлари миқдори – 79 099,0 млрд. сўмдан 202 043,0 млрд.сўмга, бевосита соликлар миқдори – 15 656,2 млрд. сўмдан 64 447,0 млрд.сўмга, фойда солиги миқдори – 3 502,2 млрд. сўмдан 37 650,0 млрд.сўмга ошган. Мазкур даврда фойда солигининг ЯИМдаги улуши – 0,8 фоиздан 4,2 фоизга, Давлат бюджети даромадларидағи улуши – 4,4 фоиздан 18,6 фоизга, бевосита соликлар таркибидаги улуши – 22,4 фоиздан 58,4 фоизга ўсган.

Фойда солиги бўйича тушумлар 2022 йилда 37,6 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 713,0 млрд сўмга ёки 1,9 фоизга камайган.

<sup>1</sup>Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Олтин ва мис қазиб оловчи корхоналардан (НКМК ва ОКМК) ташқари бошқа солиқ тўловчилар ҳисобидан фойда солиғи тушумлари 2022 йилда 20,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 7,6 трлн сўмга ёки 60 фоизга ошган.

Хусусан, Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро солиқ инспекциясида рўйхатда турувчи солиқ тўловчилар (НКМК ва ОКМКсиз) томонидан фойда солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда 13,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 5,4 трлн сўмга ёки 64 фоизга ошган.

Худудий солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича тушумлар 2022 йилда 6,4 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 2,2 трлн сўмга ёки 52 фоизга ошган.

Иқтисодий фаолият турлари (иқтисодиёт тармоқлари) бўйича фойда солиғи солиқ тушумларининг таҳлилига кўра, тушумларнинг энг катта улуши (88 фоиз) иқтисодий фаолиятнинг 5 та турига тўғри келган.

2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича фойда солиғини давлат бюджетига тушумлари таҳлили (2-жадвал). 2022 йилда молиявий ва суғурта фаолиятида (1,7 баробарга), қурилиш соҳасида (1,6 баробарга), шунингдек ишлаб чиқариш ҳамда улгуржи ва чакана савдо соҳаларида (деярлик 1,4 баробарга) солиқ тушумларининг сезиларли ўсиши кузатилган.

#### **2-жадвал**

#### **2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича фойда солиғини давлат бюджетига тушумлари таҳлили<sup>2</sup> мияд сўм**

| №                               | Кўрсаткич лар                                 | 2020 йил        |         | 2021 йил        |         | 2022 йил        |         | Ўсиш, %      |              |
|---------------------------------|---|-----------------|---------|-----------------|---------|-----------------|---------|--------------|--------------|
|                                 |   | сумма           | улуш, % | сумма           | улуш, % | сумма           | улуш, % | 2022/2022 й. | 2022/2022 й. |
|                                 | <b>Жами</b>                                   | <b>28 712,2</b> |         | <b>38 363,3</b> |         | <b>37 649,9</b> |         | <b>130,8</b> |              |
| <i>шундан, тармоқлар бўйича</i> |   |                 |         |                 |         |                 |         |              |              |
| 1.                              | <b>Ишлаб чиқариш</b>                          | 2 851,5         | 9,9     | 4 380,8         | 11,4    | 6 485,1         | 17,2    | 227,4        | 148,0        |
| 2.                              | <b>Молиявий ва суғурта фаолияти</b>           | 1 884,0         | 6,5     | 2 546,5         | 6,6     | 4 410,6         | 11,7    | 234,1        | 173,2        |
| 3.                              | <b>Улгуржи ва чакана савдо</b>                | 1 399,5         | 4,9     | 2 016,7         | 5,2     | 2 911,0         | 7,7     | 208,0        | 144,3        |
| 4.                              | <b>Қурилиш</b>                                | 840,0           | 2,9     | 933,3           | 2,4     | 1 503,7         | 4,0     | 179,0        | 161,1        |
| 5.                              | <b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b> | 19 503,9        | 67,8    | 25 740,5        | 67,0    | 17 822,7        | 47,3    | 91,4         | 69,7         |

#### **Фойда солиғи бўйича тушумларни камайишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатди, жумладан:**

1) НКМК ва ОКМК учун фойда солиғининг юқори ставкаси 75 фоиздан 50 фоизгача пасайтирилиши ҳамда ушбу корхоналарнинг харажатлари ўсиши

<sup>2</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

натижасида мазкур солиқ тўловчилар томонидан 2021 йилга нисбатан фойда солиғи 8,3 трлн сўм миқдорида кам тўланган (бунда фойда солиғининг пасайтирилган ставкасининг фарқи дивиденд тарзида бюджетга ундирилган).

2) 2022 йилда амортизация ажратмалари нормалари ўртача 2 баробарга оширилган. Натижада, 2022 йил 9 ойлик солиқ ҳисоботларига кўра амортизация нормалари миқдорини кўпайиши сабабли фойда солиғи базасидан чегирилган 8,9 трлн сўм ҳисобидан деярлик 1,3 трлн сўм маблағлар хўжалик субъектлари ихтиёрида қолган.

3) Бир марталик инвестициявий чегирма миқдори 2 баробарга оширилди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар бир вақтнинг ўзида фойда солиғи бўйича солиқ базасини 1 264,0 млрд сўмга камайтирган ва деярлик 190 млрд сўм уларнинг ихтиёрида қолган.

4) Тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишини ва аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни фойда солиғини ҳисобига камайтириш имконияти яратилганлиги натижасида 2 854 та солиқ тўловчилар ихтиёрида фойда солиғи ҳисобидан 6,1 млрд сўм қолган.

5) Маҳсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига фойда солиғини тўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб озод этилиши жорий қилинган (3 - 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун – 3 йил муддатга; 5 – 15 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун.

6) 5 йил муддатга; 15 миллион АҚШ доллари ва ундан юқори миқдордаги инвестициялар учун – 10 йил муддатга). Натижада 55 та солиқ тўловчилар ихтиёрида 151,6 млрд сўм маблағлар қолган.

**Фойда солиғи бўйича тушумларни ўсишига бир қатор омиллар ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан:**

1) Фойда солиғи тўловчилар сони 2022 йилда 165,2 мингтани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 24,6 мингтага ёки 17,5 фоизга ошган.

2) 2022 йилда фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлайдиган солиқ тўловчилар сони 19 788 тани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 5 461 тага ёки 38,1фоизга ошган.

3) Тижорат банклари томонидан эҳтимолий йўқотишлар бўйича яратиладиган захира фондларини фойда солиғи базасидан чегириладиган миқдори 80 фоизгача пасайтирилди (2021 йилда яратилган захираларнинг 100 фоизии солиқ базасидан чегирилар эди). Натижада, 2022 йилда тижорат банклари томонидан тўланган фойда солиғи 2021 йилга нисбатан 1,2 трлн сўмга ёки 99фоизга ошган.

Бундан ташқари, фойда солиғи тушумларини ўсишига полиэтиллен ва мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаларини пасайтирилганлиги, суюлтирилган газ учун акциз солиғини бекор қилинганлиги, солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилганлиги, жумладан текширувдан олдинги таҳлил ва бошқа назорат тадбирлари натижаси ижобий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида амалдаги барча солиқ турлари бўйича солиқ ҳисботи шакллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сонли “Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 1 — 9-иловаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори Ўзбекистон Рес-публикаси Адлия вазирлиги томонидан

2023 йил 24 июда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами – 3221-5-сони билан кўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Қўйидаги З-жавалда “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2018-2022 йиллари учун 2-сонли шакли ва “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби” ҳисботи таҳлили келтирилган

### З-жадвал

#### “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020-2022 йиллар учун “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби” таҳлили<sup>3</sup>, (млн. сўмда)

| Кўрсаткичлар (Ўсиб борувчи тартибда тўлдирилади)  | Сатр коди | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил   | 2021 йил   | 2022 йил   |
|---|-----------|----------|----------|------------|------------|------------|
| Жами даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри – 131-сатри - 150-сатри)   | 010       | 127 717  | 481 368  | 15 484 217 | 14 695 724 | 17 097 632 |
| Чегириладиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри 3-устун - 4-устун)  | 020       | 476 287  | 300 611  | 12 164 600 | 10 757 394 | 17 899 369 |
| Солиқ солинадиган фойда (010-сатр - 020-сатр)   | 030       | -348 570 | 180 758  | 3 319 617  | 3 938 330  | -801 737   |
| Имтиёзлар - жами (Ҳисоб-китобнинг 4-иловаси 030-сатри)  | 040       | 0        | 3 615    | 833 224    | 726 796    | 0          |
| Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси (Ҳисоб-китобнинг 5-иловаси 030-сатри)   | 050       | 0        | 0        | 0          |            | 0          |
| Солиқ базаси (030-сатр – 040-сатр - 050-сатр), бироқ "0" дан кам эмас   | 060       |          | 177 143  | 2 486 393  | 3 211 535  | 0          |
| Фойда солигининг белгиланган ставкаси, фоизда   | 070       | 15       | 14       | 15         | 15         | 15         |
| Ногиронлиги бўлган шахслар мөҳнатидан фойдаланаётган юридик шахслар учун тузатилган солиқ ставкаси  | 071       | 14       | 12       | 15         | 15         | 15         |
| Фойда солиғи суммаси – жами (060-сатр x 070-сатр ёки 060-сатр x 071-сатр)   | 080       |          | 21 257   | 372 959    | 481 730    | 0          |
| Ушбу ҳисбот даврида ҳисобланган жами ойлик бўнак тўловлари  | 090       |          |          |            |            |            |
| Онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи маҳсус курилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммаси | 100       |          |          |            |            |            |
| Доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунiga қадар тўлов манбаида ушлаб колинган фойда солиғи суммаси   | 110       |          | 21 257   | 372 959    | 481 730    |            |
| Доимий муассасанинг ҳисботот давридаги соф фойдаси  | 120       |          |          |            |            |            |
| Доимий муассасанинг соф фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси  | 130       |          |          |            |            |            |
| Доимий муассасанинг соф фойдасидан олинадиган солиқ суммаси (120-сатр x 130-сатр)   | 140       |          |          |            |            | 0          |
| Фойда солигининг бюджетга тўланиши лозим бўлган жами суммаси (080-сатр – 100-сатр – 110-сатр + 140-сатр - Ҳисоб-китобнинг 8-иловаси 090-сатри + Ҳисоб-китобнинг 9-иловаси 060-сатри)                        | 150       |          |          |            |            | 0          |

З-жадвалда Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2018-2022 йиллари учун 2-сонли шакли ва “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби” ҳисботи таҳлили келтирилган.

<sup>3</sup> “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Жадвалга қарайдиган бўлсак Акциядорлик жамиятининг 2018 йилда жами даромадлари 127 717 млн, сўмни ташкил этган бўлиб чегириладиган харажатлари эса 476 287 млн, сўмни ташкил этиб, 2018 йилда солиқ солинадиган фойдаси - 348 570 млн, сўмни ташкил этган.

2019 йилда корхонанинг жами даромади 481 368 млн, сўмни ташкил этган бўлса унинг чегириладиган харажатлари, 300 611 млн, сўмни ташкил этган бўлиб солиқ солинадиган фойдаси 180 758 млн сўмни ташкил этган. Фойда солиқдан имтиёзлари 3 615 млн сўмни ташкил этган бўлиб, фойда солиғи базаси эса 177 143 млн сўм ташкил этган, „Ўзбекнефтгаз” АЖ корхонасига 2019 йилда 21 257 млн сўмлик фойда солиғи ҳисобланган.

2020 йилда акциядорлик жамиятини жами даромадлари 15 484 217 млн, сўмни ташкил этган бўлса унинг чегириладиган харажатлари 12 164 600 млн, сўмни ташкил этган. Солиқ солинадиган фойдаси эса 3 319 617 млн, сўмни ташкил этган бўлиб фойда солиғига 833 224 млн, сўмлик имтиёзлар қўллаган бўлиб, фойда солиқ базаси 2 486 393 млн сўмни ташкил этган. 2020 йилда „Ўзбекнефтгаз” АЖни корхонаси 372 959 млн, сўмлик фойда солиғи ҳисобланган. 2021 йилда „Ўзбекнефтгаз” АЖни корхонасининг жами даромадлари 14 695 724 млн, сўмни ташкил этган бўлса унинг чегириладиган харажатлари 10 757 394 млн, сўмни ташкил этган. Солиқ солинадиган фойдаси эса 3 938 330 млн, сўмни ташкил этган бўлиб фойда солиғига 726 796 млн, сўмлик имтиёзлар қўллаган бўлиб, фойда солиқ базаси 3 211 535 млн сўмни ташкил этган. 2021 йилда „Ўзбекнефтгаз” АЖни корхонасига 481 730 млн, сўмлик фойда солиғи ҳисобланган.

Акциядорлик жамиятининг жами даромадлари 2022 йилда 17 097 632 млн, сўмни ташкил этган бўлиб чегириладиган харажатлари эса 17 899 369 млн, сўмни ташкил этган бўлиб унинг чегириладиган харажатлари ҳисобига 2022 йилда солиқ солинадиган фойдаси -801 737 млн, сўмга кайтирилган.

Чегириладиган харажатлар бизга маълумки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низоми 54-қарор билан тартибга солиб борилади.

Ушбу низомга асосан „Ўзбекнефтгаз” АЖ корхонаси 2018-2022 йилларда асосан олиниши лозим бўлган (олинган) дивиденклардан ҳамда олиниши лозим бўлган (олинган) фоизларда катта миқдорда харажатлар чегирилган.

## 5. Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда фойда солиғи таҳлили қилиш ҳамда солиқ ҳисботларни тўлиқ ва тўғри расмийлаштириш жуда муҳимдир.

1. Солиқ даври давомида жами даромади бир миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар, шу жумладан янги ташкил этилган юридик шахслар ва янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар жами даромади кўрсатилган миқдорга етган кундан эътиборан фойда солиғини тўлашга ўтишни белгилаш керак деб ҳисоблаймиз.

2. Фойда солиғи базасини тўғри аниқлаш мақсадида барча харажатлар хужжатлар билан тасдиқланиши шартдир.

3. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига асосий ишлаб чиқариш воситаларининг, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) бўйича олинган, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси, Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар

(Гудвилл ( фирманинг нархи)дан ташқари), бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси. Фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар (Гудвилл ( фирманинг нархи)дан ташқари) бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланиш керак.

4.Фойда солиги базасини тўғри аниқлаш мақсадида асосий восита ва номоддий активларнинг ҳаракати ҳамда амортизация харажатларини кўчмас мулк гурухлари бўйича ҳисботда кўрсатишни жорий этиш лозим.

**Адабиётлар:**

Asen, E. (2019). Corporate Tax Rates around the World, 2019. taxfoundation.org, December 10, 2019.

Hicks J.R. (1931) The theory of uncertainty and profit //Economica.- №. 32. – С. 170-189.

Алиева С.С. (2011) Совершенствование формирования и распределения прибыли предприятий в условиях модернизации экономики. Автореф.дисс. на соиск. ученой степени к.э.н. – Т.: БФА. – с. 9-10.

Лабынцев Н.Т., Цепилова Е.С. (2013) Исследование взаимосвязи бухгалтерского (финансового) и налогового учёта прибыли в России и за рубежом. //Проблемы экономики. №3. – с. 8.

Покропивный С.В. (2017) Экономика предприятия: Учебник. - Київ: КНЕУ, 608 с.

Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. (2016) Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М. – 244 с.

Селезнева Н.Н., Ионова А.Ф. (2007) Финансовый анализ. Управление финансами. Учеб. пособие для вузов – 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, – с.159

Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон. <https://lex.uz/docs/3802378>

Ҳайдаров Н. (2007) Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Akademiya, 54 б.



#### САМАРАДОРЛИК АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Яриев Ш.Ш.

Тошкент молия институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада молиявий назоратнинг замонавий турларидан бўлган самарадорлик аудитини ташкил этиш масалалари ёритилган. Шунингдек иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида самарадорлик аудитининг назарий масалалари, унинг амалиёти, методи ва аудиторлик жараёнида бўладиган ўзгаришлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** аудит, аудиторлик фаолияти, рақамли аудит, самарадорлик аудити, аудиторлик хизмати.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы организации аудита эффективности, одного из современных видов финансового контроля. Также освещены теоретические вопросы аудита эффективности, его практика, метод и изменения в процессе аудита в условиях цифровизации экономики.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторская деятельность, цифровой аудит, аудит эффективности, аудиторские услуги.

**Abstract.** This article covers issues of organizing efficiency audits, one of the modern types of financial control. Also, the theoretical issues of efficiency audit, its practice, method and changes in the audit process in the context of digitalization of the economy are covered.

**Keywords:** audit, audit activity, digital audit, efficiency audit, audit service.

#### 1. Кириш.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида молиявий назоратининг шакллари ва турлари ҳам такомиллашиб боради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300 сон ва 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон фармонларида ҳисоб палатаси томонидан, самарадорлик аудитини амалиётга жорий этиш кўзда тутилган. Самарадорлик аудити рақамли молиявий назорат шароитида янада долзарб бўлиб қолаверади. Натижага йўналтирилган бюджет шароитида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва натижавийлигини аниқлашда самарадорлик аудитининг аҳамияти янада ошади. Самарадорлик аудитининг мақсади давлат маблағлари ва ресурсларининг тежамкорлигини, самарадорлигини ва натижадордигини аниқлашдан иборат.

#### 2. Адабиётлар шарҳи.

Адабиётларда рақамли иқтисодиёт шароити самарадорлик аудитининг

моҳияти ва уни ташкил этиш борасида турли фикрлар мавжуд.

В.А.Якимованинг (2020) қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “ҳозирги шароитда аудитда парадигматик ўзгаришлар рўй бериб, унинг шакли анъанавийдан интеллектуал аудитга айланмоқда, унинг методологияси ҳам технологияларга асосланмоқда”.

Халқаро миқиёсда биринчи марта самарадорлик аудити 1977 йилда Олий назорат органлари халқаро ташкилотининг IX Конгрессида (1977) кабул килинган Лима декларациясида уз аксини топди. Лима декларациясининг 4-моддаси 2-бандида давлат аудитининг уч тури: молиявий аудит, мувофиқлик аудити ва самарадорлик аудити ўз аксини топган.

Самарадорлик аудитига “Самарадорлик аудити стандарти” Стандарт ISSAI 3000 да (1977) қуйидагича таъриф берилган: “Самарадорлик аудити-бу мустақил, ҳукумат ташаббусларини, тизимлар, жараёнлар, дастурлар, фаолиятлар ёки ташкилотлар фаолиятини тежамкорлик, самарадорлик ва/ёки натижадорлик тамойилларига мувофиқ холис ва ишончли текширишдир”.

Халқаро амалиётда самарадорлик аудитини ташкил этиш ва ўтказища “Самарадорлик аудити стандарти” стандарт ISSAI 3000 га асосланади. Мамлакатлар “Самарадорлик аудити стандарти” стандарт ISSAI 3000 га асосан ўзларининг стандартларини ишлаб чиқишиди ва шу меъёрий ҳужжатга асосланган ҳолда аудитни ўтказади. Масалан, Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йил феврал ойида СГА 104 “Аудит эффективности” стандарти (2021) қабул қилинди ва амалиётда фойдаланилмоқда. Ушбу стандартда самарадорлик аудити қуйидаги мазмунда эътироф этилган: Самарадорлик аудити ташқи давлат аудитининг (назоратининг) бир тури бўлиб, режалаштирилган мақсадларга эришиш учун аудит (назорат) обьектлари томонидан олинган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун ишлатилади.

З.А.Чернядеванинг (2019) берган таърифини алоҳида қайд этиш керак: Самарадорлик аудити - бу давлат корхоналари, дастурлари ёки ташкилотлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини, ресурслардан тежамкор фойдаланишини мустақил текшириш бўлиб, унинг мақсади текширилаётган обьектлар фаолиятини такомиллаштиришдан иборат.

М.П.Афанасьевнинг (2017) такидлашича, “Самаралилик аудити давлат молиявий назорати тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи бўлиб, бюджет маблағларини сарфлаш ва давлат мулкини бошқариш жараёнининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мақсадида давлат ташқи назорати органлари томонидан амалга ошириладиган мустақил аудитдир”.

М.Ю.Нестерованинг (2022) ёзишича, “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” шароитида иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, самарадорлик аудитини амалиётда қўллашdir.

Б. Мирзоевнинг (2022) такидлашича, Самарадорлик аудити молиявий назоратнинг тўлақонли йўналиши сифатида Фарбий Евropa ва Шимолий Америка мамлакатларида олиб борилаётган давлат бошқаруви ислоҳотлари даврида, асосан, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш ва самарали бошқарув тизимини ислоҳ этиш жараёнида шакллана бошлади. Самарадорлик аудити пайдо булишининг асосий сабабларидан бири давлатларнинг натижадорликка йўналтирилган бюджет тамойилларини қўллашга ўтиши булган, деган фикр мавжуд.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики самарадорлик аудитининг моҳияти шундан иборатки, давлат маблағлари сарфланишининг натижадорлигини аниқлашdir.

### 3. Тадқиқот методологияси.

Молиявий назоратининг янги тури бўлган самарадорлик аудитини назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишда таҳлилнинг таққослаш ҳамда гуруҳлаш ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Самарадорлик аудитини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар ўрганилди. Самарадорлик аудитини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича тегишли хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

### 4. Таҳлил ва натижалар.

Аудит, шу жумладан самарадорлик аудити маълум бир принципларга таянган ҳолда амалга оширилади. Аудиторлик фаолияти (2021) соҳасидаги асосий принциплар мустақиллик, холислик ва ҳалолликдан, касбий билимга эгалик ҳамда ахборотнинг махфийлигидан иборатдир. Самарадорлик аудитининг ҳам ўзига хос принциплари мавжуд.

Ж.Гулматовнинг (2022) ёзишича, Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ) томонидан қабул қилинган стандартга асосан самарадорлик аудити ўз ичига қуидаги принципларни олади:

- тежамкорлик аудити – маъмурий фаолияти дастурининг асосли маъмурий тамойиллар ва амалиётларга мувофиқлигини таъминлаш;
- самарадорлиги аудити – инсон, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш, шу жумладан, ахборот тизимлари, самарадорликни ўлчаш ва мониторинг қилиш кўрсаткичлари тизимлари, шунингдек, аниқланган номувофиқликлар ва камчиликларни бартараф этиш тартиб-қоидаларини текшириш;
- натижадорлик аудити – текширилаётган дастур томонидан белгиланган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан фаолият, шунингдек, таъсир аудити, яъни маълум бир дастур ёки сиёсатнинг ҳақиқий таъсирини режалаштирилган билан солиштириш.

Самарадорлик аудитининг асосий принципларини 1-расмда келтирдик.



1-расм. Самарадорлик аудитининг асосий принциплари<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>

Самарадорлик аудитининг ривожланиш эволюцияси ва хориж тажрибасини ўрганиш натижасида маълум бир хулоса қилишимиз мумкин.

Самарадорлик аудитини ташкил этиш борасида хориж тажрибасини кўриб чиқамиз. Бу борада АҚШнинг тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Америка Кўшма Штатларининг давлат молиявий назорати тизимида самарадорлик аудити элементлари XX аср бошларида меъёрий-хукукий хужжатларида мавжуд бўла бошлаган.. АҚШ Ҳисоб палатаси АҚШнинг 1921 йилдаги "Давлат бюджети ва ҳисботи" тўғрисидаги қонуни билан ташкил этилган. Ушбу қонуннинг 312-моддасига асосан, АҚШ Ҳисоб палатаси (The.S. General Accountability Office), давлат маблагларини жамғариш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлик жараёнларни текшириш ваколатидан ташқари давлат харажатларининг тежамкорлигини ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни шакллантириш ваколатига ҳам эга эди.

Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ИССАИ)да самарадорлик аудити "performance audit" (самарадорлик аудити) термин билан ифодаланади. Бироқ, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва самарадорлик аудити стандартларида "performance audit" ёки "value-for-money audit" (пул қиймати аудити) бу икки терминнинг бири қўлланинади. Австралия, Бразилия, Дания, Канада, АҚШ ва Швецияда самарадорлик аудити "performance audit" термини билан аталса, Бангладеш, Буюк Британия, Ирландия, Кения, Уганда мамлакатларида "value-for-money audit" билан аталади.

Самарадорлик аудити пайдо булишининг асосий сабабларидан бири давлатларнинг натижадорликка йўналтирилган бюджет тамойилларини амалиётда қўлланишидир. Бу борада мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони, 46-мақсадида "Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш" белгиланган<sup>2</sup>. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та самарадорлик кўрсаткичларидан бири 2030 йилгача "Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш" амалиётига тўлиқ ўтиш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бу ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги "натижага йўналтирилган бюджет" (Дастурий бюджетлаштириш) тизимини жорий этиш ҳисобланиб, мазкур мақсад бўйича қуйидагилар амалга оширилди. Ҳар бир давлатнинг миллий стратегиясида (5-10 йиллик) белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағларнинг узвий боғлиқлиги Дастурий бюджетлаштириш тизими орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги "Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6300 сон фармонида Ҳисоб палатасига қуйидагиларни амалга ошириш топширилди: 2022 йил 1 январга қадар Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ИССАИ) асосида ташқи аудит тадбирларини режалаштириш ва ўтказишни ташкил этиш, улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўтказиш, шунингдек давлат молиявий назоратида хавф-таҳлилни амалга ошириш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Шу мақсадда 2021 йил 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ)нинг таркибига тўлақонли аъзо сифатида қўшилган эди. "Аъзоликка қабул қилинган даврдан ҳозирги кунга қадар

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони.

Ҳисоб палатаси хорижий олий аудит органлари иштирокида 20 га яқин халқаро онлайн анжуман, ўқув семинар ва тренингларда иштирок этди. Ушбу тадбирлардан олинган билим ва малакалар Ўзбекистоннинг давлат молиявий назорат тизимини нуфузли халқаро стандартларга мослаштириш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (АСОСАИ) Бошқарув кенгашининг 58-учрашувида ушбу ташкилот таркибига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. Юқоридагилар мамлакатимизда самарадорлик аудитини ташкил этиш ва ривожланишида янги босқич бўлади.

Молиявий назоратнинг натижавийлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сон қарори билан “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ” тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарори 14-бандида вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш орқали уларга ажратилган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқилган.

Республикамизда 2022 йилда ўтказилган молиявий назорат натижадорлиги кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилди.

#### 1-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда бюджет ташкилотларида ўтказилган молиявий назорат натижалари самарадорлиги<sup>3</sup> (млн. сўм)

| №  | Вазирликлар номи                     | Назорат тадбiri ўтказилган обьектлар сони | Қўшимча ҳисобланниб тикланган ва иқтисод қилинган маблағлар |         | Шу жумладан:                  |                    | Хукуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган назорат тадбирлари материаллари | Тикланган маблағ |        |
|----|--------------------------------------|---|---|---------|-------------------------------|--------------------|--|------------------|--------|
|    |                                      |   | Сони  | Суммаси | Давлат бюджетига (жамғармага) | Ташкилот фойдасига |  |                  |        |
| 1. | Халқ таълими вазирлиги               | 806                                       | 21  | 2 335   | 899                           | 1 436              | 628  | 194,1            | 95 992 |
| 2. | Мактабгача таълим                    | 738                                       | 48  | 1 798   | 769                           | 1 028              | 603  | 1 225,1          | 75 281 |
| 3. | Соғлиқни сақлаш вазирлиги            | 1 018                                     | 30  | 6 760   | 1 216                         | 5 545              | 783  | 646,7            | 101525 |
| 4. | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги | 158                                       | 7   | 2 438   | 547                           | 1 891              | 124  | 1 510,0          | 33 201 |
| 5. | Маданият вазирлиги                   | 168                                       | 6   | 7 593   | 15                            | 7 578              | 105  | 1 209,7          | 23 760 |
| 6. | Сув хўжалиги вазирлиги               | 190                                       | 3   | 829     | 668                           | 160                | 162  | 8,4              | 27 698 |
| 7. | Ягона буюртмачи хизмати              | 388                                       | 6   | 2 990   | 2 921                         | 70                 | 345  | 210,9            | 115248 |
| 8. | Автомобиль йўллари қўмитаси          | 184                                       | 7   | 255     | 240                           | 15                 | 180  | 1 572,5          | 87 948 |

<sup>3</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги давлат молиявий назорати инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

|     |  |               |              |                |                |                |               |                |               |
|-----|--|---------------|--------------|----------------|----------------|----------------|---------------|----------------|---------------|
| 9.  | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги       | 206           |              |                | 0              | 0              | 198           |                | 34 584        |
| 10. | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат | 202           | 2            | 34             | 23             | 11             | 136           | 80,2           | 16 936        |
| 11. | Бандлик ва меҳнат муносабатлари                  | 267           | 6            | 243            | 241            | 1              | 208           | 12,2           | 12 217        |
| 12. | Хокимиятлар                                      | 806           | 3            | 21 556         | 21 458         | 97             | 119           | 4 555,7        | 17 096        |
| 13. | <b>Жами:</b>                                     | <b>4325,0</b> | <b>139,0</b> | <b>46970,0</b> | <b>28998,0</b> | <b>17833,0</b> | <b>3591,0</b> | <b>11225,5</b> | <b>641486</b> |

Жадвалдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилда 4325 назорат тадбирлари ўtkazilgan бўлиб, молиявий назорат натижасида 46970,0 млн. сўм маблағ тикланган ва иқтисод қилинган. Ушбу сумманинг 28998,0 млн. сўми давлат бюджети ва 17833,0 млн. сўми эса бюджет ташкилотлари фойдасига ўtkazilgan. Энг кўп қонунбузарликлар Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларида кузатилган. Текшириш натижаларининг 3591 ҳолатдаги 11225,5 млн. сўми хукуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган.

## 5. Хулоса ва таклифлар.

Самарадорлик аудитини кенг қўллаш асосида молиявий назорат натижадорлигини ошириш. Самарадорлик аудитини амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўрганишлар асосида самарадорлик аудитига қўйидаги таъриф берилди: Самарадорлик аудити назорат обьектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишининг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек давлат ва худудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” ЎРҚ-677-сон қонуни ва Бюджет кодексларига самарадорлик аудити тушунчасини киритишни таклиф қиласиз.

### Адабиётлар:

INTOSAI (International Organization of Supreme Audit Institutions). 1977. ISSAI 1: The Lima Declaration of Guidelines on Auditing Precepts. Adopted by acclamation of the delegates, October 1977, IX INCOSAI, Lima, Peru.

Афанасьев М.П., Кривогов И.В. Модернизация государственных финансов. М.: ИД ГУ ВШЭ, 2017.

Гулматов Ж. Р.Самарадорлик аудитининг назарий масалалари ва уни ривожлантириш истиқболлари. Iqtisodiyot va ta'lim. 2022-yil 5-son.

Мирзоев Б. Давлат молиявий назорати тизимида самарадорлик аудити: амалиётга жорий этилишининг муҳимлиги ва истиқболлари. ЖУРНАЛ. Scientific progress. 2022 №3.

Нестерова М.Ю. Современные проблемы аудита эффективности и пути их решения. ЖУРНАЛ. Вестник магистратуры. 2022. Тюменский индустриальный

университет, Россия. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoye-problemy-audita-effektivnosti-i-puti-ih-resheniya>.

НИЗОМ (2023) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сон қарори билан “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.

Стандарт ISSAI 3000. «Стандарт аудита эффективности». 2019.

Стандарт внешнего государственного аудита (контроля) СГА 104 "Аудит эффективности" (утв. постановлением Коллегии Счетной палаты РФ от 9 февраля 2021 г. N 2ПК).

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон.

Фармон (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300 сон.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон фармони.

Якимова В.А. Методические основы аудиторской проверки в условиях значимых комплаенс-рисков аудируемого лица // Международный бухгалтерский учет. - 2020. - Т. 20, № 17. - С.

Чернядева З. А. Правовое регулирование аудита эффективности бюджетных расходов: зарубежный опыт и практика применения в Российской Федерации: диссертация кандидата юридических наук: 12.00.04. 2019.- 265 с.



# СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

---

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ  
ОММАБОП ЖУРНАЛ